

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ



6



ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг энг подир дурдоналаридан иборат ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 январдаги “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 7-банди ҳамда 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарори билан тасдиқланган “2010 – 2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури”нинг 10-банди ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бажарилаётган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жылдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” номли фундаментал илмий лойиҳа асосида тайёрланди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

100 жилдлик



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Олтинчи жилд

ЭРАЛИ БИЛАН ШЕРАЛИ

Достон

*Ислом шоир Назар ўгли
варианти*



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2015

УЎК 398.22+82-131

КБК 82.3(5Ў)

Э 73

Таҳрир ҳайъати:

Баҳром Абдуҳалимов, Маматкул Жўраев (хайъат раиси), Омонулло Юнусов,
Тўра Мирзаев, Низомиддин Махмудов, Лазиз Тангриев, Муҳаммад Али,
Илҳом Зойиров, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонкулов.

Айтувчи: **Ислом шоир Назар ўғли**

Ўзиб олувчи: **Г.М.Минсафин**

Нашрга тайёрловчилар: **Т.Мирзаев ва Б.Мирзаева**


Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,
филология фанлари доктори, проф. **Маматкул ЖўРАЕВ**

Тақризчилар:

филология фанлари номзоди, доц. **Камол Очилов,**
филология фанлари номзоди, доц. **Абдумурод Тилавов**

Эрали билан Шерали [Матн] Ж.6 : дoston / Ислом шоир Назар ўғли варианты. –
Тошкент: Гафур Гулом, 2015. - 404 б. - (Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари)



УЎК 398.22+82-131
КБК 82.3(5Ў)

ISBN 978-9943-03-699-4

© Алишер Навоий номидаги Тил
ва адабиёт институти

© Гафур Гулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи, 2015

АКА-УКА ЭГИЗАКЛАР ЖАСОРАТИНИ КУЙЛОВЧИ ДОСТОН

Ўзбек халқ достончиларининг эпик репертуари ғоятда серқатлам ва кўп мавзули улкан бир ижоддир. Унинг намуналари мавзулар доираси, ғоявий-бадий ва жанрий хусусиятлари жихатидан бир-биридан жиддий равишда фарқ қилувчи юзлаб достонлар ҳамда алоҳида-алоҳида туркумларни ташкил этади. Бундай ижоднинг каттагина қисми бефарзанд ҳукмдорнинг оху-зорларидан кейин туғилган чақалокларнинг бешикка солинмасданок алмаштирилиши ёки ўғай оналарнинг ғаразли хатти-ҳаракатлари билан эгизакларнинг чўлу биёбонларга улоктирилиши ёхуд тухматга учраган ака-укаларнинг ўлимга ҳукм этилиши ҳамда уларнинг кейинги тақдири ва саргузаштлари тасвирига бағишланган. “Орзигул”, “Қиронхон”, “Соҳибқирон”, “Ойпарча”, “Чорёр”, “Одилхон”, “Дурапшо”, “Ширин билан Шакар” кабилар шундай достонлардандир. Булар орасида “Эрали билан Шерали” достони алоҳида ўрин тутади.

Атоқли халқ шоири Ислон Назар ўғлидан ёзиб олинган бу достонни кейинги йилларгача янглиш равишда “Ширин билан Шакар” достонининг бир варианты ёки версияси ҳисоблаб келинарди. Биз ҳам дастлабки мақолаларимиздан бирида ушбу достонни “Ширин билан Шакар”нинг варианты эмас, балки унинг бир версиясидир, деган янглиш мулоҳазани илгари сурган эдик¹. Аммо уларнинг сюжет таркиби ва бадий-услубий хусусиятларини жиддий таҳлил қилиш қачонлардир тарихий-хаётий ва генетик асослари бир бўлган бу асарлар кейинги тараққиёти ва жонли оғзаки ижро жараёнларида мустақил достонлар даражасига кўтарилганлигини тасдиқлайди. Ҳар икки достон орасидаги бир-бирига яқинлик ва ўхшашлик ўғай она тухмати билан оталари – хон томонидан ўлимга ҳукм қилинган эгизак ёки эмикдош (ширхўра) ака-укаларнинг узок муддатли айрилиқ ва дарбадарликдан кейин ўз юртларига қайтиб келиши ҳамда тухматчининг жазоланишидан иборат умумий сюжет йўналишида кўзга ташланади, холос. Бундай умумий тарздаги ўхшашлик уларни бир-бирининг варианты ёки версияси эканлигини кўрсатмайди, чунки ҳар икки достон орасида асосий мотивларда жиддий фарқлар мавжуд. Бундай фарқлар ўзбек бахшиларининг ўта ижодкорлигини,

¹ Каранг: Мирзаев Т. “Эрали ва Шерали” достони ҳақида // Эрали ва Шерали. – Тошкент: Фан, 1967. – 194 196-бетлар.



дунё халкларида кенг тарқалган умумий сюжет доирасида янги-янги дostonлар ярата олишдек ижодий имкониятларини тўла тасдиқлайди. Бу дostonларнинг ҳар иккаласи ўзларига хос икки хил бадиий олам. Сиртдан қараганда ҳам ушбу дostonлар сюжет чизикларининг асосий халклари тасвирида ўхшашлик топиш кийин. Жумладан, “Ширин билан Шакар” дostonи сюжетининг асосини ташкил этган, халқимиз ҳаёлининг юксак парвози бўлган тилсимли тоғ, унда макон тутган Гулгун пари, Гулгун пари амри билан бир кечада ҳашаматли саройлар, мухташам қасрлар, мустаҳкам қалъалар барпо эта оладиган бунёдкор девлар, аждар билан кураш, Гулгун пари учун қанчадан-қанча қўшинини қурбон қилган ва, ниҳоят, Шакарбекдан енгилган золим Қорахон тасвирлари “Эрали билан Шерали” дostonида мавжуд эмас. Бунда ака-уканинг туғилиши, вояга етиши ҳамда етти йиллик саргузашти ўзгача йўсинда, “Ширин билан Шакар” дostonига ўхшамаган бир тарзда тасвир этилади. Дostonдаги бир қайдга кўра, бахшилар репертуарида “Ширин билан Шакар” дostonининг борлигидан Ислom шоирнинг ўзи ҳам хабардорлиги маълум бўлади. Буни жаллод Имарнинг Эрали билан Шералини ўлимга ҳайдаб кетаётганда, уларга айтган қуйидаги сўзларидан очиқ кўриш мумкин:

Азоб кўрган киши захматин чекар,
Сендай азоб кўрганди Ширин, Шакар,
Бизлармиз, англагин, отангга навкар,
Ҳар савдо отангдан, билгин, кокилдор.

Демак, бахши ўзи айтган дoston “Ширин билан Шакар”дан бошқача, алоҳида бир асар бўлганлиги учун ҳам уни “Эрали ва Шерали”, деб номлайди. Модомики, бахшиларнинг ўзлари уларни алоҳида-алоҳида дostonлар ҳисоблар экан, биз ҳам бу ҳар икки асарни ўзбек халқи дostonчилиқ ижодидаги мустиқил дostonлар сифатида ўрганишимиз зарурдир. Дostonларнинг сюжет қурилиши, ғоявий-бадиий ва услубий хусусиятлари бунга тўла асос беради. Демак, қачонлардир умумий генетик асосга эга бўлган сюжет ўзбек дostonчилиғининг кейинги тараккиётида бахшиларнинг улкан ижодкорлик фаолиятлари туфайли ғоявий-бадиий жиҳатдан бутунлай мустиқил дostonларга айланган.

“Эрали билан Шерали” дostonининг бошланишидаёқ Булғор подшоси Қорахоннинг фарзанд тилагида шoҳлик шаъну шавкатини ташлаб, бечораҳол киши сифатида Оппокхўжа пирга бориши, қайтишда ўтинфуруш Қамбар ва тўксон турли жанда кийган қаландарга дуч келиши, улардан ҳам фотиҳа олиб, шаҳрига қайтиши ҳамда катта хотини Гулимастура билан ўзарo муносабатлари гўзал бадиий лавҳаларда жуда қизиқарли бир йўсинда тасвирланганлиги сюжет воқелиги бошқача



йўналишда давом этишидан дарак беради. Одатда бошқа дostonларда оддийгина ахборот тарзида айтилиб кетиладиган бундай ўринлар “Эрали билан Шерали” дostonида кенг тасвир тусини олган, мол-дунёнинг ўткинчилиги, фарсандсизликдан хасрат-надомат, ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлиш каби халқона ғоялар хилма-хил эпизодларда бадий юксак бир даражада ифодаланган. Дostonнинг бошланишидаёқ кўзга ташланадиган бундай чиройли тасвирлар, сюжетнинг жуда қизикарли қурилганлиги, бир томондан, Ислом шоирнинг юксак бадихағўйлик санъатини намойиш этса, иккинчидан, ўқувчи ёки тингловчини оҳанрабодек ўз оғушига тортиб кетади.

Қадимда болаларга исм қўйиш муайян маросимлар билан нишонланган. Дostonнинг икки ўрнида шундай маросимларнинг тўзал тасвирлари мавжуд. Болалар туғилгач, Қорахон ўн бир кеча-кундуз тўй бериб, эгизаклардан бирини ўзи қўлига олиб, иккинчисини хотини Гулимастурага кўтартириб, халойикдан муносиб исм қўйишни сўрайди:

Бирисини бердим, хайло, гулима,
Бирисини ўзим олдим қўлима,
Бир маслаҳат сизлардай эл-қупима,
Биродарлар, от қўйинглар улима.

Шунда маракадаги халойиклар, мулла-олимлар айтган исмлар қабул қилинмайди. Ҳамма тўйга кириб келган тўқсон ямоқли тўн кийган қаландарнинг гапини маъқул қўради:

Ҳеч киши бўлмайди дунёда холи,
Холи топган кишилар элатга вали,
Эғали бўлибди подшонинг эли,
Кичигининг оти бўлсин Шерали.

Иккиси ҳам подшонинг жону дили,
Жаҳонда очилди таралган гули,
Номин мен қўярман, маъқул кўрсалар,
Каттасининг оти бўлсин Эрали.

Дostonда болаларга таълим-тарбия бериш мотиви ҳам бошқа дostonларга нисбатан жуда кенг ишланган. Шу муносабат билан асарга бўлғуси қахрамонларга таълим берувчи мулла Хайдар, уларнинг тарбиячиси Ҳамро боғбон, болаларга қурол-яроқ ясаб берган уста Одил, ака-уканинг мактабдош дўсти Умар образлари киритилган. Дostonнинг бундай ёрдамчи образлари тасвири, уларнинг ўзаро муносабатлари, монолог ва диалогларига бағишланган саҳифаларида мард бўлиш,

номардларга тиз чўкмаслик, мискинлар холини сўраш, катталарга ҳурмат, устозларга садоқатдан иборат ахлокий-дидактик ғоялар илгари сурилади:

Куч-қувватинг ғойибидан тилагин,
Ғарибларнинг манглайини силагин,
Сен улардан олтин дуо тилагин,
Дуо олтин бўлар, билгин, Эрали.

Ёки:


Қойил бўлмок керак зўрга,
Аканг билан бўлсанг бирга,
Дилингни тўлдириб нурга,
Айрилиб қолгувчи бўлма.

Ёхуд:

Каттанинг хоки дори,
Кўзимга суртсам керакдир.
Сиз мендан улуг ёшли,
Ҳурматинг тутсам керакдир.

Достонда тўққиз ёшида овга чиққан Эрали ва Шералиларнинг билмасдан ўғай оналари ғозларини отиши туфайли гуноҳкор этилиб, жазо тайинланиши ҳамда унинг ижроси билан боғлиқ эпизодлар тасвири жуда кенг берилганлиги ва жозибадорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бунда биринчи марта овга чиққан ёш йигитчаларнинг завқ-шавқлари, бу хурсандчиликнинг узокқа чўзилмаганлиги, уларнинг тушлари, ўлимга ҳайдалиб кетилаётганда тоғу тошларга мурожаати, дор остида ўзаро навбат талашишлари, ноҳақ гуноҳкор қилинган ака-укалар орқасидан эргашган онанинг оху зорлари, шох ва ўғай она, шох ва муллалар, чўпон Қўлмалойик ва ҳукмдор, шох ва Оппоқхўжа пир, Умар ва муштипар она, она ва дарвозабон, мулла Ҳайдар ва жаллодлар бошлиғи Иммар – қисқаси, турли табақа кишиларининг –, пир ва қаландарларнинг содир этилган воқеага муносабатлари тасвирлари орқали зулм ва зўравонлик, ёлғон ва тухмат қаттиқ қораланади, ҳақиқат ва адолатнинг тантанасига ишонч ғоялари баралла янграйди. Бахши тасвирнинг таъсирчанлиги ва бадий бўёқдорлигини ошириш мақсадида турли-туман шеърӣ вазиларни, ҳатто мумтоз адабиётимиз шеър шакллари хам моҳирлик билан қўллайди:

Бу камоли хам ўзига ярашарим урмагин,
Тўй меваси элу халққа хам пишарим урмагин,



Ҳақ умрини берса, юз яшарим урмагин,
Кийган тўни қадди бўйига ярашарим урмагин,
Иммаро, сен мудда кил, жону дилимни урмагин.

Достон сюжетининг кейинги халқалари – Эрали билан Шералининг жаллодлар томонидан чўлу биёбонда кўл-оёқларини боғлаб, ташлаб кетишлари, тақдир тақозаси билан ака-уканинг бир-биридан ажралиб кетиши, айрилиқдаги оху фиғонлар, Эралихоннинг Боғдод мамлакатига хон кўтарилиши, Шералихоннинг Заргархон номи билан машҳур бўлиши, унга Офтобойнинг ошиқлиги, етти йиллик айрилиқдан кейин ака-уканинг топилиши, уларнинг қаҳрамонлик жасоратлари ва ниҳоят, ўз юртларига қайтиб келишлари ҳамда тухматчиларнинг жазоланиши воқеалари китобхонни ҳайратлантирарли даражада жозибали ва чиройли тасвирларда берилади. Бахши достон қаҳрамонлари рухий ҳолатларини тўлароқ очиш учун туш кўриш, хушни йўқотиб қўйиш каби воситалар, турли-туман рамзлар, ишоралар, этнографик материаллар, эртақ мотивларидан мохирлик билан фойдаланган.

Масалан, достонда тасвирланишича, Шерали (Заргархон) Офтобойни кўриши билан хушидан кетиб, йикилиб қолади. Шунда Офтобой Шералининг қўйнига яримта нон, учта ошиқ, бир даста гул солиб кетади. Бу ҳолат достонда шундай изоҳланади:

Чин ошиқман, кадам қўйиб,
Кўчалардан келсин, депти.

Бизи билан беш кун даврон,
Маза қилиб сурсин, депти.

Нон солганининг маънисини –
Иссиқ нондай бўлсин, депти.

Ошиқ солганининг маънисини –
Ошиқлигим билсин, депти.

Гуллар солганининг маънисини –
Гулшанимга келсин депти.

Энди достоннинг наср қисмидан ҳам бир мисол келтирайлик. Шерали ва Офтобойнинг банди бўлганлиги хабари шундай ишоралар билан билдирилади: “Зирак сўроқлаб, Заргарнинг ховлисини топиб, қош қорайган чоғида томнинг устига бир тош тайлади. Том тўпиллаганидан Оқилой: – Эй, энажон, куёвингиз банди бўлибди-ку, -- деди. Бир тош

хавлининг ўртасига тушди. – Э, эна, куёвингиз қоровулларнинг қўлига тушиб, зиндонбар бекларнинг қўлига банди бўлиб кетди-ку, – деди. Ярим соатдан сўнг Зирак эшигини тош билан урди. – Энажон, куёвингиз такдаги зиндонга тушди, – деди”.

“Эрали билан Шерали” достонидаги яна бир характерли ўринни алоҳида таъкидлаш зарур. Бу Эралининг Юлдуз тоғида Ишкамсал мамлакати подшосининг пахлавони Гавир билан учрашуви ва икки полвоннинг ўзаро дўстлашуви эпизодидир. Эпосларда учраб турадиган алпларнинг ўзаро дўстлашуви мотиви бу дostonда ҳам ўзига хос йўсинда намоён бўлган. Яккама-якка курашда Эралидан йиқилган Гавир шундай дейди:

Гавир айтар, қувватингиз билинди,
Қўлинг теккан вақти бағрим тилинди,
Бизнинг билан дўст бўп, ўйнаб-кул энди,
Алпликни ўргатинг, чиксин саводим.

Демак, қахрамоннинг баҳодирлик салоҳияти, жисмоний куч-қудрат, яккама-якка олишувда полвонларнинг бир-бирларига тан беришлари “Эрали билан Шерали” достонида тасвирланган дўстликнинг асосидир. Гарчи бу тасвир “Алпомиш” достонидагидек, қахрамонга дўстлик ва қардошлик даражасига кўтарилмаган бўлса-да, мазкур дoston моҳияти ва ундаги образлар хатти-ҳаракатига тўла мосдир.

“Эрали билан Шерали” дostonи ҳажм эътибори билан ҳам, бадий-услубий хусусиятлари жихатидан қараганда ҳам Ислom шоир репертуарида, умуман, ўзбек дostonчилигида алоҳида ўрин тутати. Унда Ислom шоирнинг бадихағўйлик маҳорати тўла намоён бўлган. Шеърый банд тузилишида тўртлик шаклининг устуворлиги, тасвир оқимиға мос равишда ўрни-ўрни билан иккилик, учлик, бешлик, ҳатто Махтумқули асарлари ва Хоразм дostonчилигига хос шеърый шакллардан фойдаланиш, муайян вазн доирасида турокланишнинг хилма-хил кўринишлари, кофиялардаги турфаликлар, дostonнинг юксак даражаси шундан далолат беради.



Ислom шоир
Назар ўғли.

Ушбу кичик мақолани Чоржўй вилояти Хўжа-қалъа қишлоғида яшаб ўтган туркман шоир-бахшиси Отаниёзнинг Ислom шоирга берган баҳоси билан яқунлашни лозим кўрдик. Чунки бу баҳо айни пайтда Ислom шоир репертуаридан Хоразм-туркман дostonлари айрим намуналарининг ўрин олганлиги, унинг дoston ва термаларида Махтумқули шеърлари, насрий қисимида саъжланишнинг

Хоразм дostonларига хос хусусиятлар зухур этганлиги сабабларини оидинлаштиради. Аввало, “Эрали билан Шерали” дostonидан яна икки банд келтирайлик:


Бир тойфаси бўлсин олтин пўпакли,
Бир тойфаси бўлсин йигит гўчқоқли,
Бир тойфаси бўлсин кизил саллали,
Бир тойфаси бўлсин оғзи яллали,
Йигит гўчқоқлидан кирқ минг жўнасин.

Кирқ минги бўлсин отли, яроқли,
Қирағай найзали, тилла пўпакли,
Хам ботир бўлсин – шер бир юракли,
Шундайин отлидан кирқ минг жўнасин.

Бу парчаларни ўқигандаёқ, Хоразм ва туркман бахшилари репертуаридан кенг ўрин олган “Қирқ минглар” дostonи ёдга тушади. Айни пайтда унга синчиклаб қараганимизда, бу парча ўзига хос бадихада янгича жаранглаганига, хажман янада кенгайганлигига (“Қирқ минглар”да 10 банд, Ислom шоирда 18 банд) қаноат ҳосил қиламиз.

Энди Отаниёз шоирнинг Ислom Назар ўғлига берган баҳосига қайтайлик. Маълумки, Ислom шоир йигитлик даврларида она юрти – Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги қариндошлариникига тез-тез бориб туради ҳамда Бухоро атрофларида ҳам дostonлар куйлаб юради. Шундай сафарларнинг бирида туркман шоири Отаниёз билан танишиб қолади ва дўстлашади. Кейинчалик, 1951 йилда фольклоршунос Охунжон Собировга ўзининг таржимаи ҳолини ёздирётганда, ўша даврларни хотирлаб, шундай деган экан: “Отаниёз мени Қоракўлдан Чоржўйга бошлаб борди. Мен у билан бир ойча қилган саёхатларимда туркман халқининг тирикчилиги билан танишдим. Мен ундан Махтумқулининг бир неча шеърларини ўрганиб олдим...Туркманлар ўртасида ҳам ўзим билган дostonлардан айтдим. Отаниёз бир мажлисда – Чоржўйда катта бир ҳовуз ёнида дoston айтаётганимда ўтирганларга қараб шундай деди: “Агар шу ҳовузнинг суви сиёҳ бўлса, ботмон қоғоз бўлса, неча одам ёза берса, ҳовузнинг сиёҳи тамом бўлса бўладики, лекин Ислom шоирнинг кўнглидан чиққан қўшиғи тугамайди. Чунки Ислom шоир қайнаб турган булоқдай қайнаб-тошади.” Бундай юксак баҳо кимларгадир ўта муболағали қиёс, шунчаки айтилган гапдай туюлиши мумкин. Аммо атоқли халқ шоиридан ёзиб олинган тўққиз анъанавий, учта замонавий дostonлар, юзлаб терма ва шеърлари билан танишган, унинг барҳаётлигида нашр этилган “Қаҳрамоннома”, “Жангнома”, “Страна боевая” (1942), “Танланган асарлар”(1953) каби





тўпламларни ўқиб чиққан ҳар бир киши туркман шоири Отаниёзнинг сўзларида ҳақиқат борлигига ишонади, улкан ўзбек бахшисининг жўшқин бадихагўйлик санъатига берилган халқона баҳо эканлигига қаноат ҳосил қилади. Ака-ука эгизаклар тақдири ва жасорати куйланган “Эрали билан Шерали” достони ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

*Тўра МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби*



Айтувчи: **Ислом шоир Назар ўғли**
Ёзиб олувчи: **Г.М.Минсафин**
Нашрга тайёрловчилар: **Т.Мирзаев, Б.Мирзаева**



Булгор шахрида Қорахон деган подшо бор эди. У олтмиш тўрт ёшга кирган бўлса ҳам бефарзанд эди. Кунлардан бир кун ярим окшом уйкуси кочиб, кўлини манглайига этди, ўтириб фикрга кетди, дунёнинг бор гапи кўкайидан ўтди; олтмиш тўрт ёшга кирибди, хали ҳам йўқ фарзанди; у айтди: “Мен пано бўлгандан сўнгра ким эгалик килар экан бу давлатди, билимдон кишилар билан қилсам маслаҳатди ва ҳамма мискин, мухтож кишиларга инъом-эҳсон қилсам, балки уларнинг дуоси билан фарзанд кўрарман”.

Ҳамма доноларни, факир-фуқароларни чакириб, жамоат олдига қўйди шу маслаҳатди. Унинг ўнг томонида турадиган ўнг қўл вазирининг оти Қосим эрди. Ҳаммадан олдин Қосим сўз бошлади:


– Етти ёшида сулукдорлик амалига эга бўлган жаҳонга машхур Оппокхўжа деган шайх-валига боринг. У кишининг хоки мусалласларини кўзингизга суртинг. Ажаб эмас, Оллоҳнинг раҳми келса, фарзанд берар, чунки давлатнинг ҳам, фарзанднинг ҳам эрта-кечи бўлмас.

Бу фикрни халойиқ ҳаммаси маъқул кўрдилар. Подшога кирқ кун муҳлат бердилар. Қосимхонни ўз жойига нойиб қўйдилар. Халойиқ подшопинг Бўзқоракўз деган отини эгарлаб келтириб берди. Қорахон отнинг жиловини ушлаб, отига энди минаман, деб турганда, элнинг катта-кичиси подшога жавоб бериб, вазир Қосимхон бу сўзни айтиб турган экан:

Қойил бўлдим энди қилган феълингга,
Ўғил кўргин, қўлин солсин бўйинингга,
Сен пано бўлсанг, қолсин кейнингга.

Тасаддукман ҳар бир айтган сўзингга,
Нурлар пайдо бўлди кизил юзингга,
Сиздан сўнгра эга бўлсин изингга.

Олтин даста ярашади қўлингга,
Олтин қилич ярашади белингга,
Охир ўғлинг султон бўлсин элингга.



- 10 Бор сиғиниб, йиғлаб Оппок пирингга,
Ишончинг бор хукминг билан зўрингга,
Ўғлинг эга бўлсин ашё-молингга.

Ҳам шуники бўлсин туғу байдоғинг,
Юзин кўрсанг, чоғ бўлади думоғинг,
Ҳам ўлганда, ёниб турур чироғинг.

Дийдорини кўрса Қосим бобоси,
Олтин бўлсин бул Қосимнинг дуоси,
Ўлган кунинг шу мурдангинг эгаси.

- Катта-кичик дуо қилиб жўнатди,
20 Қосимхон ҳам шунда кўп дуо этди.

Алқисса, катта-кичикларнинг дуосини олиб, энг каттакон ёрининг кулбасига келди. Гулимастура билан энг яхши шоҳона пар ёстиқларнинг устига ўтириб, Гулимастура ёрига қараб, бир сўз айтиб турди:

Бир маслаҳат сендай нозли гулима,
Маслаҳат айладим халку элима.
Жўнар бўлдим шайху вали пирима,
Бош кўргапим, сен эна бўл улима.


Нозим, кулоқ солгин менинг сўзима,
Энди чин ишонгин айтган лафзима,
Сен эна бўл, обло берса, кўзима.

- Олтин ёкам ҳўлдир оккан ёшима,
Айтай сендай жуфтию йўлдошима,
30 Сен раҳбар бўл обло берган ёшима.

Муяссар айласа ани элима,
Айтдим сендай тўнғич ёрима.
Сен соябон бўлгил кокилдорима.

Қирк кундан сўнг келар бўлдим шаҳрима,
Қорахон дер, кулоқ солгин зорима,
Сидкидил сўзладим сендай ёрима.
Мен келганча, сен отини ўйлагин,
Ҳақ муяссар қилсин менинг бағрима.





Алкисса, ёри шунда эрига қараб: – Сиз золим феълингизни ташлабсиз, мискинлар вақтин хушлабсиз. Бу гапингиз менга ҳам хуш келди. Зиёратда юрган киши жон хузурида бўлса, фойдаси бўлмас. От-яроғингизни ташлаб, кўзингизни ёшлаб, кўзингиз кўргандин оёқларига йикилиб, назрингизга кўп нарсани айтиб, эшонга борсангиз, “Берган худога ёкибди”, дегандай иш қилсангиз, ихлосингизга яраша иш қилар, ҳурмат этар. Ҳақиқат чилтапхоналарига кириб, бор мақсадингизни пахпурдан тилар. Лутфи қилса, поумид бўлмасмиз. Дарҳақиқат, сиз ҳам, мен ҳам умидвор бўлармиз, иккимизнинг ҳам ўрнимиз ўчмас. Зиёрат қилган киши ҳаловатини кўрар, – деди.

“Одамдан одам насл қолса, яхшидир”, – деб Қорахон подшо ҳам Гулимастуранинг гапини маъқул топди. “Бунинг гапи тўғри”, – деб от-яроғини ташлаб, ёрининг гапини хушлаб, бошига жумур-теппак кийиб, оёғига чориқ кийиб, поникокини кўлбарига солиб, кифтига олиб, пайти сахар “хув” деб шаҳардан чиқиб кетди. Подшолигини асло билдирмай, сидқи виждони билан йигирма уч кун йўл тортди, чошқа вақтида Кўкрастага етди. Растада икки-учта дармандалар ётган эди ва аммо неча қари, бир неча шаллар ҳам бор эди. Қорахон булардан: – Қандай бозордирки, сизлар бу кулбаларда йиғилиб ётибсизлар? – деб сўради.

Азоб чекканлардан, ғам кўрганлардан, дунёда камлик кўрганлардан ва фарзанд суймаганлардан, мажруҳлардан бири: – Бу ерда нарса сотилмас, зиёда ғам бозоридир, – деди.

Қорахон: – Шу ерга ғамлилар йиғилиб келибсизлар. Ғамлилар шодлик кўрарми?! – деди.

Бирови айтди: – Албатта, ихлосига яраша топар.

– Мен ҳам сизларга ҳамроҳдирман. Шу айтганларнинг биридирман. Қайси томондан башорат очилар? – деди Қорахон.

– Улуғ чошқада отланиб, шу гузардан ўтади. Улар кишининг юзига қараб, нехли-беҳлиги борми, юзига айтиб ўтади – деди бири.

Қорахон: – Ё бир ҳаслми, ёки бирор бошқа нарса бўлиб ўтадимиз? – деди.

16

У айтди: – Ўзингиз кимни изларсиз. Кимни қусаб бу диёрларга келдингиз?

– Мен Оппокхўжани истаб келганман – деди Қорахон.

Унда у жалловгар айтди: – Қусаб келганингизнинг турар ери мана шу макондир.

Машлук айтди: – Сиз нима истарсиз? Шунда машлукқа қараб, Қорахон икки оғиз сўз айтиб турибди:

Уйқум қочди, бўлмай сабру токатим,

40 Кўзимга кўринмай тахту давлатим,



Ўйласам, йўк экан менинг фарзандим,
Фарзанд тилаб бу кишига келдим мен.

Ўйлаганда чўкди қадду-коматим,
Кимларга қоларди молу давлатим,
Фарзанд бўлар ҳам меҳру қанотим,
Қанот тилаб бу кишига келдим мен.

Ўз элимда кўпдир менинг иззатим,
Тоғу тахтим ҳам бор эди давлатим,
Фарзанд бўлар суянган қир, давлатим,
50 Суянмокқа қирни тилаб келдим мен.

Шайхга етгаймикан шохнинг ноласи,
Қудратга бандаман, ўзим бир оси[й],
Магар бўлсам икки ўғилнинг отаси,
Қўзимга нур, чироқ истаб келдим мен.


Қорахон дер, зор йиғлайман, зору зор,
Фарзанд йўқлигидан бўлдим бекарор,
Булғор элда ҳеч одасиз молим бор,
Кенг давлатга эга тилаб келдим мен.

Қорахоннинг бу сўзини эшитган майиблар: – Сиз бу ниятингизни ихлосингизга яраша топарсиз, – деб айтдилар. Қорахон: – Сабр туби сари олтин, – деб сабр айлади.

Вақт улуғ чошқага етди. Бир тўпор одам бир ёқдан пайдо бўлди. Ҳамма кўру шал жойидан туриб, қўлини дастилом қилиб, иззатини бажо келтириб, ихлос қилиб, неча бир таъзим билан ўлтириб; ҳар кимнинг баъзи арзини тинглаб, баъзиларини тингламай, Қорахоннинг қошига етиб келди. Ушбу сахар чоғида Қорахоннинг фарзанд тилаб, йиғлаб келгани шайхга аён эди. Қорахоннинг олдида отини тўхтатди. Қўлини узатиб, ён-белини тузатиб, тушида кўрганга ўхшатиб, ўнг қўлидан ушлаб, қарийб олдида тортиб, йўл бўлсин, деб шайх бир сўз айтиб тўхтабди:

Отанг подшо, сен қадимдан тўрасан,
60 Олтамиш тўрт йил бўлди, давринг сурасан,
Бугун чокда нечук фақир бўласан,
Мискин бўлган шохим, қайга борасан?





Бугун боксам, сенинг дилинг ярасан,
Неча вақтдан буйтиб сен оворасан?
Туркинг яхши, сендан гапни сўрайин,
Чин сўзлагин, хоним, қайга борасан?

70 Қизил жағда сўзлайдиган тил бўлсин,
Ёв-душманинг сенга мағлуб, эл бўлсин,
Ҳар мақсадинг униб-яшнаб гул бўлсин,
Карамли султоним, сенга йўл бўлсин?

Кўкариб лолалар фасли гул бўлсин,
Ғам кўрмайин умринг сенинг мўл бўлсин,
Қариганда суянганинг ул бўлсин,
Адолат эгаси, шохим, йўл бўлсин?

На ишинг бор шайхи замон валига,
Ўзинг шохсан баайни Булғор элига,
Бамаслаҳат чиккан нозли гулига,
Фарзанд кутган қаҳрамоним, йўл бўлсин?


Алқисса, шу сўзлардан кейин шох шайхнинг босиб ўтган хоки
мусалласини кўзларига суртиб, гўёки тўтиёлар этиб, оқ юзидан кўз ёши
мунчок-мунчок, қатор кетиб, қўлини дастилом этиб, сидқи дил билан
шайхга қараб, Қорахон тўрт калима сўз айтиб турибди:

80 Арзимли эшитинг улуг эшоним,
Бефарзандман, йўқдир ному нишоним,
Кўзимга зиндон бўп тахту жаҳоним,
Ҳасратим кўп, йўқ суюкли ўғлоним.

Мен ўлсам, сабилдир тахту маконим,
Саҳар вақти қайнар менинг виждоним,
Сизни баён берди Қосим ўғлоним,
Шулдур сизга ихлос қўйиб келганим.

90 Мендан сўгин кимга колар арконим,
Ўғилсизман, мепинг қийналган жоним,
Бесоҳибдир менинг олий маконим,
Ихлос билан сизга келдим, эшоним.





Мулладирман, чиккан хату саводим,
Ул бўлмаса, на қиларман давлатим,
Жўнармикан сизга қилган хизматим,
Дуо қилинг, бўлсин менинг фарзандим.

Шайх Қорахонни меҳмон қилиб, эрта билан унга нақшли икки олма бериб: – Сенга икки ўғил берар, ҳар бириси уч хислатли бола бўлиб, бир хислати: Юсуфдай хуснли, жамолли; иккинчи хислати: Рустамдай мард, кучли; учунчи хислати: ақли, давлатга муносиб кишилар бўлар, – деб йўлга узатди.

Қорахон тағи риёзат чекиб, уч кеча-кундуз мизғимай йўл тортиб, машаққатлар билан чўлу биёбонда бораётир эди, шувок чоғиб ётган ўтинфурушларнинг устидан келиб чикди. Қамбар деган ўтинфуруш чол доим Булғор шаҳри дўқонида гўшт, мой, биринч сотиб бакколлик қилиб ўтирар эди. У подшони таниди. Подшони биёбон чўлда алвида харобаликда кўриб, сўнгги кетмонини қўлидан ташлаб, қўлини дастилом қилиб, кўзини ёшлаб, катта-катта кадам ташлаб, бўйнидан кучоқлаб, рўворай қисиб-зичлаб, бир майдон йиғлаб, ўзини тинчлаб: -- Эй султоним, сизга на бўлди, бизларнинг юришимизга муносиб бўлибсиз, бу чўлларда нима қилиб юрибсиз, давлату аркни ташлаб? – деб хўрлиги келиб, подшонинг бошидан ўтган воқеаларни сўраб, бир сўз деганидир:


Кўнга ўхшар юрагингда армонинг,
Пиёда юришда қийналиб жонинг,
На бўлди салтанатлик давронинг,
Душманга кетдими стмиш кўргонинг?!

100 Асли Қорахондир, султоним, отинг,
Зиёда кўринди чеккан меҳнатинг,
Мен биларман, йўқдир асло ғалатинг,
На бўлди кўлингда анжом, давлатинг?

Ақлдор кишисан, кўн фаросатинг,
Доимо минардинг Олмакўз отинг,
Ўн тўрт кунлик ойча борди суратинг,
Нечук инграб сўнди бунча жасадинг?

110 Ғанимга кетдими Булғор элатинг,
Кўнглингда йўқ эди ғаму хасратинг,
Ёвпи кўрсанг, тошар эди ғайратинг,
Кетган ўхшар қўлдан у мамлакатинг.





Қамбар бобонг борган эди элингга,
Тилло камар ярашарди белингга.
Беклар чопишарди соғу сўлингга,
Эй, султон, на бўлди хозир ҳолингга?

Алқисса, шу гаплардан сўнг, подшо Қамбар бобосига қараб,
бефарзандлик камига йиғлаб, бир сўз айтиб турибди:

Ода бўлмас эди менинг давлатим,
Охир-гашти бўлди ғаму ҳасратим.
Қулок тутиб сен эшитгин, бобожон,
Менда йўқдир бир суюкли фарзандим.

120 Фикрида кийналди жасадда жоним,
Кўзимга кўринмас жумла кўрғоним.
Қулок солиб сен эшитгин, бобожон,
Давлат бисёр, йўк суюкли ўғлоним.

Ихтиёрим ҳеч бир касга бермадим,
Довул қокиб, шунқоримни чўймадим.
Қулок солиб эшит энди, бобожон,
Талпинтириб мен фарзандни сўймадим.

130 Элу кўрғон кўринмади кўзима,
Ақлинг бўлса, қулок солгин сўзима.
Қулок солиб шуни тингла, бобожон,
Бир фарзандни олмай ўтдим тизима.

Олтмиш тўртга кирганди қари ёшим,
Ғамларга чулғанди қариган бошим.
Қулак солиб яхши эшит, бобожон,
Ўлсам бесохибдир у элатдошим.

Қорахон дейдилар англангиз отим,
Сабил қолар бўлди Булғор элатим.
Қариганда ҳам дуодан йўқлангиз,
Ўғил кўрай, шунга қолсин давлатим.

– Зиёрат чекиб қайси диёрдан келарсиз; меҳнатингиз зиёда, чўлларда
пою пиёда юрсангиз, фарзанд бўлади, деб сизга бирон аҳмоқ айтдими?
– деди чол. Подшо шунда Қамбар чолга қараб: – Оппокхўжадан қайтиб



келаётирман, – деди. Чол: – Оппокхўжангиз нима башорат бердилар? – деди.

Шунда подшо Оппокхўжадан келган башоратни баён айлаб, бир сўз деганидир:

140 Оппок вали хўп каради холима,
Икки нақшин олма берди кўлима,
Буюрдилар ўзим суйган гулима,
Танакор бўлдилар суяр улима.

Икки қобил фарзанд берди белима,
Ўйнаб-кулиб қайтмоқдаман элима,
Омон-эсон суйиб олсам кўлима,
Танакор бўлдилар жону дилима.

Хурсанд бўлиб қайтдим элу тузима,
Кўрсатгандай бўлди баайни кўзима,
Пирим башорат бердилар ўзима,
150 Танакор бўлдилар бўлар кўзима.

Раҳм этдилар кўздан оққан жалама,
Хурсанд бўлиб қайтдим, юрту қалама,
Тасалли бердилар куйган танама,
У киши танакор суяр улима.


Корахон [дер] йиғлар эдим зор-зор,
Ёдга тушган вақти эдим беқарор,
Ишонтирди суярсан деб муқаррар,
Агар суйсам, пирим бўлар сабабкор.

Қамбар бобо: – Пиринг ҳеч бўлолмайти сабабкор, шу гапига ўзи бўпти гуноҳкор, кўп инонманг у эшонлар гапига, – деб бир сўз айтиб турибди:

160 Доимо тсбранар жасадда жоним,
Чўлистонда етиб келган, меҳмоним,
Қамбар дейди, ўн битта бор ўғлоним,
Меҳр икки ёқдан бўлар, султоним.

Беш кунликдир менинг сурган давроним,
Эшонингдан кўпдир менинг гумоним.





Даргоҳига тил тегизган ўхшайди,
Меҳр икки ёқли бўлар, султоним.

Бир нечалар хижри-хилига куяр,
Бир нечага насми шамоли тегар,
Лойиқат кўрганлар ўғлини суяр,
170 Меҳр икки ёқдан турар, султоним.

Ўзингиздай меҳр қўйса жоннинг,
Сўнг эгалик бўлар юрту кўрғонинг,
Муяссар айласа, бўлар ўғлонинг,
Меҳр икки тарафдандир, султоним.

Қурилганда ишқ-савдонинг бозори,
Ўйнаб-кулиб шу кун турса дилдори,
Сизда ҳам бўлса ўйнашмоқнинг хумори,
Меҳр икки тарафдандир, султоним.

Баъзиларда йўқдир ишқи савдоси,
180 Гашти ортар кулфат билан ғавғоси,
Ҳақиқат сўзлайди Қамбар бобоси,
Меҳр икки ёқдан бўлар, султоним.

Алқисса, подшо қайси тарафлигини ва қайсисининг ҳақиқатлигини билолмай фикрда жўнай бошлади.


Икки кеча-кундуз йўл тортиб, уйқу ковокқа қотиб бораётганда, тўқсон турли жанда кийган бир қаландар олдидан чиқди. Қаландар подшога қараб, бир сойиллик қилиб, сўз айтиб турди:

Фикр қилинг икковига баробар,
Аввалгиси бўлди ҳаққат гуноҳкор,
Бергисининг гапи ҳақдир муқаррар,
Ҳар киминг нияти ҳамроҳ, султоним.

Бехислат бўлмайди тоғларнинг тоши,
Ҳеч мўътабар эмас эшоннинг иши,
Ҳар ерда ёрилар подоннинг боши,
190 Унисидан пухта бергининг иши.

Дариғо, деб келди, сенга қаландар,
Куйгандирсан доим йиғлаб зору зор,





Кувонмагин: “Оппокхўжа пирим бор”,
Қамбар сўзи ҳақиқатдир муқаррар.

Ҳар шаҳардин менинг ўзим хабардор,
Зафарлик кишига мен ўзим раҳбар,
Ишонма сен, у Оппогинг жодугар.

Алкисса, бу сўзларни эшитган подшо қаландарга икки тилла чиқариб берди. — Дилу мақсадинг ўзингга ҳамроҳ бўлсин, — деб қаландар ҳам ўз йўлига кетди.

Подшо кирк бир кун деганда, машаққатлар билан Булғор юртига етиб келди. Бошда ваъдалашган ёрининг қошига бориб кирди. Гулимастуранинг дили хурсанд бўлиб, подшонинг юзларига боқди. Подшонинг юзида бир нури муҳаббат пайдо бўлиб, хурсандликда ёри қатор-қатор кўрпалар ташлаб, ёрига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Нурли кўрдим жуфтипонинг кўзини,
Лойикат айласа, бизга кўзини,
200 Зиёрат айласа, босган изини.


Бугун боксам подшоҳимнинг тарзина,
Мўмин бўйин бўлар Ҳақнинг қарзина
Эна бўлсам дейман улу қизима,
Юзим суртсам алар босган изина.

Шаҳарда бор от чопарлар даласи,
Фарзанд суймоқ яхшининг муддаоси,
Ўғли борнинг эғалидир қалъаси,
Хоки пойин суртар мендек энаси.

Ўғил кўрганнинг эғалидир мурдаси,
210 Мустажо[б]дир мискинларнинг дуоси,
Тушимда аламли кўзга кўринди,
Ҳамма ихлос қилган эшон бобоси.

Мастура дер мен йиғлайман муштипар,
Сиз айтасиз: “Оппокхўжа пирим бор”.
Уч бобони кўрдим мен ҳам тушимда,
Энг кейингиси берди икки кокилдор.





Алкисса, ўйнашиб-кулишиб, кўрпани қават-қават солишиб, икковининг дилу кўнгли бир ердан чиқиб, “Бесоат бўлмасин”, – деб соатга қараб, “Ярим окшомдан ўтгандан сўнгра раҳм савдоси қурилар, сабрлининг фарзанди саодатли бўлар”, – деб ярим окшомгача сабр айлади Қорахон. Ярим окшомдан сўнг суриб айшу ишратди, умид қилди фарзандди, алкисса, тонг отди, пок бўлиб, подшо пойтахтига кетди.

Орадан бир неча вақтлар ўтди, тўққиз ой, тўққиз соат ва тўққиз дақиқа етиб, Гулимастура туғди икки фарзандди, уч кун ўтгандан сўнг Қорахон подшо қаламрав мамлакатига қилиб дастхатди, ўзининг фукаро, уламоларини, ҳамма мискинларни чорлатди; ўн бир кеча-кундуз тамоман тўй тарқатди, катта-катта бегу хонларни тўхтатди.

У замоннинг расми шундай эди: болаларнинг бирини подшо ўз кўлига олиб, бирини хотинига кўтартириб, ипак алвон чодирларнинг ичидан халойиққа қараб, болаларга муносиб от сўраб, бир сўз айтиб турбди:

Бирисини бердим ҳайло гулима,
Бирисини ўзим олдим қўлима,
Бир маслаҳат сизлардай эл-қунима,
220 Биродарлар, от қўйинглар улима.

Бирови ярашар ўша позима,
Бировини ўзим олдим тизима,
Чин ишонгин, халқим, менинг сўзима,
Яхши от топинглар икки қўзима.


Шукур, олдим бағримга босиб,
Икки ўғил кўрдим, шукур, муносиб.
Келган беклар, отин топиб қўйинглар,
Фарзанд кўрдим жасадим ўсиб.

Эга бўлсин шаҳарима, калама,
230 Кучу қувват келди бугун танама,
Яхши от топинглар икки болама.

Қорахон дер, маслаҳатни қилинглар,
Юрт эгали бўлди, халқим, билинглар,
Салтанат давримда ўйнаб-кулинглар.

Яхши от топинглар жону дилимга,
Лутф айлади бир нечалар холимга,





Мендан сўнгра колсин Булғор элимга,
Келган мардум – менинг яхши жонларим,
Хушрўй от кўйинглар кўш кокилимга.

Алқисса, халойиқ ва ҳар тарафдан келган кишилар тўда бўлишиб, маслаҳат қилдилар. Бир тўпари айтди: – Эгизак бўлгандан кейин Ҳасан-Ҳусан бўлади. Подшо буни хуш кўрмади. Мулла-олимларнинг бир тўпари: – Шамси ва Қамар кўйсангиз, на бўлади? – дейишди. Буни ҳам подшо қабул қилмади. Бирини айтди: – Жалил ва Карим кўйинглар. – У Ҳақнинг исми, – деб буни ҳам қабул қилмади. Подшо ҳеч бир кишининг кўйган отини ўз ўғлига раво кўрмади.

Шу замон тўксон ямоқли тўн кийган қаландар тўй ўртасига келиб кирди. Халойиқдан: – Бу йиғинларнинг маслаҳати нади? – деб сўради. Мулла-олимлар: – Ўзинг кимсан, подшо ўғилларига от кўяётир, – деб уни койиди. Шунда қаландар: – Мен ҳам бир от кўяй, хуш кўрса, подшоҳим мен айтган отни кўяр, хуш кўрмаса, ўзимни-ку кўяр, – деб мардум ичида подшога караб, бир сўз айтди:


240 Ҳеч киши бўлмади дунёда холи,
Хол топган кишилар элатга вали,
Эғали бўлибди подшонинг эли,
Кичигининг оти бўлсин Шерали.

Иккиси ҳам подшонинг жону дили,
Жаҳонда очилди таралган гули.
Номин мен кўярман, маъкул кўрсалар,
Каттасининг оти бўлсин Эрали.

250 Сизлар еган палов билан гўш[т]ни,
Мендан ўрганинглр бу от кўйишни,
Эрали, Шерали денглар бу икки ёшни,
Тополмай қилдинглар сизлар кенгашни.

Шералиси олар ботмон қилични,
Доим душман билан қилар савашни.
Шу сабабдан кичикнинг оти Шерали,
Тикилган душмандан олади ўчни.

Бу ерлар найлайин, Булғорнинг жойи,
Эшитинглр анжум беклар, сипойи.



Каттасига Эрали от бинойи,
Уч ботмондан бўлар тортарли ёйи.

260 Мен топарман икковининг отини,
Ботир бўлган олар душман юртини,
Хўп десанглар бобой қўйган отини,
Катта-кичик кўринишлар маслаҳатини.

Оламда Эралиси эр бўлар,
Мартабали йигит, элда зўр бўлар,
Кам химматлар охир бориб зор бўлар,
Етти йил айрилиб, иккиси бир бўлар.

Ёмон ерда мендай гадо пир бўлар,
Подшо оқил бўлса, оти шул бўлар.
270 Неча душман хизматида кул бўлар,
Иккови ҳам Рустамдайин зўр бўлар.


Алкисса, подшога каландарнинг қўйган оти хуш келди: – Менинг ҳам мақсадим шу эди: шер бўлсин, оладигани эл бўлсин. Подшолар эл учун талашар, каландарнинг қўйган оти яхшироқдай, албатта, мардумга ҳам хуш тушар. Шунда каландарнинг топган отига чиндан думоғим хуш бўлди, – деб мардумга подшо каради. Аммо муллалар бир-бирлари билан шивирлашиб: “Обрўлилар беобрў бўлди, бир беобрў гадо келиб, ичимизда обрўли бўлди”, – деб туришиб кетди.

Подшонинг бу икки ўғли тўрт ёшга кирди. Подшо ҳам олтмиш саккиз ёшга кирди. – Оқу корани билсин, – деб боз эру хотин икковлашиб, муллага олиб жўнади. Мачитга олиб бориб, муллани чакириб, бош-оёқ кийим кийгизиб, Шералихоннинг энаси тайинлаб топширмоқ бўлди: – Мана, муллажон, бунинг гўшти ҳам сизникидир; зарб ўтмаса, эрка ўрганар, бўйин бермас; шуларни ўкитинг, суяги бизники, – деб домлага иккисини топшириб, энаси муллага бир сўз айтиб турибди:

Ўкимаган охир бўлар хор, саёк,
Ўкимаган киши баайни таёк.
Домуллажон, илимингдан садаға,
Яхшилаб ўкитинг энди беҳрок.

Омон бўлсин ҳам бўлсин булар чок,
Белига бойлайман олтиндан чачок,





Салом айлаб борса, бўлсин думоғ чок,
Қариганда кўрдим мен иккисин бевак.

280 Ўқитинг, хўн бурро бўлсин тиллари,
Қаламга ярашсин нозик қўллари,
Отланганда очик бўлсин йўллари,
Бу иккиси Қорахоннинг уллари.

Душман келолмасин соғу сўлига,
Ўзи эга бўлсин Булғор элига.
Кичигининг қилич олар деб қўлига.

Каттаконин уч ботмоқдан деди ёйи,
Ўқитмокка энасининг бўлди ройи,
Икковин ўқитинг хубдир бинойи,
290 Опкелган энасининг тўқилсин гунойи.

Хизматда от чопсин беклар, сипойи,
Ҳам гулистон бўлсин бу Булғор жойи,
Асилдир, соф бўлар кўнгил саройи,
Доим очик бўлсин бахти талойи.

Мастура қараса қадди бўйига,
Маст бўлсам бокканда рапги рўйига,
Подшо бўлса ўсган Булғор жойига,
Ном берсин хизматкор, кўп сипойига.

Алқисса, Қорахон подшо: – Мулла, гап шул, – деб иккаласи ҳам қайтиб кетди.

Болалар беш йил ўқиди, тўққизга кирди. Бўзқорақўз отини миниб, икки ўғлонидин хабар олмок ҳақиға мачит сарига келди. Эрали, Шералихонни чақириб, бир маъноли хатни олиб, от устида икки тўражонга таваккал бир ерни очиб, китобдан ўқишни айтди. Иккови ҳам кўрсатган жойидан бурро қилиб ўқий бошлади.

– Баракалла, устозингга раҳмат! – деб устозига кўп вазифалар бериб. – Шуңча илм билганинг бўшдир, сипоҳигарчиликни ўрганишлар, ўтириш-туришнинг қоидаи қонунларини билишлар, – деб олиб кетди ва бир боғбоннинг қўлига топширди.

Иккови маст бачча бўлиб, боғбон бобоси бамаслаҳат бирисига қора кашқа от олиб берди, бирисига “тўри – ҳайвонларнинг зўри”, деб бир



от олиб берди. Иккови қўшов-жўроб қилиб, бебаркаш ем бериб, уларга муносиб абзаллар тузатиб, олти ой боқди. Ювиб, тараб, эгарлаб, юганлади. Шул вақт боғбон бу тўраларнинг қаршисига келди: – Ўғлим, бу икки отга ярашикли нарсаларнинг ҳам таги камдир. Эралихон айти: – Шунча абзал, жабдуқ тузаб, яна нима камлиги бор?

Боғбон ярашарли нарсасини болаларга тушунтириб, бир сўз айтиб турибди:

300 Тулпор минган олар ёвдан ўчини,
Душманига тўкар зарби, кучини,
Икковинг ҳам бўлдинг Булғор лочини,
Белга тақса яшин сув қиличини.

Душман қайтаролмас ботир ройини,
Тикилса бузар душманинг тахту пойини,
Бири кифтига олса у ўқ-ёйини.


Шу абзал ярашар икки тулпорга,
Отланиб борганда ўзга шаҳарга.
Ҳеч ким баробар келмас энди, уларим,
Мен биларман, аввал-охир сизларга.

310 Чопганида пирқиллатиб отини,
Номард курғур камситади мартини.
Отланиб майдонга чиксанг, шоввозлар,
Туман босар душманингнинг юртини.

Қарға босолмасдир шунқор изини,
Устига минганда отнинг созини,
Ҳар элатдан олиб қайтар нозини,
Қасд қилсалар душман элат тузини[га].

320 Ёнбошга оссалар даскир қиличини,
Ботир бўлган ҳар қандайин азамат,
Ёвга билдиради эркин кучини,
Баракалла, омон бўнғлар, бекларим,
Қутқармайсан дамингдан қочкинчини.

От чопган билмайди пасту баландди,
Отанг Булғор элга соҳиб давлатди[р],



Икки [ўғлон] тутшиб қилгай ғайратди,
Кўркмаган олади ўзга элатди.

Бедов минган ёл, қуйруғин тарайди,
Душман кўрса, хурушланиб қарайди,
330 Ғайрат қилган киши иқлим сўрайди,
Юраги катта ҳар бир ишга ярайди.

Қаддидан парвона мендай бобоси,
Асло ўлма, Булғор элнинг эркаси,
Икковинг ҳам ботирларнинг доноси,
Юртига доимо юртни кўшади,
Эр йигитнинг шудир доим муддаоси.

Ботир бўлинглар, бўлманг кам юрак,
Остингда ўйнаса бу кашқа пирок.
Ҳамро дер, бу боғбоннинг отини,
Асло ўлма, икки тўрам, шер юрак.

Болалар: – Бобо, бу отимизга қамчи, жабдуқларни муносиб кўрмадингиз, ўзга айтар яроқларни ким созлар, қайси устанинг абзали кескир? Мазгил-маконини айтсангиз, бизлар бориб, биримизга ёй, биримизга қилич буюрсак, тўра бўлиб иккимиз даврон сурсак. Устанинг мазгил, гузарини кўрсатинг, – дедилар.

– Эй болаларим, отангнинг шаҳрининг бир кунжагида, гул саройнинг ўнг томонида бир уста киши бор, уни уста Одил дерлар, шунга бориб соз буюринглар, – деди.

Алкисса, бобосининг гапини дурга битиб, икки маст бачча бир-бирининг қўлини тутиб, яроқ қилдирмоқ савдоси қўшғидан ўтиб, “бобом бинойи айтди”, – деб етаклашиб, бобонинг гапини бир-бирига пухталаб, шаҳарни ўрталаб, Одил отли устани сўраб бордилар. Уста бобога саломлашиб, отидан тушиб, кўришиб-сўрашиб ўтирдилар. Уста буларнинг олдига таомлар қўйиб, таомнинг кейинига йўл бўлсин, – деб бир сўз айтиб турибди:

340 Баҳор бўлса, тар очилган гул бўлсин,
Ҳар кимсада икковингдай ул бўлсин.
Жасадингдан мендай бобонг садаға,
Адаб кўрган икки ўғлим, йўл бўлсин?



Кўкариб лолалор фасли гул бўлсин,
Қизил жағда сўзлар бурро тил бўлсин.
Турқи яхши икки бачча, сўрайман,
Азаматлар, икковингта йўл бўлсин?

350 Ўрдақ, ғознинг кайфли ери қўл бўлсин,
Икковингнинг умрларинг мўл бўлсин,
Нор юзингдан мендай бобонг садаға,
Ботир нишон болаларим, йўл бўлсин?

Баланд тоғнинг ул зинаси кир бўлсин,
Яхшиларнинг кўнгли доим бир бўлсин.
Уста Одил дейди, сиздан сўрайман,
Туси яхши болаларим, йўл бўлсин?

Эралихон бобосига қараб, созларини буюриб, бир сўз айтиб турибди:

Ўқ-ёй килинг ботир қўлга олгудай,
Душман кўриб совуқ юзи сўлгудай,
Бир отганда минг душманни олгудай,
Созимни созлангиз, кардош бўлайин.

360 Бобом айтди, сизни йўқлаб келаман,
Булғор элда ўзим даврон сураман,
Бобо, хали тўккиз яшар боламан,
Созим созланг, бобо, кардош бўлайин.

Гузарим, найлайин, сиз томон тушди,
Ғайратли айланг бу икки ёни,
Укамга сиз килинг яхши киличди,
Бобом, жуда созлинг, қардош бўлайин.

370 Сийланг, бобо, Қорахоннинг улини,
Бизлар эркасидир Булғор элини[нг],
Қанча бўлса, олинг созлар пулини,
Бобом, созим ўхшат, қардош бўлайин.

Маст баччамиз бедов миниб елгудай,
Отлар сезгир қушдан улги олгудай,
Силтаганда мингнинг бошин чалгудай,
Созим созланг, бобом, кардош бўлайин.

Фарзанд бўлар отасининг давлати,
Эр йигитнинг бўлса доим ғайрати,
Элга эл қўшилса, халкнинг давлати,
Созим кескир қилинг, қардош бўлайин.

380 Эралихон дейди менинг отимни,
Сизга айтай, бобо, таърифотимни,
Умар дейди ҳақиқат улфатимни,
Бобо, яхши қилинг, қардош бўлайин.

Шералихон дейди эмикдошимни,
Ўз-ўзимдан ўнгарайин ишимни,
Қўлимга қўндирсам давлат қушини,
Бобо, созим созланг, қардош бўлайин.

Эралининг сўзини эшитиб, бобоси: – Кўп қистамасанг, созларнинг хар бирини айтганингдай қилишга кирк кундан, иккисига саксон кун вақт керак. Бориб саксон кун ўйнаб, саксон бир кун деганда келинлар, икковининг хам созларинг тайёр бўлади, – деди.

Баччалар ўринларидан туришиб, “сабр қилган ишнинг кўп фойдаси бор” дейишиб. – Айтган кунингизда келамиз, – деб ташқари томонга юрдилар. Бобоси югургилаб от счмоқчи бўлди.

– Қўйинг, бобо, ўзимиз счиб миармиз, бизни уятли қилманг, – деди болалар.

– Нечук уятли бўласизлар? – деб уста Одил сўради.

– Уста, сизнинг отингиз улуғдир, ушбу тўғрида биз уятли бўламиз, – деди болалар.

Уста Одил: – Сизлар келган меҳмонимдирсиз, “Меҳмон ота, бободан улуғдир”, деган бир гап бор, шунинг учун мен сизларни улуғ тутаман, – деб ҳурмату иззат билан икки тўрабаччани отига миндириб, йўлга узатиб, бир сўз айтиб турибди:

390 Адаб каттадандир, ўғлим, билинлар,
Улуғ ёшнинг гапин доим қилинлар,
Бespoён дунёда ўйнаб-қулинлар,
Саксон бир кун деганда сиз келинлар.

Доим тар очилган гулдай бўлинлар,
Булғорнинг элида даврон суринлар,
Хуш келибсан, икки азиз меҳмоним,
Саксон бир кундан кейин тўғри келинлар.





Бедов миниб хар тарафга елинглар,
 Душман кўрсанг, йўл қўйманглар, киринглар,
 Хар ким дўст, ундан хабар олинглар,
 Ваъда шудир, мухлатида келинглар.

400 Одил уста дейди менинг отимни,
 Усталикка чиқарганман хатимни,
 Жаҳон эшитгандир таъирфотимни,
 То кўргунча, ўғлим, омон бўлинглар.



*Ислом шоир. Татьяна
 Жирмунская томонидан
 1948 йил 8 май куни
 чизилган сурат.*

Алқисса, икки тўрабачча келиб, Ҳамро
 боғбоннинг боғида сайри боғ қилиб, энг гўзал
 ерларда юра бошлади ва боғбон бобосига: – Шу
 бутундан бошлаб саксон куннинг битишини бизга
 билдиринг, – деб тайин қилдилар. Муллаларнинг
 олдида ўқиш билан машғул бўлиб юра бердилар.

Орадан кўп кунлар ўтгандан сўнг, икки
 бекзоднинг айтгани ёдига тушиб, Ҳамро боғбон
 ҳисобласа, айтган ваъдадан бир кун ўтибди –
 саксон икки кун бўлибди. Болаларни қидириб,
 “ваъдасидан ўтиб кетибди”, – деб ҳансираб, ўз-
 ўзидан кўркиб, югуриб, гулзорларни, шаҳарни
 қидира бошлади. Салласи сепи кетига тушиб,
 шошиб, “мактабхонани кўрай”, – деб бораётган
 чоғида Эралихоннинг улфати мулла Умарга кўзи
 тушиб, бақириб-кичкириб, уни тўхтатиб: – Икки
 алпагуноҳкор бўлдим, уларни кўрганинг борми? –

деб бир сўз айтиб турибди:

Сайқал уриб Булғор элда юрдингми,
 Эралим орқасидан даврон сурдингми?
 Ақлим шошиб икковини излайман,
 Икки алп баччани, болам, кўрдингми?

Отинг миниб хар ёнага сурдингми,
 Ташқаридан янги кириб келдингми?
 410 Тополмайин мен бўлибман саргардон,
 Икки маст баччани, ўғлим, кўрдингми?

Тирикликда ҳеч бўлмасин кулфатинг,
 Мулла бачча сенинг улуғ сифатинг.

Кўрган бўлсанг, хабар бергин, Умаржон,
Қаердадир Эралихон улфатинг?

Мулладирсан, чиққан хату савотинг,
Ҳам доим яхшидир сенинг ниятинг.
Кўчаларда гаранг бўлиб излайман,
Кўрдингми Эрали, Шерали улфатинг?

- 420 Бу гапимни қилгин, Умаржон, бовар,
Ахтарса, бу бобонг қаердан топар.
Ҳамро боғбонга бергин тезроқ, хабарин,
Икки болани бобонг қаердан топар?

Умар бобосига дўстларининг хабарини бериб, бир сўз айтиб турибди:

Ўғри-дузи ўзин тортар панага,
Санам қизлар зулфин ташлар шонага.
Хабар берсам, бобом, тўғри бора бер,
Очиқ ер-ку, ҳайло, мактабхонада.

- 430 Булбул ошиқ бўлар боғда лолага,
Мен улфатман икки ақли донога.
Иби, бобо, эсинг кетиб юрмагин,
Ҳайло, Эралихон мактабхонада.

Бунча бўлма, бобо, ўзинг бекарор,
Аҳмоқ киши охир бўлар хору зор.
Мулладирман, қилгин гапимни бовар,
Улфатлар мактабда бўлар муқаррар.

Муллалар ўқийди зер ила забар,
Кўп ақли расолар мактабга чопар,
Тўғри боргин, ҳайло, мактабхонага,
Бизнинг улфат шу ердадир муқаррар.

- 440 Умарнинг гапини кулги билмагин,
Содда бобо, ҳеч оламда ўлмагин.
Тўғри бориб салом бергин тўрамга,
Мактабга бор, ўзга ерга бормагин.



Кўрган бўлсанг, хабар бергин, Умаржон,
Қаердадир Эралихон улфатинг?

Мулладирсан, чиккан хату савотинг,
Ҳам доим яхшидир сенинг ниятинг.
Кўчаларда гаранг бўлиб излайман,
Кўрдингми Эрали, Шерали улфатинг?

- 420 Бу гапимни қилгин, Умаржон, бовар,
Ахтарса, бу бобонг қаердан топар.
Ҳамро боғбонга бергин тезроқ, хабарин,
Икки болани бобонг қаердан топар?

Умар бобосига дўстларининг хабарини бериб, бир сўз айтиб турибди:


Ўғри-дузи ўзини тортар панага,
Санам кизлар зулфин ташлар шонага.
Хабар берсам, бобом, тўғри бора бер,
Очиқ ер-ку, хайло, мактабхонада.

- 430 Булбул ошиқ бўлар боғда лолага,
Мен улфатман икки ақли донога.
Иби, бобо, эсинг кетиб юрмагин,
Хайло, Эралихон мактабхонада.

Бунча бўлма, бобо, ўзинг бекарор,
Ахмоқ киши охир бўлар хору зор.
Мулладирман, қилгин гапимни бовар,
Улфатлар мактабда бўлар муқаррар.

Муллалар ўқийди зер ила забар,
Кўп ақли расолар мактабга чопар,
Тўғри боргин, хайло, мактабхонага,
Бизнинг улфат шу ердадир муқаррар.

- 440 Умарнинг гапини кулги билмагин,
Содда бобо, ҳеч оламда ўлмагин.
Тўғри бориб салом бергин тўрамга,
Мактабга бор, ўзга ерга бормагин.



Алкисса, Ҳамро боғбон тўғри мактабхона эшигидан бокиб, икки тўрабаччани кўриб, кўлини дастилом қилиб, алифдай қоматин ҳам қилиб, сизларга гуноҳкор бўлибман, -- деб кўзларини нам қилиб, бир салом билан ўн саккиз таъзим қилиб, бир сўз айтиб турибди:

Ўғлонларим, бобонг ақли йитибди,
Айтган кунингни битиб қўювдим,
Шу ваъдадан икки кун иттибди,
Тез боринглар, у сазларинг битибди.

Уста Одидан хабар келди бобонгга,
Битган бери қарайман икковгинангга,
450 Хабар қўйдим отанг билан энангга,
Саз битибди, энди боринг устангга.

Бориб сазни уста Одидан олинглар,
Душман кўрсанг, ўз қаблингга солинглар,
Нишонада олиб отиб кўринглар,
Битган эмиш, энди тезроқ боринглар.

Қиличи саз бўпти, юз бошни кесар,
Ҳам ёни саз бўпти ғашимнинг юртин бузар,
Эй ўғлонлар, тезроқ боринглар сизлар,
Ўғлонларим, бориб олиб келинглар.

460 Маст баччалар доим истар урушиди,
Қаддидан ўргилай сен соҳибхурушиди,
Олиб келинглар ёй билан қиличди,
Турингизлар, ўғлим, тезроқ боринглар.

Ҳамро боғбон зор йиғлайман зор-зор,
Дол бўйингдан отанг бўлсин, аждаҳор,
Бориб олиб келгин, ўғлим, муқаррар.

Эралихон: -- Ҳўп яхши бўлибди, бобо, гуноҳкор бўлмайсиз, -- деб бобосига рухсат бериб, адаб билан кейинидан юриб, сазларни олишга бориш учун устоз-мулласидан рухсат сўраб, бир сўз айтиб турибди:

Булғор элда маст бўп юрган тўрамыз,
Ўлмасак, оламда даврон сурамыз.

470 Ҳарф ўргатган билиминг отадан зиёд,
Рухсат беринг, бизлар созга борамиз.

Бадкардалар кўйиб юзга уятди,
Ҳар бир ишдан ўқимоқлик зиёдди[р],
Ҳар киши билдирсаки алиф-нўкатди,
Жавоб беринг, муллам, бораи созимга.

Кўп илми сиз менга билдирган,
Сиз миями илм билан тўлдирган,
Хурсанд қилиб доим бизни қулдирган,
Устод, жавоб беринг, созга бораини.

480 Бир нечанинг кўнгли доим қалб бўлар,
Кўнгли тўғри киши доим ала бўлар,
Ақлдорнинг кўнгли доим соф бўлар,
Устам, жавоб беринг, созга бораини.


Бошимиздан ўтган қиш билан ёзди[р],
Ота-энамдан улуғ англайман сизди,
Йўлга солиш бу иккита тўнғ кўзди,
Жавоб беринг, устам, созга бораини.

490 Ажал етганинг тўлади паймони,
Эралидир Қорахоннинг ўғлони,
Қўлимдан тўқилар душманинг қони,
Жавоб беринг, устам, созга бораини.

Домласи Эралихонга қараб, насихат тариқасида бир сўз айтиб турибди:

Олиб кеп созингни тоғларга отгин,
Дўстни доим хурсанд қилгин, ўғлоним,
Душман кўрсанг, ани доим йиғлатгин,
Мен сенинг қурбонинг бўлай, Эрали.

Эрлигингни элу юртга билдиргин,
Сиёсатдан душманингни сўлдиргин,
Дўст кишингни хурсанд қилиб қулдиргин,
Мен сенинг қурбонинг бўлай, Эрали.



500 Сенда кўпдир, ўғлим, доим фаросат,
Охир сеникидир тахту вилоят,
Ақлинг расо, дуо қилар жамоат,
Мен сенинг қурбонинг бўлай, Эрали.

Сен шогирдсан, мен сенга устод,
Ақлдорлар олар ўзига раҳмат,
Подшо бўларсан, ўғлоним, ҳақиқат,
Шу пилла устангни йўқлагин, Эрали.

510 Яхшиликдан ажратмагин дилингни,
Ҳам яхшилик устун қилар кўлингни,
Мискинларга сарф айлаб бер пулингни,
Мен сенинг қурбонинг бўлай, Эрали.

Куч-қувватинг ғойибидан тилагин,
Ғарибларнинг манглайини силагин,
Сен улардан олтин дуо тилагин,
Дуо олтин бўлар, билгин, Эрали.

Душман кўрсанг, издаш қўймай қувлагин,
Сағир кўрсанг, анинг кўнглини овлагин,
Қарши душманнинг юртига ёвлагин,
Элингга эл қўшиб юргин, Эрали.

520 Мулла Ҳайдар берди шу насиҳатди,
Сен ҳам бўлдинг менинг бир фарзандим,
Қулоғингда турсин шу насиҳатим,
Минг яшагин, асло ўлма, Эрали!

Алқисса, домласидан шу насиҳатини эшитиб, дилига беркитиб: -- Ақли расоларнинг галини кўрдингми? -- деб эмиқдошини ияртиб, неча гузарларни ошиб, уста Одилпикига кириб борди. Кўлини дастилом қилиб, адаб билан салом бериб, устаси ўрнидан туриб, меҳмонларга иззат айлаб, оғлаига бир неча кўрпачалар тайлаб: -- Хуш келдингизлар, -- деб тўрға таклиф этди. Шералихон пайга томонга ўтирди. Эралихон устанинг қилган иззатиини ўзига муяссар кўриб, тўрға ўтирди. Уста Одил: -- Иккингииз ҳам бир кишининг фарзандисиз, наслингизга караб мен иккингиизни ҳам бир кўзда кўрарман. Сизнинг ҳам акангиз олдида ўтиб ўтиришингизни сўрайман, -- деди.



Шунда Эралихон укасига караб, бир сўз айтиб турибди:

Душман кулдириб гапирар,
Ҳеч хурсанд бўлгувчи бўлма.
Мотамлик кишининг олдида,
Лодондай қулгувчи бўлма.

Иззат қилди уста бобонг,
Уялиб тургувчи бўлма.
Уй эгаси тўр кўрсатса,
530 Пайгада қолгувчи бўлма.

Бир бадкарда сўз сўзласа,
Ҳеч қулоқ солгувчи бўлма.
Лодон узоқдан ўлдирар,
У билан юргувчи бўлма.
Уй эгаси иззат қилса,
Ҳеч пастда қолгувчи бўлма.

Қойил бўлмок керак зўрга,
Аканг билан бўлсанг бирга,
Дилингни тўлдириб нурга,
540 Айрилиб қолгувчи бўлма.


Насихат шу, эмикдошим,
Сен тоғдайин суянганим,
Ўт ёнимга, меҳрибоним,
Айрилиб қолгувчи бўлма.

Отасизлар бўлиб етим,
Сенга шудир насихатим,
Бўш турибди ўнг қаватим,
Йироқлаб тургувчи бўлма.

Шералихон оғасининг гапи билан ўнг томонига ўтиб, акасига икки оғиз сўз айтиб турибди:

Каттақоннинг хоки дори,
550 Кўзимга суртсам керакдур.
Сиз мендан улуғ ёшли,
Ҳурматинг тутсам керакдур.





Сиз каттасиз, мен кичикрок,
Иззатинг қилсам керакдур.

Фикр айлаб энди, оға,
Ақлингдан ининг садаға!
Кўзимга юзларинг машъал,
Парвона бўлсам керакдур.

560 Сиздан аввал кўйсам кадам,
Қақшагайдир менинг тапам,
Иккимизга бирдир энам,
Иззатинг қилсам керакдур.

Бордир ақлинг, фаросатинг,
Тугалмас бўлса давлатинг,
Менга лозимдир хизматинг,
Дил билан қилсам керакдур.

570 Шерали дер, мен давлатинг,
Ўзим бўлурман қувватинг,
Қорақашка бўлса отинг,
Сайисинг бўлсам керакдур.


Уста Одил иккаласининг юзига қараб: – Баракалла, ака-укаликни ўзгалар сизлардан таълим олишлари керакдир. Таълим берган устозингга ҳам раҳмат, устоддин ибрат олган ақлларингга раҳмат, иккинчи падарингга раҳмат! – деб Эралихонга қараб, икки калима сўз деб турибди:

Бир-бирингга маъкул билдим сўзингни,
Зиёрат айласам босган изингни,
Ботир бўнгла, сарғайтмангла юзингни,
Душманга олдирма элу тузингни.

Бошда кўрдим зафарли файзингни,
Иккинг шунқор, ким босади изингни?
Икковинг бу Булғор элнинг шунқори,
Ҳеч душмандан қайтмас билдим тарзингни.

580 Устига минганда учар тозингни,
Қўлга олсанг биз кип берган созингни,





Боғ Эрамдан олиб сарвинозингни,
Душман кўрсанг, ажратмагин кўзингни.

Ботир бўлгин, асра элу шахрингни,
Душманга келтиргин аччик қаҳрингни,
Ботир бўлсанг, кўриқлагин шахрингни,
Хушёрлик омон саклар ўзингни.

Одил дейди, мен сизлардан парвона,
Хуш килигинг қилди мени девона,
Икковинг шам эрурсан, мен бир парвона,
590 Чикариб берайми, ўғлим, созингни?

Эралихон: – Олиб келинг созларни, бир томоша қилайлик кўриб, – деб
бобосига бир сўз айтиб турибди:

Устозим, олиб кел, созни кўрайлик,
Нархини билдирип, пулин берайлик,
Беш кунлик дунёда ўйнаб-кулайлик,
Соз олишиб кулбамизга жўнайлик.


Таърифинг кетгандир элга, устодим,
Созга қараб келурмикин ғайратим?!
Элимга эл қўшсам анча давлатим,
Олиб келинг созларни, уйга кетайлик.

Биримизга килмоқчисиз қилични,
600 Қилич таккан истар доим урушни,
Ғайратли мард билмас кундузи-кечни,
Олиб келинг, уста, мазгил кетайлик.

Ҳеч ердан қайтмайди мардларнинг ройи,
Хам созим кўрай, бўлиппи бинойи,
Душмандан ўч олса йўқдир гунойи,
Соз олиб кенг, уста, мазгил кетайлик.

Юлдузни кўзлайди ботир пироғи,
Ўтқир бўлса устам қилган яроғи,
Бизлар йўлбарс хам подшонинг туёғи,
610 Созим оп кенг, хон қошига борайлик.





Баҳорда чайкалар кўлларнинг ўти,
Ҳақиқатли бизлар шохнинг фарзанди,
Иккимиз ҳам ота-энанинг капоти,
Жавоб беринг, устам, бердан жўнайлик.

Ҳам тўққизга кирган ҳозир ёшимиз,
Обод бўлса, вилоят ҳам даш[т]имиз,
Юртга юрт қўшмоқчи кўнгил хушимиз,
Рухсат беринг, хон қошига борайлик.

620 Биримизнинг отимиздир Эрали,
Биримизнинг отимиздир Шерали,
Икковимизга исм қўйган бир вали,
Рухсат беринг, хон қошига борайлик.

Алқисса, уста Одил созларни битта-битта устахонасидан олиб чиқди.
Эралихоннинг қўлига бериб, ўк-ёйни, Шералига берди ботмон қилични. –
Омон бўлинглар, – деб бир сўз айтиб турибди:


Боғбон бўлган терар тоза гулини,
Корахон эгаси Булғор элини[нг].
Мен сизлардан, болам, ҳақ ҳеч олмасман,
Сўнг меросдан олар бобонг пулини.


630 Иншоолло, болам, етсанг камолга,
Сўгин сўрагин бу бобонгнинг ҳолини,
Созим тўфон қилар душман элини,
Сўгин олар фақир бобонг пулини.

Биринг султон бўлиб Булғор элига,
Жумла кўрғонларни олса қўлига,
Ботир бўлган қарар ўнгу сўлига,
Сўнг умидвор бўлар бобонг пулига.

Икковингнинг юрган сринг долазор,
Пул олмади, деб бўлмаглар бекарор,
Иккингизга келса жумла ихтиёр,
Сўнг умидвор бўлар бобонг пулига.

640 Иккинг султон бўлса магар шаҳарга,
Зарра ишонмасди бобонг сизларга,





Ўзгадан соз қилсам жумла навқарга,
Сўгин умидвор бўлар бобонг гавҳарга.

Уста Одил қилар жумла созингди,
Мендан талаб қилгин кўпу озингди,
Оламга бергисиз, болам, юзингди[r],
Сўнг пулини талаб қилар созингди.

Иккови созларни олиб, уларни кифтига солиб, бобонинг пул олмаганига уялиб; Шерали: – Ака, саксон куннинг меҳнатига нечук ҳақ олмай юборди, – деб оғасидан сўради. Эралихон укасига: – Тушундингми устанинг гапига? – деб бир сўз айтиб турибди:

Кўп пул берсак, келар отамга малол,
Ўлим ҳақдир, ўғилга мерос ҳалол,
Уста бобонг вали экан муқаррар,
650 Ҳалол қилиб сознинг пулини олар.

Қуйган банда қон йиғлайди зору зор,
Нега йиғламасин олдда ўлим бор?!
Вали экан шу бобонгиз муқаррар,
Ҳалол қилиб сознинг пулини олар.

Ўнгача маст ўғлонлар ўйнар ва қулар,
Интилган шаҳрини муқаррар олар.
Меҳнатли мол бўлар кишига ҳалол,
Ука, ўзимизда бўлса ихтиёр,
Омон бўлсак, бобонг пулини олар.

660 Сен укамсан, менга бўлдинг хизматкор,
Эралига ҳам қувватсан, мададкор,
Сен укасан, иккимиз ҳам баробар,
Ҳам емагин пулини олар адисар.

Алқисса, иккови ҳам Ҳамро боғбоннинг боғига келдилар ва боғнинг гўзал жойларида сайр қилиб [юрдилар]. Қишин-ёзин соб бўлмасдан меваси, бу боғнинг ҳам Қорахондир эгаси, салқин-себарғалик эди сояси, ҳар атрофдан келар гул, райхоннинг иси; уч кун сабр қилди юртнинг тўраси, уч кундан сўнг олдига келиб укаси: -- Э, ака, яхши от қилиб ҳамда яхши созларни қилиб, доим юришимиз сояли чорбоққа, бу созларни қилдирдикми биз кўрмоққа, минмоқ керак икки илдам пирокқа, ботир



бўлган сафар килар йироқка, – деди. Акаси койил бўлиб укасининг сўзига, бир сўз айтди термилиб юзига:

Ботир сўзин билиб сўзлар,
Шер юракли душман излар.
Сен карчиғай, мен шункорман,
Учса баланд ерни кўзлар.

Майдон чикиб чопсак пирок,
Шамолига булоқ музлар.
670 Бир шаҳарга отланайик,
Томошабин ўғил-кизлар.


Ботир киши отланган сўнг,
Ўн бош кесиб, юзга хезлар,
Душман кўрса дилин тузлар,
Хайрон бўлсин сертамизлар.

Икковлашиб от чопганда,
Диркиллашиб минган отлар
Сўлкиллар куло-тузлар,
Томоша қилсин юлдузлар.

680 Эрали дер ҳам яхшироқ,
Чиройлидир ойдин юзлар,
Томоша айласак бизлар,
Ақдонлар яхши сўзлар.

Иккови бир-бирининг гапини хуш кўриб, чин ғишт табласига караб, ўрнидан туриб, хос саллаларни бошларига ўраб; “Майдонга чиксак, бўларми бизга ҳеч тараф, олсак ҳар мамлакатни сўраб; бўлмаса, отланайлик заррин пўталарни белимизга ўраб, ҳар ким маст ўғлон бўлса, бўлмайди хароб, от минар чоғида ҳам ичсак гулгун шароб, бир майдонга чиксак атрофга караб”; биров-бировининг кўлини ушлаб, катта-катта кадам ташлаб, “от минамиз”, – деб чунон думоғин хушлаб, табланинг эшигин ҳам оча бошлаб, Эралихон тилла сувликли югани каллагидан ушлаб, отларга караб сўзни бошлаб, даставвал, Қорақашкани кичкириб, бир сўз дегани:

Ётирсан табла-зиндонга,
Даркор бўлдинг Эралихонга,



Чопар бўлдик бу майдонга,
Жонивор отим, кел юганга.

690 Кулок сол икки ўғлонга,
Эгар солмоқчимиз сенга,
Чопамиз беҳад майдонга,
Э, жонивор, кел юганга.

Асли сенинг зотинг пирок,
Қамиш кулок, куйма туёк.
Отланмоқчи бизнинг думок,
Юганга келгин тезирок.

Қулоғинг бордир ҳам серак,
Тўрт оёғинг баайни терак,
Тургандан юрмоқ яхшироқ,
Кел юганга сен беҳирок.

700 Сени минган тоғдан ошар,
Белингга беклар яршар,
Сени минган мингни яшар,
Кел юганга сен тезирок.


Ярашади тилла эгар,
Сенларни минади шерлар,
Томоша кип ўзга ерлар,
Кел юганга, эй жонивор.

Шералихон эмикдошим,
Қорақашка учар кушим,
710 Ҳам чопмоққа кетган хушим,
Безабон, келгин юганга.

Отлар оғизларини очиб, чопишга ҳаёли кочиб, Эралихоннинг гапини хушлаб, Қорақашка тулпори келиб сувликни тишлаб, неча бир алвонда ўйин бошлаб ва аммо Эралихон бир тарафдан жиловдан ушлаб, отини айвон тарафига чиқариб бойлади. Тўриқ от ҳам уюридан айрилганга ўхшаб турди. Таблани кўтаргандай беҳузур бўлиб бир кишнади.

Шунда Шералихон ҳам оғасига қараб: – Бир таблада турган отларимиз бир-биридан айрилмоқни хуш кўрмас экан, – деб бир сўз айтиб турган экан:





Хилидан айрилиб бўлди девона,
 Қойил бўлмоқ керак икки ҳайвона,
 Қашқа шамдир, Тўриқ бўлди парвона,
 Уни ҳам чиқарсак лозим айвона.

Шаҳримизга икки ҳайвон дурдона,
 Иккови хол тушди элим-макона,
 Тез борайлик, шовқин солди жаҳона,
 Уни ҳам чиқармоқ лозим айвона.

720 Асл тулпор, нечук бўлди қойишинг,
 Икковингнинг бирдаймикан чопишинг,
 Гузарни титратди сенинг кишнашинг,
 Уни ҳам олиб чиксак айвона.

Шерали дер, акам менинг ўзимди,
 Эгам сарғайтмасин кизил тарзимди.
 Олтин юган беринг менинг қўлимга,
 Табланг бузар, олиб келмоқ лозимдир[p].

Аммо Эралихон олтин сувлукли юганин укасининг қўлига бериб: –
 Кўрдингми, ҳайвонлардан таълим ол, – деб бир сўз айтиб турибди:


730 Икковининг бошқа ота-энаси,
 Икки тулпор улфатлашган чамаси,
 Биз иккимиз бир отанинг боласи,
 Чин булардан таълим олмоқ керакдир.

Ҳамройи чикувди бунча кишнади,
 Булар меҳрибонлигини ҳам оқлаб,
 Акли расо аканг кўзин ёшлади,
 Раҳбарлигин кўргин икки пирокнинг.

Бир таблада иккови бўп кадрдон,
 Чин таълимни шулардан ол, укажон,
 Соат бўлди бир-биридан айрилган,
 Акл билап буни билмоқ керакдир.

740 Бири тулпор, бири, ука, пирокдир,
 Салтанатга токсак ўтқир яроқди,





Яқин қилар минсанг олис-йирокди,
Шулардай меҳрибон бўлмоқ керакдир.

Хўн чукур ўйлагин, эмикдошимиз,
Бир юз йигирмага кирса ёшимиз,
Оллоҳ берса ақл билан ҳушимиз,
Тез олиб чиқ у тўбичокни.

Муллалар лол бўлар ҳазора анга,
От кишнаши насиҳат бўлсин сенга,
750 Мен акангман, ўйлаб кўргин тапангга,
Эрали дер, олиб келгин айвонга.

Аммо Шералихон табла томони чопа бошлаб, отнинг бўйнидан қулочлаб, рўвораи бўйини беркитиб-зичлаб, гарданидан айлангириб қулоғидан ушлаб, олтин каллакни қулоғидан ошириб ташлаб, табладан етаклай бошлаб; ҳайвон неча бир ўйин бошлаб, ташқари суриб Шералининг кифтини тишлаб; “ҳовлиқма, ҳамроҳингга еткирарман”, – деб отнинг мақсадига сўз бошлаб, тўғрига қараб, бир сўз айтиб, етаклагани турур:


Кетдими чиқиб ҳамройинг,
Зиндондай бўп табла жойинг;
Минади икки сипойинг,
Ошиқма, ҳайло ҳамройинг.

Тилла абзал солай сенга,
Ҳам ярашдинг бул юганга,
Ўзим сайис бўлдим сенга,
Ошиқма, оп бораман айвонга.

760 Жасадинг ҳар отдан зиёд,
Тишлаганинг бўлди уят,
Ўмганинга бордир қанот,
Ҳамроҳинг эмасми у от?

Чопмоққа қойим майдони,
Отам Булғорнинг султони,
Бизлармиз икки ўғлони,
Ҳайло кўр-е, ҳамроҳинг ана.





Алкисса, юганнинг устидан нукталаб, ишни ҳўбдир пухталаб, ҳушёр бўлиб сталаб, кейинга тортиб, йўлни ўрталаб, ҳамройининг олдига етди. Отларни ювиб, сиддил ипак рўмолни баданига солди, ипак рўмол тармашиб отнинг кирини олди. Қушдай кип тузаб, зар куббали зумрад эгарни солди, икки йиллик хирождан бўлган ёлпушни бўктариб солди. “Нукра айил, тилла пуштан, энди ўтар бўлдинг қушдан, каминг йўк йўрға юришдан, миниб чиқсак, баҳр оларсан зоғ учмаган майдон-даш[т]-дан, чин қудравлик сен қилмасанг, камчи ерсан икки ёшдан”, – деб тилла абзалларини солиб, совут, қалқонини олиб, иккови яроқ-аслаҳаларини тақиб, иккиси икки тулпорга миниб, Ҳамро боғбон бобосини чакириб, оёғини тилла узангига тираб, боғбон бобосига қараб, Эралихон бир сўз айтиб турган экан:

Икковимиз маюв элда юрамиз,
Тирикликда энди даврон сурамиз,
770 От белига ҳавас билан минамиз,
Бобо, рухсат беришг, шикор қиламиз.

Тулпорларнинг бу белига минамиз,
Парвоз қилсак қим қаерга қўнамиз,
Бир майдонни кезсак икковгинамиз,
Бобо, рухсат беришг, бизлар борамиз.


Ох, ҳушрўй келган қоши қорамиз,
Майдон қандай жойдир, бориб қўрамиз,
Қўришган жондорни балки урамиз,
Томоша кип яна қайтиб келамиз.

780 Томоша қилсак отамизнинг юргини,
Чопишини қўрсак икки отини[нг],
Ирғитсак қирларнинг ҳам баландини,
Бобо, рухсат берсанг, шунга борамиз.

Болаларинг минди дўнон тойини,
Ҳўп томоша қилсак отам жойини,
Қидирсак тоғларнинг қиру сойини,
Рухсат беришг, шу жойларни қўрамиз.

Жасадда зўр бўлар ботирнинг жони,
Қўлимиздан оқар душманнинг қони,
790 Остимизда ўйнаб турса ҳайвони,
Жавоб беришг, бек отамнинг боғбони.





Сизга муфт эмасдир отамнинг нони,
Шахардан чикиб кўрмоқчимиз саҳрони,
Етмиш бетда дейди отам кўргони,
Жавоб беринг, бек отаминг боғбони.

Эралихон, Шералихон ўғлони,
Тирик қолмас қанча бўлса душмани,
Йўлга солинг, бобом, икки тўрани,
Жавоб беринг, салтанатнинг боғбони.

Эралихоннинг Ҳамро боғбон бобоси насихат тариқасида алпларнинг юзига қараб, бир сўз айтиб тургани:

800 Эй ботирлар, гулдай юзинг сўлдирма,
Ички сириг душманингга билдирма,
Дўст кишингни хурсанд қилгин, ўлдирма,
Шудир насихатим сенга, бек ўғлон!

Яхшиларнинг доим бўлгин қурбони,
Қулоқ солгин Булғор элнинг полвони,
Ҳар ким душман бўлса тўққайсан қонин,
Шудир насихатим сенга, беғижон!


810 Мискин кўсанг манглайини силагин,
Сен мададни пахпулладан тилагин,
Душманинг шаҳрин чип ғалвирдан элагин,
Шудир насихатим сенга, бек ўғлон.

Ҳар ерда гапингни топиб сўзлагин,
Ёвни кўсанг сен қайтмасдан хезлагин,
Ғаним кўсанг бағрин доим тузлагин,
Тиғ ярасин унга солгин, беғижон.

Тулпор отинг ёл, қуйруғин тарагин,
Бедов минсанг атрофинга қарагин,
Камбағалнинг доим холин сўрагин,
Уларнинг дуосин олгин, беғижон.

820 Ҳамро дейди, мен отангнинг боғбони,
Юзингда пир-пирайди нурнинг нишони,





Икковинг ҳам султонимнинг ўғлони,
Соғ бориб, саломат келгин бегижон!

Алқисса, бобосидан ок фотиҳа олиб, “дуодан йўкланг”, -- деб отини буриб, шаҳарнинг йўлларига кириб, тозиёна уриб, тинмайин юриб; ёйи, қиличини осиб, ёй, қиличи ботирларга муносиб, ёмон кўрганларга ботир кўзлари билан қараб, кўкайин кесиб; тўралик юзу хотири билан, дарвозахонагача бир неча ботири билан, сояпарда-чодирин билан, Шералихон кирағай ботири билан, жиловдор шотири билан ўтиб бораётган чоғида буларга эгалари Гулимастуранинг тилла шавалликдан кўзи тушди.

“Хазина, давлатга тўймаган подшо оталари “Бир мамлакатни каттином қил!” – деб буюрдимикан?” – деб кўнглидан кечириб, парвона бўлиб, юқори кўшқидан тушиб, рўмолини бошига желвагай ташлаб, бир учини қайтариб оғзига тишлаб: – Садағалар, тўхта! – деб чопи бошлаб, етиб бориб каттакон ўғлининг жиловидан ушлаб, йўл бўлсин, – деб бир сўз бошлаб, ўғлонларига айтгани:

Фарзандли уй доим бўлар лозазор,
Икковингни кўрдим, бўлдим бекарор.
Дол бўйингдан энанг бўлсин садаға,
Эй кўзи-кўчқорим, сенга йўл бўлсин?


830 Кўкарсин лолалар, фасли гул бўлсин,
Қарши душман доим сенга эл бўлсин.
Жасадингдан мендай каъбанг садаға,
Булғорнинг тўраси, жонлар, йўл бўлсин?

Қизил жағда сўзлар бурро тил бўлсин,
Ҳар ким душман, эшигингга қул бўлсин.
Бу турқингдан мендай энанг садаға,
Булғорнинг эркаси, ўғлим, йўл бўлсин?

Дунёда алпларим ўйнасин, кулсин,
Оламда душманлик, болам, қурисин,
Соғ кетган саломат ҳар ерда юрсин,
Булғорнинг эркаси, болам, йўл бўлсин?

840 Ўрдак, ғознинг юрар ери қул бўлсин,
Худо берган умринг сенинг мўл бўлсин.
Икковингдан мендай энанг садаға,
Булғор элнинг соябони, йўл бўлсин?





Ўйнашганинг икковингнинг гул бўлсин,
Кеча-кундуз менинг дуом шул бўлсин,
Аввалги суйганинг, ўғлим, ул бўлсин,
Мамлакат эркаси, кўзим, йўл бўлсин?

850 Гулимастура дейди менинг отимни,
Мен сизларга берган ардоб-сутимни,
Соябони мурда ҳам жасадимни[нг],
Кўзимнинг равшани, сизга йўл бўлсин?

Эрали энасига қараб, бир сўз деб кетиб бораётир:

Икковимиз ҳам эрка, элда тўрамыз,
Ўлмасак оламда даврон сурамыз.
Бизлар учун ғамли бўлма, энажон,
Беш кундан қай, насиб бўлса келамыз.


Майдон-майдон кўрсак отни сурамыз,
Отамнинг қаламравин кўрамыз,
Ҳам элнинг пасту баландини биламыз,
Бизлар учун кўп қуймагин, келамыз.

860 Оқ фотиҳа беринг Эралихонга,
Хурсанд бўлиб жавоб бер икки болангга,
Сиз суянган иккигина ўғлонга,
Беш кунгача рухсат бергин болангга.

Жавоб бериб: – Олгин, олдирма, тўлсанг тўқилма, душман кўрсанг, хеч инграшиб букилма; дуоғўйман, болам, икковигиангга, беш кундан сўнг учрашгин энангга! – деб то кўздан йўқолгунча, ўгилларининг йўлига қараб қолди. Беклар Булғорнинг пўлат дарвозасига етиб, юз алвон отини ўйнатиб, жиловхона олдида отини тўхтатиб: – Бизлар бир тарафга урушмоқ-савашмоққа бораётган эмасмиз. Бу майдон-четда шавкатли салтанатимизни ким кўради, энди сизлар қолсангиз ҳам бўлади, -- деб бир сўз айтиб турибди:

Майдонда отларга ғози,
Беклар қўлида бордир сози,
Нолалар булбул овози,
Хўш овозлар, хўш қол энди.





870 Бирга келган энди эрлар,
Азаматлар, нарра шерлар,
Бизни ҳам Эрали дерлар,
Бегу хонлар, хўш қол энди.

Остимизда ўйнар отлар,
Хар ким ўз кўнглини шодлар,
Дўсту ёр, яхши улфатлар,
Нуктадонлар, хўш қол энди.

Ўтар биздан ёзу қишлар,
Ҳамро, улфат, йўлдошлар,
Қизил юзли, қаламқошлар,
Э, улфатлар, хўш қол энди.

880 Эрали айтар, чин улфатлар,
Мулла бўлган, чиққан хатлар,
Мулла бўп чиққан саводлар,
Билимдонлар, хўш қол энди.


Эрали, Шералихонинг Умархон деган дўсти – мактабдоши: – Дашту сахрони сайил қилиб келар икки тўраларингиз, агар урушга бормасак, шунда қолиш маъқул бўлар, – деб бекларга жавоб берди. Умархон бекларга оқ фотиҳа олиб бериб: – Қачон равшан юзингизни биз кўрармиз? – деб бир сўз айтиб турган экан:

Бедов минган белдан ошар,
Хидир кўрган киши яшар,
Душман кўрса, акли шошар,
Қачон сизга кўзим тушар?

50 Душман кўрса қувалашар,
Зўр бўлса дамидин тушар,
890 Бўйларинг отга ярашар,
Қачон сизга кўзим тушар?

Йўлга тушган йироклашар,
Қайтиб келган кучоклашар,
Сен йўлда, бағрим уюшар,
Келганда дўстинг ўпишар.





Душман кўрса қисирдашар,
Охир қиса сўнг уришар,
Зар битган сўнг акли шошар,
Беш кунда келинг, хуш тушар.

- 900 Обод Булғорнинг қаласи,
Иккинғиз султон боласи,
Умардир тўралар дўс[т]и,
Тез келинлар, гурунглашар.

Умар оқ фотиҳани бетига тортди, йўлга соб икки улфатди ва қайтариб шаҳарга жамоатди, ҳар қайси ўз йўлига тарқалиб кетди. Энди Эралихондан сўранг маслаҳатди:


- Икков миғиб тулпор отди,
Майдонга чикқанда марди[р],
Чопмоққа ҳаваси кетди,
– Кимминг оти югурик, – деб,
Қилаяпти маслаҳатди,
Шипирма қамчига тутди.
910 Кўринг икки бу бекзотди,
Бедов отларин ўйнатди.
Олтин сувлиғин чайнатди,
Олтой боқилган хом отди[р],
Ҳам оппоқ кўпикка ботди,
Майдонда отин диркиллатди.

Ўзини билган доноди[р],
От чопишга қувонади,
Отган ўқдайин боради,
Узангисин яркиллатди.

- 920 Кўрмайсизми, икки мардди,
Кўринган жондорни отди,
Ирғитиб неча дарбантди,
Бедовларни паркиллатди.

Қир келганда қиялатди,
Жар келганда жаналатди,
Чуқур сойлардан ирғитди,
Бедов отларин ўйнатди.





Дўстларни кўрса жавлониб,
Бир-бирига ҳам қувониб,
930 Ёр деганда гул-гул ёниб,
Гоҳ ерда жиловин торғди.

Шу кетишдан уч кун кетди,
Уйқулар қобокқа қотди,
От совиб қувиғин торғди,
Бўшатганда қушдан ўтди.

Хайманинг тоғига етди,
Тоғ баланд, ёмон чағатди,
Кўринг, икки тулпор отди,
Тошни ёнғоқдай ушатди.

940 Найзанинг тиғи пўлатди,
Кўринг, икки ака-ука,
Икковисини от қопгани,
Баланд тоғни гумбурлатди,

Бедов отларнинг шамоли,
Балки булокни музлатди.
Отлар чин совигандан сўнгра,
Буйрадай ёзди қанотди.

Бир баланд газага етди,
Қараса, қирдан баландди[р].
950 Иккови ҳам кўл ушлашиб,
Бирдай отини иргитди.

Олти қулочдан зиёдди,
Найзаси-ку чин пўлатди,
Уни кифтига такқанди,
Ҳам учини пириллатди.

Қуббали зар қуюшқон,
Аслдирки, чин қайишдан,
Косадай тўнтарилиб тушган,
Қуббасини яркиллатди.



960 Зарчашма булокқа етиб,
Мардлар кўнглига гап ўтиб,
Иккови отин тўхтатиб,
Қилайлик, деб маслахатди.


Алқисса, Шералихон: – Бу тубсиз беноёнда токи умримиз борича от чопган биланким, бир четига чиқолмайдиганга ўхшаймиз. Қорли тоғлардан ошиб, тўққиз ёшимизда алашиб, бунча маст бўлиб туташиб, кайда борамиз? – деб оғасидан сўради. Аммо Эралихон: – Дўстимнинг гапига мувофик, Умарнинг чин дўстлиги Худодан ортиқ, унинг айтган гапин тутиб, шуйтиб келдим тоғдан ўтиб; дўстнинг ҳам гапи икки бўлмади, энди ихтиёр сендадир, – деб отлардан тушиб, Зарчашманинг бўйида ётишиб, отларини ўтлатишиб, шунда қилди ғафлатди.

Эртан бўлиб тонг отди. Туриб ўкиб бондодди, кўринг Эрали мардди, ёйин қўлтикка тортиди, оралаб чағатди, ўн бир какликни отди, келиб Шералихонга кўп ўтин тўдалатди. Какликларни гўшт қилиб, найзасига тортди, кабоб қилиб, уларнинг олтисини Эрали, бешовини Шерали еб, отлар ёнига ўтди. Айил, пуштап бўшатди, қотган терисин ушатди, олдинкейин абзални қайта бошдан ўхшатди. Бошқаватдан сулуулаб, минди икки бек отди.

Уч кундан сўнг изига қайтди. Ўтган тоғларни санашиб қайтди, етти қорли баланд тоғни санашиб ўтди. “Элатга курук бормок ботирларга уятди[р], ўлжа қилиб борган бекнинг амали зиёдди”. Иккови қиб келганда шу маслахатди, айни асрга вақт етган чоғида шарқ томонда бир қўлнинг устига келиб чикди.

Шунда отнинг давулин дўнгқиллатди, сонсиз куш учиб кетди. “Овли, хўн бинойи жой экан”, – деб отидан тушиб, дарахтларга отларини бойланиб, иккиси ҳам қўл атрофида бўйлашди. Оралаб бораётган чоғида бир ойдинда Эралининг етти ғозга кўзи тушди, Шералини чақириб, қўл чайпаб имолашди. Иккиси ҳам бир жойга жам бўлиб, Эралихон укасига қараб: – Бу ғозларни урмоқ қайсимизнинг ҳақимиздир, – деди. Бу гапга Шерали: – Ёшим кичик бўлгани учун буюрсангиз, менинг ҳақим. Уста Одилнинг амрига қараганда, сизнинг ҳақингиз, – деб уста Одилнинг гапининг маъносини тушунтириб, Шералихон оғасига бир сўз айтиб турибди:

Иккимизга Худо берса ривожни,
Ботир ёви билан қилар курашни,
Шу вақтда мен силгарман қилични,
Ёй сенинг номингга бўлган, оғажон.



970

Сиздан лозим бориб отмоқлик қушиди,
Мен номимга бўлган ботмон киличди[r],
Сиз биласиз у ёй билан отишди,
Отиш сепдан лозим бўлар, оғажон.

Иккимиз ҳам Булғор элнинг полвони,
Қўлимдан оқади душманнинг қони,
Уста Одил гапининг йўк ёлғони,
Соз эгаси сиз турурсиз, мергани.

Мерганнинг ярашар писиб боргани,
Тўда бўп учганди қушларнинг қоли.
Писиб боринг, оға, қушлар кўрмасин,
Бора беринг, оға, қушни ургани.

– Хўп бўлади, – деб Эралихон ёйини қўлтиғига қисиб, қамишшли томондан писиб, сувли жойлардан ўтиб, қамишнинг манглайига тортди, икки ғозни нишонага олиб отди; бировининг тўшлигидан тешиб, у бирисига ҳам солди жароҳатди. Аввал теккан сувнинг бетида қўзғолмай ётди, жароҳат бўлганининг ҳам қаноти шалпайиб, жуни хурпайиб кетди. Ул бешови ғанкиллаб учиб кетди, икки таноб ер бўйи бу ҳам кейинда қолиб, базўр сувнинг устидан ўтди.

Шералихон қараб турган еридан бирдан миниб тўриқ отди, юздириб ойдинга етди. Турган ерида қушнинг бошин кесиб, қанжигага ғозни тортди. Ақасига: – Мин у отни! Унга ҳам ўқ теккан ўхшар, йиқилади, – деб гумон этди. Ов шундай қизик нарсадир. Иккови икки тарафдан қуш изидан чоңди-кетди; бирон тош йўл юрганга сўнгра қуш асло кўринмай кетди. – Қуш йиқилмас, бақувват, – деб отин тўхтатди. Иккови отин тўхтатиб: “Оббо, икки қуш отиб, бирини олдиқ, бирини ололмадиқ”, – деб келаётгир эди, ерда қизил қон кўрди. Бириси айтди: – Шу яралаган ғознинг қони.

Бириси айтди: – Бу ўзга қондир. Шаҳар яқин қолибди, ке, бекор кетгунча, эрмақ; бу қоннинг сабабини билайлик. Ҳар уч-тўрт таноб ерда бир томган қон кўриб, қон изи билан кела берди.

Алқисса, бу қон ўз отасининг шаҳрига кирди. Аммо булар бу қоннинг изини гузарма-гузар қидириб, қон изи билан олға борди. Бу қон охириламр кичик энасининг турган қулбасига борди. Тўққиз паҳсалик работ эди унинг макони, хўп айланиб кўрди икки ўғлони, бошқа ёкка ҳеч кетмади томган қони. Эралихон айтди: – Шу эмасми кичик энам макони, отамиздир Булғор элнинг султони, бу қулбада суюб олган жонони. Юргин, дарвозага икков борайлик, қуш йиқилган бўлса, сўраб олайлик. Сўрамоқнинг айби борми?! Иззат қилса икки тўрани, берар, кичқириб сўрайик кичи энани.



Дарвозахонага етиб, отлариши тўхтатиб, дарвозани такиллашиб,
берарми, -- деб умид этиб, Эралихон энасига шу сўзни айтиб турган
чоғидир:

980 Бедов минган майдон, чўлни кўрдими,
 Ойдин кўлдан икки ғозин урдими,
 Э, улуғим, бизлар овдан келамиз,
 Бир ярадор ғоз шу ерга келдими?

 Остимизда ўйнайди тулпор сози,
 Шу работга келди конининг изи.
 Энамсан, энди сиз бир улуғим,
 Кулбангга келдими ярадор ғози?

 Бизмиз Эрали, Шерали кўзи,
 Бизларга энаси, отамнинг нози,
990 Кулбангга келдими ярадор ғози?
 Улуғим, раҳбарим, бир ғоз келдими?

 Ботир кишининг бордир помуси, ори,
 Тўғри кишининг кўнглида йўқ ғубори,
 Ҳам сиз отамнинг суйган ёри,
 Раҳбарим, улуғим, бир ғоз келдими?


 Булбул ошиқ тар очилган гулингга,
 Бизлар ҳол тушганмиз Булғор элингга,
 Келган бўлса, чиқариб бер улингга,
 Э, раҳбарим, ярадор ғоз келдими?

1000 Бу бошимга хос саллаи ўрайман,
 Омон бўлсам, мамлакатни сўрайман,
 Ташқаридан ичкарига қарайман,
 Ўқ теккан ғозимни сиздан тилайман.

 Эрали дер, на суннат бор билмайман,
 Ғамгин бўлсам, асло ўйнаб-кулмайман,
 Ёмон кўрсанг, бундан бўёқ келмайман,
 Тез чиқариб бергин, бокқа жўнайман.

Алқисса, отасининг суярча Гулчехра ёрининг ғозлари эди. Гулчехра
ўттиз етти ёшига кирган эди, ушбу ёшигача ўғил-қиз кўрмади: “Тўртов





Ўғлим, учови қизим”, – деб фарзанд ўрнига кўриб, асраган етти ғози бор эди. Сочини ювиб, шоналаб турган чоғида ўғил ўрнига кўриб юрган ғози олдига келиб йиқилиб ўлган эди. Беш ғозини тирик кўриб: “У бири қайда қолди экан?” – деб турган чоғида дарвозадан товуш пайдо бўлди. Эралихонга ўхшаб кетди довуши, ундан ҳам зиёда бўлди қойиши: “Бу ишни қилмас эди бу икки ёши, буюрган мен шўрнинг катта кундоши; шулардай кесилсин Эралининг боши”, – деб сочини ёйиб, юзини тирналаб йиртиб, дарвозага етиб, дарқишдан ташқарига кўзини тутиб қараса, у “қиз” деган ғози ҳам қанжигада кўринди. Дарвозани оча-оча шу сўзни айта берди:

Сизларми, наймитлар, элнинг тўраси,
Вайрон бўлсин бек отангнинг кулбаси,
1010 Кундошдан бўларми кишининг дўсти,
Худди мендай йиғлаб қолсин энаси.

Сабаб надур, бу кулбамга келдинглар,
Энангнинг амрин, наймитлар, қилдинглар,
Сабаб надур, икки ғозим урдинглар,
Илойим ўлинглар, элнинг тўраси.


Билмас эдинг, буни энанг ўргатди,
Унинг амри билан болампиди, отди,
Зўрлик қилиб мени бағрига тортди,
Фарзандга раво бўлурми энаси?!

Ох, тиғу пўлатинг хинингдан тортдинг,
1020 Ўлдирарман, дединг, менга кўрсатдинг,
Ярим оқшом эди сенлар келганинг,
Навбатига боплаб ишим ўхшатдинг.

Отанг ҳаёт, қайтиб бағрингга тортдинг,
Хўш бопладинг, менинг ишим ўхшатдинг,
Худоё, жувонмарг ўлгин, Эрали,
Сиёсат қилдинг-да, ғозларим отдинг.

Мен лозимми сизлардайин болама,
Бир аёлга уч киши раво бўлама,
1030 Шариатга шу гап тўғри келама,
Отанг тирик, сен, наймитлар, йиғлатдинг.





Гулчехра дейдилар менинг отимди,
Энди кимга килай дод-фарёдимди,
Тайлайин юзимдан ушбу уятди,
Бу ишни қилганларинг ҳақиқатди[р].

Шералихоннинг ўнгирига ҳам тармашди: -- Мени бу кулбамда овлоқ кўрдинлар, ўйнаб-кулиб бу кулбага кирдинлар, бу ишларингни бўйнингга олишлар; йўқ десам, чишдан мени урдинлар; мен совлиқдай, кўчкор бўлиб сурдинлар. Булғор мамлакатада ё сизлар туринлар, ёки мен турай, – деб ўнгирини рўворай бекита бошлади.

Шунда Эралихон бунинг йиғисининг душманлик экасини билиб: “Хай дариг, отамизга рўйи сиё қилди. Агар шу ғози учун шунча шовқини қилган бўлса, кўпроқ ғоз олиб берайлик десак, билмасдан урганмиз, – деб билдирсак, эласак, гуноҳимиздан ўтармикан?” - деб энасига қараб, бир неча ердан тусмол келтириб, бир сўз айтгани:

Ойдин кўлдан биз билмаси урамиз,
Бу ишларни тақдиримдан кўрамиз.
Илоҳим демагин бунча, энажон,
Бир ғозинга ўн ғоз олиб берамиз.


1040 Тухмат улуғ ҳам бизларам биламиз,
Ўқиб юрган бизлар ҳам-ку мулламиз,
Юрдирсанг тухматинг, тайин ўламиз,
Кўп қарғаманг, ўн ғоз олиб берамиз.

Раҳм айлагин, бизлар ўйнаб-куламиз,
Сизники экан ғозлар, ҳозир билдик биз,
Э, раҳбарим, бу гуноҳдан ўтинг сиз,
Ҳар ғозинга ўн ғоз олиб берамиз.

Кўнлингга кўп экан тухматнинг бари,
Бу тухматни қилма, отамнинг ёри,
1050 Беэга бўлмасин Булғорнинг шаҳри,
Ғоз бозорга юринг, олиб берамиз.

Бизлар ёринг тилаб олган боласи,
Икки ғозин урган, шулдир гуноси,
Отам тирик, тухмат қилманг энаси,
Юринг, эна, ғоз бозарга борайик.





Эпа тухмат килармикан улига,
Куш жонивор топилади пулига,
Рахна солманг бу отамнинг дилига,
Ҳар бир ғозга ўп ғоз олиб берайлик.

1060 Не гап бўлди бек отамнинг ёрига,
Юзимни бермасди жаҳон шаҳрига,
Ҳеч киши йиғларми жониворига,
Ҳар бир ғозга ўнта ғоз об берайик.

Сенга не иш қилди Эрали ёшинг,
Тухмат қилма, ахир, кесилар бошинг.
Бу ишдан беҳабар турур кундошинг,
Ўнтадан об берсак кўпаяр кушинг.

Алқисса, Гулчехра маҳкам тармашиб, рўворай ўчакишиб, довуши гузардан ошиб: – Дод, карокчи. Булғорда мўминлик борми?! Баъзи кечаси отаси, келмаган кунига икки боласи, отаси тирик бўп, мен бўлмайманми бу ноумидларнинг энаси?! Халойиқ, йиғилинг! Ғозимни отди, иккови навбатига бўйига тортди, шу вақтгача кўзим кўрган йўқмиди, буларга қилсам тухматди; дод, карокчи, боблаб ишимни ўхшатди, – деб фарёд қилди. Аммо Эралихон ишнинг бузилганини чин англаб, пичоғин қинидан тортди, укасининг ўнгирини кесди.

Кўринг бу шағал мастди, душманлигини этди, – деб боғ тарафига қараб, отин кенг кўчага буриб, қамчилар солди; энаси чапак чалиб ўрдада қолди: “Ё шулар турсин шу шаҳарда, ё мен турай! Аввали бу тухматни қилмоғим керак эмасди, энди гузарга, битта-яримтага маълум бўлди; бу хийлани юрдирай, ё ўзимни, ё шу икковиши ўлдирай”, – деб ўрдага кириб, юзини тиндалаб, етагини чок қилиб йиртиб, сочи сумбуллари қирмиз қонига бўяб: “Подшога бориб маълум қилай”, – деб гулсупанинг юзига чиққан чоғида, Бўзқоракўз отини миниб, суярча ёри кўнглига ўтиб, келди ёрининг ўрдасига етиб. Қараса, супанинг устида ёри қонига ботиб турганига кўзи тушиб: “Мен тирик борман, ким зиёдагарчилик қилар ёрима?! Мен султонман, эгасиман элимди, мен тирикман, ким босибди гулимди, ҳар кас бўлса, унинг ҳақи ўлимди[r]”, – деб дарғазаб бўлиб, отини супанинг тагига келтириб тўхтатди. Гулчехра ёрининг кўзи подшога тушиб: – Келгилигингиз қолмади. Дод, икки ўғлингнинг дастидан! – деб йиғлаб, подшога боқиб, қора кўзларидан ёши оқиб, бир сўз деб тургани:

Томоша қинг кўзимдаги ёшима,
Келма дейман ҳаргиз, подшо, қошима.



1070 Ярим окшом ноз уйкуда ётувдим,
Икки жувонмаргинг минди тўшима.

Қаттиқ савдо тушди менинг бошима,
Сиз тирик, мен лозимми икки ёшинга.
Ярим окшом мамрап ухлаб ётувдим,
Икки ўғлинг минди кордай тўшима.

Мени ҳаром қилди сиздай ёрима,
Келганингча қилич силта сарима.
Ярим окшом ноз уйкуда ётувдим,
Жувонмарглар тайин минди бағрима.

1080 Қулок солинг, жуфтим, менинг сўзима,
Хонадоним кўринмайди кўзима.
Ярим окшом маст уйкуда ётувдим,
Эралихон бокди гулдай юзима.


Сиз баланд адолатда турганда,
Мен муносибми шу икки кўзима.
Ярим окшом мамрапгина ётувдим,
Тиғ, пўлатни кўрсатдилар кўзима.

1090 Ўғил-эналик ҳам шундай бўлама,
Ҳаром бўлдинг, бу олдимга йўлама,
Ҳеч бир аёл уч кишига бўлама,
Зўрлик қилиб қўйди танин танима.

Йўк деб эдим, икки ғозимни отди,
Ўк, тиғ, ханжарини менга кўрсатди,
Зўрлик қилиб навбатига оп ётди,
Вой десам, қиличин қўйди бошима.

Шу вақтгача ҳеч киппидим тухматди,
У иккови билмас эди бундоқ одатди,
Бу савдони шум энаси ўргатди,
Энасининг амри билан бағрига тортди.

1100 Эрали, Шерали дейди у икки ёшди,
Катта ёринг бизга пухта кундошди[r].



Сиз беҳабар, келгандан бери мен билан ғашди[r],
Икки ўғлинг булғар мендай бувишди.

Икки ўғлинг тайин қилди шу ишди,
Кун бўзариб, энди чиқар вақтида,
Мен тагинда ўнгириг тутиб ётувдим,
Пичоғинг солди-да, кесишиб кочди...

Кулоқ сонг Гулчеҳра ойим тилига,
Хароб бўлдим мана Булғор элига,
1110 Мен бораман олим, мулла қошига,
Бир аёл бўлурми ота, улига.

Подшо отин тўхтатиб, камчишинг дастасини эгарнинг қошига қўйиб,
ўрим тарафини маплайига тутди. Дунёнинг бор гапи кўнглидан ўтди,
кўзининг ёши хўл қилиб кундал мовутди, бир соатча шу фикрга кетди.
Заррин пўтасини белидан бўшатди, билдирмасдан кўзининг ёшини артди,
сўнг от устида кўтарди жасадди. Ёрига қараб, инсофини тилаб, бир сўз
айтиб турибди:

Инсофин тилайман сендай гулимди,
Келгани рост бўлса, ҳақи ўлимди[r],
Бир сирача гуноҳидан ўт, ёрим,
Ўлдиртирма, икки ёруғ дилимди.

Бесоҳиб қилмагин Булғор қаламши,
Бу савдо ишратди менинг танамши,
Гуноҳидан ўтгин икки боламни,
Бесоҳиб қилмагин мурда-танамни.

Қариганда менга солма меҳнатни,
Тилаб овдим иккигина фарзандни.
1120 Сенинг инсофингни Ҳақдан тилайман,
Боламга қилмагин бунча тухматни.

Бир сирача кара менинг юзима,
Улар тирик қолсин менинг изима.
Суйиб олдим мен уларни тизима,
Бу тухматинг қилма икки қўзима.



1130

Қариганда ғам солмагин бошима,
Рахминг келсин менинг кўзда ёшима,
Бу тухматни килма икки ёшима,
Улар эга мен ўлган сўнг лошима.

Қорахон дер, ҳеч бир яхши ўлмасин,
Яхши одам ҳеч ёмонлик кўрмасин.
Кўп йиғлама, шаҳар мардум билмасин,
Раҳм эт, ёрим, икки ўғлим ўлмасин!

Шунда Гулчеҳра ойм: – Ё икки ўғлингни ўлдиргин, кўзинг киймаса, мендай гулингни ўлдиргин. Бу помус-орга чулғониб, қайтиб бош кўтариб юрарман?! – деб ёрига қараб, кўзини ёшлаб, йиғлаб шум довушлаб, “Дод, қарокчи!” – деб ўзини ўзи муштлаб тўхтаган чоғида подшо: “Шарманда бозорини юритар бўлди”, – деб отини буриб, ғамга тўлиб, гулдай юзи сўлиб, қадди букилиб, кўзидан ёши тўкилиб, юрак-бағри сикилиб, хуши кетган жойида отидан йикилиб, ёридан шаъни синиб, давлатхонасига етиб, мирохўрларга отини ушлатиб, хўрсиниб ёши кетиб, давлатхонага томон қалам ташлади.

Қосимхоп: “Нима гап бўлди экан, бу икки тўражонимга бир воқеа бўлди экан?” – деб подшонинг оркасидан етиб, кўлидан ушлаб, “Саломатликми?” – деб гап бошлаб, икки тўражонни сўраб, подшонинг ғамгинлигига қараб, бир сўз айтиб турибди:


Кўнгил бузик, аҳволингиз ёмонми,
Ёмон кунда тоғлар бети туманми?
На сабабдан ғамгин бўлдинг, султоним,
Худо берган икки укам омонми?

1140

Бир хафалик савдо сизга бўлганми,
Бир тарафдан бисёр лашкар келганми?
Ё шаҳарда бир ҳодиса бўлганми,
Мен сўрайман, тўражонлар омонми?

Не сабабдан ғамгин бўлди дилингиз,
Саломатми пойтахти, элингиз?
Туркингизга хижолатда қолдим мен,
Подшоҳим, омонми икки улингиз?

Каҳрабодай сарғайибди тарзингиз,
Ғамли қулдан ёшли кўрдим кўзингиз.



1150 Ғам чеккандай кўринасиз, султоним,
Омон-эсон борми икки қўзингиз?

Қосим дейди, мен салламни ўрайман,
Ғамгин бўп, хоп, дийдорингга қарайман,
Сўзланг, хошим, кулоқ солиб фаҳмлайман,
Икки тўражонимни мен сўрайман.

Подшо дилида: “Ёримга инсоф берурмикан?” – деб Қосимхон вазирга:
– Ҳозирча омонлик. Олдимиздаги гап бўлгандан сўнг билинар, сен билан
менга короғидир, – деб давлатхонага чикиб кетди. Подшо давлатхонада
ғамгин ёта берсин, энди бир сўзни подшонинг суярча ёридан сўранг.

Гулчеҳра: “Энди ўтиришнинг фойдаси бўлмас”, – деб ўлган
ғозларининг бировини дарвозахонага ташлаб, ҳар парига ёкут зумрадлар
таккан “ўғил” деган ғозини кўтариб, шаҳарнинг ўрта кўчасида чапак
чалиб: “Дол, карокчи! Бир аёлга ота ва икки ўғил, учаласи раво бўлами?”
– деб подшонинг давлатхонасига қараб кетаётир. Ўзини-ўзи уриб, борди
давлатхонага кириб, мирохўр, тўксабо, додхолар кўриб, бу ёққа келинг,
– деб қичқириб; додхо беклар: – Э, синглим, подшо адолатда турганда,
бизлардай бек хизматида юрганда, ким бидоҳат қилди сизга? – деб сўради.
Гулчеҳра доду вой қилиб, бир сўз айтиб турибди:

Жабр кўрмаса-ку, киши йиғларми,
Бидоҳат кўрмаган бу ерга келарми,
Подшо ҳақиқат кип ишни сўрарми,
Ҳеч бир аёл уч кишига бўларми?

1160 Ажал етган кишининг куни тўларми,
Куни тўлмай, ҳеч бандаси ўларми,
Зулм кўрмаган киши бу ерга келарми,
Ҳеч бир аёлни уч киши бўп оларми?

Сизлар юрдининглар бу шариатди,
Менинг тўғрилигим ҳам ҳақиқатди[r],
Отаси ва ҳамда икки боласи,
Бир аёлни олиб юрса бўлами?

1170 Эшитинглар, Гулчеҳрадир отим,
Ёрнинг ўғли бўлса, бўлмайдами фарзандим?
Ўлай, агар гапда бўлса ғалатим,
Мен энаси, босди икки фарзандим.



Мулла, олимлар ҳам турган сипоҳилар: “Бу сиёсарнинг додининг маъниси чуқур кўринди. Қайси гузардан ва қайси диёрдан? Бу гапнинг маъносини очиқ килинг, синглим!” – деди. Шу вақтда аёл душманлигини билдирмай, фикрини баён қилиб турибди:

Бир шикаста ғарибларнинг бириман,
Айтайин сизларга хали тириман,
Қорахон дейдилар менинг ёримни,
Эшитинглар, шу хумсанинг гулиман.

Ситам кўрганларнинг мен ҳам бириман,
Булғор элининг азоб кўрган шўриман.
Бу шаҳарда жабр кўрдим, халойиқ,
Танингизлар, мен подшонинг гулиман.

1180 Ёшлигида миндирардим бўйнима,
Жабр кўрдим, ҳар на десам майлима.
Подшоҳингнинг энди икки ўғлони,
Ярим оқшом бориб кирди қўйнима.


Эралиси қўлин солди норима,
Харом қилди Қорахондай ёрима,
Ҳам қиличин қўяр бўлди сарима,
Навбат билан чўкди иккови бағрима.

1190 Кўп насихат бердим икки ёшима,
Қабул қилмай, қилич қўйди бошима.
Икковлашиб ноз уйқудан уйғотиб,
Навбатиға минди қордай тўшима.

Йўк деб эдим икки ғозимни отди,
Жувонмарглар мени бағриға тортди.
Уят гапни қайтиб сизларга айтай,
Тўғриси ишимни бошлаб ўхшатди.

Муллалар, очишинг, ўкишинг хатди,
Қаерда буйруғи бордир у қудратди,
Юрдилинглар, яхшилар, шариатди,
Ўлай, тақсирлар, мен қилсам тухматди.
1200 Адисар хоннинг қўзи қиймайди,





Шу иккала ўзи суйган фарзандди[r],
Розиман ўлдирсин мен сиёсарди.

Гулчеҳра дер мендай гулнинг отини,
Билдингларми гапнинг ҳақиқатини,
Бесоҳиб қилмасин шу давлатини,
Ўғлин кўйсин, сўйсин паризодини.

Алқисса, беклар, уламолар, пирдон ва ҳамма ақли расолар – жамоат бари аёлни ияртиб давлатхонага бордилар. Ҳамма муллаларнинг орасида доноси Хатим Карда деган мулла бор эди. Шариатни юрдирмоқчи бўлиб, подшога қараб: – Ўғилларингнинг айбини яшириб, шариатни посид қиласизми? Бу нотавапнинг ҳолига қара, – деб Гулчеҳрани кўрсатиб, Хатим Карданинг айтган сўзи:

1210 Аҳволига қара, хоним, гулингди,
Бадкорликка бошлик бўлган улингди[r],
Бир неча вақт босган эмиш гулингди,
Баҳридан ўт икки жону дилингди.


Ўзинг тирик, босган эмиш ёрингни,
Уларга кўрсатма ҳеч дийдорингни,
Хоним, биласанми номус-орингни,
Жаллод буюр, сўйдир кокилдорингни!

Подшодирсан, шариатни биласан,
Энди шу савдога одил бўласан.
Агар мени десанг энди, султоним,
Икковини бирдай дорга иласан.

1220 Ҳаромзода босар бўлди элингни,
Кўпайса бойлайди, билгин, қўлингни.
Шариатни ҳам юрдирсанг, султоним,
Ҳукмқушга буюр икки улингни.

Олиб кеп тўғри қил ўғлинг гулингга,
Тайин қилсин болаларинг бўйнига,
Бадкардалар ўлса, хоним, майлига,
Подшо мардум раҳм этмайди улига.





Менман муллаларнинг доно гардони,
Беамир чикмасди чибиннинг жони,
Ул келса билинар тухмат, ёлғони,
1230 Чин бўлса сиздай хоннинг душмани.

Алкисса, “Элга овоза бўлди, тухматини юргизар бўлди”, – деб ёрига қараб: – Ҳай-хай, баракалла, боргани чинми? – деб сўраб, подшо бир сўз айтиб турибди:

Нечук бўлди сенинг кори-меҳнатинг,
Юзингдин кетибди шарм-уятинг.
Менинг ўғлим билсанг, сенинг фарзандинг,
Бўйнига қўймокка борми исботинг?

Ғамгин бўлиб мен юзингга қарайман,
Улар гуноҳини очик билмайман,
Хафалик бор, нозим, ўйнаб кулмайман,
Улар келса, менки шоҳид сўрайман.

Амр айлайман олиб кел деб жаллодга,
1240 Икки болам тортилмасин тухматга.
Пухта билгин, шоҳид, исбот сўрайман,
Тайин қилсанг, мен уларни тўғрайман.


Мен билурман, йўқдир зарра ғуборим,
Ҳақиқат сўйлагин, гул юзли ёрим,
Қилгани рост бўлса икки шункорим,
Қонларга бўялсин у тилла дорим.

Қорахон дер кулоқ солгин зорима,
Чин бўлса, осаман тилла дорима,
Тайин қилгин икки кокилдорима,
1250 Ё чиқариб отарман минорима.

Гулчехра подшога боқиб, тўрт калима сўз айтиб тургани:

Мен ўлайин агар бўлса ғалати,
Ҳеч ерда юрмасдир гапнинг тухмати,
Айта берсам кўпдир, таксир, уяти,
Оп келтиринг тайин туруп исботи.





Очик бўлсин, олиб келсин жаллоди,
Юзларни сарғайтар гапнинг ғалати,
Ўгли тирик қолса, шоҳнинг давлати,
Жуфт-жуфт тайёрдир ёрнинг исботи.

1260 Азоб кўрдим, ҳеч бўлмасди роҳати,
Жамъи турган хўжа, мулланг хурмати.
Бекора хурмайди элимнинг ити,
Олиб келинг тайёр турур шохити.

Энди мен кўрмасман сиздан дийдорди,
Қон йиғлатиб кўйдинг мендай дилбарди,
Тез олдириб келинг, тақсир, аларди,
Исботи, шохиди таппа-тайёрди[р].


Алкисса, Қорахон подшо юрагига ҳавил тушди, жаллод, деб килди довушди, жаллодлар эшитиб чонишди. Давлатхонага келиб, қўлларини дастилом қилиб, алифдай қоматини ҳам қилиб, ўн бир таъзим билан подшога салом қилиб, одамнинг бошини чумчуқнинг бошидай кесган, кулок-бурнини хайкал қилиб осган, одамни сўйса, мавкини босган қонхўр жаллодлар сон-саноксиз эди.

– Тақсир, сиз адолатда турганда, бизлар сизнинг хизматда юрганда, кимнинг ажали битиб, қони тортди, нечук чақирдингиз бизлардай жаллодди, қон қуяр жаллодларингиз ҳозир бўлиб етди, – деб подшога ўзларини манзур қилди. Аммо подшо икки ўғлоқнинг отини айтолмай, қатор-қатор бўлиб кўзидан ёш кетди; қарийиб ярим соат орадан ўтди. Қараб турган домлаю мардумлар: – Индамайсиз, бузасизми мамлакатди? Бу ерда юрдириг шариятди, – деган вақтда “хай дариғ”, – деб подшо бир ох тортди; эшону қадамгоҳларга юрган вақти ёдига тушиб, домудла ҳам жаллодларга қараб, бир сўз айтди:

1270 Ғамга чулғанмасин ҳеч кимнинг боши,
Беҳикмат эмасдир, тоғларнинг тоши.
Бор, жаллодлар, олиб келгин ўғлимни,
Хўрлик келса, оқар кўзимнинг ёши.

Ғапи ҳақ бўлса-ку нозли гулимди,
Қўлин боғлангизлар дарров улимди.
Тез оп кенглар, э, ғазабдор золимлар,
Билдим, уларнинг ҳақи ўлимди[р].





Ёшли кўрмангизлар менинг кўзимни,
Қариганда нозим кесди изимни,
Хурматин қилмади нопу тузимни,
Қон қуярлар, оп кенг икки кўзимни.

1280 Ким эшитар менинг қилган ноламни,
Бесоҳиб айлади шаҳри-каламни.
Иши ҳаққат бўлса мана санамни[нг],
Олиб келиб сўйингизлар боламни.

Сабил бўлди анжомим ҳам байдоғим,
Қариганда, дариг, куйди думоғим.
Олиб кенглар иккигина гўдагим,
Во хасрато, ўчар бўлди чироғим.

Келганича эгам олсайди жоним,
Биларман, бегуноҳ икки ўғлоним,
Алар қутилмасдир, шудир гумоним,
1290 Қорахон дер, ўчди менинг нишоним.


Алқисса, муллалар ишорат этди, қирқ жаллод минди қирқ отди;
киличин белига бойлаб, милтигин кифтига тайлаб, сон теккандай чопиб
кетди. Энди улар йўл юра берсин, гапни икки тўражондан сўранг.

Боғнинг гулзор жойига бориб, булбуллар ҳоништа сайраган, тўтилари
одам каби сўзлаган, булбуллари хуррам бўлиб бўзлаган, оламда бор
гапни топиб сўзлаган ва уларнинг нолишига икки тўрабачча маст бўлиб
ухлаб ётар эди. Иккови икки хил туш кўрди: бирови – Шералихон қўли
бойланиб тоғ жойда юрди, Эралихон – каттаконин қўлини бойлаб, қирқин
золимлар уриб кўчада юрди. Эрали кўркишидан ўрнидан турди. У
Шералини турткилаб уйғотди: – Тургин, укам, ёмон кўрдим ғафлатди, тур
жойингдан, балки ука, тонг отди, – деди. Шералихон ўрнидан туриб: –
Бироз сабр қилиб уйғотинг эди, кўп ғурбат-можарода ётган эканман. На
савдо бўлди, хотиржамликми? – деб акасида сўради.

Шунда кўрган тушларини бир-бир баён қилиб, Шералихонга: – Отам
душманимиз бўпти-ку, укажон! – деб бир сўз айтгани битилур:

Қуйган қулман, йиғлар бўлдим зору зор,
Ғозни уриб бўлибмиз-да гуноҳкор,
Бошимизга менгзалибди тилла дор,
Билгин пухта, отам сўяр муқаррар.





Кўлимизни, келиб бойлар жаллодлар,
Мол бозорда куриб қўйган дори бор.
Жаллод этиб, агар сўйса бу куни,
Қирмиз қонга бўялади кокиллар.

1300 У суяри йиғлаб борган мукаррар,
Ёр гашига ишонибли аждаҳор,
Тухмат билан кетар бўлди бизнинг сар,
Баланд дорга осилар бўлди таналар.


Менинг энам колди бундан беҳабар,
Шу энамдан бошқа энди кимим бор,
Бу ўлимга кичик энам сабабкор,
Беғунохга энганами тилла дор?!

1310 Эрали айтар, йиғламагин, облю бор,
Тўккиз ёнда бўлдим тухматга дучор,
Отам буйруқ берса ул жаллодларга,
Хеч бандагни қилма бу ғамга дучор.

Эрали, Шералидан Корахон кечар,
Ғамдан-ғамга бўлур гашига дучор,
Жасаддан жон чикса, фалакка учар,
Бизлар ўлсак, отам чироғи ўчар.

Устанинг бир дийдори ғаниматдир, бизларга билдирган алифу нукатди, таълим бериб яхши гаши ўргатди, пухта қил чикарди хату саводди, албатта, у киши отамиздан зиёддир. Энам юрдирган бўлса шу тухматди, бориб домла дуосин олайик, домла дуоси ҳам ғаниматдир, – деб Шерали акасининг кўлидан тортиб, гўзал боғининг дарчасидан чикиб, мактабхонага қўл ушлашиб борди. – Домла борми? – деб болалардан сўраб, енглари билан юзларини ўраб, иккови эпикнинг икки тарафига қараб, ўз отасидан хафа бўлганидан йиғлаб турди. Домла болаларга: – Гап сўраган кимдир? – деди. Болалардан биттаси: – Юртнинг эркаси, подшонинг боласи, отасидир омманинг сояси, гашти иккаласи Булғорнинг эгаси, Муллахон Умарнинг дўс[т]и, тўралар келди – деди.

Домла ўрнидан туриб, эпиккача юриб, икковига қаради. Қараса, ғамли, кўзларини ёшли кўрди. Шунда домла йиғиларининг маънисини сўраб, бир сўз айтиб турибди:





Кўздан ёшинг окиб нега сел бўлди,
 Отанг сўрагани Булғор эл бўлди.
 Икки тўрам, сендан холинг сўрайман,
 Йиғламанглар, икковингга на бўлди?

1320 Шаҳарнинг атрофинг душман олдими,
 Ҳам кўчага душманлар ҳам тўлдими?
 Дол бўйингдан мендай мулланг садаға,
 Ёки отанг ёв қўлида ўлдими?

На савдо бўлди, гўдаклар сизларга,
 Ё эгами ўзга киши шаҳарга?
 Йиғлаганинг маънисини сўрайман,
 Икки гавҳар, кеп йиғлайсан бу ерга?

1330 На гап борин ҳозир мен ҳеч билмайман,
 Гапирсанглар, эшитаман, англайман,
 Кўп кун бўлди дийдорингга тўймайман,
 Йиғиларинг маънисини сўрайман.


Мулла Ҳайдар дейди, яхши ниятим,
 Кўзимнинг равшани, бошда давлатим,
 Қон йиғлайсам икки асл бекзотим,
 Хабар бергин, ҳеч қолмади тоқатим!

Мулла Ҳайдар болаларнинг қўлидан ушлаб, иззату иқром айлаб,
 остига кўрпачалар тайлаб, шогирдларини жонига жойлаб: – На сабабдан
 йиғладинглар? – деб турганда, Эралихон мулласига икки оғизгина сўз
 айтди:

Подшоликни кўп кўрдик, бесиёқди,
 У юришдан ўқимок яхшироқди[r],
 Авом киши билинг куриқ таёқди[r],
 Ўқишни ҳуш кўриб, таксир, йиғлайман.

1340 Берди боғбон қўлга икки тулпорини,
 Минсам ҳар ёнага, таксир, жўнайман.
 Майдон чикиб мусофирлик кўргандан,
 Олдингизга келсам, қулиб - ўйнайман.





Муллалар ҳайрондир ҳазори анга,
Ўз элида зулм ўтди болангга.
Отамдан зиёдсиз менга, устозим,
Алифу нуқатни билдирган менга.

Яна қилсак сизга, таксир, хизматди,
Бировга биров қилса тухматди,
Қаҳри келармикан Эгам қудратди,
1350 Ушбу тухмат бўлган учун йиғлайман.

Эрали, Шералининг сизсиз устоди,
Бир яхшига тухмат қилса налати,
Гашти қандай бўлар экан қисмати,
Ушбу тухмат тушган учун йиғлайман.

Домла билан булар ўтира берсин, энди от минган қирк жаллоддан сўз
сўранг.

Отларга қамчилар уриб, тинмайин шаҳарда юриб, улар боққа келиб
тушдилар. Ҳамро боғбонни жаллодлар қўриб, боғбон бечорага дўк уриб,
подшонинг жаллодлари ҳаммаси ғолиб, ғазаб қамчисини қўлига олиб,
Иммар отли бир жаллод боғбонга ёмон-ёмон қараб, икки тўрани сўраб,
бир сўз дегани:

Босган отасин юзини,
Андиша қилмай тузини,
Йиғлатган кичик нозини,
Тоғиб бер, икки қўзини!

Булғади Булғор элини,
1360 Бойлаймиз икки қўлини,
Танисин ўшгу сўлини,
Тоғиб бер, шохнинг улини!

Энаси борди кип арзини,
Қонга бўябон юзини,
Кесармиз улар бўғзини,
Тез топ, шу икки қўзини!

Қўлимизда подшо хати,
Синади шохнинг каноти,



1370

Вайрон бўлди бу давлати,
Қани, подшоҳнинг фарзанди?

Эрали, Шерали оти,
Тўлган уларнинг муҳлати,
Бизлармиз хоннинг жаллоди,
Қаникай шохнинг фарзанди?

Қўлга тушса улар билар,
Дастидан сулувлар йиғлар,
Тирик қолмас, пухта ўлар,
Қаердадир, айтинг зинҳор?

1380

Шох буюрди, келдим Иммар,
Икковидан кесилар сар,
Қон йиғлар кичик муштилар,
Яшириб бўлма гуноҳкор.

Боғбон: – Мен тўралардан беҳабардирман, кўрсам айтар эдим, – деб
бир сўз айтиб турибди:


Аҳмоқ билдим ушбу шохнинг ўзини,
Бир печалар тополмайди изини,
Нечук босди отасининг юзини,
Сабаби на, сўрайсан икки кўзини?

1390

Сарф қилганда мамлакатнинг пулини,
Ҳеч ким топмас улардайин улини,
На учун бойлайсизлар қўлини,
Сабаб на, сўрайсан жону дилини.

Келдингизлар берга анжим сиқойи,
Иккови ҳам тўғри бачча, бинойи.
Душмандир аларга ҳам кичик ойи,
Мен зоминман, йўқ икковин гунойи.

Кичик энасин босган, деб айтасан,
Ушлаб берсам, дарров олиб кетасан.
Икки бегуноҳни сўйсанг бу қуни,
Маҳшар қунда зимонини қайтасан?



1400

Менга айтдинг подшо тилла дорини,
Мард билади номус ила орини,
Қайтиб кесасан бегуноҳнинг сарини,
Ғалига амал қилманг мочахарини.

Ҳамро дейди мен ҳам подшо боғбони,
Беамир чикмасди чибиннинг жони,
Ҳаммангга маълумдир шу гап ёлғони,
Бегуноҳ подшонинг икки ўғлони.

1410

Боғбон айтар беҳабардир энаси,
Сабил бўлмасин подшонинг каласи,
Оллоҳга бандасан, сизлар ҳам оси[й],
Мен биларман йўқ уларнинг гуноси.

Иммар жаллод: – Подшоларнинг амри вожибдир, сен тарки вожиб килдинг. Гуноҳкорларнинг ҳар ишидан ҳабардор экансан, – деб бобони ушлаб бойлаб олди. Ипи ипакдан, зеҳи тирпоқдан, бир учи юракдан, ошириб билакдан бойлаб олгандан сўнг Ҳамро боғбоннинг бадани тутатиб, гапидан қайтмай, тилини тортмай, жаллодлар билан уришиб турганда, жаллодлар дастаи қамчидан ушлаб, баъзиси қўл қулоқлаб, баъзиси қамчининг ўрмидан ушлаб урдилар. Қўли боғланган боғбон золимларга аччиғланиб, бир сўз айтиб тургани:

Кўп йиғилиб ўтирикчи муллалар,
Юрдирибди ҳам райкори хиллалар,
Қўлим ечгин, ёшинг кичик балолар,
Ҳақ энгишар, синмас энди, билинглар.

Боғимда бор гули билан полалар,
Кўзимдан ҳам оқиб жўйбор жолалар,
Булғорда соп бўпти ақли донолар,
Тўғрига ўлим йўқ, фикр қилинглар.

1420

Шулар тўғрилигин бобоси билар,
Бино бўлган киши бир куни ўлар,
Худо берган жопни худойим олар,
Банданинг қўлидан нима иш келар?

Мен боғбопман, доим гулни тераман,
Қайтиб неварамни сенга бераман,





Икки ўғлим учун ўзим ўламап,
Азоб кўрган банда маргини тилар.

Хамро боғбон дейди, кесгин бошимни,
Чикариб далага тайла лошимни.
Сассиқ исим кизил гулга урмасин,

1430 Мен ўлайин, икки тўрам ўлмасин!

Иммар жаллод: – Ўзингиз азобни кўрганча, фарзандлар катор сизни бунча урганча, тўраларни чакирсангиз бўмайми, сен чакирсанг икки ўғлинг кемайми, таёк еб, азоб кўриб тургандан, уларни ушлаб берсанг, бўмайми? – деди.


Бунга жавобан боғбон: – Дунёда бир бўлдим, икки бўлмайман, дўнг бўйинман, ҳеч амрингни қилмайман, ўлим бирдир, уни икки билмайман, – деди.

Иммар жаллодларга: – Бобонгни ўлдирсанг ҳам ўз сўзидан қайтмайди, бекларнинг дарагини айтмайди, подшонинг сиёсатига акли етмайди. Боғи дарвозаларнинг атрофини оралайик, муллабаччалардан сўрайик, от миниб икки-уч гузарга бўлиниб, мактабдан қайтган болалардан ҳам сўраб кўрайик, – деб ҳар қайси ҳар тараф кетди.

Иммарнинг шумлиги тутди: “Бизларни кетди, – деб кўлини ечишга бобой икки бекни чакирар”, – деб боғбонни пойлаб юрди. Салласин тагига босиб, бобо караганда пусиб, боғ дарчасининг олдига етди. Шу дарчадан у бекзодлар ўтувди, тушган ерда ҳам ўкчаси богувди. Иммар караса, маълум бўлди тўраларнинг шу томонга ўтгани. “Энди билдим, бизлар келган вақтда улар шу дарчадан чикиб кетган”, – деди. Изин олиб бора туриб адашди, кон қуярларига қилди довушди. – Ушла! – деди. Бари бирдай чопишди, улар ҳам келиб кўрмагандан сўнг икки ёшди, сўрадилар икки кўзини, қайтиб кеп кўрсатди босган изини. “Босгани рост экан хошнинг нозини, гуноҳкор шуйтиб билдиради ўзини; гуноҳи бўлмаган кўриниб юрар, гуноҳкорлар шуйтиб ўзини панага тортар, душманини кўрса, кўринмай кетар, от чоптирган балки изидан етар”, – деб от чоптириб бари бирдай боради, сипоҳларнинг иши шундай бўлади. Ногоҳонда чикди олдидан мачит, йиғилишиб шу мачитга боради. Бир кишидан: – Ким бор? – дейиб сўради. Буларнинг сиёсатидан кўркишидан “Подшонинг ўғлини дарак берсак, қайтар”, – деб у қаламдар бир сўз айтиб турибди:

Э, золимлар, сенинг кимга ишинг бор,
Ким билан гаплашмоққа ҳушинг бор?
Сен қараган киши йўқлир бу ерда,
Сизлардан ҳам зиёдрок икки киши бор.





Эл эгаси бордир, икки кокилдор,
Иккови ҳам маст боладир, айдахор,
Олдига борманглар, сипоҳилар, зинҳор,
Бу мачитда хоннинг ўғли, тўра бор.

1440

Яхшилар, килинглар гапимни бовар,
Биларман энди сиз хонга хизматкор,
Бошқа ёқда сиз излаган гуноҳкор,
Бу мачитда мулла билан тўра бор.

Тўққизларда билдим улар ёшини,
Янги тортиб чиқдим кулоқ-бошини,
Олдим уларда садақанинг пулини,
Шу мачитда кўрдим шохнинг улини.

Иммарлар: – Бизнинг истаганимиз шулар, -- деб от қўйиб кетишди. Иммар мачитга бориб, отидан тушиб, Инназарга жилов ушлатиб, “Тўраларни бойлаб чиқай, зарбимни кўрсатиб”, – деб мачитнинг эшигига борди. Эшикдан домлага қараб, Иммар бир сўз айтиб турибди:

1450

Гулларнинг ошиғи булбул бўлдим,
Эшитган душмани ўйнаб-кулдим?
Э, домла, ростини айтинг бизларга,
Энасини босган газзоб келдим?

Ажал етиб паймонаси тўлдим,
Кизил гулдай эди, улар сўлдим?
Э, домумла, ҳақиқатни сўзлагин,
Хонимиз душмани шерга келдим?

Бедов минган соғу сўлга елдим,
Гуноҳкорнинг паймонаси тўлдим?
Э, домумла, бўлса чиқариб бергин,
Харомзода шу наймитлар келдим?.

1460

Бизлар ахтарамиз подшонинг ёшини,
Беҳад турур бу подшонинг қўшини,
Душман бўлса парча қилар гўш[т]ини,
Хабар беришг, икки тўра келдим?





Подшоликда бўлмас гапнинг ғалати,
 Ҳар ким тўғри, зиёдадир давлати,
 Бир нечанинг бошда ғаму кулфати,
 Борми шу ерда подшонинг икки қаноти?

Отим Иммар, мен жаллодлар устоди,
 Бадкарданинг ўз юзида уяти,
 Қирмиз қонга ҳам бўялар жасади,
 1470 Кўлимизда подшонинг ҳукм хати.

Домла золим жаллодларга қараб: – Жинни бўлдингларми ёки бўза ичиб маст бўлдингларми? Золимлар, гапингни билиб галир! Бу ер мактаб, баччаларнинг ўқийдиган жойи, норасида болаларнинг бўлмас зарра гунойи, қандай сипойисан, ўзинг анойи; ўғри десанг, бошқа ердан сўрагин, ўғри юрган кўчаларга қарагин, бу ер асли худоёўй бандаларнинг жойи, – деб эди, Иммар ҳам: – Подшоларнинг гапи бирдир, икки бўлмас, агар икки бўлса, тахтидан тойган билан баробардир. Амри подшо вожиб турур, тарки вожиб қилган гунохкордир, нечук беамал мулласиз, ушбу ишдан беҳабардир, – деб ичкарига кириб, баччаларнинг хос салласини олиб, гарданига солиб, бошига камчилар билан чолиб, икковини икки кўли билан ушлаб, оёғи билан ҳам тепа бошлаб, далага опчикиб кетди. Ипи ипакни билакдан ошириб, тўраларни чунон бойлади.

Шунда кўли бойланиб, Эралихоннинг домласига қараб, бир сўз дегани:


Қиркин золим бойладилар кўлимни,
 Обло билсин э, домудла, холимни,
 Инсофини берсин гала золимни[нг],
 Пухта билдим, булар кесар саримни.

Отам билмас номусини, орини,
 Безга айлади лўкча, норини,
 Ким эғалик қилар хазна-зарини,
 Кесар бўлди бегунохлар сарини.

Бизлар учун қурган эмиш дорини,
 1480 Гапига кирибди кичик ёрини,
 Безга айлади Булғор шахрини,
 Энди кесар икки ўғлин сарини.

Золимлар кўлида қолдим мунғайиб,
 Кимларга йиғларман дардимни ёйиб,





Бизлардан аъломи у кичик зайиб,
Аттанг, Булғор эли бўлди бессойиб.

Бу эмасди кудратимдан ниятим,
Қоляпти бу ерда лафгарим, хатим,
Энди мендан рози бўлинг устодим,
1490 Қирмиз қонга бўялади жасадим.

Қамчи солиб ҳайдаяпти гузарга,
Ҳеч ким раҳм этмасдир, тақсир, бизарга,
Рўйи сиёҳ бўлдик ушбу шаҳарга,
Бошимни кесади, осади дорга.

Бу саримдан окди атрофга коним,
Бетокатман, бугун кийшалди жоним,
Бу ишни кўрмади у меҳрибоним,
Агар ўлсам, ҳамро бўлсин имоним.

Қулоқ солгин, э ёронлар – кўп ўғлон,
1500 Ҳеч кайсинг кўрмагин бизлардай армон,
Кўрдингларми, биздан оқиб лола қон,
Улфатингдан рози бўлгин, жўражон.


Жумла ўғлон аҳволига йиғлашди,
Домулладан гуноҳини сўрашди:
– Не сабабдан золимлар қамчилашди,
Булар қилган турур, тақсир, на ишди?

Алкисса, бояги сўзига домла ҳайрон эди, ушбу боланинг сўзи билан ўрнидан туриб: “Менга армон бўлмасин”, – деб баччаларнинг устига ўзини тайлаб, жаллодлардан болаларнинг гуноҳини сўрай бошлади:

Золим, надир бу иккиннинг гуноси,
Отаси ҳам Булғор элининг эгаси,
Зўр домудла, мен буларнинг устаси,
1510 Гуноҳини айтгин, билиб қолайин.

Булар эркасидир, билгин, шаҳарди,
Ким сизларни ҳукм қилиб юборди.
Устасиман, гуноҳини сўрайман,
Банди бўлган икки гўдак шўрларди.





Отаси қудратимнинг сояси,
Булар эрка, Булғор шаҳар тўраси,
Армон қип сўрайди мендай устаси,
Бу иккисин надир, айтгин гуноси?

1520 Ҳеч инсоф йўқ, билдим, золим, сизларга,
Аямайин қамчи қўясан сарга.
Мулла Ҳайдар гуноҳини сўрайман,
Сабаб надир, осилар булар дорга.

Жаллодларнинг бири домланинг ушбу гапига мувофик, бир сўз айтиб тўхтаган эди:

Ман билмайман, ўзи билар гуносин,
Подшоликка йиглаб борди энаси,
Ҳукм қип буюрди бизни отаси,
Бизлардан кўрманг, кўринг шу шохимдан.

1530 Иккиламчи, қудратимдан, Каримдан,
Учламчи бўлгандир ҳукмдоримдан,
Бизлар урдик, буйруқ бўлган зўримдан,
Бизлардан кўрманг, кўринг шу аждаҳордан.


Хўрлик келса, оқар кўзнинг жоласи,
Юртга маълум бўлди иккиннинг гуноси,
“Босди”, – деб борди кичик энаси,
Ҳукмқушга буюргандир отаси.

Жаллод айтар, амр қилди ҳукмдор,
Булар учун тиклангандир тилла дор,
Йиғлаганинг сут қилмайди, домулла,
Чунки икковида ёмон гуноҳ бор.

Юзи қизариб: – Кўп кийнамаглар, маъқул сўзга қорув йўқ, – деб ёлбориб, оланиб, ўғлонларга қараб, домла бир сўз айтиб турибди:

1540 Ўйнар-қулар вақтингда мен жўш урдим,
Бугун қупда мен кўзимга ёш урдим.
Йиғлама, гўдақлар, тақдир билади,
Икковингни бир Оллоҳга тошқирдим.





Ғамгии бўлиб келиб гунохинг сўрдим,
Ростдирми-ёлғонми, гунохинг билдим,
Икковинг, тўраси эдинг бу элнинг,
Боринг, иккингишни Ҳаққа топширдим.

Ҳеч иложим йўқдир икки тўрага,
Раҳмим кеп тайладим икки орага,
Мулла Ҳайдар устанг сендан садаға,
1550 Бор, топширдим икковингни худоға.

Жаллодларнинг болаларни олиб кетиб, кўздан йўқолганича домла термилиб, қараб қолди.

Бурун кўчага – папага тушгандан сўнг Сўзонгар деган гузари эрди, ушбу гузар биланким меҳрибон энасининг турган ўрдасига борор эди. Гузарга Шералихоннинг кўзи тушиб, энаси ёдига ўтиб, кўзининг ёши оқча юзидан кетиб, бойланиб бораётган вақтида кейинга бокиб, золимнинг отини таққа тўхтатиб, ғойибона энасига “Рози бўл!” – деб бир сўз айтиб турибди:

Жойлар эдинг, э, меҳрибон, жонингга,
Ёмон савдо тушди бу ўғлонингга,
Қўлим боғли, боролмайман ёнингга,
Жон эна, рози бўл берган нонингга!


Кўп қассоб тикилди икки кўзингга,
Хизмат қилолмадим, эна, ўзингга,
Эркалатиб олар эдинг тизингга,
Энажон, рози бўл икки кўзингга.

Кувонардинг ҳам икки фарзандингга,
1560 Ўқ теккан-да, ҳам икки қанотингга,
Ҳозир бизлар банди Булғор юртингга,
Жон эна, рози бўл берган сутингга.

Икковимизни жондан зиёд кўргансан,
Қор сутингни иккимизга бергансан,
Уйқунг бўлиб кечаларда тургансан,
Рози бўлгин шу қилган хизматингга.

Эна бўлиб, тушмай кетдим феълингга,
Айналай, деб олар эдинг қўйингга,





1570 Тирик бўлсак, қолар эдик кейнингга,
Рози бўл, энажон, берган сутингга.

Қувонардик болам, деган сўзингга,
Кокил тайлаб чопар эдик изишга,
Ўлиб кетсак, кўринмаймиз кўзингга,
Жон эна, рози бўл берган тузингга.

Навбатига олгичийдинг кўлингга,
Қўлларимни тайлаб, ўйнаб бўйнингга.
Мен ининг бўп, акам оғанг бўлувдик,
Энди чиқолмассан ўйин-сайлингга.

1580 Қора либос кияр бўлдинг бўйнингга,
Қоп йиғлаб сен қолдинг Булғор элингга.
Бу шаҳарда қариндошинг йўқмиди,
Ҳеч ким қайишмайди жону дилингга.

Шерали дер, бандидирман бекарор,
Сен яратдинг, ўзинггадир ихтиёр.
Ушбу энам йиғлаб қолар зору зор,
Ғойибона рози бўлгин муштинар.

Эралихонга укасининг гаплари таъсир қилиб, ҳам золимларга, ҳам укасига қараб, дилдорлик бериб, бир сўз айтиб тургани:

1590 Бизлар қилганимиз йўқдир гунони,
Бўйла ишлар бўлди Ҳакнинг фармони,
Бейхтиёр чиқмас чибиннинг жони,
Жаллод, кўп қийнама, тақдир билади.

Омонатни ўзи бир кун олади,
Ҳисобли кун ахир бориб тўлади,
Ҳар ким куни тўлса, қолмас, ўлади,
Жаллод, кўп қийнама, тақдир билади.

Номард ҳамродан бекорга кўради,
Гуноҳкорни золим шуйтиб уради.
Қанча урсанг, ура беринг, золимлар,
Ўзи берган омонатин олади.





1600 Эрали дер, мен Булғорнинг тўраси,
Тўққиз ёшга кирдим, элнинг эркаси,
Эгам мешинг олар бўлса жонимши,
Такдирда на борин ўзи билади.

Золимлар Эрали, Шералини йиғлатиб, камчи қўйиб ўтиб бораётган чоғида бир шум товуш мулла Умарнинг қулоғига кирди. Ўрнидан туриб, кўчага чиқиб қараб, бир тўп отлини кўрди. Буларнинг юришини совуқроқ англаб, юракка бир совуқ шамол кирди, катта-катта қадам ташлаб ушбу йўлнинг ёқасига келиб турди. Золимлар уриб келаётган икки баччага кўзи тушиб, “Булар қандай гуноҳкор экан”, – деб қараб тўхтаб эди, бирисининг туси Эралихонга, бирисиники Шералихонга ўхшали. Банди-бўғини бўшаб, икки улфатининг аъзолари қон, уларни пухта таниб, ўзини кейинга тортиб, пухта билди: ўзи айириб ололмайди. “Юртни ўзга хон олган экан. Мастура бийимга хабар берай”, – деб қўнғлига кеп, икки дўстига раҳм этиб, кетганча кўз ёшини артиб, буви Мастуранинг ўрдасига етиб, дарвозанинг ўнг ёғига ўзини тортиб, дарвозани тақиллатиб, усти-устига ура берди. Дарвозанинг шикирлаган товушига буви Мастуранинг дилига ғам шамоли кириб, канизларига қараб, дарвозадан хабар олинглар, – деб бир сўз айтиб турибди:

Ғам шамоли ўтди, гулдай танамми,
Менга ҳам хизматкор киркта санамми?
Ойимчалар, дарвозага қаранглар,
Ҳозир келган менинг икки боламми?!


1610 Шулар бўлган бери устун қўлимми,
Боғларда очилган тоза гулимми?
Сулув қизлар, дарвозага қаранглар,
Дарвозага келган жону дилимми?!

Йўлига термилган икки кўзимми,
Икковин соғинган ёлғиз ўзимми?
Хаялламай, канизлар, тез боринглар,
Дарвозага келган икки кўзимми?!

Агар бўлса Гулимастура боласи,
Бўйидан парвона мендай энаси,
Сулув-қизлар, ўйнаб-кулиб боринглар,
Келиппи экан Булғор элнинг тўраси?!



Уч канизини буюрди. Улар: – Хўш, бувим! – деб бувисининг вақтини хушлаб ва бир-бирининг қўлини ушлаб, рўмолин бошига желвагай ташлаб; гоҳ тик бўлиб, гоҳ энкайиб, чопишиб, неча бир ғамза-ўйинин бошлаб, борасолиб занжирни ушлаб, Гулжамол деган каниз: – Иби, дугона, очма, бегона бўлмасин, бизларни кўриб, ишкимизда девона бўлмасин, бизлар шам, улар парвона бўлмасин, очма, дўстим, дарвозани, ё бир каландар девона бўлмасин, – деб тарқишдан карадилар. Бири айтди: – Бегона экан.




“Эрали билан Шерали” достони қўлёзмасининг ilk саҳифаси. 1941 йил.

Бириси айтди: – Ўзи ҳам йиғлаганга ўхшайди. Ўйласак, айтганимдай соили девона экан.

– Ичкари дарвозанинг чап ёғидан тоза кўрай, – деб Окқиз ўтди. Тоза караса, Умархон турур. Таниб, карагидай бўлса, хафаликка чулғангандай боши, во, дариғ, – деб оқар кўзидан ёши. Ўйнаб келган кизлар ичини тортиб, мулла Умар йиғлайди кўз ёшини артиб. – Шаҳарда бир гап бўлганга ўхшайди. Юринглар, бувимизга айтайлик. Бу мулла Умардан бизлар қочамиз, бувимдан беамир қайтиб дарвозани очамиз, – деб қайтишиб, ойбувисининг олдида бордилар.

Гулимастура: – Дарвозада нима воқеа бор экан, ким эканки, дарвозани урган? Агар мискин, гадо бўлса, бирор нарса, бериб дуосини олмоғимиз керакдир, – деди.

Оққиз: – Ҳам гадо эмас, ҳам икки тўрам эмасдир, – деди.



– Кимлигини танимадингизларми? – деди бувиси. Шунда Оккизой бувисига караб, бир сўз айтаётир:

1620 Кулок солинг, бек тўрамнинг энаси,
Ҳамшериги дарвозада йиғлайди.
Мулла Умар экап, болангнинг дўс[т]и,
Во, дариғ, деб бул бошини ирғайди.

Таниб келдим, гапимнинг йўқ ғалати,
Ўзига муносиб қадди-жасади.
Дарвозадан караб кўрдим, бувижон,
Оти Умар, икки ўғлинг улфати.

1630 Сиз бўласиз икки тўрам энаси,
Бу шаҳарга бир гап бўлган ўхшайди.
Мен қарасам, бекарор бўп йиғлайди,
Оти Умар, икки ўғлинг жўраси.

Мулла Умар икки болангнинг дўс[т]и,
Қўлдан кетган ўхшар Булғор каласи.
Ёмон савдо борга ўхшар, бувижон,
Бекарор йиғлайди ўғлингнинг дўс[т]и.

Очмай келдик бизлар шу дарвозани,
Жасадим ингради қилган фиғони,
Кўрган ўхшар ўсал, ғамли савдони,
Чин дўстидир Умар икки тўрани.


Гулмастура: – Дарвозани очиб, олиб келингизлар. Билар шаҳарда бўлган савдони, сўраб кўрайик қани, омон-эсонми юрти-кўрғони, Умардан сўрайик икки тўрани, – деб канизларни қайтариб юборди.

82 Балки дарвозани Оккизой очиб, рўмоли билан юзин паналаб, киёлаб, караб: – Нимага турибсиз бу ерда йиғлаб? – деб бир сўз дегани:

1640 Қайтариб ҳам бувим сизга юборди,
Билмайман сизга на иши борди[р],
Йиғлашингга канизлар бекарорди[р],
Юринг, сизни бир ойбувим чаллайди.

На савдо борини бувим билмайди,
Сиз бориб гапиринг, дарров англайди,





Хар гап бўлса эшитали, тинглайди,
Юра беринг, сизни бувим чаллайди.

Дўстни дўст йиғлатиб асло қўймайди,
Йиғингизни айтдим ойибувимга,
Йиғлаганингизни ёмон фахмлайди,
1650 Тез юринг, сизни бувим чаллайди.

Оккиздирман, мен бўлурман канизи,
Бузилмасин, ака, шунқорнинг изи,
Мен турурман Ҳамро боғбоннинг кизи,
Юринг тезроқ, махтал бувимнинг ўзи.

Алкисса, Умарни ияртиб, тўхтаган ерида қўлидан тортиб, уйнинг олдида етиб: – Мана, ўғлингизнинг дўсти, – деб ойбувисига кўрсатиб қўйди.

Умар ҳеч гапирмай, дўстининг энасига боқиб, мушти билан манглайини мушглаб йиғлай берди. Гулимастура ўрнидан туриб, Умарнинг қўлидан ушлаб, нима савдо бор, айланай? – деб бир сўз айтгани:


Бу шаҳарда ҳам айролик замонми,
Кон йиғлайсан, ё ахволинг ёмонми?
Энди ўзинг бунча урма, Умаржон,
Айланайин икки дўстинг омонми?

Ёмон кунда тоғлар бети туманми,
1660 Ёв бостириб бу шаҳарга кирганми?
Ўзинг бунча урма дейман, Умаржон,
Икки улфатинг – болам омонми?

Бу савдога бувинг акли хайронми,
Уларни кўрмоқлик мента гумонми?
Болам, бунча ўзинг уриб йиғлайсан,
Сенинг дўстинг, бизинг жонлар омонми?

Сен йиғладинг, ғамгин бўлиб тураман,
Сен сўйлагин, ўзим тинглаб биламан,
Икки улфатингга ўзим энаман,
1670 Сенинг дўстинг, мелинг болам омонми?





Эрали, Шералидир бувинг фарзанди,
Кон йиғлама, бек боламнинг улфати,
Омон бўлса ойбувингнинг давлати,
Айланай, омонми бувинг фарзанди?

Юрагим талпинар икки улимга,
Қарши душман келдимикан элимга?
Тез жавоб бер менга дейман, Умаржон,
Кон йиғлайсан, ё Қорахон ўлганми?

1680

Дунёда ўлим хаддан ёмонми,
Кўкламда очилган гули райҳонми?
Мастура дер, мен бўйингдан садаға,
Кўзимнинг равшани – қўзим омонми?

“Болаларингизга шундай савдо бўлибди”, -- демокка тили бормай,
бувисининг юзига қараб, зор-зор йиғлаб, “киёмат савдо бўлди”, – деб
кўзининг ёшини артиб, бувисининг баридан тутиб, бир сўз айтиб турибди:

Учар эдинг, қанотишдан қайрилдинг,
Югрук бўлсанг, тирпоғингдан тайрилдинг.
Чопа бергин, бувим, жиловхонага,
Мен дўстимдан, сен болангдан айрилдинг.

1690

Гул юзимга, буви, бунча термилдинг,
Уларнинг кайфида ўйнадинг-кулдинг.
Кўп кечикмай боринг жиловхонага,
Мен ўртоқдан, сен болангдан айрилдинг.

Султон подшо ўлса садқа сарингга,
Қиёмат бўлгандир кокилдорингга,
Қор сут бериб, боскичи эдинг бағрингга,
Сиз шулардан, мен дўстимдан айрдилдим.

Тўрт ёшида берувдишгиз муллага,
Мен дўст эдим иккигина тўрага,
Билмайман, на гаплар бор орага,
Болангдан айрилдинг, чопгин далага.

1700

Иккимизга бир эди-ку устодим,
Бир савдони кўрдим, йўқдир токатим,



Банди бўлиб кетди икки улфатим,
Мен улфатдан, сен қўзингдан айрилдинг.

Олтин ёқа хўл бўп кўзда ёшига,
Баланд тоғ даст бўлур ул йиғлашига,
Қиркин жаллод қамчи қўйди бошига,
Ҳам кўзи-қўчқорингдан айрилдинг.

1710 Ғариб бўлган килар доим оху вой,
Раҳм айласин энди қарамли худой,
Ёрингни сўрама, у қари бобой,
Икки кўзи, қарчиғайдан айрилдинг.

Фарзанд деган нарсa юракнинг мойидан бўлади, кишининг худди меҳрли
жойидан бўлади. Токатсиз бўлиб, йиғлаб, Мастураой чикаётганидир:

Кўйни тўлди кўздан кетган жолага,
Энадайин раҳбар борми болага,
Сочини ёйиб, кўрмайсизми, сиёсар,
Дарвозадан дод деб чиқди далага.


Сулувлар ярапар кимхо[б] парчага,
Энадайин раҳбар борми баччага?
Кўрмайсизми, қоши қора муштинар,
Вой боламлаб, чиқди шаҳар кўчага.

1720 Гул рўмолин олиб шўрли қўлига,
Қашал бўлиб шўрли икки улига,
Тирноклаб юзини, фақир, қон этиб,
Қароқчи, деб тушди шаҳар йўлига.

Қийин бўлди Мастурадай дилбарга,
Тез чопиш, деб қанизагу қизларга,
Бир энаси раҳбар бўлиб аларга,
Сочин ёйиб чопди ҳар бир гузарга.

1730 Мотам кўрган ғамгин бўлиб йиғлайди,
Чиндан банди бўлганини билади,
Ҳар кимсадан на иш бор, деб сўради,
Кўчаларда бирдай чолиб боради.





Қаранг, мардум, менингдай Мастурага,
Раҳм этинглар мендай дили ярага,
Кўзларинг тушдими икки тўрага,
Чопаётир тинмай шаҳар орага.

Югуриб, слиб, факир қадам ташлади,
Мол бозорда уни кўра бошлади.
Етиб борди оркасидан сиёсар,
-- Тўхта, золим! -- деди ҳам довушлади.

1740 Жилов сакла, мен олдинга борайин,
Энаси бўлмайин ўзим ўлайин.
Йўл бўйида отинг тўхтат, золимлар,
Энасиман, бир дийдорин кўрайин.


Ҳасрат билан мотам тутиб жилайин,
Секин ҳайданг бу орада, золимлар,
Инсоф қилгин, бунча урма, золимлар,
Бориб мен ҳам дийдорини кўрайин.

1750 Бу орада мен билмайман на гап бор,
Сабаб надир банди икки кокилдор.
Энасиман, қон йиғлайман муштипар,
Ўғлин кўрсин мендай дили ярадор.

Золимлар кулоқ солмай ҳайдай берди. Одамсиз ерларда олдиға суриб, одам кўп ерида бошига уриб, бестоқат бўлганди энаси кўриб; шўрлик чопа бошлади, то етгунча ўзини-ўзи муштлиди, етиб борди мол бозорға энаси, кўлин ёзиб у устига ташлади. Нима бўлди хоннинг бундай даврига, ҳеч ким чидай олмас бундай жаврига, кўрмайсизми, қор сут берган энаси Эралини босиб олди бағрига. Қойил эмасман Ҳақнинг қилган ишига, ҳар қадамда қамчи қўйди бегуноҳлар бошига; кўрмайсизми, бир муштипар энаси икковини бовраб олди тўшига. Эна ёмон кўрмас экан улини, ҳар бир хокига олмасман бир мамлакат элини, золимлар қамчи солайин деса, у таёкка тутди фақир кўлини.

Шунда золимлар отидан тушиб, оймча билан уришиб, эна-болани бир-биридан айириб, аёлни итара бошлади. Аёл орқаси билан ерга тушиб, боз тура кеп тармашиб, золимлар итариб бараётган чоғида Эралихон кўзини очиб қараса, энасидир. Болалар энасига қараб, бундай юришнинг фойдаси бўлмас, -- деб бир сўз деб тургани:





Бизлар бино бўлдик тахту жаҳонга,
Бехбиллик кўрмадик ушбу зиндонга,
От ўйнатиб, кишт кип дашту майдонга,
Эна, чопа бергин Оппок эшонга.

Биз гуноҳкор отамдайин султонга,
Тайламагин буйтиб икки болапғни,
Бизлар учун, эна, боргин эшонга,
Маълум қилгин ўша шайхи замонга.

1760 Пухта билгин, у отам душманимди[r],
Тўқар бўлди менинг лола конимди.
Ўз отам синдирди менинг шаънимди,
Энажон, олиб кел шу эшонимди.


Обло билар манглайимда шўримни,
Душманларга тўқолмадим зўримни,
Кўп кечикма, кесмасинлар саримни,
Энажон, олиб кел шайху пиримни.

1770 Тилаб олган дейди менинг татимни,
Ўчирар бўлди отам менинг отимни,
Тез бориш, энажон, бунда турмагин,
Олиб келгин пири бақувватимни.

Шоҳаншо дер менинг ҳам зотимни,
Мулла бўп чикардим мен саводимни,
Тўй устида ким кўювди отимни,
Шу кишини топиб келгин, энажон.

Зулм билан золим бойлаб қўлимни,
Алар билар менинг бўйла холимни.
У тушингда қўлга берган гулингни,
Шу киши айирар икки улингни.

1780 Сиёсарсан, эна, билгин ҳолингни,
Фойдаси тегарми эшон, валингни.
Аларга кил охинг билан зорингни,
У улуғлар билармикан холингни?!



Вали билса, эна, бўлар муқаррар,
Жасадимдан кесилмасин бизнинг сар,
Отимизга у киши бўлди сабабкор,
Чин йиғласанг, пирим келар муқаррар.

Энаси ҳам бу гапларни маъқул билиб, шаҳардан ташқарига дарвозалан чиқиб, “Асрорим, аввали лутф этган карим, улқаним, пирим”, – деб сиёсар шошиб, ўн кадамда бир муғолло ошиб, йўлсиз ерларга уриниб, ҳуши келганда чопиб, гоҳи ерда йиқилиб, суриниб, қун ўрталаригача йўл юриб, минг яшар чинорнинг соясига етиб, Худога мурожаат қилиб, бир сўз деб турган жойидир:

1790 Нечук ёмон бўлди қисмат, толейим,
Ўрлада ўтирган эрдим бир ойим.
Қўлимдан олдирдим бўз қарчиғайим,
Аларга лутф этгин, кодир Худойим.

Куйишиб ёнади жасадда жопим,
Жисмимда қолмади зарра дармоним,
Бандиликда кетди икки ўғлоним,
Каромат кўрсатгин, Оппок эшоним.

Сизларга етгайми бу қилган зорим,
Муштипарман, пайлай, бу кўнглим ярим,
Мадад бергин менга, шайх вали пирим,
Кўзимга зиндон бўлди тахту жаҳоним.

1800 Муштипарман, қон йиғлайман зору зор,
Ҳеч бандангни қилма бу ғамга дучор,
Аввал-охир сизлар бўнглаз мададкор,
Хизр пирим, ҳозир бўлгин муқаррар.

Гулимастура дер, мен шўрли ночор,
Ўз элимда йиғлаб қолдим муштипар,
Икки ўғлимга қурилгандир тилла дор,
Хизр, Илос, мадад бермоғинг даркор.

Мастура қилиб полишни, сидки билан тўкиб кўзидан ёшди, бу ноласи ўзига етишди, даргоҳига нолиш мустажо тушди, тўксон турли чопон кийган бир бобой: “Шу йўқлаган пиринг мен”, – деб етишди. Оппокхўжа қолди бундан бехабар, у эшондан бу киши ҳам мўътабар, қелиб ҳолидан



олдилар хабар: – Нега қон йиғлайсан, сиёсар, кесилмайди кўзилардан, билгин, сар, ҳар қанчаки бўлган билан гуноҳкор, осар бўлса вайрон бўлар тилла дор, ғам емагин ўзим ундан хабардор, – дегандан сўнг Мастура ойим келиб босган хокларини кўзларига суртиб, тўтиёлар этиб, йиғлаб пири асрорига тағи бир сўз айтиб турибди:

1810 Таралганда тоза гуллар сўлмасин,
Омон бўлсин, паймонаси тўлмасин.
Тезроқ боринг энди, улуғ, эшоним,
Гўдакларга ёмон савдо бўлмасин.

Ноинсофлик подшо хумса қилмасин,
Дўстим йиғлаб, душманларим қулмасин,
Тезроқ боринг, э борсангиз, эшоним,
Ғамгин бўлиб гўдакларим ўлмасин.


Эрисин, тоғларнинг кори эрисин,
Бу дунёда кундошлиги курисин.
Икковига солган тухматлик ишши,
Тез боринг, жасаддан кесмасин бошини.

1820 Бахорда очилар тоғнинг лоласи,
Инграиб йиғлайман мендай энаси,
Булғор чопинг эшон бобоси,
Тирик қолсин элнинг икки тўраси.

– Сен шаҳарга бора бер, – деб аёлнинг кўзидан ғойиб бўлиб кетди. Аёл ночор йиғлаб: “Шайтонми, ё бир кашмири, эшонлиги ёлғонми?” – деди. Шайтон хотиннинг кўнглига ҳар хил гапларни сола берди. Шундай йиғлаб, ғамгинликда келаётган вақтида Ашраф деган бир дехқон унинг олдидан чиқди. – Э, синглим, на савдоларни кўрдинг, на ишларни бошингдан ўткардинг, ғамли шўрдай кўринасан кўзимга, кўрган-билганингни айтгин ўзимга, – деб бир сўз айтиб тўхтабди:

Ўзингни қарайман, дили ярасан,
Савдойида Эгамга жавлонасан.
Турки яхши болам, сендан сўрайман,
Чочи узун кизим, қайда борасан?

Ўзинг хушрўй келган, болам, гажакдор,
Кўчаларда бунча бўлсанг хору зор,



Аввал-охир шу кишидир хабардор,
Ўғлингнинг исмини қўйган қаландар.

Акл билан билмок керак валини,
Хар ким билмок керак ўзин ҳолини,
Яхшини кўрсанг, маҳкам тутгин қўлини,
Ихлосинг айирар икки улингни.

1860 Бор, кизим, кета бер Булғор шаҳрига,
Пўлат тиглар асар қилмас аларга,
Сендан олдин борди пиринг шаҳарга,
Раҳбарлик айлади шу дарбадарга.

Энди осоямасдир подшойинг дорга,
Шаккоклик қилмагин, э, кизим, пирга,
Ҳеч уят бўлмайди кўр билан зўрга,
Бор, кета бер, йўликибсан раҳбарга.

Алқисса, ойим юриб кета берсин, икки тўрани қирк жаллод олдига солиб, йигирмаси икки ёғида, яъни қирк киши тўрт ёнини олиб, подшонинг олдига келтириб, тўғри қилдилар. Ини ипакдан, ошириб тирсакдан бойлаб, подшо давлатхонасининг пастига келтирдилар.


Домлалар ўрнидан тура бошлаб: – Тўралар, сизлар шариатни посид қилдинг, -- дедилар. Аммо подшонинг икки ўғлонига кўзи тушиб, шикоят қилиб бир сўз айтгани:

1870 Кўзим тушди бокиб икки улима,
Банди бўлиб кеп тушдинглар қўлима,
Борганларинг чинми нозик гулима,
Борган бўлсанг, ўлсанг сатқайи сарима.

Ишончим бор ҳукуматим, зўрима,
Кўнмай қайтай манглайимда шўрима,
Мен тирик, кайтиб бординглар ёрима,
Осилар бўлдинг икковгинанг дорима.

Мен ҳам қон йиғлайман номус-орима,
Сизлар ўлсанг, ким қолади сарима?
Икковингни боскичи эдим бағрима,
Энди осилар бўлдинг тилла дорима.





1880

Банди шўрлар, кулоқ сонгин тилима,
Тайлар бўлдинг кўп киёмат кунига,
Кокилинг топилмас юртнинг пулига,
Жаллод сўйса, ота куяр хилига.

Карвон ишонади қатор норига,
Подшо ишонади хазина-зарига.
Бошда тилаб олган эдим сизларни,
Энди осиласан отанг дорига.

1890

Қон йиғлаб мен тўғри қилдим ўлимга,
Бойланиб келдинглар менинг қўлимга,
Юзим туман, боқолмайман ўнгу сўлимга,
Хайф-е, сендай икки кўчкор улимга.

Қорахон дер, кулоқ сонглар зоримга,
Боскинчилик қилдингларми ёримга,
Рўй сиёх қилдинглар менинг шаҳримга,
Пухта билгин, осиларсизлар доримга.


Алқисса, муллаларнинг Хатим Кардаси:– Э, тўралар, шариатни бутунлай йўқ, деб билдингларми?! Бугун ғазаби подшода ўлдинглар, бўйинг ўсмай, бу ишларни қиласан, қутулмайсан, э, тўралар, ўласан. Жавоб бергин хон отангинг ўзига, – деди. Шунда Шералихон: “Облойи таоло нечук бизларни яратди экан, бу ёкти дунёда шулми кўрган ҳаловатимиз”, деб отасига қараб, кўзидан ёши кетиб, отасининг юзига қарай олмай, бир сўз айтиб турибди:


Кўзим очиб боқолмайман юзингга,
Улуғ рахбар, инсоф берсин ўзингга.
Аввал рози бўлгин берган тузингга,
Бизлар ўлсак, ким қолади изингга?!

1900

Ишонган бўлсан, отажон, ёрингга,
Биздан ортик кўрган кўз хуморингга,
Аввал рози бўлгин, ота, нонингга,
Розидирман, сўнгра осгин дорингга.

Эътибор айладинг, ота, ёрингди,
Дўст билдингми шундай мочахарингди?





Розидирман, майлинг сўйсанг, отажон,
Бизлар ўлсак, ким эгаси шахрингди?

1910 Ҳақиқат ўлгандир у икки қуши,
Шулдир гўдагининг ҳам қилган иши,
Кичик ёринг билгини энамнинг ғашини,
Тухматда кесилар ботирнинг бошини.

Фарзандсизнинг бесоҳиб мурда-лоши,
Такдирдан кўради ақлдор қинши,
Ҳар ерда ёрилган мардларнинг бошини,
Чин ишонган бўлсанг, сўймоғинг яхши.

Подшоликка қўй ярашган савлатинг,
Бизлар ўлсак, балки синар қанотинг.
Майлинг, сўйсанг ихтиёринг ўзингда,
Бесоҳиб қолар бисёр давлатинг.

1920 Атрофингди қурпаб мулла душманинг,
Агар сўйсанг, сўнгра бўлар армонинг,
Чин қабул қилдирган бўлса жононинг,
Бизни сўйдир – бир соатлик меҳмонинг.


Шерали айтар, қирлим тўққиз ёшима,
Тухматли савдолар тушди бошима,
Раҳм айла қокилдор эмикдошима,
Розидирман, қўй ханжаринг бошима.

Подшо ёрини чакириб, Эралихоннинг башарасига қаратиб: – Сўзла,
энди ҳақиқатини, – деб ёрига қараб, муллаларнинг олдида шохид, исботини
сўраб, бир сўз айтиб тургани:

1930 Мен тирикман, бу иккиси фарзандинг.
Бу юзингга қолар бўлди уятинг.
Қим кўрувди, қим билувди, палати,
Қани, тайин шохид билан исботинг?

Ҳозир на иш бўлганини билмайман,
Қайгу солдинг мен бир ўйпаб-қулмайман,
Исбот, шохиди бўлмаса, сўймайман,
Чин исботинг ўтқар, тирик қўймайман.





Булар учун мен жонимни кийнайман,
Боқаман юзига, асло тўймайман.
Олиб келгин берга жуфт-жуфт исботин,
Исботларинг ўтса чинни чин англайман.

1940

Домуллалар баччаларнинг устои,
Кун-кундан ошар ғамлининг меҳнати,
Исбот бўлса, олиб келгин, налати,
Маълум бўлсин, ҳеч бўлмасин тухмати.

Фарзанд бўлар одамнинг меҳри, мойи,
Томоша айланглар, жумла сипойи,
Билинглар, уларнинг қанча гунойи,
Собга ўхшар икки ўғлимнинг саройи.

1950

Қорахон дер, ёмон бўлди талойим,
Ёрим қон йиғлатди, падур гунойим?
Раҳм этинглар намакхўрда сипойим,
Исбот ўтса, шўрдир менинг манглайим.

Гулчехра ойим бош яланг бўлиб, рўмолини ерга ташлаб, кесиб олган ўнгирни кўлига ушлаб, кўзини ёшлаб, подшога қараб, бир сўз айтиб турибди:

Ғамли қулнинг зиёдадир қулфати,
Ғамга тўлган бу ёрингнинг жасади,
Мени босган, мана икки налати,
Мана кўрсанг, э, валламат, исботи.


Энаси ўргатган – булар устои,
Шуйтиб келган манов икки налати,
Мени ўлдириш, бўлса гапим ғалати,
Қўлимдадир икки ўғлингнинг исботи.

1960

Кесиб олиб қолган эдим қўлима,
Ўлай, тухмат қилсам икки улима,
Йўқ деганда, кесар эди саримни,
Тулки, шағол йиғлар эди ҳолима.

Шоҳиди шул: отди икки ғозимди,
Мен кўшида ноз уйқуда ётувдим,





Икковлашиб босиб олди ўзимди,
Э, муллалар, мана шоҳид, исботи.

Бу қандай воқеа, қандай сунъатди[р],
Кон йиғлайман, қилолмайман тоқатди,
1970 Шу шоҳиди ва исботи шулдир деб,
Мана шоҳиди, деб хонга кўрсатди.

Бу иш тайин, кўзинг қиймас улингни,
Ҳам бесоҳиб қилма, ёрим, элингни,
Ўйнатиб қўй икки жопу дилингни,
Сўйиб қўяғойгин нозу гулингни.


Э, подшоҳим, Эгам олсин жонингни,
Дўст биласан ҳозирги душманингни,
Сўймай қўйинг шу икки ўғлонингни,
Розиман, сўй қошлари камонингни!


Шармандаси бўлдим Булғор элингни,
1980 Сен душмандан, хоним, узгин қўлингни,
Кеча-кундуз пойлар доим йўлингни,
Мени сўйгин, қўйгин икки улингни.

Гуличехра дейди мендай ёрингни,
Облойимга қилгин оху зорингни,
Қўйгин сўймай икки кокилдорингни,
Менга буюра бер жаллодларингни.

Муллалар атрофдан туриб, Эралихонни тутиб турғизиб, қўлидан тортиб, кесилган ўнгирини кўрсатиб, ҳалойиқ, олимларни ишонтириб, кесилган ўнгирни ўнгирга тутди: нақши нақшига, чирози-чирозига келишди; ҳалойиқ, мардуми ёппа қарашди, кўриб, ҳамма бирдай: – Рост экан-ку! – дейишди. Муллалар билмайди бу аёлнинг макру хийласини. “Боргани рост экан”, – деб ҳаммаси шоҳид ўтиб, подшонинг назарига тутиб, кўрсатиб, Хатим Карда мулланинг подшога бир сўз деганидир:

Ҳақиқатли ишонмовдинг нозингга,
Маълум бўлди хожа, мулла, козингга,
1990 Қоралар сургилди, таксир, юзингга,
Жаллодинг буюргин икки кўзингга.





Овозалар бўлди Булғор элинга,
Боргани чин бўлди кичик гулингга,
Яна печа фарзанд бордир белингга,
Ўт бахридин, жаллод буюр улингга.

Ноинсофлар кадам кўйган юзингга,
Хам топширгин берган пону тузингга,
Харомзодалар қолмасин изингга,
Сўйсин қассоб, буюр икки қўзингга.

2000 Ҳеч ким қулоқ солмас оху зоринга,
Ишончимиз бордир, тақсир, зўринга,
Кўп хўрлик ўтибди муштипаринга,
Бошин кестир, осгин тилла доринга.


Қулоқ солгин Хатим Карда зўринга,
Э, подшоҳим, кўнгин манглай шўринга,
Шариатни юрдир Булғор шаҳрингга,
Ё чикартиб ташлатгин минорингга.

Подшо шаҳрининг барча халойиғи – ҳаммаси бирдан жавлишиб: – Юрт бузилиб кетар, дубора хотин олгандан кўп киши бордир. Катта хотиндан бўлган ўғил болалар кичик энасини “Тўражонларимиз қилганда, бизга на”, деб бузилиб кетар. Сўйдиринг, ўзгаларга таълим бўлсин. Қаламров фуқаронгиз – ҳаммаси сизга фарзанддир, – деб турдилар. Подшо халойиқнинг қошида:– Жаллод, бормисан? – деди. Сонсиз жаллоди кўп эди, пичоғини яланғочлаб, подшопинг давлатхонасига чопа бошлаб: “Кимнинг куни битди, кимнинг ажали етди?” – деб сонсиз одам бошини кесганлар, қон ялаб мавқенни босганлар, қулоқ-бурнини хайкал қилиб осганлар, бераҳм жаллодлар тўғри бўлди. Шунда подшо жаллодларга қараб, бир сўз айтиб тургани:

2010 Шунқор эдим, қарға бузди изимди,
Шариатни юрдирмоқлик лозимди[r],
Гани устун бўлди сарвинозимди,
Қонхўр жаллод, сўйгин икки қўзимди.
Подшодирман, эшитгин чин лафзимди,
Ўлим сарғайтирар бўлди юзимди.

Подшоларнинг амри бир деб билинлар,
Икковин сўйиб, этиб дорга илинлар,





Кўл, оёғин молдай қилиб кулинглар,
Гуноси ҳақ бўлди, жаллод, билинглар,
Раҳм айламанг, бошин кесгин, жаллодлар,
Мол бозорда тилла дорга илинглар.

2020 Хоннинг ўғли, деб қилманглар андеша,
Тўққиз ёшда қилди шу ишни пеша,
Хамманглар, қўйинглар бошига теша,
Сўйинглар, буюрса хукмдор, подшо.

Хукм қилиб, жаллодларнинг қўлига берди. Жаллодлар ўғлонларнинг қўлларини олға бойлаб, подшонинг назарига тўғри қилиб: – Подшомизнинг ҳакига дуо қил! – деб болаларни ғазаблади. Аммо Эралихон хумор кўзини ёшлаб, бойланган бош бармоғини тишлаб, отасига шу сўзни бошлаб айтгани:

Узилмаса, қизил гуллар сўлами,
Кун тўлмаса, ҳеч бандаси ўлами,
Отани ўғил дуо қилса, бўлами,
Эгамдан беамр киши ўлами?!


2030 Берган ўзи олар омонатини,
Ҳақ кул мўмин билар ҳақиқатини,
Қандай хумса сўйдиран фарзандини,
Ҳақ эгилар, билинг, номард, синами?

Куни тўлган куни бандаси ўлар,
Қарздай беради, облойим олар,
Банданинг қўлидан нима ҳам келар,
Сабаб бўлса, шуйтиб бандаси ўлар.

Эрали ўлгандан сўнг, эшит, золимлар,
Ҳар ким асил бўлса, имонин тилар,
Куним тўлган бўлса, дорига илар,
Умри олис киши ўлмайин қолар.

2040 Бир печалар гулли тўшагин тўшар,
Бир печалар қариб ёшини яшар,
Юрган киши баланд тоғлардан ошар,
Хидир назар қилган узоқ ҳам яшар.





Инграниб йиғлайман, бу икки ёшлар,
Йўл устида полвон-волвон тош қолар,
Етса ўлим, на қари, на ёш қолар,
Охири дунёнг сенинг, билсанг, бўш қолар.

Эрали айтар, тирик бандалар кулар,
Бино бўлган банда бир куни ўлар.
Мен отамга ҳаргиз дуо қилмайман,
2050 Жаллод, сўйсанг майли, тақдирим билар.

Золимлар қайтариб, уриб, молбозор дорига хайдай бошлади. Хоннинг олдида ишини пухталаб, бўйнига пўтасини солиб еталаб, жиловхонага келган чоғида болаларнинг энаси билан қаландар пири келиб қолди. – Бандиларни қайда элтасизлар? – деб қаландар бобоси золимлардан сўради.

Аммо жаллодлар айтди: Мол бозорига, ҳукмқуш бўлди бу икки қокилдорига, сўйиб, бизлар осамиз тилла дорига. Булар кичик энасини босганлардан, деб шипириб ўта бердилар.

Қаландар бобоси золимларга айтди: – Бировга эртарок ва бировга кечроқ, бу иш ҳаммага бордир. Булар ўлганда, сизлар ўлмайсизларми?! Мен подшо олдида бориб келай, ушбу ерда тўхтаб туринг, сизлардан бир соат муҳлат тилайман, – деди ва икки қалима сўз айтиб турибди золимларга:


Ёвга полвон тўқар кучин,
Ҳурмат қинглар менинг учун,
Қочса ўрдақ, қувар лочин,
Бир соат, золим, тўхтанглар.

Энаси ҳам юлиб сочин,
Йиғлаган муштипар учун.
Отасида қонин тилай,
Тур, бир соат менинг учун.

Оловхўжа – шайху эшон,
2060 Ҳаммадан қинглар пинҳон,
Билурсизлар ўзим эшон,
Икки ёшнинг жони учун.

Юзин солур шайху вали,
Менга маълум булар ҳоли,





Йиғламасин Гулмастура,
Шул муштипар зори учун.

2070 Тилаб борайин конини,
Икки банди ўғлонини,
Агар ўтмаса конини,
Пою тахтин бузмоқ учун.

Кулок сонг шайх замониға,
Борай султоннинг ёниға,
Тиловчи булар конини,
Сабр кинглар, жаллод, пичи!

Жаллодлар: – Бир соат олдин бўлмаса, кейинроқ сўярмиз. Бу киши сулукдор пиримиз, ҳам юзи нурли зўримиз, бу киши илоҳим десалар, кайнайди балки шўримиз, – деб эшоннинг кароматидан кўркиб тўхтади.


Гулимастурани ияртиб, ҳар атрофга қараб, подшонинг маконини сўраб, “Сабаб надур, бегуноҳларни жаллодга буюрибди”, – деб кўзини олартиб очиб, пуркиб тукуругини ҳар ёнга сочиб, “Маст, девона келди”, – деб сипоҳилар ҳар ёнга қочиб, “Тўхтаг!” – деган кишиларга ҳам қарамай, тўғри бориб кирди эшикни очиб; теваракка қараса, араз ургандай эшоннинг кўзига кўриниб, тўрда подшо қорнини ерга бериб ётибди; бориб подшога қўлин узатди. Подшо: – Жинни, кет! – деб асло эшоннинг бетига қарамай ётди. Эшоннинг қаҳри келиб, бир сўз айтиб тургани:

Ўзингда билмайман ақл, хушингни,
Қора кўзда кўрдим оккан ёшингни,
Пириг келди, хоним, кўтар бошингни,
Чакир, кўриб кетай икки ёшингни.

2080 Чўчка қилмас сениг қилган ишингни,
Қора ерга қўйиб қордай тўшингни,
Ишонма, гапига қалам қошингни[нг],
Чакир, кўриб кетай икки ёшингни.

Шайтон опти сениг денгра-душингни,
Биласанми, хоним, қилган ишингни,
Парча-парча юлиб ейман гўш[т]ингни,
Чакир, кўриб кетай икки ёшингни.





2090

Вайрон қипсан тахту билан элингни,
Икки улдан зиёд кўриб гулингни,
Бессоҳиб айлама Булғор элингни,
Чақир, кўриб кетай жону дилингни.

Ким эгаси бўлар юрту қалъангни,
Э, султоним, ингратагин танагни,
Шулар ўлдирганми ота-энагни,
Чақир, хоним, кўриб кетай болангни.

Шу муллалар кесмоқчи эди изингни,
Ҳам ейди эркин бўп нону тузингни,
Охир-оқибат ўйди сенинг кўзингни,
Э, султоним, чақир икки кўзингни.

2100

Кимга бермоқчисан манов шаҳрингни,
Янгитдан очувдинг кўнгиш баҳрингни,
Сен аждаҳор, солма уларга захрингни,
Чақир, кўрай икки кокилдорингни.

Маст бўлган таиғ қилар улуғ кўчани,
Тухмат-ла окмасин уларнинг қони.
Қонин тилаб келди мендай эшони,
Ҳеч кўрмадим сендай аҳмоқ подшони.

Алқисса, подшонинг аҳмоқ деганига аччиғи келиб, ўрнидан туриб: –
Эшон бўлсанг, ўзингни яллақол, – деб эшоннинг дилин қабартиб, эшонга,
ёмон-ёмон қараб, бир сўз деб турибди:

2110

Ҳаммани яратган турур бирибор,
Куйган қулман, қон йиғлайман зор-зор,
Ётганима, аҳмоқ, нима ишинг бор,
Чик энди, кета бер, жинни қаландар!

Элимда подшоман, бир ўзим тождор,
Беҳад киши турур менга хизматкор,
Ҳозир менинг аччиғим ҳам қаҳрим бор.
Ташқарига чикиб кетгин, зағиғар.

Подшолик ишин ҳазил биласан,
Хоннинг амрин қайтиб икки қиласан,





Бу иккисин конин мендан тилама,
Тур, кета бер, берда турсанг ўласан.

2120 Гуноҳи маълумдир, ўтди исботи,
Ҳақиқат боргандир, йўқдир ғалати,
“Кичкир”, – деб уларни мендан сўрайсан,
Сўймоқ учун олиб кетди жаллоди.

Насиб қилган сўрар бу адолатди,
Худо берган эгаллайди давлатди,
Сенга нима, улар менга фарзандди[r],
Қисматида бор, буюрдим жаллодди.

2130 Ғайратлининг доим кайнар виждони,
Давлат кўлда, ўзим элнинг султони,
Билгин, Қорахон дер мендай подшоани,
Ичмоққа муносиб уларнинг қони.

Шундан кейин эшон чиқиш учун бурилиб, кейнига қараб: –
Ўлдирганингни кўрай қани, деб бир сўз айтиб турибди:


Бир асилман, асилларнинг фарзанди,
Паст кетади ёмон киши нияти,
Ҳам унинг бошидан кетар давлати,
Сеникимас, мендай эшон фарзанди.

Сўйганини кўрай жуфт-жуфт жаллодди,
Чин бўлурми асли гапнинг ғалати,
Гашт юзингга кўп бўлмасин уяти,
Беғуноҳдир сендай шохнинг фарзанди.

2140 Ўйин билан отган икки ғозини,
Ҳеч гуноҳи йўқдир икки кўзини,
Сен қайирдинг эшон бобонг сўзини,
Мен тирикман, сўёлмасап ўзини.

Бахти давлат билан юрдим ҳар замон,
Биёбон чўлларда юрдим кезибон,
Ўзидан беамир чиқмас, билгин, жон,
Хўп ўйлагин, сен муридсан, мен эшон.





Эшон эшикдан чикиб кетди. Эшон чикиб кетар вақтида баччаларнинг сут берган энаси: “Подшо ёримдан нима жавоблар чиқар”, – деб ичкарига қулоқ солиб тўхтаган эди. Кўрдик, ёри эшоннинг ҳар қанча гапига амал қилмади ва икки улининг қонидан ўтмади. Гулимастура эшикдан қараб ва жим-жим йиғлаб, кўзидан ёшини қатор-қатор оқизиб, сочини ёйиб, ёқаларини йиртиб: – Нима қипти икки кокилдоринг? – деб, ёрига қараб, айтган сўзидир:

Гапини олдингми тўқол гулингни,
Сўймоқчи бўлдингми икки улингни?
Улар учун мени сўйгин э, султон,
2150 Сўймагин икки жону дилингни.

Гапи устун бўлиб, тўқол ёрингни,
Бесохиб қилмагин Булғор шаҳрингни,
Гулоҳидан ўткин кокилдорингни,
Қон даркор бўлса, сўй мендайин ёрингни.

Подшо мардум бўлади ақли расо,
Сўкиниб гапирдинг эшонинг келса,
Муносибми мендай гулинг йиғласа,
Қайтиб сўймоққа буюрдинг сен хумса.


Раҳм айланг мендай муштипарингга,
2160 Мен ҳам бир гул эдим сенинг шаҳрингга,
Уларни қўй, мени тортгин дорингга,
Ўлим лозим мендай кўз хуморингга.

Куйган банда уриб йиғлар сонига,
Шаҳид бўлган бўялади қонига,
Мўминсиз, қулоқ сонг ушбу маънига,
Ота душман бўларми ўз ўғлонига?!

Мастура дер, мени сўйинг майлига,
Мен ҳам ётган сиздай шохнинг қўйнига.
Мангратиб кўзи-қўчкоримни сўймагин,
2170 Улар қолсин ота-энасин кейнига.

Подшо дарғазаб бўлиб, ёрига бир сўз айтиб тургани:





Гапи икки бўлмас соҳиб давлатди,
Қайтмас энди, мен буюрдим жаллодди.
Ажали етганди, паймони битди,
Мен бахридан ўтдим икки фарзандди.

Ёр деб келма аждархонинг қошига,
Сенинг амринг билан минган тўшига.
Тур, налати, турма берда, кета бер,
Ўзинг етдинг болаларим бошига.

2180 У болалар на савдони билади,
Аёл иши макр билан хийлади[r],
Исбот ўтган жуда сонсиз муллади[r],
Гапим икки бўлмас, пухта ўлади.

Қара, энди Қорахоннинг юзига,
Менинг раҳмим келмас икки кўзига,
Қулоқ солмайман ҳеч кимнинг арзига,
Сен буюрган подшонг кичик нозига.

2190 Ҳар савдолар тушар марднинг бошига,
Қойил эмасман дунёнинг дашкол ишига,
Келма, мендай одамқушнинг қошига,
Ўзинг етдинг тўраларнинг бошига.


Бир эрнинг икки аёли бўлса кундошди[r],
Жудолик савдоси бошимга тушди,
Сен ўргатган, улар қилган шу ишди,
Сендан бўлди, бой бердим икки ёшди.

Алқисса, шу савдоларнинг муллалардан бўлганини билиб, бунинг ҳам гапи қопмай, бетаъсир бўлиб ўрин топмай, чапак чалиб, бир сўз айтиб Гулимастура кетиб бораяпти:

Сабил бўлди хазнадаги тилласи,
Беимон бўп ўлсин юртнинг мулласи.
Қариндошлар, иби, энди кўрдингми,
Қайси йўлга кетди элнинг тўраси?

2200 Қариндош деб юз тутаман сизларга,
Ёмон савдо бўлган мана паҳарга,





Боламни сўйиб осар эмиш дорга,
Қариндошлар, кўрган бўлсанг айтиб бер,
Икковин хайдади қандай гузарга?
Гўдакларнинг ҳеч кими йўқ шаҳарда.

Илохо, ўлайин мендай энаси,
Қайси йўлга кетди банди боласи?
Илохо, ўлсин исбот этган муллasi,
Кўрган бўлсанг, тез айтинглaр, шоввозлар,
Гул жамолин бoриб кўрсин энаси.

2210 Юрагимнинг чиксин ғамли шамоли,
Ҳам тирик қоларми шу баркамоли,
Отим Мастураман, шoхнинг аёли,
Етиб кўрай болаларим дийдорин.

Алқисса. Гулимастура кўчаларда чоғиб кета бeрсин, энди бир сўзни
пиридан сўранг. Шаҳарнинг бир тарафида Қайнарбулоқ деган булоғи бор
эди. Кўхнадан қолган чинорзор эди. Соясида ҳам киморбоз, ҳам нашаванд,
ҳам бангилар бор эди. Шунда пири ҳам бoриб етди, булоқнинг сувидан
қилди таҳоратди, ўқиб икки ракатди, ўнг ёққа салoм айтди, қиляниги шу
ерда муножотди:


Қадрин билмай гўдагини,
Ўчирди ўзин чирогини,
Қўли билан оёғини,
Бир ерга тўда қилгин.

Ёмон қилгин сиёғини,
Қўлга олсин таёғини,
2220 Кўчаларда юрган ўзини,
Бир тиловчи гадо қилгин.

Ўлдирмоқчи икки кўзини,
Олмай эшоннинг сўзини,
Ўйиб ўн икки кўзини,
Корию муфтаю қилгин.

Кечган бўлса ўғлоpidан,
Умидвор ичмоқ конидан,





Айириб бул арконидан,
Давлатидан жудо қилгин.

2230 Лутф эт энасин ёшига,
Тоғ титрайди йиғлашига,
Раҳмат булутин бошига,
Чодири раҳнамо қилгин.

Гуноҳи йўқ, ўзинг билгин,
У икки ўғлони учун,
Сидқи дил дуо қилдим,
Дуомни мустажо қилгин.

Алқисса, подшонинг Қулмалойик деган чўпони ўтиб бораётиб эди, қаландарнинг нолишини эшитиб олдига келди. – Э, пири асрорим, нечук буйтиб ҳар хиёл сўзлайсиз? – деб аччиқланган қаландардан сўради.

Қаландар: – Э, бобо, подшоҳингиз икки кокилдорини кичик ёрининг тухматига қараб ўлимга буюрди. Сиз даштда қўй бокиб юриб хабарингиз йўқ экан. Боринг, сиз ҳам подшодан икки кокилдорининг қонини тилашг кани. Агар сиз мискиннинг ҳам гапига қулоқ солмаса, шаҳрига олов қўйиб, тахту пойини ағдариб, кароматимни кўрсатаман, – деди.

Подшонинг чўпони Қулмалойик чол подшо олдига келиб, бир сўз айтиб турибди:


2240 Қулмалойик бобонг етди,
Ўйла, шоҳим, мазанг кетди,
Ажал етиб кунинг битди,
Қонидан ўтгин фарзандди.

Бу давлатлар сендан ўтар,
Ўз шумлигинг бўлди хатар,
Оёқ-қўл томрини тортар,
Ўт ўғлингнинг гуноҳини!

Бегуноҳ эмиш кокилдоринг,
Қўлдан кетар хазина, заринг,
Тўкилармиш болу паринг,
Кеч ўғлингнинг гуноҳини!

2250 Қўлимдадир қўю қўзинг,
Шарманда бўлмагин ўзинг,





Ўйилади, билгин, кўзинг,
Кеч ўғлингнинг гуноҳини!

Кўлингдан кетадир зўринг,
Бегунохдир мухиторинг,
Қаҳр айлади бехриборинг,
Ўтгин ўғлингнинг қонини!

Ўзингсан элнинг шункори,
Бўлур элингнинг губори,
2260 Ўл чангда синади дори,
Ўт болангнинг гуноҳини!

Подшо: – Чўпоннинг кўй билан бўлади иши. чўпонга ярашар
чўлларнинг даш[т]и, ҳеч нима қилмайди жиннининг қарғиши, ўтмайман
гуноҳин, кесилсин боши, – деб чўпонига бир сўз айтиб турибди:

Ғапимни икки этмайман,
Айтган лафзимдан қайтмайман,
Қайтсам мурода етмайман,
Ўтмайман гуноҳин, ўтмайман!


Лашкаримни таркатмайман,
Мен ўзимни уялтмайман,
Ҳар печукка сўз котмайман,
Асло ўтмайман, ўтмайман!

2270 Вожиб ҳам фарзу сушпатдир,
Тарки вожиб қилса, кабохатдир,
Шу лафзим ҳақиқатдир,
Асло ўтмайман, ўтмайман!

Қорахон, билинг, аждарди[р],
Босган учун бизнинг ёрди,
Сўйдираман гуноҳкорди,
Асло ўтмайман, ўтмайман!

Алкисса, Эрали, Шералини жаллодлар хайдаб бораётган вақтида
Эралининг кўзига қурилган дор кўриниб, дорга қараб, Эралихон йиғлаб:
“Э, дариг, шунинг тагига қоним тўкилар экан-да”, – деб афғон қилиб
сўзлаганидир:





2280 Бугун менга бўлди шўри қиёмат,
Гуноҳим йўқ, элга бўлдим маломат,
Қоларманми сен тагингда саломат,
Кўзимга кўринди отамнинг дори.

Дилимда ёнади ғамликнинг нури,
Қутулмас, кесилар гўдаклар сари,
Ўлсак ҳам энамнинг тугар хумори,
Худоё, вайроп бўл, отамнинг дори.

Азамат, каттадир Булғор шаҳари,
Томошамон бўлди халкининг бари,
Ёшли бўлди шўр энамнинг кўзлари,
Тикка-тикка, бўлгин отамнинг дори.

2290 Бугун менга ўлим ҳаққон билинди.
Ваҳми ўлимдан юрак-бағрим тилинди.
Шерали, эшит бу қиёмат кунингди,
Билурми ҳолимни беҳрибор энди.


Икковимиз бўлар бўлдик қўш мазор,
Бу ёкти дунёнгдан бизлар умидвор,
Додимни эшитгин, қудратли Жаббор,
Беғуноҳ осилса, синсин тилла дор.

2300 Тагида бўлади бу молбозори,
Энамнинг бўлмади биздан хабари,
Иби, етиб келгин энди, меҳрибон,
Кесилар бўлди икки ўғлингнинг сари.

Эна дейман, қон йиғлайман зор-зор,
Бу элатда сиздан бошқа кимим бор?!
Келмасангиз, қолдим қиёмат дийдор,
Ғариб бўлдим, яқинлашди мана дор.

Раҳм қилмас бу жасадда жонима,
Кўзим қиймас, ёлғизгина укам бор.
Бу қамчингни бунча урма, золимлар,
Адисар сўясан, кесилади сар.





Найзали милтиғининг затворин тортиб, ботирлар кўзига кўрсатиб: “Тез юрмасанг, йўлда кетамиз отиб”, турта берди изиллатиб, дор тагига етди йиғлатиб. Жаллодлар атрофини тутиб: – Энди қонга бўяр бўлдик танангни, отанг тирик, қайтиб қилдинг энангни. Ошиқ банда хижри-хилига қуяди, отанг ошиқ, билсанг, кичик ёрига, гуноҳинг шу, осиласан отангнинг дорига, – деди. Анда Эралихон золимларга қараб, бир сўз айтиб турибди:

2310 Ошиқлигинг бизлар ҳам хўп биламиз,
Тухмат савдосидин бағри ярамиз.
Тухмат улуғ эмиш, билинг, ёронлар,
Э, золимлар, бу кўлингда ўламиз.

Бир соат тўхтанг, конхўрлар,
Энам келсин, дийдорини кўрамиз,
Энам якка қолар Булгор юртига,
Энажоннинг бир бокайик бетига.

2320 Во ҳасрато, чилбир тушди қўлимга,
Розидирмиз Эгам солган ўлимга,
Ҳамма душман, энам йиғлар шўримга,
Адисар осасан кўрган доримга.


Мени сўйинг, тиғ тортманглар қўзимга,
Йиғлаб қолсин “во, оғам”, деб изимга,
Ажал тиғи яра солди дилимга,
Хушим кетиб, гоҳ келурман ўзимга.

Эралихон на бўларин билмади,
Во ҳасрато, нага энам келмади?
Болалари на бўлганин билмади,
Энди инсоф берсин шайху валимга.

“На бўлди энам келмади”, дегандан дилини пора қилган, ўзини-ўзи уриб кўксини яра қилган энаси фақир стиб келиб, бир сўз айтиб тўхтабди:

2330 Кўчаларда қолдим сизлардан йирок,
Доғ устига менга бўлди яна доғ,
Эна деган мен тилингдан шўр бевоқ,
Сидки йиғла, пиринг келсин тезирок.





Сизларда бўларми ўйнамок, қулмок,
Ҳам кутилиб, бўлармикан кайфим чок,
Энанг бўлмай, мен ўлайин тезирок,
Улуғ бобонг етиб келсин – сокол оқ.

Э, каландар, назар қилинг болама,
Ўт тутатиб, ёнар менинг тапам-а,
2340 Ҳеч ким раҳм айламас кўзда жолама,
Қомил пирлар, назар қилинг болама.

Айриб онглар келиб ушбу зулмдан,
Муштипарман, на иш келар қўлимдан,
Қаландар пир, хабар онглар дилимдан.

Алқисса, Эрназар жаллод кетига илим ташлаб, қўлини чунон кучоклаб,
манглайига тўққиз муштлаб, сиёсат билан Шералихонни йикитди ва
пўлат тигини кинидан тортди. Шунда Эралихон кўриб: – Ўлим каттага
навбатдир, аввал мени сўйинглар, – деб бир сўз айтди:

Э, жаллод, эшитгин бу полишимни,
Келиб кесгин аввал менинг бошимни,
Инграгмагин менинг қадди лошимни,
Олдимда сўймагин эмикдошимни.

2350 Сизларга борурми бу айтган сўзим,
Мендан ҳам кичикдир у тўнг кўзим,
Унлан илдай менга ҳам ўлим лозим,
Окилган қонига тушмасин кўзим.

Инисига оғаси қуйиб пишмасин,
Тебраниб йиғлайман, аклим шошмасин.
Катта десанг, мени сўйгин, жаллодлар,
Унинг ўлганига кўзим тушмасин.

Жаллодларнинг бириси мўмин табиатли бўлиб, пинхони кўнгли тўлиб,
Эрназарнинг қўлидан олиб, Эралихонни кўрсатиб: – Кс, бунисини сўй,
булар ўлганда, бизлар қоламизми? – деди.

Шу вақтда болаларнинг эпаси оралай-оралай дорнинг тагига келиб
қолади. Шералихон хушидан кетиб, оёғини узатиб, кўзи тепасига битиб,
“ўлдим”, – деб турган чоғида “болам ўлган экан”, – деб Гулмастура бир
сўз айтиб турибди:

лошини, – деб дўғ урди. Шунда Эрназар пичокнинг дастасидан ушлаб, кувват кучини билагига ташлаб иягидан кейнига торта бошлаб, пичокни жағ-жағга этди: “Шундай пичокни сукиб, кесиб юбораман”, – деб кўнглига ўтди. Ғойиб бўлиб келди каландар пири, пичокнинг учига кафтини тутди, у пичоқ ботмайин дастага қайтди. Жаллодлар қараса, ҳеч бир хаста бўлган жойи йўқ.

Жаллодлар ва турган беклар буни кўриб, хайрон бўлди. Беклар, жаллодлар айтади: – Тиғи бўшдир.

Муллалар айтади: – Бўш деманглар. Ўйласанглар, бу қабоҳат ишдир ва бир илму каромати бордир.

Жаллодлар: – “Укамни қўй, мени сўй”, – деганининг маъниси шулдир; ўзининг бўйнининг қаттиқлиги ўзига маълум экан-да, – деб Шералихонни босди. Тиғини гарданига солди. Унга ҳам ғойиб ўзининг кафтини тутди. Бу пичокнинг ҳам тиғи сиртига қайтиб кетди. Муллалар айтди: – Бу пичокнинг кесмагани на хикматдир?

Баъзилари айтади: – Пири бакувватдир.

Баъзилари айтади: – Сўятурган жаллод бекувватдир.

Томошабинлар айтади: – Гуноҳи йўқ экан-да, икки бекзодди.

Мўйсафидлар айтади: – Ана шу иш ҳақиқатдир.

Беклар айтди: – Бўлмаса, отасига қилайик хатди, энаси қилганга ўхшайди тухматди.

59
 1. Qissa: Ekkan bosh bosh...
 2. ...
 3. ...
 4. ...
 5. ...
 6. ...
 7. ...
 8. ...
 9. ...
 10. ...
 11. ...
 12. ...
 13. ...
 14. ...
 15. ...
 16. ...
 17. ...
 18. ...
 19. ...
 20. ...
 21. ...
 22. ...
 23. ...
 24. ...
 25. ...
 26. ...
 27. ...
 28. ...
 29. ...
 30. ...
 31. ...
 32. ...
 33. ...
 34. ...
 35. ...
 36. ...
 37. ...
 38. ...
 39. ...
 40. ...
 41. ...
 42. ...
 43. ...
 44. ...
 45. ...
 46. ...
 47. ...
 48. ...
 49. ...
 50. ...
 51. ...
 52. ...
 53. ...
 54. ...
 55. ...
 56. ...
 57. ...
 58. ...
 59. ...
 60. ...
 61. ...
 62. ...
 63. ...
 64. ...
 65. ...
 66. ...
 67. ...
 68. ...
 69. ...
 70. ...
 71. ...
 72. ...
 73. ...
 74. ...
 75. ...
 76. ...
 77. ...
 78. ...
 79. ...
 80. ...
 81. ...
 82. ...
 83. ...
 84. ...
 85. ...
 86. ...
 87. ...
 88. ...
 89. ...
 90. ...
 91. ...
 92. ...
 93. ...
 94. ...
 95. ...
 96. ...
 97. ...
 98. ...
 99. ...
 100. ...

60
 1. ...
 2. ...
 3. ...
 4. ...
 5. ...
 6. ...
 7. ...
 8. ...
 9. ...
 10. ...
 11. ...
 12. ...
 13. ...
 14. ...
 15. ...
 16. ...
 17. ...
 18. ...
 19. ...
 20. ...
 21. ...
 22. ...
 23. ...
 24. ...
 25. ...
 26. ...
 27. ...
 28. ...
 29. ...
 30. ...
 31. ...
 32. ...
 33. ...
 34. ...
 35. ...
 36. ...
 37. ...
 38. ...
 39. ...
 40. ...
 41. ...
 42. ...
 43. ...
 44. ...
 45. ...
 46. ...
 47. ...
 48. ...
 49. ...
 50. ...
 51. ...
 52. ...
 53. ...
 54. ...
 55. ...
 56. ...
 57. ...
 58. ...
 59. ...
 60. ...
 61. ...
 62. ...
 63. ...
 64. ...
 65. ...
 66. ...
 67. ...
 68. ...
 69. ...
 70. ...
 71. ...
 72. ...
 73. ...
 74. ...
 75. ...
 76. ...
 77. ...
 78. ...
 79. ...
 80. ...
 81. ...
 82. ...
 83. ...
 84. ...
 85. ...
 86. ...
 87. ...
 88. ...
 89. ...
 90. ...
 91. ...
 92. ...
 93. ...
 94. ...
 95. ...
 96. ...
 97. ...
 98. ...
 99. ...
 100. ...

Бўлган воқеа-ҳодисаларни хатга солиб, бир кишига миндирди отди, қўлига бериб бояғи дастхатди, “чопа бер”, – деб отасига жўнатди.

Токи хабарчи пойтахтга боргунча, вали кароматини подшога кўрсатди. Подшо оёк-қўлининг томири ўзидан-ўзи тортди, икки қўли орқасига битди, тиззаси бўйин калласидан ўтди, ўзимни ёзай, деб тортинди, зўрлик билан кўзи чикиб кетди. Подшо бу ҳолатда ётган вақтида, хабар-хатни ичкарига олиб кирди. Қарасаки, бир ҳодиса: подшо тумалок бўлиб, қори бўпти. Улуғ мирзаларини чаллатди: – Подшонинг холи танг экан, ўқитиб эшиттиринглар кани, дорнинг қошидан келган хатти, – деди.

Улуғ мирзаси: – Э, подшоҳим, ҳали ҳам бундай қилманг. Эшонингизни чақира бошлайик, тўн кийдириб, назир бериб, вақтини хушлайик, кўл-оёғини ёзинг, деб сизни унинг олдига ташлайик. Башарти тўражонимнинг конидан ўтсангиз, ажаб эмаски, доимгидай ўз аслингизда бўлсангиз. Мана бу дорнинг қошидан келган воқеаси: икки ўғлонингизнинг ҳам гарданини тиғи пўлат кесмаган эмиш. Таксир, шуни сизга билдирмоқ учун беклар хабар киёб юборибди. Ўз ҳолингизни танг қилганча, ҳали ҳам гуноҳини ўтинг, – деди. Бунга жавобан подшо бир сўз айтиб тўхтабди:


Сарф этарман хазинада заримни,
Топтирарман бундан ҳам зўр пиримни.

Атрофи кўрғонга отим чоптирай,
Бу пирдан бақувват пирни топтирай,
Бу эшонга мен изимни ўптирай.
2390 Хизматимга қул қиёб ушбу эшонни,
Оту ҳайвонларим шунга боктирай,
Шунда ҳам жинниликни қўймаса,
Ул қорнига темир қозик қоктирай.

Улардан кечдим, кечмам ойимдан,
Айирмоқчи мени тахти пойимдан,
Бир сирача хўп қайтарди ройимни,
Омон-эсон турсам бўлар жойимдан.

Душман кўркишади сиёсатимдан,
Ҳамма яшнарди шу давлатимдан,
2400 Золимларга бориёб айтинг, сўйсинлар,
Чангу туман кўтарилар юртимдан.

– Таксир, пичок унга ботмаса, зўр бериб босган билан бирон ерин ўсмаса, ўткир пичок гарданини кесмаса, қайтиб сўйсинлар? – деди.



Подшо айтди: – Ингичка симдан чилбир қилинлар, халқа қилиб оч бўйнига солинлар, сиртмоқлаб тилла дорга илинлар, андин сўнгра ўлар, пухта билинлар. Подшонинг амрин икки деманг, шоввозлар. Боринлар, шу ишни тайин қилинлар.

Буйруғин олиб ҳукуматди, арзачилар чоғиб отди, олиб бориб подшо хатини дор бошида турган сипоҳиларга кўрсатди. Хат ўқиган Иммарбек: – Оббо, подшоликнинг йўли қаттиқ, юрдирди подшо шариатди, – деб биров-бировига қарашиб, қилди жамоат маслаҳатди: – Ҳар қандай бўлса подшо-да, эгаси боргоҳли давлатди, чин баҳридан ўтган экан икки фарзандди; бу тўражонлар бизларга фарзанд эмас, ини-оғамас; энди отангдан кўр, – деб, шундай сим чилбирни бўйнига солиб, икковини бирдай дорга тортди. Энасининг кўзи тушиб, пирларини йўқлаб, бир сўз айтди:

Сидқи билан қивдим сизларга ихлос,
Ўғлимнинг умрини девдинлар дароз,
Муштипар ночорман, қилманлар араз,
Мадад бер, қўлланлар, болам ўлмасин.


Отингдан айланай, ё, Ғовсил Ғиёс,
Мен сизларга қилдим сидқи дил ихлос,
Мушқулим қаттиқдир, қилинлар халос,
Шафо қиб, қўлланлар, болам ўлмасин.

2410 Менга зиндон бўлди бу кун жаҳонлар,
Осилди Мансур дорига ўғлонлар,
Зурёдим қўл берган улуг эшонлар,
Мадад бер, қўлланлар, болам ўлмасин.

Хабардор бўлинлар икки ўғлондан,
Ғариб бўб, айрилмасин жасадда жондан,
Ҳамма умидвордир дунё ёлғондан,
Дуо кинг, жамоат, болам ўлмасин.

2420 Тухмат жабри билан ингранди таним,
Ҳозир бўлгин, Оппоқхўжа эшоним.
Келиб чилбир кесинг, болам ўлмасин,
Ғойибона келинг, ҳеч ким билмасин.

Мастура дер, кон йиғлайман зору зор,
Биттаси тоғдек, бири кирча бор,



Хабар онглар, холидан бўп хабардор,
Қувват бўп қўллашлар, болам ўлмасин.

Алқисса, дарахтлар боши эгилишиб кимирлай берди, қибладан дўржи шамол турди, чангу тўполон бўлиб, Булғорнинг устига етди, зулмат босиб мамлакатди, қоронғилик босди ушбу юртди, ҳеч кас бир-бирини кўролмади қолди, куннинг бетини шуйтиб тутди. “Кун тутилди”, – деб шу чок мардум бор абзалини данғиллатди, Билоллари азон айтди. Шу пиллада Хизр етди, дорини тегиб кулатди. Икки соат ўтгандан сўнг олам ойдинликка етди. Жаллод ва беклар қараса, икки тўра саломатдир.

Тағин ҳам подшога тилла дорнинг йиқилишин ва тўполонни хат орқали хабар қилди. Подшо: – Бу ишлар кашмиру жинни, девона Оппокхўжадандир, – деб хатига битиб, бир сўз айтиб тўхтабди:

Бир гапли эгадир доим шаҳрига,
Ҳеч кўзим тушмасин у дийдорига.
Беш юз жаллод қўлин бойлаб ҳайдасин,
Ҳам оширсин Улуғ тоғдан нарига.

2430 Заррин тўнин бўяб қирмиз қонига,
Раҳм этмасин икковининг жонига,
Сўнг пичоқ ўтади шу гарданига,
Қонин олиб келсин бу султониға!


Хўжаю жинниси билмасин,
Ҳасратида у энаси ўлмасин,
Кечаси оп чиксин, ҳеч ким кўрмасин,
Қон доридур менингдай султониға.

2440 Қўп ҳаёлим икковидан қочама,
Менинг раҳмим келмас икки баччама,
Ё қонини солиб келсин қадига,
Антахур ўрниға қонин ичаман.

Ҳеч бир ҳақи йўқдир ёруғ дунёда,
Беклар отли, у иккови пиёда.
Олиб келсин, қони дардимга даво,
Улардай бақарда йўқдир дунёда.

Давлати бордирнинг, билинг, зўри бор,
Сўёлмайсизлар бу элда, пири бор,





Улуғ тоғдан ошпирсинлар-да зинхор,
Этиб сўйиб келтирсинлар мукаррар.

- 2450 Тоғдан ўтиб қўл-оёғин бойласин,
Пушаймон қип, қилган ишин ўйласин.
Икки одам чақир тошни қўллашиб,
Кесмаса тиғ, манглайдан тайласин.

Мен биламан уларнинг ишини,
Ханжар кесса чўртта узсин бошини,
Олиб кенглар, э, шоввозлар, конини,
Бизга кони, чўлга тайланг гўш[т]ини.

- Ўйдирди у отасининг кўзини,
Пухта қинглар подшонинг айтган сўзини,
2460 Эгам олар осон қилиб жонини,
Қарға-кузғун есин унинг ўзини,

Қорахон дер, қори бўлдим мукаррар,
Улуғ тоғдан оширинглар, кўп навкар,
Шу ишни буюрдим мендай аждахор,
Жуйбор қоним олиб келинглар зинхор.


Чакириб беш юз жаллодди, беш юзига миндириб беш юз бедов
отди, икки тўражоннинг қўлини боғлатди. “Кечроқ, хуфтондан сўнг
жўнатарман”, – деб чошқадан кун қиёмигача олти минг тўп бўшатди, уч
минг жазойил отди. Элга солиб сиёсатди, кўп томошаминни ясовулар
уриб, барин жўнатди. Кун ботгандан сўнгра ҳаммасига анжом бериб
тузатди, берди беш юзига фарзандди: – Анжум бегу сипойи, боринглар
Улуғ тоғдан ошириб, қоронғи кечада сўйиб, конини олиб келинглар, – деб
жўнатди, энаси билиб юрганди ушбу маслахатди.

Шунда Ашурали амир жаллодларга хайдатди. – Отангдан кўргин, –
деб жаллод бошлиғи Иммар бир сўз айтди:

Қуйгандирсан, дуд чиқади танангдан,
Кетар бўлдинг бугун кулбахонангдан,
Ҳам айрилдинг бир сиёсар энангдан,
Бизлардан кўрманглар, кўргин отангдан.

- 2470 Мўминлар бекарор кўзда ёшингдан,
Ҳамма хафадир-ку бу йиғлашингдан,





Ҳар қадамда камчи ёғиб бошингдан,
Бизлардан кўрма, кўр тақдиротингдан.

Булғорда йўкмиди ҳеч қариндошинг,
Ўлимга чулғанди бу азиз бошинг,
Ғамликда ҳамроҳинг, бу эмикдошинг,
Бу савдони пухта кўргин отангдан.

Азоб кўрган киши захматин чекар,
Сендай азоб кўрганди Ширин, Шакар,
2480 Бизлармиз, англагин, отангга навкар,
Ҳар савдо отангдан, билгин, кокилдор.

Иммар дейди менинг сенга раҳмим бор,
Ҳукм қилган отангдайнинг ҳукми бор,
Тўражон, қилгайсан гапимни бовар,
Бизлардан кўрма, отангдан кўргин зинҳор.

Бу гаплар Эралихонга таъсир этиб, у ҳам бир сўз айтди:


Сўймасанглар, сизлар хонга жавобгар,
Бўйиндир ўлимга мендай кокилдор,
Ҳақлигимни билмади-ку, синди дор,
Мен найлайин, шулар пешонамда бор!

Атрофимни олиб беш юзта навкар,
2490 Шу ишларга кичик энам сабабкор,
Тирикдурман, шукур қилмоғим даркор,
Тирик қолсам, кўрмай отамдан дийдор.

Тўққиз ёшда жабр бўлди жонима,
Олтин ёкам бўялгандир қонима,
Ҳақ инсоф бермади шу душманима,
Бўлмаса, ҳеч йўқдир ўзимда ғубор.

Бу шаҳарда бир ғариб энам бор,
Бизлар учун бўлди аламга дучор,
2500 Бизлар кетдик, нўрли қолди беҳабар,
Ҳам дўстимдан қолдим қиёмат дийдор.





Кулоқ солгин Эралининг тилига,
Раҳм айланглар иккимизнинг холига,
Ҳеч келмасман энди Булғор элига!
Киёмат савдода қолди у ночор.

Булардан илгарироқ энаси ҳам кўнгли сўтилиб, ёшини тўкиб Улуғ тоғ кстар дарвозага етган эди, кўп отнинг дубури кулоғига етди.

Шералихон: – Ака, қайда борамиз? – деб акасига йиғлади. Акаси: – Жаллодлар олиб борар Улуғ тоғдан нарига, ханжар қўяр иккимизнинг сарига, қийин бўлди Мастурадай парига, ёкасин чок этар ўғилларнинг хуморига, – деди. Шундан сўнгра Шерали Эралига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Отам тирик, бўлдим етим,
Қаерга етар фарёдим,
Қушдан югрук тўрик отим,
Бедов ҳам отларим қолди.

2510 Отам буюргандир ўлим,
Пиёдаман, боғли кўлим,
Боғларда сўйлаб булбулим,
Сояли жойларим қолди.


Ўкиб чикканди саводим,
Дафтар билан эрди хатим,
Таълим берган ҳам устодим –
Отамдан зиёдим қолди.

2520 Ғамдин-ғам бўлди кулфатим,
Бу эмас эди-ку ниятим,
Ҳам шеригим, ҳам улфатим –
Мулла Умар дўстим қолди.

Олов бўлиб ичи танам,
Қайтарманми элга янам?
Гулмастура жоңдай энам –
Кўзи ёшли энам қолди.

Душманам бўлганди отам,
Қуш урганман, йўқдир хатом,





Ўйнаб ўсган юрту қалъам --
Мунаққаш жойларим қолди.

2530 Мард кадрили мардлар билар,
Номардликни отам қилар,
Меҳмонхонам тилла болор,
Улфат ўйнар жойлар қолди.

Жасада кўпдир ғайратим,
Ўчар бўлиб Шерали отим,
Созим қилган шу устодим,
Уста Одил бобом қолди.

Қайғу-алам тушиб бошқа,
Қилич солсам кесар тошка,
2540 Сизнинг отингиз Қорақашқа,
Икки пирокларим қолди.

Яхши шуйтиб гапни ўйлар,
Ҳар гапини билиб сўйлар,
Думбаси катта чори қўйлар,
Бокиб юрган қўйлар қолди.

Юрагимда номус-орлар,
Отам мени шуйтиб хўрлар,
Чин пўпакли қора норлар,
Лўкча билан норим қолди.

2550 Кўзим ёши буғун чизлар,
Бандамиз-ку, билинг, бизлар,
Мактабдаги кўп қанизлар,
Ваъда қилган ёрим қолди.

Ўтиришган қора кўзлар,
Ўқиган кўп сертамизлар,
Ҳасратим деб билингизлар,
Лаби шакар болим қолди.

Во, дариғ, бандаси ўлар,
Билса, ҳарчанд менга йиғлар,
2560 Очилиб, ҳар хиёл гуллар,
Ҳамбўйинсам, уллар қолди.





Иммар жаллод: – Пирингдай жинни бўлибсан, отанг бор, сенга мол ихтиёри қайдадур? Ҳамма нарса ўзимники, ўзимдан бошқа катта йўк, деб кичик энангнинг қўйнига кирган экансан-да, – деб камчининг ўрамидан ушлаб, бор кучини шу билагига ташлаб урди.

Шунда ғариб энаси боласининг довушини англаб, сахар чоғида чопа ётиб эди, чироқнинг ойдинида дарвозахонадан ўта ётиб эди, ўғилларининг ҳолини кўриб, тўрт оғиз мухаммас қилганидир:

Бу камоли, ҳам ўзига ярашарим урмагин,
Тўй меваси элу халққа ҳам пишарим урмагин,
Ҳақ умрини берса юз яшарим урмагин,
Кийган тўни қадди бўйига ярашарим урмагин,
Иммаро, сен мудда қил, жону дилимни урмагин!


Отаси душман бўлиб, ҳеч қолмади андишалар,
Нотавоннинг ҳолига кўрса халқим йиғлашар,
Одам-ку одам, чўчкани буйтмас подшолар,
2570 Бу алам-доғ устига яна кўп алам қўшилар,
Иммаро, сен мудда қил, жону дилимни урмагин!

Гуноҳини айтиб ургин, айт гуноҳи канча бор,
Норасталарни қийнама, балки уволи нонча бор,
Ҳақ ўзи ғойибдан ато қилган каломуллоча бор,
Ул боламнинг мсҳри менга жасадимда жонча бор,
Иммаро, сен мудда қил, жону дилимни урмагин!

Отаси, душман бўлиб, ҳам сенда бўлди ихтиёр,
Асилимни бунча уриб, қилма бунча хору зор,
Ҳақ муяссар айласа, борган эллари лолазор,
2580 Кўзичоғимни уриб, сен мени қилма бекарор,
Иммаро, сен мудда қил, жону дилимни урмагин!

Жаллод Иммар ғазаб камчисин қўлига олиб: – Бу ғурбатларнинг бари сенинг оёғингнинг тагидан чиққандур, мамлакатни буздинг-ку, бузғувчи беокибат! Қайт, киргин шаҳарга! Сен қилғилик барини қилдинг-ку бизнинг подшо тождорга! Ҳукмдор подшо бизни буюрди, ҳам ҳукм хатин берди, Улуғ тоғдан ўтиб сўямиз икки кокилдорди; қўлингдан на иш келар, на иложинг борди[r]? – деб бир сўз айтиб турибди:

Энди сут қилмасдир ғаму хасратинг,
Билгин, йўлдош бўлди доғу кулфатинг,



Қўлимизда ўлар икки фарзандинг,
Иярмагин, қайтиб кетгин шаҳарга.

Ҳеч тенг келмайсан сен зўраборга,
Энди раҳбар керак эмас буларга,
Ханжарим босаман, пухта бил, сарга,
Қайт, кириб кета бер ўзинг шаҳарга!

2590 Ўғлингни ҳайдайди жаллоду дотқа,
Сўйсин, деб буюрган шу ҳукм ҳагқа,
Энди кашал бўлма икки бекзотка,
Тақдирингдан кўргин, қолгин элатқа.

Бизлар оп кетармиз тоғлар – баландга,
Пиёда ҳайдаймиз, миндирмай отга.
Кўп мушкул бўлади сен сиёсарга,
Ҳалак бўлма, қолгин сен бир элатга.

2600 Ҳеч ерга етмайди пухта бил, додинг,
Билармиз, шу икки ўғлинг қанотинг,
Булар учун кетди шарм-уятинг,
Бу юргандан яхшимасми элатинг?

Бихиштдаги хурга ўхшар жасадинг,
Энди, бийи, бўлсин сабру тоқатинг,
Подшопинг ёрисан, бизлар фарзандинг,
Ҳаёнг кетди, қолгин, буви, элингга.

Аччиғим кеп келиб эдим урмакка,
Ўйлаб турсам шаҳарда ўзинг якка,
Иярма қон йиғлаб икки гўдакка,
Рай айлагин энди элда қолмоққа.

2610 Бор, овинарсан қаниз, қизларга,
Эгалик айлагин, боргин рўзғорга,
Фойдаси йўқ, иярмагин буларга,
Э, озода бувим, қолгин шаҳарга.

То ўлгунча ўйнамайсан, қулмайсан,
Энди пухта, ҳеч ҳаловат кўрмайсан,





Куясан-чатмайсан, асло ўлмайсан,
Буви, кон йиғлама, қолгин шу срга!

2620 Ўйлаб кўргин, мана дунё бепоен,
Ўлимни билсангки, бир гаждум-чаён,
Ҳаммага маълумдир бу апна-асн,
Интилиб йиғлама, қолгин, бувижон!

Булар учун бўлгандир дилинг яра,
Шохона кўйлагинг этибсан пора,
Хозир чокда бўлибсан бахти қора,
Қол шахрингда, бунча бўлма овора!

Отим Иммардурман, мен лашкарбоши,
Кўн тақдирга, бу-ку облонинг иши,
Бунга-ку тўкмагин кўзингнинг ёшин,
Кўнмайсанми тақдиригнинг шўрига!

Гулимастура ойим:– Мени манглайимдан урган экан Худойим, деб, болаларига қараб, кўнгли бузилиб, оқ юзига катор-катар мунчок ёши чизилиб, инграниб йиғлаб, ёшини артиб: – Сизлардан қолгандан кўра, ўлганим ортиқ эмасми? – деб золим жаллодларга қараб: – Мўминсизлар, раҳм этинглар, – деб бир сўз айтиб турибди:


2630 Ўлим берсин менинг хумса ёрима,
Ҳеч айрилиб қололмайман шаҳрима,
Хумса подшо ханжар солди бағрима,
Қайт дегунча, кўй қиличинг сарима!

Ўлгунча хамроҳман икки ёшима,
Чақалокда босдим қордай тўшима,
Ҳеч ким раҳм айламас бу инграшима,
Қайт деганча, кўй ханжаринг бошима!

2640 Мен ўлгунча икки ўғлим хамройи,
Эшитгин додимни, беклар, сипойи,
Мисқолча йўк икковининг гунойи,
Қайт дегунча, ханжар суқкин бағрима!

Қойил бўлдим Эгам қилган ишига,
Бераҳмлар, пичок кўйсанг бошига,





Сўгин қарға-кузгун қўнса лошига,
Мен ҳам борсам, алар борган даш[т]ига.

Ҳеч фарзанддин айриларми энаси,
Дори синди – тўғрилиқнинг гувоси,
Кўрди-ку элнинг, юртнинг ҳаммаси,
Ёшлигида ўйнатганман қўлима.

2650 Сўнгра очилди-ку элнинг тумани,
Подшо экан, билдим, Ҳақнинг ёмони,
Билиб туриб ўтмади-ку гунони,
Маълум бўлди ёшлар билан карима.

Мастура дер, кулоқ сонглар додима,
Ой рашк этарди гулдай бетима,
Подшоҳим ўк урди шу канотима,
Ўлдирмасанг, мен қайтмайман юртим!

Жами беклардан ўн бир бек отидан тушиб, буви Мастурани итариб,
суриб, шаҳар дарвозасидан ичкари киргизиб, ташкаридагилар турибди
караб, пиёдалари ҳам ўзини далага олиб, Гулмастура ичкарида қолиб,
дарвозабон қулфини солиб, беркитиб қўйгандан сўнгра Иммар оёғини
узангисига тираб: – Подшонинг буйруғи икки улига, ҳеч ижозат йўқ
олиб кетмокқа гулига, подшонинг амрини биласан, дарвозабон, ойимни
чиқарма, ўласан. Эҳтиёт бўл, чиқармагин! – деб бир сўз айтиб тургани:

Ривояти шундай бўлди муфтини[нг],
Бул ҳам тоблагувчи эди зулфини,
2660 Эҳтиёт қил, сол, дарвозанг қулфини,
Амри шундай бу ойимнинг жуфтини[нг].

Қиз вақтида топган экан боптани,
Ҳозир бузди бу ойимча рахтини,
Бо чиқиб, кетмасин топиб вақтини,
Дарвозабон, эҳтиёж сол қулфини.

Хоннинг амри бирдир, икки бўлмасин,
Орқамиздан стиб, йиғлаб юрмасин,
Дарвозани беркит, ҳеч ким кирмасин,
Хўп тапигин бу подшонинг жуфтини.





2670 Биз кетамиз Улуғ тоғдан нарига,
Хеч кулок солмагин оху зорига,
Кўп йиғласа, этиб топишир ёрига,
Ул ўрнига кучокласин жуфтини.

Иммарман, хамрохим жаллод Эрназар,
Кўлимизда ўлди доим гуноҳкор,
Эланиб чиқмасин яна сиёсар,
Йўл изласа, бориб кўрсин жуфтини.

Алкисса, дарвозабон кари киши эди, дарвозани беркитиб, дўк килиб
йимни кўрkitиб: – Агар ажали етса, ўғлонинг кўлингда ўлмасмиди, –
деб насихат тарикасида насихат бериб, бир сўз айтгани:

2680 Тўқсон бирга кирган-ку менинг ёшим,
Йиғлашингга хеч қолмади бардошим,
Ўзимда эмасдир ақилим, хушим,
Ўлмаса, ўйнайди икки ўғлонинг.


Тирик кетган, омон бўлса, келади,
Ўлмоқлик савдони Оллоҳ билади,
Бунча йиғламагин бағрингни эзиб,
Омон бўлса икки ўғлинг келади.


Худо берган жонни Худо олади,
Куни бўлса, боланг ўлмай қолади,
Қисматда савдоси шундай бўлади,
Келади деб дарвозабон йиғлади.

2690 Унгача кун чиқиб, энди тонг отди,
Ҳар атрофга йиғлаб бийиси йўртди.
Йўл бўйида келаётувди каландар,
Мушкул тушганларга у эди раҳбар.

Дод деб кўчаларда йиғлар сиёсар,
Ҳар кадамда Худо дейди бу ночор,
Хеч ким бўлмасин, деб бу докка дучор,
У каландар: Тўхта, – деди, – сиёсар.

Сенда, кизим, қандай каттиқ мушкул бор,
Ё кетдими асир бўлиб кокилдор?





2700 Худо дейсан, бунча энди йиғлайсан,
Ғам емагин, мен улардан хабардор.

Бор кулбангга, ўтира бер сен ночор,
Бу ишнинг охирин бу бобонг очар,
Бу ишига у кундошинг сабабкор,
Каттакони бўлади подшо – тождор.

Шунда ҳам Мастура жавланиб йиғлай берди. Қаландар уни қайтариб,
дарвозага этди: – Бири беркилган бўлса, ўнтаси очикдир. Чин каноат
килмасанг, боргин, – деб очик дарвозани кўрсатди:

Ўридирсан ўзинг соҳиб давлатди,
Жуфтинг солди сенга доғу ҳасратди,
Бир неча айирар фирка, миллатди,
Мен қари бобонгман, ҳаммага бирдай,
2710 Шу йўл тўғри йўл, деб очик кўрсатди.

Шу замон ойимча бобосини танитай: – Омон бўлинг, – деб чиқиб кетди.
Чопмай найласин, алами зиёдди[р], аччиқ келса аёл кўяр уятди. Сочи ёзик,
кўзи намли, шўр, бебаҳт йўлда ўтаётган кишилардан: – Кўрдингларми бир
тўпар отди? – деб Гулмастуранинг болаларини йўқлаб кетаётганидир:

Ушбу йўлдан, иним, сен ҳам юрдингми,
Бу бийинг айлансин сенинг бўйингдан,
Кетаётган дўржи отлини кўрдингми?


Ночорман, айлагин гапимни бовар,
Икки кўзичоғин бийиси қачон топар,
Гох аклим кетади, гох бўлиб хушёр,
Кўрган бўлсанг, баён бергин муқаррар.

124

Бандилар энаси мен, билсанг, ночор,
Унинг сонин айтсам, беш юзча бор,
2720 Олдида бойланган икки гуноҳкор.

– Кўриб келдим, банди икки кокилдор,
Тез югурип, бувим, ораси анча бор,
Ҳар кадамда беклар камчисин солар,
Кўрар бўлсанг ани, буви, чопа бер,
Кўрай десанг, хаяллама, дарров бор.





Буларнинг олдидан йиғлади, ўтди,
Олтин ёқа хўл бўп кўзда ёшига.
Атрофга тайлабон узун сочини,
Ҳар ким раҳми келар ул йиғлашига.

2730 – Охир-окибат мендан олди ўчини,
Раҳм этмай боламга тўкди кучини,
Тирик бўлса, бўлар элнинг лочини,
Ўлдирар-да охир бу тухматчини.

Гох қувониб, гох жалваниб боради,
Қунлар баайни асир бўлган чоғида,
Олдида тўп отлик ойим кўради.

Тезрок борай, кўрай алар холини,
Ҳар ерда фойдаси бордир валини[нг],
Оппок пирлар тутсин дасти қўлини.

2740 Киска қилгин бу ойимнинг йўлини,
Етиб кўрсин иккигина улини,
Чопа-чопа фақир бўзлаб йиғлади.

Етиб бориб, довуш килиб, бир сўз айтди:


Суянганда энанг шўрга кирмисан,
Кичинг дўкча, каттаконинг нормисан?
Бир муштипар яна келдим изингдан,
Омон-эсон, икки ўғлим, бормисан?

Шерларнинг ичида ўзинг шермисан,
Куйган энангни ҳам эна дермисан?
Ғариб энанг етиб келди, садаға,
2750 Омон-эсон, бандиларим, бормисан?

Нола қилдим бобонг дарвоза очар,
Ҳеч киши бўлмасин бу ғамга дучор,
Қичкириб йиғлайман, икки кокилдор,
Бандиларим, икковгинанг шўрмисан?

Шерали, Эрали энасининг товушини эшитиб, азоблари кўринмай,
кетига боқиб, кўзларидан жолалар оқиб, энасига бир сўз деганидир:





Эна эдинг, иккимизга меҳрибон,
Тирик қолишимиз бизларга гумон,
Бундок юрсанг бўлур аҳволинг ёмон,
Бизни десанг, қолгин, қайтгин, энажон?

2760 Ой ўн тўрт кун бўлган сўнг тўлади,
Ажал етса, ҳар бандаси ўлади.
Тақдирингдан кўргин, қайтгин шаҳарга,
Тирик бўлса, охир дийдор кўради.

Агар ўлсак бўлиб киёмат дийдор,
Бунча иярмагин бўлиб хору зор,
Кўп йиғлама, улуғимсан сен ночор,
Тирик бўлсак, кўрамиз охир дийдор.

2770 Қўлим боғли, тоғдан ошиб борамиз,
Тўққиз ёшда ғам-хасратни кўрамиз,
Кўп иярма бизларга сен, раҳбарим,
Омон бўлсак, бир кун кириб келамиз.


Омонлигим тилаб ўтгин сен ночор,
Охир душман бўлар қўлимга дучор,
Саломат қайтса ҳам қонини ичар,
Энажон, йиғлама, қайтгин-да зинҳор.

Шунда Эралихон ҳам энасига қараб: – Эна, қанча ҳолингиз бор: жаллодларнинг бизларга раҳми келмаса, буларда ёй-яроғи бўлса, ололмайсан золимлар қўлидан айириб; минг фиғон айласанг ҳам, буларга таъсир қилмас, – деб энаси билан розилашиб, бир сўз айтиб турибди:

Бу савдони кўргин тақдир шўрингдан,
Борган билан ҳеч иш келмас қўлингдан.
Бир сирача рози бўлгин, энажон,
Банди бўлган иккигина улингдан.

2780 Мен бўлайин болам деган тилингдан,
Бизларни деб айрилмагин элингдан,
Башорат тилагин Оппок пирингдан,
Ҳозирча рози бўл икки улингдан.





Куйиб-йинлаб, конлар томар кўзингдан,
Тирик қолсам, келиб ўпай изингдан.
Бир сирача облойимга топширгин,
Ҳозирча рози бўл икки кўзингдан.

2790 Бадарға бўп чикдик юрту қалъангдан,
Туташиб ўт чиқар сенинг танангдан.
Во ҳасрато, хизматингда турмадим,
Жон эна, рози бўл икки болангдан.

Юзинг юлиб, энди конлидир бетинг,
Бизлар банди, йўқдир зарра тоқатинг,
Дуо қилгин, омон қолсин фарзандинг,
Рози бўлгин икки жону дилингда.

Бизлар тирик, боламламагин ночор,
Болам деб йиғласанг хаёлим қочар,
Номаҳрам кўп, хабар ол соғу сўлингдан,
Икковимизга бўлсин энди обло ёр.

2800 Қайт, кета бер, эна, Булғор элишга,
Ўзи раҳм айласин куйган холишга,
Дуода бўл иккигина улишга,
Эна, рози бўлгин қўш қокилингга!


Ўғлингдирмиз Эралию Шерали,
Дунёни демагин оламда холи,
Хабар олсалар-ку у шайхи вали,
Рози бўлгин икки чучук тилингда.

Икки ўғлинг берган насихатини қабул қилиб, шунда сипоҳи Иммарга
қараб, болаларини топшириб, бир сўз деб тургани:

2810 Хумор кўзга мен-ку қонли ёш урдим,
Жабр кўриб ақилимни шоширдим,
Кўлингда бандидур икки гавҳарим,
Икки гўдагимни сенга топширдим.

Эшит додин мендай кўнгли яримни[нг],
Пухта билгин қилган оху зоримни,





Уриб бораётган икки норимни –
Лўкчаю норимни сенга топширдим.

Ишига койилман беҳриборимди,
Эгаси бўларми девдим Булғор шахримди.
Э, Иммаржон, мен сенга топширдим,
Икки шундайин гўччоғимди.

2820 Ким эшитар у кулбамда зоримни,
Сарф айласам бисотимда боримни.
Мен сизларга бугун энди топширдим,
Ҳам нотаваон кўзию кўчкоримни.


Ёмон ёр дастидан уздим кўнглимди,
Ўз ёрим солди шунча зулмди.
Баринг бандасисан Эгам Каримди,
Сизларга топширдим ақлдоримди.

2830 Мастура дер, эшитинглар тилимди,
Эгам солган бандасига ўлимди,
Раҳм этинглар, жамийи турган беклар,
Сизларга топширдим икки улимди.

Гулмастура икковишинг изига термилиб қараб, “во дариг”, – деб зор-зор йиғлаб, кўзининг ёшини артиб, хаёли кетиб, ақли тошиб, юрар йўлидан адашиб; ҳеч ким карамайди куйган ҳолига, қайта берди қон йиғлаб элига. Шунда Гулмастура йиғлаб қайта берсин, золимлар ҳам болаларни ҳайдай берсин Улуғ тоғдан нарига.

Ўн бир кеча-кундуз йўл юрдилар. Ўн бир кундан сўнггина Улуғ тоққа етди. Улуғ тоғ дегани бир улуғ тоғ эди: ҳамма тоғлардан баландди, тоғ оралатиб қамчилашди кўн отди, олдида пиёда ҳайдаб бу икки мардди; икки баланд кирдан ўтганда сўнгра Шералихоннинг кўп мадади кетди. Шунда бекларга қараб: – Бу баланд тоғдан бир отга отлантириб ўтинлар, – деб бир сўз айтиб турибди:

Бу баланд тоғдир, тоғлар ёмони,
Ўтолмас бўлгандир кўнгил гумони,
Бундан қаттиқ дард йўк, шу дард ёмони,
Мадад кетди, миңдиринглар отинга.



Чарчамасдир бек отамнинг ҳайвони,
Асл ўлса, хамроҳ бўлсин имони,
Бефарзанднинг бесоҳибдир қўрғони,
Раҳм этинглар, мени отга миндилинг.

2840 Мадад йўқ, чиқолмай тоғнинг бетига,
Жабр қилма подшоҳнинг зурёдига,
Хурмат қил, миндиргин отам отига,
Инсоф қинглар, мени отга миндилинг.

Отинг босди, оёқларим ярадир,
Мен билмайман, нечук бахтим корадир,
Инсоф қинглар, икков асл тўрадир,
Отга миндир, ҳушим кетиб борадир.

2850 Шерали дер, банди асл кокилдор,
Сизларга йиғлайман, мен бўп интизор,
Ғамли кулман, озод қилсин бехрибор,
Раҳм этинглар, ҳаммаг отамга навкар.

Бунинг сўзига қачон беклар қаради?! – Сенинг от мингидай ишинг борми, бу ерда сенга раҳм эгадиган кишинг борми? У қилган ишинг ўзингга маълумдир, – деб дўк уриб, бир сўз айтиб бораётганидур:

Ўйлаб қўргин аввал қилган ишингни,
Бир пулга олмайман шу нолишингни,
Бизлар кесмоқчимиз, билгин, бошингни,
Қарға-қузғун еб кетади гўш[т]ингни.

Ҳали сен минмоқчи турур отингни,
Қирмиз қонга бўярман жасадингни,
Тубдан кўрмай кетарсан-ку юртингни,
Тулки, шақал ейди гўшти-этингни.

2860 Эътибор дейсанми, қилган ишингни,
Ҳеч билмайсан душманингни, ғашингни,
Мен турурман уриб ёрган бошингни,
Парча-парча қилмоқчиман гўш[т]ингни.

Даркор бўлса, Эгам олар жонингди,
Фойдаси теккани кани эшонингди?





Чарчамасдир бек отамнинг хайвони,
Асл ўлса, ҳамроҳ бўлсин имони,
Бефарзанднинг бесохибдир кўрғони,
Раҳм этинглар, мени отга миндириг.

2840 Мадад йўк, чиқолмай тоғнинг бетига,
Жабр қилма подшоҳнинг зурёдига,
Ҳурмат қил, миндиргин отам отига,
Инсоф кинглар, мени отга миндириг.

Отинг босди, оёқларим ярадир,
Мен билмайман, нечук бахтим қорадир,
Инсоф кинглар, икков асл тўрадир,
Отга миндир, ҳушим кетиб борадир.

2850 Шерали дер, банди асл кокилдор,
Сизларга йиғлайман, мен бўл интизор,
Ғамли қулман, озод қилсин беҳрибор,
Раҳм этинглар, ҳамманг отамга навкар.

Бунинг сўзига қачон беклар каради?! – Сенинг от мингидай ишинг борми, бу ерда сенга раҳм этадиган кишинг борми? У қилган ишинг ўзингга маълумдир, – деб дўк уриб, бир сўз айтиб бораётганидур:


Ўйлаб кўргин аввал қилган ишингни,
Бир пулга олмайман шу нолишингни,
Бизлар кесмоқчимиз, билгин, бошингни,
Қарға-қузғун еб кетади гўш[т]ингни.

Ҳали сен минмоқчи турур отингни,
Қирмиз қонга бўярман жасадингни,
Тубдан кўрмай кетарсан-ку юртингни,
Тулки, шақал ейди гўшти-этингни.

2860 Ўтибор дейсанми, қилган ишингни,
Ҳеч билмайсан душманингни, ғашингни,
Мен турурман уриб ёрган бошингни,
Парча-парча қилмоқчиман гўш[т]ингни.

Даркор бўлса, Эгам олар жонингди,
Фойдаси теккани қани эшонингди?





Сени сўйиб, оп кетармиз қонингди,
Ғариб билгин бу жасаду лошингди.

Болалар хор-зор бўлганини билиб, баланд тоғларга қараб, бир сўз айтади:

Хизр кўрган улуғ жойлар,
Таги баланд узун сойлар,
Яёв юриб, ўйнар тойлар,
2870 Кўрдингларми юрганимни?

Булбул учиб, қўнар зоғлар,
Сийнам тўла алам-доғлар,
Усти қорли баланд тоғлар,
Кўрдингларми ўтганимни?

Жаннатга-ку борар хурлар,
Ўтди оламдан неча эрлар,
Бесон ётган мана қирлар,
Кўрдингларми юрганимни?


Банди бўлиб икки ёшлар,
2880 Бошимизда мушкул ишлар,
Сой ичинда иссиқ тошлар,
Билдингларми босганимни?

Баланд турган мапа дорлар,
Ўз отам бизларни хорлар,
Мадад берсин комил пирлар,
Билармикан фиғонимни?

Шерали дор, бордир орим,
Лутф айласин бизга Карим,
Тўғри эдим, синди дорим,
2890 Билинг азоб кўрганимни.

Эралихон укасининг аҳволига қараса, жуда мушкулдир. Қадам босиб, ёшин суртиб, суриниб тошларни туртиб, гоҳ йикилиб хушидан кетиб; беклар тортиб ўйнаб-кулиб, Шералини мазах қилиб, камчи даста билан туртиб борганини оғаси кўриб, кахри келиб, золимларга бир сўз айтгани:





Кўзин ёши селдай кетар,
Уни урдинг менга ботар,
Бизларга ҳам навбат етар,
Ура бер, навбат сендадур!

Шералидир менинг бағрим,
Сенга ўтди hozir даврим,
Зиёд бўлди кўрган жабрим,
Ура бер, навбат сендадур!

2900 Йўқдир илмнинг поёни,
Марднинг келади даврони,
Сизлар подшонинг чаёни,
Чақа бер, навбат сендадур!

Ургин, қолмасин армонинг,
Куйдирарман хону монинг,
Шу пилла даврон сурганинг,
Чақа бер, навбат сендадур!


2910 Ўтқарсам дунё ёлғончини,
Базарба солгин камчини,
Шер олар охир ўчини,
Ура бер, давр сендадур!

Хайдаб чиқдинг бу майдонга,
Қамчинг учин бўяб қонга,
Қамчинг ўтди устихонга,
Ура бер, навбат сендадур!

Билиб қил, Иммар, ишингни,
Урасан икки ёшингни,
Кесарман охир бошингни,
Ҳозирча навбат сендадур!

2920 Аслларга навбат етар,
Бу кийналган кунлар ўтар,
Охир навбат мардга етар,
Ура бер, навбат сендадур!





Муллалар истар беҳиш[т]ни,
Бостирдинг қора тошни,
Гашти ўргатаман уришни,
Ура бер, навбат сендадур!

Эшит Эралининг фиғониши,
Қор қилмасман золим урганини,
Охир кесарман сарини,
2930 Ура бер, навбат сендадур!

Золимларнинг бошлиғи Иммар ҳам бир сўз деб турибди:

Қўлинг бойли, етмас кучинг,
Олмоқчими биздан ўчинг,
Сен қарғасан, ўзим лочин,
Мана, қамчи гапинг учун!

Демагин мени бир урғочи,
Аёлнинг бўлар узун сочи,
Билгин мендай марднинг кучи[ни],
Ўтсин сенга ўтқир қамчи.


Олмоқчими сен оришғни,
2940 Синдирай бари парижғни,
Худога қилгин зоришғни,
Буйтиб ёраман саринғни.

Хукм хатингдир қўлимда,
Юра бер менинг йўлимда,
Мапсабинг менинг динимда,
Тағи оласанми оришғни?

Ажал етиб, қунинг битди,
Эркаси эдинг Булғор юртди,
Шумлигинг бошингга етди,
2950 Ана, кўрсаиғ билухатди.

Икки қорли тоғдан ошиб,
Келаяпсизлар йиғлашиб,
Нима дединг ақлинг шошиб,
Қўргин изойи уятди.





Отанг буюргандир, билсанг,
Одамкуш мендай жаллодни,
Иммар дейди бизнинг отни,
Ҳакинг шу сен касофатни[нг].

2960 Кўринг конхўр кўп жаллодди,
Ҳар атрофдан камчи тортди,
“Тилин тортмай айтишди”, – деб,
Ҳар қаламда ураяпти.

Раҳм қилганлар туришди,
Бераҳмлар солиб муштди,
Қилич, милтиғи ярқиллашди,
Гоҳ тўхтатиб, гоҳ чопишди.

2970 Судратиб икки ёшди,
Рўворай жаллод тугашди,
“Навбат олганингни кўрай”, – деб
Қамчи урибки, савашди.

Дўмбўйин, тортмай тилингли,
Яхши бил энди, энағар,
Улуғ тоғ, хайло, кўришди.


Кўринг, Эралихон мардди:
– Солсанг майли киёматди,
Ҳой, заниғарлар, ура бер,
Ўлдирсангки, сенинг бахтинг.
Мағар тирик қолсак бизлар,
Ҳаммангга шўри киёматди[r].

2980 Одам бордир, ўлим бордир,
Сизларга ҳам муқаррардир.

Бўлган бир куни ўлади,
Қўлингдан нима келади.
Қисматимда бор экан, деб Эрали,
Жаллодларга ёмон-ёмон қаради.

Жаллодлар билан уришди,
Беш қорли тоғдан ўтишди.





Уч кунгача золимлар,
Бермади нону ошди.

Ўн уч кун тўққиз соатда Улуғ тоғдан ўтди. Етиб бориб, пана, деб бир чуқур сойда, отларини тўхтатди, тўпар-тўпар тўдалашиб, кила берди маслаҳатди. Бир хили айтди: – Ушбу сойда кони тортиди.

Бир хили айтади: – Томоғи ўсал ҳам қатти[қ], Булғор элда қайтармабмиди солганда тиғи пўлатди?

Бир хили айтар: – Энди кесар, улуғ пири қолиб кетди.

Жаллодлар ҳар ёққа айлангириб маслаҳати битмайди, то ханжар кесмаса, булар оламдан ўтмайди. Биттаси айтди: – Отаси берган буйрукни ўқиб кўринглар қани?

Амир буйруқларини ўқиб кўргудай бўлса, “Аввал солинғлар қиличди, агар қилич кесмаса, икковлашиб кўтариб келинғлар чақир тошди”, – дебди. Подшонинг гапи маъқул, деб у ёққа, бу ёққа от чопишиб, саккиз ип, саккиз қозик келди топишиб.

Шунда Эралихон пирларини ёд этиб, подшонинг зулмидан дод этиб, бир сўз айтгани:

2990 Тўққиз ёшимда бўлибди гунойим,
Тош ташласанг, ўйилмасми манглайим,
Олисда қолгандир ўйнаган жойим,
Раҳм этгин, мени қўйма бу зора.


Ғарибликда укам бўлди ҳамройим,
Раҳм этинглар менга, беклар, сипойим,
Бизлар учун йиғлар Мастура ойим,
Лутф этинглар, мени қўйма бу зора.

3000 Жасадим эзилар жаллод тошига,
Бу кунни кўрсатма ҳеч бир кишига,
Мўтеман отамнинг хизматкашига,
Раҳм этинг, қўйманг асло бу зора.

Қиличини солса, кесилмас сарим.
Агар ўлсам, ғариб бўлар мазорим,
Ёшлигимда мадад берган пирларим,
Қўлланғлар, қўйманғлар мени бу зора.

Интизор йиғлайман, шохнинг боласи,
Облога бандаман, мен ўзим оси[й],





Уч кунгача золимлар,
Бермади нону ошди.

Ўн уч кун тўққиз соатда Улуғ тоғдан ўтди. Етиб бориб, пана, деб бир чуқур сойда, отларини тўхтатди, тўпар-тўнар тўдалашиб, қила берди маслаҳатди. Бир хили айтди: Ушбу сойда қони тортди.

Бир хили айтади: Томоғи ўсал ҳам катти[қ], Булғор элда қайтармабмиди солганда тиғи пўлатди?

Бир хили айтар: – Энди кесар, улуғ пири қолиб кетди.

Жаллодлар ҳар ёққа айлангириб маслаҳати битмайди, то ханжар кесмаса, булар оламдан ўтмайди. Биттаси айтди: – Отаси берган буйруқни ўқиб кўринглар қани?

Амир буйруқларини ўқиб кўргудай бўлса, “Аввал солинглар қиличди, агар қилич кесмаса, икковлашиб кўтариб келинглар чакир тошди”, – дебди. Подшонинг гапи маъқул, деб у ёққа, бу ёққа от чопишиб, саккиз ип, саккиз козиқ келди тонишиб.

Шунда Эралихон пирларини ёд этиб, подшонинг зулмидан дод этиб, бир сўз айтгани:

2990 Тўққиз ёшимда бўлибди гунойим,
Тош ташласанг, ўйилмасми манглайим,
Олисда қолгандир ўйнаган жойим,
Раҳм этгин, мени қўйма бу зора.


Ғарибликда укам бўлди ҳамройим,
Раҳм этинглар менга, бсқлар, сипойим,
Бизлар учун йиғлар Мастура ойим,
Лутф этинглар, мени қўйма бу зора.

Жасадим эзилар жаллод тошига,
Бу кушси кўрсатма ҳеч бир кишига,
3000 Мўтеман отамнинг хизматкашига,
Раҳм этинг, қўйманг асло бу зора.

Қиличини солса, кесилмас сарим,
Агар ўлсам, ғариб бўлар мазорим,
Ёшлигимда мадад берган пирларим,
Қўлланглар, қўйманглар мени бу зора.

Интизор йиғлайман, шохнинг боласи,
Облога бандаман, мен ўзим осий,





Бугун даркор шу каландар бобоси,
Қўлланглар, қўйманглар мени бу зора.

3010 Эрали, Шерали дейди ака-укаси,
Ўлдирмокчи буларнинг муддаоси,
Жамъи ўтган авлодимнинг арвоси,
Қўлланглар, қўйманглар мени бу зора.

Икковлашиб йиғлаб турди зору зор,
Йўклаган кишилар бундан хабардор,
Қўлини бойлашиб, килувди тайёр,
Шайдулло, деб келди икки каландар.

Бу бекларнинг пули, нонини олмади. Шунда бекларнинг биттаси: –
Пул демасанг, нон демасанг, нима учун гадойлик қириб юрибсан? – деди.
Қаландарлар бекларга қараб, бир сўз айтаяпти:

Нон учун, ош учун мен бир келмайман,
Кезиб юрган шаҳарлардан сўйлайман,
3020 Икки банднинг гуноҳини сўрайман,
Икковининг қонин сиздан тилайман.

На сабабдан бандидир-ку, билмайман,
Чин айтсанглар, эшитаман, англайман,
Ўзим асло нону ошинг емайман,
Икки банднинг қонин, беклар тилайман.


Банди бўлиб телмуради муқаррар,
Қон йиғлайди атрофига зору зор,
Раҳм этиб, қонин тилар каландар,
Сиддил беклар, булар қонин ўтинлар.

3030 Банди бўбди, сабабини айтинглар,
Иккимиздан дуо олиб кетинглар,
Гадоларнинг гапин дурга битинглар,
Икковининг қонин зинҳор ўтинлар.

Шунда Иммар ҳам каландарларга бир сўз айтади:

Буларнинг қонини қайтиб ўтамыз,
Подшонинг амри бордир, қайтамыз,





Хон қошида чиқар ишдан хатомиз,
Подшога нима нишона этамиз.

Амри икки бўлмасин-да хонини[нг],
Булар босган кичик энажонини.
3040 Ҳақиқатли биз подшога этамиз,
Буларни-да сўйиб лола конини.

Амир қиб хайдатди, дашту далага,
Ҳам чиқариб хайдаб келдик сахрога,
Нима деймиз исбот ўтган муллага,
Сўйиб қонин этсак лозим подшога.

Э, каландар, тушманг бунча орага,
Раҳмингиз келмасин икки болага,
Булар чин тармашган кичик энага,
Кетамиз жасадин тайлаб далага.

3050 Сиз билмайсиз, биз биламиз ишини,
Бовраб ўтган кичик энасин тўшини,
Шу сабабдан кесамиз-ку бошини,
Қарға-кузғун есин бунинг лошини.

Иммар: – Буларнинг конини бизлардан тиламанг. Булар иккови Булғор эли хонининг боласи, отаси ҳаёт турганда, лозимми шуларга кичик энаси? Булар ўзи қилган ишин билами, ақли бўлса, энасин зино қилами?! Булар бу дунёда улуғ гуноҳкор, шуларни сўймай қўйсақ, бўлами? – деди.

Каландарлар: – Қўйсанглар, бўлар, – деди.

– Қайтиб бўлади? Подшонинг амри бор, – деди золимлар.

– Буларни бойлаб, биёбон чўлларга тайлаб, “отангнинг ўлганини эшитмаганларинггача элу юртингга борманглар”, – деб сизлар ҳам, бизлар ҳам айтсак, бўлади. Сизлар қирлардан ўтиб, ҳар ўн танга бир қўчқор олиб, шу қўчқорларнинг қонига буларнинг жомасини бўяб, ортиғини кадиларга солиб, “буларнинг қони” дейсизлар, сўйган қўйларнинг гўштини ейсизлар. Бизлар яқинда подшони қори бўлган эмиш, деб эшитганмиз. Унинг кўзи кўрмаса, қонни қондан айириб бўлмас, ўғлининг қони, деб берсанглар, ҳеч билмас, бу ишнинг гуноҳи ҳам бўлмас, булар ўлган билан дунё кенг қолмас. Тошингни билмайман, тиғингдан ўлмас. Жаллодлар, буларнинг конини ўтинглар. Тўғри эгилади, асло сипмас. Шу гапимни маъқул денглар, қўлини бойлаб, ўз йўлларингга кетинглар. Гуноҳи бўлганда, қунлар тугилмас эди, – деди.



Золимлар айтди: – Ўн тўрт кунлик йўлда қолган шаҳардаги воқеани билади.

Биттаси айтади: Ёки валими?

Бириси айтади: – Дунё холими?

Шунда кўр тутишиб, маслаҳат билан: – Шу икки гадонинг гапи рост, – дейишди. Сипоҳи бекларнинг ичида додхо амали бор, Холдор отли номи бор бир беги баччаларга: – Зинҳор отангнинг элига борма, – деб бир сўз айтиб турибди:

Ораликка келиб тушди қаландар,
Иккаласи бўлди, билгин, сабабкор.
Зинҳор борма, беклар, отанг элига,
Беш юз кишим бирдан қилма гуноҳкор.

3060 Пухта билгин, отанг элда ҳукмдор,
Тўғри эдинг, синди-ку у тилла дор,
Отангнинг элига бормагин зинҳор,
Ҳам бизларни қилма, ука, гуноҳкор.

Ҳар тарафга кетсанг, болам, элат бор,
Бундан бўёқ икковингда ихтиёр.
Отангнинг элига бора кўрмагин,
Бизларни ўлдирар, отанг ғазабдор.


3070 Сарғайтирма бу бекларнинг тарзини,
Қудрат олар бир кун берган қарзини,
Қарға босолмасдир шункор изини,
Бориб туман қилма беклар юзини.

Ҳар тарафга, энди, кетинилар сизлар,
Хилидан айрилган бўтадай бўзлар,
Хўрлик кўрган кишин кўз ёши сизлар,
Сизлар элга борсанг, гуноҳкор бизлар.

Отанг сўрар Булғордайин шаҳарни,
Ихтиёр айланглар ўзга диёрни,
Кўрай десанг ҳам шу энанг ночорни,
Сўнгра отанг сўяр беш юз бекларни.

Сени деб бизлар яна ўлмайик,
Яхшилик қип, ҳеч ёмонлик кўрмайик,





3080

Ихтиёр айласанг, ҳеч тиг урмайик,
Биласанми, отанг элда зўрабор?

Сенинг ўрнишга кўйларни тигга тортайик,
Кабоб килиб гўштини биз ютайик,
Чин бормасанг, энди бизлар кетайик,
Отанг подшо, борма элга, ҳукми бор.

Икковингни Гулчехра кип гуноҳкор,
Икковингга жавоб бергандир Холдор,
Отанг ўлмаса, бормаишлар зинҳор,
Бир тухматни илар яна жилвадор.

Шунда Эралихон бойлоғли ётган еридан: — Ойнинг ўн беши қоронғидир,
ўн беши ойдинликдир, азобнинг ҳам ҳузури бордир, бу диққатлик кўрган
савдолармизнинг гашти фойдаси бордир, — деб бекларга қараб, бир сўз
айтиб турибди:

3090

Тушмадиншлар икки марднинг феълига,
Рост, кирдик биз кичик ёрнинг кўйнига,
Қайтармикан икки ботир кейнига,
Ҳаром бўлди, бормам отам элига.

Чин, ишонинг, икки ўғлон сўзига,
Йўлбарс қайтмас, билгин энди, изига,
Оллоҳ маргин берад отам ўзига,
Ўлганча бормаимиз элу тузига.


3100

Мулла бачча чиқарганмиз хатимни,
Холдор ака, эшиг эҳтиётимни,
Шу саломим етқир Ҳамро бобомга,
Базинҳор етқирсин ярок, отимни.

Азоб кўрдик бизлар, ҳуноба ютиб,
Кетар бўлдинг бутун гуномдан ўтиб,
Сизга ҳам гапирдим, сизни дўст тутиб,
Бизлар ҳар ёнага кетармиз ўтиб.

Думоғ чоғ бўлганда, хатлар узатиб,
Қулоқ солиш гапимизни дур битиб,





Зинҳор шу саломим айтгин бобома,
Шу вақтида борар бизларга етиб.

- 3110 Айрилиқ савдоси тушди танама,
Мусофирман, кулок солинг полама,
Саломим еткаринг ғариб энама,
Ваъда шу: бормайман шахри қалама.

Эралидир, Шералидир отимиз,
Сизларга шу бўлсин эҳтиётимиз,
Ҳақиқатли шудир аҳду шартимиз,
Бизларга харомдир Булғор юртимиз.

Аммо беклар: – Бинойи бўлди, соз бўлди; бегунохнинг қонини тўқмоқлик кўп мушкул иш, харчи гуноҳимиз пича оз бўлди; шу ғурбатни қилганда, аслин ўйласанг, Гулчехрага бормок қасрда бу икки аъзода, бадарга қилдирган икки роз бўлди. Юринглар, беклар, кетайик, айтган ерига олиб келдик, соз бўлди, -- деб отларига қамчи уриб жўнади.

Шералихон ғафлат орасида кўзини очиб: – Бекларнинг совути танда, яроғи кинда, омонлик бунда; ака, беклар ҳали сўяма ёки қўяма? – деб сўради. Эралихон: -- Ҳали ҳам беҳабармисан? Икки соилнинг гапи ҳақиқа беклар гуноҳимиздан ўтиб, бошқа бир нарсанинг қонини олиб, бормокчи бўлдилар, -- деди. – Қўлимизни ҳеч ким ечмаса, бу бойлоғлик ҳолда бизлар ўлмаймизми? – деб Шерали сўради. Эралихон укасига қараб, бир сўз айтиб турибди:

- 3120 Беҳбуд бўлар, ука, оху зоримиз,
Булғор элда қолди ҳар на боримиз,
Тараххум айласа қомил пиримиз,
Ҳар атрофга энди стар қўлимиз.

Тўғрилиқдан устун бўлди тилимиз,
Бир-бирига маълумдирки холимиз,
Инграниб йиғлама, ҳозир тиримиз,
Магар келар Шоқаландар пиримиз.

Қўл бўш бўлса, бизлар эрнинг эримиз,
Ёвни кўрсак, етар эди зўримиз,
Тухмат билан бойланувди қўлимиз,
Ғам емагин, чўпон-чўлиқ келар-да.





3130 Бу ерларда кўз танишим бўлмаса,
Раҳми келса, чечилар-да қўлимиз,
Бир камбағал келиб қолар, ғам ема,
Очилганга ўхшар бизнинг шўримиз.

Эрали айтар, емокка йўқдир нони,
Ушбу ишнинг ўзим ҳозир ҳайрони,
Нону ошдир одамзоднинг дармони,
Шўр ариса, ё келар бир қарвони.

Алқисса, иккови йиғлашиб, биров-бировига қарашиб, камлик савдоси бошига етиб, шу бойланган аҳволда ётган чоғида тўксон турли жанда кийган, отини Шокаландар қўйган бир гадо киши қирдап ўтиб, балки бандиларнинг устига етиб, ҳассасини суяшиб, икковига қараб турди. Шунда Эралихон: – Бизларнинг нимамизга қарайсиз, қўл-оғимизни ечинг, жон бобо, – деб бир сўз айтиб турибди:

3140 Вали кишим бўлмас асло макони,
Яхши бўлур яхшиларнинг қурбони,
Отамиз подшодир, Булғорнинг хони,
Қўп қарама, қўлимни еч, бобожон!


Сиз даҳмарда қайси бойнинг чўпони,
Ўғри-газзоб деманг, бобо, бизларни,
Пок билинг бу икки гуноҳкорни,
Сўрамасдан қўлим счмоқ даркорди[р].

Пиёдалаб ушбу чўлда юрамиз,
Бахт очилди, бобо, берга келасиз.
Қўп қарама, қўлимни еч, бобожон,
Мўтеларга ўзингиз пир бўласиз.

3150 Бизлар ҳам юрсак-ку, ўйнасак қулиб,
Бойланган ётсак-ку, қоламиз ўлиб,
Қўлингни сол, бобо, ипга интилиб,
Бу ғамдап озод кинг, раҳмингиз келиб.

Тухмат билан қолдик ушбу қойишга,
Отамиз ҳайдатди бу Улуғ даш[т]га,
Ботирлар керакдир охир савашга,
Қўлимни еч, раҳм этиб икки ёшга.





3160 Бизлар ҳам-ку Булғор элга тўрамиз,
Тирик қолдик, энди даврон сурамиз,
Дўстдан бир Ҳамро боғбон бобомиз,
Раҳм айла, озод қил, чечкин қўлимни.

Эрали дер, қўлингда бор таёғинг,
Тўққиз ёшли иккигина гўдагинг,
Асли камбағалга ўхшар сиёғинг,
Бобожон, раҳм айлаб, чечкин қўлимни!

Бобоси раҳм этиб, таёғини ташлаб, болаларни озод қила бошлаб,
Эралихоннинг қўлидан ушлаб: – Қаерга борасизлар? – деб сўраб, бир сўз
дегани:

Борган еринг тар очилган гул бўлсин,
Узок яша, умрларинг мўл бўлсин.
Жасадингдан мендай бобонг ўргилсин,
Озод бўлдинг, икковингга йўл бўлсин?

3170 Сўзини бурро қилган кизил тил бўлсин,
Душманинг кеп, эшигингга қул бўлсин,
Бу бобонгнинг чин дуоси шул бўлсин,
Озод бўлдинг, энди сизга йўл бўлсин?

От чолса дангирлар тоғнинг дараси,
Қутилмоқлик бандининг муддаоси,
Олтин, билсанг, бу бобонгнинг дуоси,
Йўл бўлсин сизларга, Булғор тўраси?

3180 Ҳар ким кўрса думоғи чоқ баҳрингга,
Қайтасанми икковинг ҳам шахрингга,
Борма, болам, қамчи қўйди сарингга,
Икки озод болам, сенга йўл бўлсин?

Истамагин асло элу диёринг,
Ўзингда қолгандир бу ихтиёринг,
Қайси элга борсанг, ўзингнинг шахринг,
Озод бўлган, шўрлар, қайда борасанг?

Шоқаландар дейди менинг отимди,
Мен ҳам кўп билмайман ўсган юртимди,





Эгам доим ойдин қилган бетимди,
Ҳар ерда англарсан куч-қувватимди.

Эралихон бобосига қараб, бир сўз дегани:

3190 Отам тирик бордир, ўйнаб-қулмайман,
Мушкул куним, бобо, қаттиқ англайман.
Сиздан башорат бўлса, бобожон,
Шу тарафга қараб ўзим жўнайман.

Булғор элига энди асло бормайман,
Отам душман, дийдорини кўрмайман.
Қаёқ бўлса, сиз буюринг, бобожон,
Шу тарафга ўзим ҳозир жўнайман.

Ҳаром килиб чиқиб эдим Булғорди,
Ушбу элга қайтарманг ҳеч бизларди.
3200 Кўрсатинг, бизларга ўзга шаҳарди,
Шу шаҳарга икки кўзинг жўнарни.

Эрали айтар, ҳам некликда англасин,
Йўл юрсин, юракда қир бўлмасин.
Ғариб бўлди қор сут берган эпаси,
Қайси тараф бўлса, буюр бобоси.

Шералихон: -- Бобо, бизларда ноп бўлмаса, ош бўлмаса, бу яқинда
эл бўлмаса, очликдан ўлармиз, – деб юзига термилиб, фалакдан шикоят
келтириб, бобосига бир сўз айтиб турибди:

Бу чўлларда бизга таниш бўлмаса,
Бўлган билан мардга раҳми келмаса,
Энам йўқдир, чўлда гапим тингласа,
Бу майдонда очдан ўлар ўхшадик.

3210 Ёв кунда мардлар силтар қиличди,
Биёбонда булбул сайраб, зоғ учди,
Бугун тўрт қуш бўлди, қорнимиз очди[r],
Биёбонда, бобо, ўлар ўхшадик.

Неча алам бордир менинг танама,
Ҳам йиғларман бир муштипар энама,





Нон емаса, одам тирик қолама,
Улуғ чўлда очдан ўлар ўхшадик.

Бердан жўнаб энди кайга борамиз,
Элидан айрилган биз оворамиз,
3220 Нону ош деб кимсага жовлонамиз,
Тоза гулмиз, хазон бўлар ўхшадик.

Шерали дер, акам билан хору зор,
Энам бўлса, олар ҳолимдан хабар.
Олисда коп кетди энамдай ночор,
Икковимиз чўлда бўлдик кўшмозор.

Қаландар икковининг дастидан тутиб: – Йиғламанглар, – деб
кўлбаридан олиб, икковига бир нон берди ва бир насихат айтиб турган
чоғидир:

Бу ишларга йиғламанглар, кокилдор.
Кичик энанг бўлди шунга сабабкор.
Ўлган эмиш Боғдод элнинг подшоси,
Билгин, аканг подшо бўлар ҳукмдор.


3230 Шу сабабдан бўлдинг отанга гуноҳкор,
Энам душманам, деб хафа бўлманглар,
Ораликда шундан иши сабаб бор,
Аканг бўлар Боғдод элига тождор.

Боғдод элда, ўғлим, давлат қуши бор,
Суйган кишисига кўнар муқаррар,
Шунинг учун сабаб бўлди сиёсар,
Икковинг ҳам ғам смагин, кокилдор.

Бу орада сенга ҳам бир сабаб бор,
Сен ҳам ғам смагин заргар отанг бор,
3240 Тақдирингда бордир гул юзли дилбар,
Икковинг ҳам ғам смагин, кокилдор.

Икковинг ҳам энди асло ғам ема,
Нонинг бутуц, битта нондан кам ема,
Вақтинг хуш бўлади, элинга кема,
Ўзингни отангдан энди кам дема.





Кулок кўйдингларми Шокаландарга,
Бехбуд кунни билдираман сизларга,
Адашмай кетиплар ушбу шаҳарга,
Шу муяссар сизлардайин аждарга.

Алкисса, кулок солиб қаландарнинг сўзига, айтган диёрингиз қайси тўғрида, деб қарай деса, шу пирининг юзига, пано бўлди, кўринмади кўзига.

– Билдик, пир экан, кетди кўзимиздан йитиб, – деб босган изларини зиёрат этиб, тоғу тошларга зехнин қўйиб, ярим нонга икковининг корни тўйиб: – Анча қувват бўлди, қисмат шу экан, – деб иккиси дашту чўллардан, қиру биёбондан олға қараб кета берди. Кеча-кундуз йўл юрди. Тўққиз кеча-кундуз орадан ўтди. Бир куни айни хуфтон чоғида оёқларини тошлар қийиб, зоғ учмаган чўллардан юриб: – Ажаб, ёшликда овора бўлдик. Э, ака, Боғдод қайси тарафда бўлса керак, – деб Шералихоннинг акасига қараб, бир сўз дегани:

3250 Ёмон олис қолди отам қаласи,
Кимга етар бу ёшларнинг поласи,
Биёбонда бўлдик гадолар паси,
Қон йиғлайман, ака, сендан айрилмай!

Айрилдим ёрим билан дўс[т]имдан,
Ғариб бўлдим, энам чиқмас эсимдан,
Ҳам айрилдим икки тулпор мосимдан,
Алардин айрилдим, сендан айрилмай!

3260 Элда қолди ишлайдиган яроғим,
Юртимдин айрилган, қуйган думоғим,
Жойимда қолди ҳам гўзал боғим,
Боғлардин айрилдим, сендан айрилмай!

Сизсиз менинг энди суянган қирим,
Башорат қип турса у қомил пириим,
Беҳад душман бўлса етади зўрим,
Созимдан айрилдим, сиздан айрилмай!

Шу савдолар бўлди қисматда борим,
Ҳаром бўлди ўйнаб-ўсган шаҳарим,
Ғариб бўлдик, энам кўрмас дийдорим,
Жонлардан айрилдим, сиздан айрилмай!





3270 Ҳар замон йиғлайман кўнглимни бузиб,
Жўйбор ёшларимни юзимга чизиб,
Булғор элдан чиқдим умидим узиб,
Юртимдан айрилдим, сендан айрилмай!

Шерали айтар, ғамли кунга етишдик,
Кўзи таниш кадрдондан адашдик,
Хўрлик ўтди, икковлашиб йиғлашдик,
Жонимдин айрилмай, сиздан айрилмай!

Эралихон биёбонларда укасининг ғамгин бўлганини билиб, укасининг дийдорига қараб: – Бунча ғамгин бўлмагин, саломатмисан, ё бирор еринг оғридими? – деб сўраб, бир сўз айтиб турибди:

3280 Азиз бошга тушди тухмат савдоси,
Қаттиқ бўлди у ноасл ғавғоси,
Бу юришнинг гашти бордир фойдаси,
Гул юзингни сарғайтirma, укажон!

Баҳорда очилар тоғнинг лоласи,
Икковимиз бир кишининг боласи,
Йиғлашингга вайрон кўнглим қалъаси,
Гул юзингни сарғайтirma, укажон.


Майдон узра юрсак буйтиб йиғлашиб,
Кўнглинг вайрон қилма сен куйиб-пишиб,
Бир кун борсак Боғдод элга етишиб,
Сен ўзингни мунгайтirma, укажон.

3290 Тўрт ёшимда бориб эдим муллага,
Тўққиз ёшда гупоҳкор бўп энага,
Сабаб шулдир, кездик рўйи сахрога,
Сарғайтirma гул юзингни, укажон!

Кеча-кундуз юрдик тоғларни кезиб,
Юрган жойлардан кетганмиз бешиб,
Сен йиғлайсан бунча умидинг узиб,
Ўлганингча ҳамроҳингман, укажон!

Хўр бўлган кишилар охир эр бўлар,
Сурунган тулпорлар йўлини билар,





3300

Йиғлашган кишилар гаштига кулар,
Бу ғамнинг шодлиги бордир, укажон!

Бехбиликка чикқан йиғлашин кўяр,
Очлик кўрган киши охири тўяр.
Ўнини чоклабон ўн мингини сўяр,
Бизларга ҳам навбат келар, укажон!

Эрали дер, шулдир менинг армоним,
Султон бўл сўрасам неча кўргоним,
Шу оламда оғам менинг душманам,
Эр бўлганда ўчин олар, укажон!

Алқисса, бир-бирининг кўлини тутиб, иккови бир-бирига гап тайлашиб: “Олам жамолидан умидвормиз”, – дейишиб, ярим оқшомгача йўл юриб, уйқулари келиб, бирови: – Ака, мен ётарман, -- деб пастрокда ётди. Эралихон дўнғрокда ётди ва иккови ҳам уйқуга кетди.



*Ислом шоир Назар ўғли
таваллудининг 100 йиллиги
муносабати билан чиқарилган
нишон.*

Намоз вақти бўлган чоғида Зангар шаҳридан кўп туяли карвонлар қайтар эди; Эралихон ётган тоғнинг этагида улар ҳам ётган эди; вақти сахар туяларига юкларини ортиб тугатгандан сўнг савдогар карвонбоши туяларини қатор қилиб хайдатиб, ўнг ёнбошида борар эди, тўсатдан йўл ёкасида бир оқ нарсага кўзи тушди. “Бу биёбон чўлларда ё чўпонлардан, ё йўлчилардан бирор нарса тушиб қолибдими?” – деб хаёлидан ўтқариб, отидан тушиб, ангишиб қараса, бир кокилдор ўғлон турур. Уйкуда маст бўлиб, юзлари анордай пишиб, зар кокили белига тушиб; қонлар қотган

тилла камарига кўзи тушиб, кичкириб, карвону туячиларини тўхтатиб, “оламда бундай хуш сурат йўқ”, деб кўрсатиб: – Тилла камарига қараганда, бир элнинг тўрасидир, ё бунинг молини қароқчилар олгандир, отаси бир подшодир, ё бизлардай бой бир қаблаи карвондир, – деб турди. Карвончилардан бири: – Маҳрамликка ўзингизга муносиб экан, олиб кетиб, зиёда жамолларига томоша қилмоқлик ғаниматдир, -- деб қора порнинг икки юкининг ўртасига Эралини кўтариб қўйди. Эралихон ширин уйқуда буни билмади. Эралихонни юкнинг ўртасига тайлаб, олди кўл-оёғини

бойлаб ва катта карвон: “Ҳаммасидан ҳам бу ўлжа зиёда бўлди”, – деб йўлга равона бўлди. Аммо карвонлар кета берсин тоғу қирлардан ошиб, укаси қолди оғасидан адашиб, энди Шералихондан бир сўз эшитинг.

Шералихон шу ётганидан то иккинчи кўннинг қиём вақтигача ётди. Тушида акасидан адашиб ва акасини излаб, бўтадай бўзлаб, бир қияда акажон, деб бораётиб эди, олдида бир чуқур, қумли сой пайдо бўлди. Шундан чачраб ўтай деб турганида, уйғониб қолди, чўнчиб ўрнидан турди, қараса, туши экан. Бир тошни белги қилиб ётган эди, белги тошига кўзи тушиб: “Бу ер акам билан келиб ётган жойим экан, акам қасрда экан?” -- деб теварагига қараб, қир билан сойда хезлаб, акасини излаб, бир қия тоғ устига чиқди. Бу тоғда бир йўл кўзига кўринди. Йўлга қараса, тошлок ерда билимай, турпоқли ерда билиниб, кўп туянинг изи кетибди. Ахтариб, шу йўл ёқасида келаётган чоғида акасининг бойлаб кетганда тўхтаган туяларнинг қумалоғини кўриб, ушбу ер кўзига иссиқ кўриниб, пастроққа қараса, ўзи белгилаган тошни ҳам кўрди. Қасрга боришини билмай, акасидан айрилганига кўп хафа бўлиб, катта йўлдан олға қараб, равона бўлиб, акасининг меҳрига девона бўлиб кета берсин, энди акаси Эралихондан бир сўз сўранг.

Карвонлар ўн тўққиз кеча-кундуз йўл тортиб, Боғдод шаҳрига тағин тўрт тош йўл қолди. Эралини гоҳ тушириб, гоҳ туяга бойлаб кела берди.

Шу пилла Боғдод подшоҳи оламдан ўтган эди, бу подшоҳликда расм-қоида шу эди: Уларнинг давлат қуши деган бир қуши бор эди; подшоҳликнинг барча халқи йиғилар эди, давлат қушини учирар эдилар, бу қуш қимнинг бошига қўнса, шунини подшоҳи тождор қилар эдилар. Ота-бобосидан мерос қолган қуш учирувчилар Нур ва Азамат деган қишлар эди. Халқ йиғилиб бўлгандан сўнг Азамат давлат қушини қўлига олиб, Нур довулини чалиб турди. Азамат бир сўз айтиб, давлат қушини учирган пайти:

3310 Боғдод эли улугъ шаҳар,
Давлатимиз бордир бисёр,
Қимми кўрсанг сен, ақлдор --
Шу қишига қўнгин зинҳор!

Сенда ҳозирча ихтиёр,
Иккам ўттиз хазинамиз бор,
Биттасидир тўла гавҳар,
Ақлдорга қўнгин зинҳор!

Ҳаммани бир кўзда кўрсин,
Эзилганлар қолин сўрсин,



3320 Ҳамма мардум яхши кўрсин,
Ақлдорга қўнгин зинҳор!

Минса отнинг бели толсин,
Душманнинг шаҳрини олсин,
Ул дастидан душман ўлсин,
Ботирга қўнгин, жонивор!

Ўғил, кизлар амрин қилсин,
Хурсанд бўлиб ҳамма кулсин,
Боғдодда кайфини сурсин,
Билимдонга қўнгин зинҳор!


3330 Адолатни доим билсин,
Фикр билан даврон кўрсин,
Жумла душман қойил бўлсин,
Полвоц, алпга қўнгин зинҳор!

Йилдан-йилга хуруж қилсин,
Душман билан уруш қилсин,
Дўсту душманини билсин,
Мард кишига қўнгин зинҳор!

3340 Мардлар мардлигини қилар,
Элининг қадрини билар,
Мазлумларнинг бошини силар,
Меҳрибонга қўнгин зинҳор!

Азамат дейдилар мени,
Беэга Боғдод макони,
Сен хоҳла ҳозир султонни,
Соябонга қўнгин зинҳор!

Давлат кушини учирдилар. Шаҳарнинг ичи, таши халк билан тўлган эди. Давлат куш йиғилган халойиқнинг устидан уч марта айланиб учиб ўтди, аммо ҳеч кимсага қўнмай, Боғдод шаҳрининг ташқарисидан икки тош нарида, қора порнинг устида давлатга муносиб бир кокилдор ўғлоп кўрди. Давлат куш тилла жиғасини ярқиллатиб, шу тарафга учди. От миниб, умид қилиб турган беклар: “Бу ердан ўтиб кетди, қасрга борар экан?” – деб Холбек деган киши бошлиқ бўлиб, қўп отли куш учган тарафга қараб чопганда, Холбек бекларга бир сўз айтиб борапти:



Чарчамас беклар ҳайвони,
Ким бўлар экап элнинг султони?
Кимга ярашар замони,
Ҳайданг, беклар, кўрамиз хонни!

3350 Куш кўнса, тахтим эгаси,
Бизлар шунинг фуқароси,
Аввал бориб бизлар кўрсак,
Юринг, беклар, кўрамиз они!

Улуғ подшомиз ўлганди[r],
Қамчиланг, беклар, ҳайвонди,
Хоҳлагандир бир инсонди,
Кўрайлик карамли султонди.

Бизлар ҳам кўнунча борамиз,
Аввалдан таниш бўламиз,
3360 Бардор килиб олиб келамиз,
Ҳайданг, султонни кўрамиз.


Безгалар хору зорди[r],
Бенисоф кишилар борди[r],
Хўн урдирайик аларди,
Кўрмоқ лозим ақлдорди.

Холбек ҳам хонга навкарди[r],
Изидап адашманг жониворди,
Кўнар сарига кучи борди,
Ҳайданг, кўрамиз ақлдорди.

Алқисса, беклар қушдан кўзлари адашиб, отларини қамчилашиб
келаётган вақтида бир тўпар карвонга кўзи тушиб, бир қора норнинг
жаҳазига давлат қушнинг кўниб келаётганин кўрдилар. Юкнинг орасида
Холбек ҳеч кимсани кўрмай, бекларга қараб, бир сўз айтиб турибди:

3370 Қушлар кўнган лўкчамикан, нормикан?
Бу қисматда шунча гаплар бормикан?
Нор бошида кўринади давлат қуш,
Подшоликка нор-а, муяссармикан?!





Кушбон айтган: “Кўнгин катта кишига,
Ишинг бўлмасин, – деб, – кари-ёшига”,
Шуйтиб кўнган у куш норнинг бошига,
Хеч нордан ҳам элга султон бўлами?!

3380 Қиммат тошлар тоққан унинг парига,
Давлат куши маълум Боғдод шахрига,
Хайло, кўрдим қора норнинг сарига,
Туя подшо бўлар Боғдод шахрига.

Келаётган бу карвоннинг туяси,
Маслаҳат килинглари, беклар, хаммаси,
Ё бўларми султон туянинг эгаси,
Хеч туя бўлурми тахтнинг эгаси?!

Сўзлашга кишига тили бўлмаса,
Мискин кишиларнинг ҳоли билмаса,
Ақлдор бўп у бир кўзда кўрмаса,
Охир вайрон бўлди Боғдод қаласи.


3390 От чопишиб беклар келса қошига,
Давлат куши кўнган ўғлон бошига,
– Тўхта! – деб дўқ урди карвонбошига,
Атрофидан камчи қўйди бошига.

Беклар ҳар тарафдан карвонбошини ура бошлади. – Харомзодалар,
бу хушсуратни қайси тарафдан олиб келдингизлар, – деб сўрагандан
сўнг, карвонбоши Улуғ тоғнинг нари ёғидан олиб келганини баён қилди.
Боланинг қўл-оёғини ечиб, бошидан давлат кушни олиб: – Мусофир,
элингга кет! – деб бошига қамчилар билан уриб, бир сўз айтиб турибди:

Карвончилар ошиқдир хуш кокилингга,
Меҳрин қўйган сенинг чучи тилингга.
Қўлинг чечиб, сени озод айладик,
Кайдан бўлсанг, кета бергин элингга.

3400 Феъли озган сенинг мўйи торингга,
Банди кипти қулоқ солмай зорингга.
Қўл-оёғинг ечиб озод айладик,
Таёқ ема, кета бергин шахрингга.





Булар ошиқ бўлган ойдай бетингга,
Иккиламчи алифдай қоматингга.
Мусофирсан, бир насихат берайлик,
Энди кетгин зинхор, ука, юртингга!

Тушибсан кўп бозиргоннинг қўлига,
На ишлар айладинг тоғнинг чўлига,
Қайтиб тушдинг жувонбозлар қўлига,
Озод бўлдинг, кета бергин элингга.

3410 Беклар айтар, ўйлаб кўргин танангга,
Ёмон савдо тушган ота-энангга,
Қайтиб дучор бўлдинг шунча карвонга,
Энди тезрок кетгин юрту калангга.

Эралихон комил кишиларидан бу воқеани аввалдан билган эди. Шу ёқдан тусмол келтириб, бекларга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Эгалик айладинг жониворингга,
Кета бер-да, сипоҳилар, шахрингга,
Кўп урманглар, ҳайф келади барингга,
Мусофирни қўймайсанми шахрингга?!


Киши тўяр ҳаммангнинг сумматингга,
Ғайрат билан минибсизлар отингга.
3420 Душман фаҳмлаб мени бунча уришма,
Мен бормарам сенинг шу Боғдодингга.

Бўйин бўлсанг агар беҳрубордингга,
Шукур килар эдинг, қўнса сарингга,
Маълум турур элу юрту барингга,
Мусофирни қўймайсанми шахрингга?!

Боғдодингнинг бузилганми қойдаси,
Куш қўнган бўлмайми тахтнинг эгаси,
Урганингнинг борми, беклар, маъниси,
Ҳозир бандидай бўлдимми қўлингга?!

3430 Бўйин бўлгин аввал сен устодингга,
Ғашти ҳайф келмасин, ўйла бетингга,





Нима расми бордир мапа юртингга,
Ҳеч мусофир йўқми шу Боғдодингга[да].

Мен Эрали, мусофирман шаҳрингга,
Бунча олма аччиғингга-қаҳрингга,
Ўз шаҳрингда осиларсан дорингга,
Уят бўлар, қамчи солма зўрингга!

Алкисса, Эрали: — Нима зўрлигинг бор? — деб бекларни изига қайтариб юборди. Беклар қушларини олиб, Боғдод тарафига кетди ва қушбонлар олдига етиб, Нурнинг қўлига қушни топширдилар. Нур айтди: — Ҳали ҳам ҳеч ерга қўнмаси учиб юрган эканми? Беклар: — Ё бизларнинг феълимиз кетибди, ё қушнинг ақли кетибдими? Бир туяга қўнган экан, — дедилар.

Нур қушни қўлига олиб, бу кеча ётиб, ўн бир тўп отиб, халқни тўдалатиб, қушга хўп гапни маъқуллашиб, Азамат довулин чалиб, қушга қараб, бир сўз деб турган вақтидир:

3440 Подшоликка муноп бўлса,
Юзи нурли бўлсин, ақли расо,
Душманни кирса, ўлдирса,
Ихтиёр сенда, жонивор.

Довлатбон довулин урсин,
Қулоғингга тайин кирсин,
Золим бўлмай, қобил бўлсин,
Ихтиёр сенда, жонивор.


Бадкардага қўнма зинҳор,
Ҳушёрдирсан, ақлинг бисёр,
Англагин пухта, жонивор,
Ихтиёр сендадур зинҳор!

3450 Қўналардан қолган расм,
Йиғилгандир ёрон, дўс[т]им,
Ўзимнинг ҳам бор ҳавасим,
Нурни кўзлаб кел, жонивор!

Нур давлат қушни учирди. Қуш шаҳар гирдини уч марта айланиб:

Хўп қаради шаҳар баланд-пастига,
Уча берди мардумларнинг қасдига,
Яна учди Эралининг устига.





Давлат боққан Эралидай ёшига,
Хавф солиб қўп йиғилган кишига,
Охир қойил бўлар Ҳакнинг ишига,
3460 Келиб қўнди Эралининг бошига.

Беклар келиб қараса, давлат қуш яна шу ўғлоннинг бошига келиб қўнганин кўрди. – Ҳали ҳам сен шу ерларда юрибсанми? – деб Эралининг қўлини, оёғини отнинг тагидан бойлаб, бошини кесардай бўлиб, бош яланг қилиб, Боғдод элига олиб кетдилар. “Қуш кўрмасин”, – деб кўзини боғлашиб, Эралихонни бир томга камаб, қушни тағин этиб қушбоннинг қўлига бердилар.

– Кани, қўнган кишисини олиб келмадинглар? – деди Нур. Беклар: – Аввалги марта қўнди туянинг бошига, бугун қўнди тоғнинг чўкки тошига, энди ихтиёр қилмаймиз бу давлат қушига. Ўз-ўзимиздан биттани хохлаб подшо қилсак, бўлмайдами? – дедилар. Қушбон Нур: – Бу косаларинг тагида нимкосаларинг борга ўхшайди. Уч марта учирайик, учинчисида ҳам бўлмаса, сизлар айтганни киламиз, – деди.


Қушбон ҳам отиши миниб, қуш қайси томонга учса, шу томонга қараб от қўйди. Қуш айланиб-айланиб Эралихон камалган томнинг устига келиб қўнди. Нур қушбон отидан тушиб, бекларга қараб: – Сизлар кўхна таомулни бузганга ўхшайсизлар, – деб эшикни очиб кириб қараса, раҳбар файзли, саратон юлдузли, ўткир кўзли, ўзи нур юзли бир гўзал кўзига кўринди. Бекларни уришиб, қўлини дастилом қилиб, бекжонга салом қилиб, бир сўз дегани:

Бизлар фарзандимиз Одам Отани[нг],
Беклар қилган сиздай мардга хатони,
Энди сизникидир Боғдод ватани,
Қутлуғ бўлсин, хошим, тахтипойингиз!

Ёш кўрибди булар сиздай ўғлонни,
Сизникидир Боғдод элнинг кўрғони,
Бизга ўтинг беклар қилган гуно[х]ни,
Хоним, қутлуғ бўлсин бу маконингиз!

Неча марта қуш қўнғандир бошига,
3470 Қойил эмасман бу бекларнинг ишига,
Ўзингиз отасиз жумла кишига,
Қутлуғ бўлсин сизнинг тахтипойингиз!





Нечаларга кирди, хоним, ёшингиз,
Сипоҳига тўлар денгра дўшингиз,
Билмай гуноҳ қилган хизматкашингиз,
Хоним, қутлуғ бўлсин олган элингиз!

Айтинг, ўғлим, мен билайин отингни,
Ўлгунча қиларман бу хизматингни,
Менинг учун қонинг ўтинг буларни,
3480 Қутлуғ бўлсин, шохим, шаҳри Боғдодинг!

Ассалом алайкум, карамли султон,
Отим Нурдир, менинг ўзим бир қушбон,
Танимаса, сийламайди, тақсиржон,
Қутлуғ бўлсин сизга бу олий макон!

– Бекларнинг гуноҳидан ўтинг, тақсир, – деб бўйнига миндириб,
Боғдоднинг тахтипойига боргунча қўтариб кетди. Тўқкиз қатор шойи
шоҳона кийдириб, хос саллаларни ўратиб, салтанатнинг икки жиғасини
бошига чапчиб, жамий беклар хуснларига хайрон қолиб: – Тақсир, элга
отингизни маълум қилайлик, сиздай гўзал оламга камдан-кам келар, – деб
зурёдини сўраб, Нур бир сўз айтиб турибди:


Ярашар бошини та ушбу давлатинг;
Алифдай қоматинг, гулдай жасадинг;
Бизларга лозимдир, тақсир, хизматинг,
Хоним, қаердандир ўсган элатинг?

Бекарор кўринди гулдай жасадинг,
3490 На бўлди оламда ранжу меҳнатинг,
Хоним, энди бўлсин ҳузур-роҳатинг,
Асли қаердандир сенинг элатинг?

Энди мен бўлайин сенинг қурбонинг,
Султон бўлдинг, ҳеч қолмади армонинг,
Хизматингда турар неча полвонинг,
Қаердандир, хоним, олий мақоппинг?

Душманга сочарсан аччиғинг, заҳринг,
Ҳар иш қилсанг ўзингда ихтиёринг,
Турки яхши, кўзим, сендан сўрайман,
3500 Қайси элдан сенинг асли шаҳаринг?





Нечаларга кирди, хоним, ёшингиз,
Сипоҳига тўлар денгра дўшингиз,
Билмай гуноҳ қилган хизматкашингиз,
Хоним, қутлуғ бўлсин олган элингиз!

Айтинг, ўғлим, мен билайин отингни,
Ўлгунча қиларман бу хизматингни,
Менинг учун қонин ўтинг буларни,
3480 Қутлуғ бўлсин, шохим, шаҳри Боғдодинг!

Ассалом алайкум, карамли султон,
Отим Нурдир, менинг ўзим бир кушбон,
Танимаса, сийламайди, таксиржон,
Қутлуғ бўлсин сизга бу олий макон!

– Бекларнинг гуноҳидан ўтинг, таксир, – деб бўйнига миндириб,
Боғдоднинг тахтипойига боргунча кўтариб кетди. Тўккиз қатор шойи
шоҳона кийдириб, хос саллаларни ўратиб, салтанатнинг икки жиғасини
бошига чанчиб, жамий беклар ҳуснларига ҳайрон қолиб: – Таксир, элга
отингизни маълум қилайлик, сиздай гўзал оламга камдан-кам келар, – деб
зурёдини сўраб, Нур бир сўз айтиб турибди:


Ярашар бошингга ушбу давлатинг,
Алифдай коматинг, гулдай жасадинг,
Бизларга лозимдир, таксир, хизматинг,
Хоним, қаердандир ўсган элатинг?

Бекарор кўринди гулдай жасадинг,
3490 На бўлди оламда ранжу меҳнатинг,
Хоним, энди бўлсин ҳузур-роҳатинг,
Асли қаердандир сенинг элатинг?

Энди мен бўлайин сенинг қурбонинг,
Султон бўлдинг, ҳеч қолмади армонинг,
Хизматингда турар неча полвонинг,
Қаердандир, хошим, олий маконинг?

Душманга сочарсан аччиғинг, захринг,
Ҳар иш қилсанг ўзингда ихтиёринг,
Турки яхши, кўзим, сендан сўрайман,
3500 Қайси элдан сенинг асли шахаринг?





Отим Нурдир, соғу сўлга қарайман,
Сиз айтинг, мен эшитаман, англайман,
Авлодингни бугун сендан сўрайман,
Давлатга муносиб қайдан бўласан?

Эралихон ҳамма йиғилган бекларга, хизматкор, посбонларга қараб,
бир сўз айтиб турбди:

Эшитинглар, додхо, беғу оғалиқ,
Муяссар кўрдинглар давлатга лойик,
Сизлар билан энди ўйнаб-кулайик,
Менинг ўзим олис йўлдан бўламан.

3510 Мен кўнганман тақдиримнинг ишига,
Сирим айтган эмас ҳеч бир кишига,
Иккам қирқ кун юрдим тоғлар даш[т]ига,
Шундан нари бир макондан бўламан.

Бир тухмат тушгандир асл бошима,
Олтин ёқа ҳўл бўп кўзда ёшима,
Кўзим тушгаймикан эмикдошима,
Бадарға бўп ўз элимдан келаман.


3520 Англасангиз менинг зоду зурёдим,
Отам тирик, ҳозир мен ўзим етим,
Эрали дер, менинг Булғор элатим,
Инсофи йўк шу шаҳардан бўламан.

Урганим йўк моли билан тиллани,
Бир аёл юрдирди макру хийлани,
Ҳам шохид қилдирди сонсиз муллани,
Тухмат тушди, бу диёрга келаман.

Ҳақкин айтсам, ота-энам ҳозир бор,
Сочин ёйиб йиғлаб қолди муштипар,
Ҳеч банда бўлмасин мендай хору зор,
Шаҳримнинг отидир англагиз Булғор.

3530 Қўлим бойлаб хайдаб сувсиз чўлларга,
Ҳақ муяссар қилди, келдим шу ерга,





Насиб бўлса султон ушбу шаҳарга,
Наслим сўрсанг, Корахоннинг ўғлиман.

Нур кушбон: – Султоним, орада бир сўзни айтиб кетдингиз, ундан ўзга ҳам икки сўзингизнинг хайрони бўлдим. Бириси бегуноҳ эдим, гуноҳкор бўлдим, деганингизга хайрон бўлдим. Иккинчиси, ота-энам бору, етимман, деганингизга хайрон бўлдим. Учинчиси, эмикдошимдан жудо бўлдим, деганингизга хайрон бўлдим, – деди.

Эралихон айтди: – Бир отам бору, учта энам бор. Кичик энам қилди бизларни гуноҳкор, шу ишларга икки ғози сабабкор, икки ғозни отиб, бўлди гуноҳкор. Ойна қўлнинг ойдинида юзиб юрган ғозли ёввойи, деб отдик. У кичик энамизнинг ўғлим, қизим, деган ғозлари экан. “Болаларинг менинг қўйнимга кирди”, – деб шу энам тухматини юрдирди. Бегуноҳ гуноҳкор бўлдим, деганимнинг сабаби шу.

Ота-энам бор, етимман, деганимнинг далили: отам жаллодларига сўй, деб буюрди. Жаллодларнинг пичоғи бегуноҳ бошимни кесмади, подшо беш юз жаллод билан ўлимга ҳайдатди. Сағир, деганимнинг маъниси шулдир.

Эмикдошимдан айрилдим, деганимнинг маъниси: Улуғ тоғдан берида уйку вақтида мени карвонлар олиб кетган, укам Улуғ тоғнинг камарларида қолиб кетган. Айрилдим, деганимнинг маъниси шу.

Эралихоннинг укаси ёдига келиб, укасидан айрилганини бекларга баён қилиб, бир сўз айтди:


Раҳм айлади, қолдик беш юз жаллоддан,
Бу савдопи кўрдим уйку ғафлатдан.
Намоз вақти маст уйкуда ётувдим,
Айрилдим, укамдан – кучу қувватдан!

Ибрат олмок керак Ширин – Фарходдан,
Умидим йўқ дунёдаги давлатдан,
Иним бордир, аъло эди фарзанддан,
Бир соябон эмикдошдан айрилдим.

Шу сабабдан мен йиғлайман зору зор,
Бир мусофир яккадурман, кимим бор,
Шу оламда бир Шерали иним бор,
Бир суянган кир, арслондан айрилдим.

Укам эди қирдай, унга суянган,
Ота-энамдан яхши эди меҳрибон,





Оламда битта эди ҳам сохибкирон,
Шундай полвон қапотимдан айрилдим.

3550 Бир кориндан бўлган, тўккиз яшарди,
Белашкар оларди ҳар бир шаҳарди,
Қатлом қилар эди ўзга жойларди,
Ботир кўзли қувватимдан айрилдим.

Тоғ орада қолди, кўпдир гумоним,
Ҳам энамдан бўлган яхши пишоним,
Тирикликда кўрсам, бўлмас армоним,
Бир мададу қувватимдан айрилдим.

Эралига сабаб шудир, бекларим,
Айрилдим, ёшлидир менинг кўзларим,
Етиб келса, эғалидир шаҳарим,
3560 Бир донадир, гавҳаримдан айрилдим.

Нур: – Таксир, у ҳақда ҳам еманг. Табаррук номингизни хатларга солиб,
ўз муҳрингизни босиб, ҳар бир шаҳарларга нома юборармиз. Излаган
киши асло тополмас, ҳар ердан сўраган киши осон топар, -- деб бир сўз
айтиб турибди:

Анжум беклар чор атрофга чопармиз,
Магар топсак, босган изин ўпармиз.
Бунинг учун ҳамгин бўлманг, султоним,
Йўқлаштириб, бир ишингни топармиз.

Ёд этиб, йўқлайсан меҳрибонингни,
Кўзларингдан тўкма хун-пишонингни,
Ўз отанг синдиргандир шаънингни,
Насиб бўлса, топамиз укажонингни.

3570 Тириклай айрилган шуйтиб йиғлашар,
Ўлганга тириклар мотам тутишар.
Тирик қолган бир ишингга йиғлама,
Беклар омон бўлса, излаб топишар.

Топиб келса, таксир, сизга хуш тушар,
Йитиги топилса, кўрса ўпишар,





Инидан айрилган сиздай йиғлашар,
Йиғламанг, сулгоним, ининг топилар.

Нурум дейди, Боғдод элнинг кушбони,
Мен бўларман яхшиларнинг курбони,
Каттакон сиз, инининг соябони,

3580 Йиғлама, султоним, ининг топилар.

– Сизнинг подшолигингизни юртга маълум қилайик, – деб бекларни, уламоларни йиғиб, неча норларни сўйдириб, лашкар бекларни зиёфат қилиб, тўйдириб, подшо бўлганини элу юртга билдириб, чавки қуриб мамлакатни кулдириб, созандаларини сўйллатиб, жувонларини ўйнатиб, беш минг тўп отиб, уч минг жазойил бўшатиб, “Эралихон подшо бўлди”, – деб сиёсат билан элга маълум қилиб, уч кундан сўнг келган бекларига амалини барзиёда қилиб, от миндириб, тўн кийдириб, барисин сарафроз қилиб жўнатдилар.

Эралихон укасини йўқлаб ҳар тарафга нома жўнатди. Аммо номага ҳар элдан: “Бизда ундай киши йўқ”, деб жавоб келади. Орадан етти йил ўтди. Энди Шералихондан бир сўз сўранг.


Етти йилдан сўнг саргардон бўлиб, балиқфурушларга хизмат қилиб, акасини ёд қилиб, бир чет бозорга келиб, бир баққолхонада ўтира бапплади. Ҳамма чой ичиб, пон еб хурсандчилик қилди, Шерали ғамгинликда ўтира берди. Одамлар кетиб, санжоб бўлди. Баққол бунинг олдида келиб, ҳолини сўраб, бир сўз айтиб турибди:

Турки яхши, одамзоднинг улисан,
Қайси чаманнинг сен булбулисан,
Қайси гулшапларнинг тоза гулисан,
Ростин дегин, ўзинг кимнинг улисан?

Ота-энанг бўлса, искаган гулисан,
Сен ҳам бир кимсанинг жону дилисан.
Қаерларда, ўғлим, сенинг мазгилинг,
Ҳақиқат сўйлагин, кимнинг улисан?

3590 Турқинг билдим бир чирпинган пордайин,
Бу дилингда ғаму ҳасрат бордайин.
Ҳақиқат сўрайман туркингга қараб,
Шер юракли, болам, қайдан бўласан?





На сабабдан бўлдинг бундай афтода,
Алам кўрган ўхшарсан сен зиёда,
Қайси элдан келдинг пою пиёда,
Қамар юзли, болам, қайдан бўласан?

3600 Ҳеч нарса емайсан, корнинг тўқмиди,
Нон, ошга бермоққа пулинг йўқмиди,
Ё бир сенда оға-ининг йўқмиди,
Кўзи ёшли, болам, қайдан бўласан?

Ё аввалдан бўлдингми ўзинг стим,
Саройбон бакқолман, Қурбондир отим,
Менинг ҳам бўлсайди сендай фарзандим,
Ширин тилли, болам, қайдан бўласан?

Шсралихон: “Хўп бинойи, ақлдор киши экандир”, – деб ғам сўраган бобосига аҳволини айтиб турибди:

3610 Ҳам йиртиқдир кўйлақ билан чопоним,
Етти йилдир менинг кийналган жоним,
Айро тушди мендан у эмикдошим,
Мушкул савдолари тушди бошима.


Етти йилдан бери юрдим сўроклаб.
Гул юзим сўлдириб, бағримни доғлаб,
Тополмайман мен оғамни дараклаб,
Мушкул савдолари тушди бошима.

Қасрларла бўлди мазгил, макони,
Ушбу савдонинг мен турурман хайрони,
Борми, йўқми менга бугун гумони,
Мушкул савдолари тушди бошима.

3620 Ҳеч киши бўлмасин мендай дарбадар,
Оғадан айрилган киши ғам чекар,
Ғамни кўрган кишин жўйбори оқар,
Ода бўлмас савдо тушди бошима.

Бобо, мен бир шу савдонинг бемори,
Кўп тутгандир ёлғиз акам хумори,





Ўлган бўлса, кайси элда мозори,
Ода бўлмас савдо тушди бошима.

Асли Булғордандир, туғилган жойим,
Қўлимдан кетгандир у қарчиғайим,
Қўн азоблар кўрлим, недур гунойим,
Тухматли савдолар тушди бошима.

3630 Шерали дер, менинг Булғордан жойим,
Ўн тўккиз кун хайдаб беклар, сипойим,
Улуғ тоғда айиргандир худойим,
Жудолик савдоси тушди бошима.

Шералихон баққолга ушбу сўзларни айтиб, алифдай қомати букилиб: – Тириклай оғамни кўрарманми? – деб акасининг турки кўзига кўрингандай бўлиб, йикилиб кетди. Баққол қўлтиклаб бағрига тортиб, оғзига сув тутиб, думоғига хушбўй нарсалар тутиб, уч соат орадан ўтди. Уч соатдан сўнг Шерали хушига келиб: – Сиз ахволимни сўрадингиз, менинг ҳолим қайта багтаррок бўлди, – деб тагин тўрт оғиз сўз айтиб турибди:

Бу дунё беҳбудсиз, ҳаммага хатар,
Фикр айлаб, менинг умирим ўтар,
Рост йўлга юрганлар мақсадга етар,
Ҳеч кишини мендай хайрон фахлманг.

3640 Бир кун келган киши бир куни кетар,
Бу дунё, фахлангки, шамолдай ўтар,
Ҳеч киши кўрмасин мендайин хатар,
Ҳеч кишини мендай хайрон фахлманг.

Иккаласи қатордаги нор эди,
Ростин айтсам, менинг оғам бор эди,
Қилган ишимиз номус билан ор эди.
Тўғри айтсам, жондай акам бор эди.

Ёмғир ёғмай, мен ҳар ерда тойрилган,
Ўнг ёғимнинг шопаримдан қайрилган,
Етти йил бўлди, мен акамдан айрилган,
Ростин айтсам, мендан гумон айламанг!



Алкисса, Шералини бобоси нону ошдан тўйдириб, қўлига битта нон бериб, Боғдоднинг улуғ йўлига чиқариб: – Шу тарафга кетсанг, уч кундан сўнг Боғдод деган шаҳарга борарсан, бадавлат кишилар кўпдир, унда думоғинг чок бўлар. Э, навжувон, то кўргунча омон бўл! – деб Боғдодга равона қилиб, бир сўз айтиб турибди:

Олам ичида ўзинг турфа боласан,
3650 Ғамгин бўлиб гоҳи бунча тўласан,
Бу ерларда юрсанг, очдан ўласан,
Уч кундан сўнг Боғдод элга борасан.

Хушрўй навжувон, қоши корасан,
Боғдод элга борсанг, ўйнаб-куласан,
Баққолнинг неклигин сўнгра биласан,
То кўргунча омон бўлгин, меҳмоним!

Етти йил бўлган бўлса ғамга тўлганинг,
Дийдор кўрса, ҳеч колмайди армониинг,
Рост йўлга ўнгарди бу бобожонинг,
3660 Боргин, меҳмоним, омон-эсон бўл!


Тўғри кишининг асло бўлмас душмани,
Турқинг баайни одамнинг жони,
Чин сўйлагин, ҳеч бўлмасин ёлғони,
Боргин, меҳмоним, омон-эсон бўл!

Аввалдан чиққандир, найлайин, хатинг,
Отинг Шералидир, бисёр давлатинг,
Шу ёкка уч магар бўлса қанотинг,
Боргин, меҳмоним, омон-эсон бўл!

Қулоқ солгин баккол аканг Қурбонга,
3670 Ҳайрон қилма ўзинг ёзу ёвонга,
Охир йўл бермассан, ўғлим, душманга,
Боргин, меҳмон кўзим, энди омон бўл!

Шералихон ҳам баккол бобосига қараб, бир сўз дегани:

Бир нечалар вақти чунон хуш энди,
Бир нечанинг кўзи тўла ёш энди.



Кўрарманми, кўрмасманми дийдоринг,
То кўргунча, баққол ака, хўш энди!

Бир нечанинг юрак-бағри тош энди,
Бир нечанинг дили учар куш энди.
3680 Кўраманми, кўрмайманми юзингни,
То кўргунча, улуғ бобом, хўш энди!

Ўлгандан сўнг бўлар эдим лош энди,
Ўйлаб кўрсам, мана дунё бўш энди.
Кўраманми, кўрмасманми дийдоринг,
Йўлга солган, раҳбар бобом, хўш энди!

Айрилганлар йиғлар мендай хору зор,
Дуо кинг бўлмайин ҳеч ғамга дучор.
Гапиғизни олдим, Боғдол бораман,
То кўргунча энди, бобом, хўш энди!




*Ислом шоир Назар ўғлининг
дўмбираси.*

Алкисса, Шералихон кеча-
кундуз юриб, сувли ерларда ўтириб,
бобоси берган нони қокини еб, “энди
яқинлашганман-да”, – деб икки кеча,
икки кундуз оч-наҳор йўл тортиб, шу
кечаси билан уйқу кобоқка қотиб, кун
чиқар вақтда борди Боғдолга етиб.
Наққош иморатларни томоша қилиб,
кун чошка бўлганда, бир заргарнинг
дўконининг қаршисига келди. Очликдан
мадади кетиб, заргарни улуғ ёшли кўриб,
нон тиламоқчи бўлиб, ёнига келиб,

кўлини дастилом қилиб, адаб билан саломини бериб, гўё пойғасига кириб
тура берди. Заргар алик олиб, ўз иши билан машғул бўлди. Неча анжомини
тузатди, вақтки намозга етди. “Кетатурғон маҳал бўпти”, – деб кўнглига
ўтиб, болғасини супасининг устига отиб, тура келиб караса, чошкада
салом берган баччани кўл қовуштириб, хали ҳам шу туришда кўрди. –
Қачон келдинг бу ерга? Мехмон бўлсанг, нону ош бермоқ менга қарзди[r],
таом бермоқлигим суннату фарзди[r], чошкада кўргандай бўлиб эдим
сизди. Ҳозир келдингми, шў келганингми? – деб бир сўз айтаяпти:

Боғдол эли улуғ шаҳар билдингми?
3690 Мунаққашли иморатлар кўрдингми?





Томоша килиб гузарларда юрдингми?
Чошкада кеппинг, хозир келдингми?

Бедов миниб майдонга ҳеч елдингми?
Гох ғамгин бўп, гохи ўйнаб-кулдингми?
Чошка вақти кўргандай бўлдим сени,
Шў вақти келдингми, хозир келдингми?

3700 Чошка келган бўлсанг, бўпман қарздор,
Сўзлаган тилингдап бўлай, кокилдор,
Сидқи қилгин мешинг гапимни бовар,
Эртап келганингми, хозир келдингми?

Гул юзингга фикр айлаб қарайман,
Эрта келган бўлсанг, сени қўймайман,
Бу кун этиб, сени меҳмон айлайман,
Эртап келганингми, хозир келдингми?


Қамбар эрур отим, мап ўзим заргар,
Бозор кунларида меҳмоним бисёр,
Бизникига юргин, э, ўғлим, зинҳор,
Эртан келган бўлсанг, мен-ку гуноҳкор.

Заргар дўконнинг тахталарини жой-жойига қўйиб, дўконхонасини кулфлаб, қоровулни чакириб: – Бизнинг устахонага ҳам хабардор бўл! – деб, меҳмон қилиб, Шералини бўйнига миндириб, кўтариб кетди. Меҳмонхонасига этиб, кўрпачалар тайлаб, болани кўпдап-кўп сийлаб, ичкари ҳовлига кириб кетди. Хогинининг қошига бориб: – Бир яхши таом қилгин, менга бир меҳмон келди, – деб таом буюрди. Хотини: – У меҳмонингиз қаердандир? – деб сўради. Заргар айтди: – Ҳарчи Боғдод фарзандига ўхшамайди, ўзга жойлардан келган ўхшайди. Бино бўлган жойини сўраганим йўқдир. Дастархонга нон ўраб бер, жойини сўраб билай.

Турли таомларни олиб, тахсимчаларга солиб, этиб меҳмоннинг олдига қўйиб: – Эрта чошкада келганингизни ва кеч келганингизни, мазгил-маконингизни айтмадингиз? – деб сўради. Бобонинг фели-хулқини хуш қўриб, Шерали бир сўз айтиб турибди:

3710 Гадокурман, менда йўқдир ҳеч гумон,
Тиламоқчи бўлиб келдим сиздан нон,





Сизга ато қилсин ҳам нурли имон,
Чошка эди мен борганда, бобожон!

Икки кеча-кундуз емаб эдим нон,
Етти йил бўлди мен оғамдан айрилган.
Отам эди бурун карамли султон,
Чошка эди мен борганда, бобожон!

3720 Ҳеч киши қолмасин қору меҳнатга,
Тўғри киши ҳеч қолмасин уятга,
Нону тузим тортиб келдим Боғдодга,
Чошка эди келдим сиздай устодга!

Ўйпатардим ўз элимда пирокни,
Ишлатмоқчи эдим ўткир ярокни.
Ғариб бўлиб ўлсам энди, бобожон,
Чошка эди мен келганда бегумон!

Бу изимдан ҳеч ким қилмай сўроқди,
Мазгилим сўраманг, кўп ҳам йирокди[р],
Тати куйган дейди мендай бебахтди,
Чошка эди мен келганда, бобожон!


3730 Шерали дер, ишонинг чин сўзима,
Раҳм этингиз менинг сўлган юзима,
Турли таом кўйдинг, бобо, ўзима,
Чошка вақти келган эдим, бобожон!

Шунда бобоси ҳам Шералига бир сўз деб турур:

Ҳеч кашал бўлмасанг юрту элинга,
Раҳбарингман, азоб кўрган ҳолинга,
Кўчкор сўйиб илик берсам қўлингга,
Менга фарзанд бўларсанми, меҳмоним?

3740 Халқ орада бордир менинг давлатим,
Менинг йўқдир суянгувчи кувватим.
Қўйлар сўйиб маълум қилсам элима,
Магар бўларсанми менинг фарзандим?





Кишининг фарзандин ул десанг уят,
Давлат кўп бўлган билан алашим зиёд,
Ҳам тутинган бўлар туккандан зиёд,
Бир тутинган ўғил бўлгин, меҳмоним.

Бир маслаҳат сени билан қилайин,
Хайр дегин, хурсанд бўлиб қулайин.
Ўнг қўлингга илик бериб, кокилдор,
Халк орада сени фарзанд қилайин.

3750 Отим Камбар, турурман ўзим заргар,
Халқни айтай менга бўлсин танакор,
Дол бўйингдан мен бўлайин, хусндор,
Фарзанд бўлинг, кетма, ўтлим, муқаррар.

Шералихон: – Менинг ҳам мақсадим шу, ўғилсизга ўғил, кизсизга киз бўлмоқчиман, – деб бобосига қараб, бир сўз айтиб турибди:


Юзларимни суртсам хоки пойингга,
Ўғил бўлиб қолсам кулба-жойингга,
Маслаҳат қил таннозингга, ойингга,
Ўғил бўлиб қолсам асли жойингга.

3760 Чин яхши кўриндим, бобо, кўзингга,
Қорним тўйди берган нону тузингга.
Илик берсанг, эрга қилгин, бобожон,
Бир ҳақиқат фарзанд бўлай ўзингга.

Қулбағизда беш кун ўйнаб-қулайин,
Беш кун дунё ўтарини билайин.
Тўй-томошанг тезроқ қилгин, бобожон,
Сизга фарзанд бўлсам, энди бўлайин.

Шунда бобо хурсанд бўлиб, “Тутинган, туккан ўғил бари бир”, – деб ўз дилини ўзи хушлаб, ичкари ховлига қадам ташлаб, бориб хотинининг кўлидан ушлаб: – Шу келган меҳмонни уч гузарни йиғиб, қўлларига илик бериб, сенинг билан иккимиз фарзанд қилиб олсак, қандай бўлади? Давлатга муносиб экан. Эртага уч гузарни йиғиб, қўйларни сўйиб, уламоларни йиғиб, кўп халойик ўртасида қўлига илик бериб, бош-оёқ сарпойини қилиб, ўзимга фарзанд қилсам, дейман, – деди.





Заргарнинг Окилой деган кизи бор эди. Бу чолу кампирнинг ҳам ўғли, ҳам кизи эди, бирдан-бир ёлғизи эди, ушбу рўзгорнинг сертамузи эди. Бирови гўштини, бирови сабзисини тўғрай бошлади. Энаси: – Ўчок бўйига олов ёққин, – деб кизига буюрди. Окилой оловни ёқиб, қошини қоқиб, лабини тишлаб, ташкарига қадам ташлаб, кўнглига яхши гапларни нақшлаб, меҳмонхонанинг даркишини ушлаб, ичкарига қараса, ботир кўзли, нур юзли, захбар файзли, саратон юлдузли; кўзлари юлдуздай, ўтириши қиздай, кўп бир ақлли сертамуздай, кечаликда ўтирса, бечирок ўтирган уй кундуздай бир ўғлон кўзига кўринди. “Отам бир тарафга чирок ёққандирми?” – деб леворни паналаб ёнбошлаб, рўмолининг бир учини оғзига тишлаб, тоза қараса, меҳмонхонада чирок йўқ, коронги кечани мунаввар қилган ушбу йигитнинг жамоли турур. Окилой, тири ишк савдосига гирифтор бўлиб, лабини тишлаб, ичини тортиб, аста жойидан туриб, ёниб турган тароша-оловларга усти-устига ўтинни ташлаб, отаси олдига бир кириб чиқди. Уяту ҳаё саклаб, ҳеч бир сўз айта олмади. Охири, қозонга мой солмоқчи бўлиб, мойқовоғини қўлига олиб, ошиқлик савдосига бекарор бўлиб, отасига бир сўз айтганидир:

Бир сўзим бор, ота, фикр қилсангиз,
Ҳеч айтмайман мени сўкиб урсангиз,
Дилимда мақсадим қабул қилсангиз,
Шу меҳмонга, ота, мени берсангиз.

3770

Ўли райхондан асло ҳам гул бўлмас,
Сотиб олмаса, сира у қул бўлмас,
То энам туғмаса, сизга ул бўлмас,
Меҳмонга мени муносиб кўрсангиз.


Ўғил-қиз отага жону дил бўлар,
Рост айтай, меҳмонга лозим кўрсангиз,
Шу меҳмонга ёлғизингни берсангиз,
Менинг орқамдан сўнгра сизга ул бўлар.

3780

Ул қилиб бировни олиб бергунча,
Мени ҳам ўзгага лозим кўргунча.
Ёрга берсанг, шунга бергин, отажон,
Розидирман сиздан, ота, ўлгунча!

Бизлар учун тўй қинг элу гузарга,
Тўй-ғомоша қилинг, ота, биз[л]арга,





Сўнгра у ул кетмай, қолар шаҳарга,
Ёлғизингнинг бир муроиди шу бўлур.

Пардам йиртиб, ота, боқдим юзинга,
Ҳозирча ихтиёр, ота, ўзинга,
Шу меҳмон лозимдир Оқил қизинга,
Муносиб қўлида қизинг сил бўлмас.

Окилой шу гапни айтиб, ташқарига чиқиб кетди. Оловни ёкиб, мойни солиб, ўз иши билан бўла берди. Заргар хотинига караб, Окилойнинг энаси ерга караб турибди. Заргар: – Окилнинг гапини билдингми? – деди. Окилнинг энаси айтди: – Менга ҳам овлоқ ерларда “бир ўзини билмаган чапани кишиларга мени отам бермасалар, ўзимга муносибни топиб, ақлли кишига берсалар”, – деб айтгучи эди. Бу меҳмонни кўриб, ўзига муносиб англагандир. Окилнинг гапи маъқул турур, ўғил қилсангиз, бировни олиб берарсиз, Окилни ҳам бировга берарсиз. Менимча, Окилнинг гапи маъқулдир.

Шу кечалаб фикрлаб ётдилар. Эрта билан Окилни бермоқлик маслаҳати битди. Хурсандчилик билан элу халққа уч кун тўй қилиб таркатди, ўз ёнидан қилди қанча харажатди, заргар Шералихонга берди фарзандди.


Орадан бир ҳафта ўтди. Заргар бобо таппа йиқилиб, оламдан ўтди, оши-обиши қилиб, худойиларини ҳам таркатди.

Қайнонаси Шералихоннинг олдига бориб: – Болам, қайнотангни дўкони қамовда қолмасин; олмоқни, сотмоқни ўргангин. Мени ҳам сенга туткизиб қўйган йўқ, ахир! Бир кун вафот этарман, қиммат, арзон тошларни билдирай, – деб дўконхонага эргаштириб кетди. Дўконни очиб, заргарнинг асл тошларининг ҳар бирининг арзон, қимматини кўрсатди. Қайнонаси кетар чоғида: – Хабардор бўл, ўғлим! – деб Шералихонга бир сўз айтиб турибди:

3790 Аклинг бўлса, нодон билан,
Ўтириб тургучи бўлма.
Дўкон-асбобингни тайлаб,
Кўчада юргувчи бўлма.

Харидор турса, молингни
Арзонга бергучи бўлма.
Халқ билан дўст бўлгунча,
Ҳеч ўйнаб-қулгучи бўлма.





3800 Ўғри-баззоз берга келса,
Бепарво тургувчи бўлма.
Дўст киши кўп иззат қилса,
Пайгада колгувчи бўлма.

Ёкут тошларинг кимматдир,
Арзон ҳам сотгувчи бўлма.
Бу ёғи ёкут-зумраддир,
Бепул ҳам бергувчи бўлма.

Булардан киммати чин ҳақиқ,
Ҳеч арзон бергувчи бўлма.
Ёмон берса насихатни,
Қулоққа олгувчи бўлма.

3810 Ақлли берса насихатни,
Ғапидан колгувчи бўлма.
Мукаррам топширди давлатни,
Беҳуда сочгувчи бўлма.


Алқисса, Шералихошнинг отини ҳеч ким билмай, “Заргархон”, “Заргархон”, – деб овозаси Боғдодга кетди, ўғил-қиз, жамоат эшитибди, дийдорини кўрган йигитларнинг кулбаси ёдидан чиқиб кетди. Ҳар кун тошига харидор бўлган ҳам, бўлмаган ҳам – ҳаммаси томоша қилади Шералининг ҳусни билан қалам қошига, бир неча кизлар рўмолини ташлаб бошига, чодир-чашванини ташлаб юзига, дийдори жамолини келиб кўрганлар ошиқ бўлиб шириндан-шакар сўзига, ҳуши, ақлини бой бериб, гўёки уч кунгача келолмайди ўзига, бу хабар бориб тегди ўлган подшоҳнинг Офтобой деган кизига.

Офтобой бунинг таърифини эшитиб: “Халққа севгили кишини мен ҳам бир кўрсам эдим”, – деб ошиқлигини пинҳон тутиб, канизларига ҳам билдирмай, ўзига дўст кишига: – Заргархонни кўрсатганга бир лаган зар бераман ҳам бошдан-оёқ сарпой бераман, – деб мастон-мастонларга хабар берди.

Шаҳарнинг бир кунжагида Сурхайил мастон деган айёр момо бор эди. У эшитиб, Офтобойнинг тилла кўшкисига келиб, меҳмон бўлди. Жойни холи топиб: – Болам, бир гап эшитдим, ростмикан? – деб бир сўз айтиб турибди:

Мен боқаман, қизим, гулдай тарзингга,
Маст баччалар йиқилади юзингга.





Бир гап эшитдим, ростми, садаға,
Ошиғингни кўрсатайми кўзингга?

3820 Чин ошиқсан, ҳеч келмайсан ўзингга,
Мен ишониб келдим ушбу лафзингга.
Ҳақиқатни момонг шўрга сўйлай бер,
Ошиғингни кўрсатайин кўзингга.

Момонг сенга бўлиб келди меҳрибон,
Мен бўлмасам, билгин, кўрмоғинг гумон,
Ошиқсан, ахволинг айлама пинҳон,
Ўиз билан танишдир, билгин, Заргаржон.

Айланай, ошиқлик дунёда ёмон,
Рангингни қилмагин баайни сомон,
Мен бўлмасам, сенинг кўрмоғинг гумон,
Шу устани мен кўрсатай, Офтобжон!

3830 Туришини кўрдим, қарчиғайча бор,
Гул жамоли бамисоли ойча бор.
Ҳар на берсанг, менга бергин, Офтобжон,
Гўё уни об келайин қошингга.


Ошиқлик савдоси тушган бошингга,
Ҳеч билдирма қиркин хизматкашингга,
Овоза бўлмасин элу ҳешингга,
Заргар бўлса, олиб келай қошингга.

3840 Раҳминг келмаса, берар пулингга,
Олиб келсам қарчиғайни қўлингга,
Хол тушиб келганда Заргар элингга,
Моманг олиб келар сенинг олдингга.

Момонг, пухта танақордир ишингга,
Бир соябон керак сенинг бошингга,
Момонг чини олиб келса қошингга,
Хоҳласанг, миндиргин кордай тўшингга.

Бу ишларни қилар Сурхайил момоси,
Бажармаса, ўлмок момонг давоси,
Кўрар бўлсанг, менга ияр, садаға,
Ўн тўрт кунлик ойдаи эмиш чамаси.





Офтобой хурсанд бўлиб, бир лаган ғаниматни момосига кўрсатди: – Аввал тамом қилсангиз бизнинг хизматди, сўнгра берурман, – деб момосига сўз қотди. Момоси ҳам: – Хизматингни тамом қилмай, олмасман, – деб қўлтиғига паранжининг остига Офтобойни тортиб, тиллакор кўшқидан олиб чиқиб кетди, қирқин қаниз бариси беҳабар қолди. Офтобни еталаб, ишни ҳўбдир пухталаб, йўлларнинг пана еридан тўталаб, кишисиз бир чордевор ховлига олиб келиб тўхтатди: – Сен шу ерда қилгин сабр-қаноатди, мен олиб келай хуш суратди, – деб кампир чиқиб кетди. Сўроқлаб Заргарнинг дўконига борса, Боғдоднинг пулли-беспулли бўз болалари йиғилиб, чух-чух, деб отини ҳайдашиб, харидор бўлиб тошига, томоша айлар Заргарнинг кўз-қошига. Момаси ўтатурғон жой топмай, отларнинг ёнбошидан ўтди, от кўп ерларда отларнинг тагидан элсаклаб ўтди, баъзи отлар этагини босиб, ўнгирини йиртди. Кўп азоблар билан Заргарнинг дўконига етди. Аёлларга ушбу ишлар расму қоидадир: супасининг устига чиқиб, чўнкайиб ўтирди. Устаи заргарга қараб: – Яхши тош сизда борми? – деб сўраб, бир сўз айтиб турибди:

3850 Ярашар хуснингга қора кошларинг,
Бу элимда пухта сенинг ишларинг,
Болам, бўлса асл қиммат тошларинг,
Яхши ердан бўлди сенинг хардоринг:

Олиб кўрсат, бўлса тоши гавҳаринг,
Болам, сенинг бор бир нор харидоринг,
Ораликка мен бўп келдим даллолинг,
Чордеворда қолди-ку чин умидворинг.

3860 Неча кун бўлмишди теккан хабаринг,
У бўлибди кўрмоққа интизоринг,
Болам, борми, йўқми гул юзли ёринг,
Чордеворда қолди-ку чин харидоринг

Асил-асил тошларингдан кўрсатгин,
Дилинг мақсадига э, Заргар, етгин,
Момонг даллолигин, ўғлим, чин битгин,
Бадавлат хардорга яхшисин сотгин.

Боғдодда машҳурдир момонгнинг ўзи,
Муштипардир, бир кишининг ёлғизи,
Момонг бўлди, болам, сенга танакор,
Ёлғиз ерда у бўлмасин бекарор.



Кашал бўлма кимматига, пулига,
Хол тушибсан, мана Боғдод элига,
Ошиқ куяр мошигининг ҳилига,
Кўрсат, этиб берай анинг кўлига.


Мени ҳам юборди бу куни кизим,
Асл тошдан бугун кўрсатмоқ лозим,
Порирми сенга-ку, э, Заргар, сўзим,
Айланай, кўрсатгин чин хардор ўзим.

Заргархон тошларининг асилидан олиб, губор-чангини артиб: – Қайсисидан хоҳлайсиз? – деб уч тошни момонинг олдига катор килиб қўйди. Сурхайил кампир: – Болам, билсанг агар гапнинг фарқини, бўлак-бўлак айтгин булар нархини. Болам, буларнинг учови уч хил. Ҳар бирининг ўзига нарх қўйиб айтгин, – деди. Заргархон айтди: – Сизнинг тарафдагиси уч минг танга, ўртадагиси икки минг танга, бери томондагиси минг танга. Момо: – Э, Заргар ўғлим, сен тошшунос эмас экансан, тошшуносликни мендан ўргангин. Икки минг танга деган тошингни икки мингга оламан, минг танга деган тошингни ҳам ўз нархига оламан, аммо уч минг танга деган тошингни уч пулга ҳам олмайман, деди. Заргар: – Мен билмасам ҳам биладиган тошшуносларим бор. Олсанг – ол, олмасанг – йўлингдан қолма, – деди. Момо: – Ўғлим, уч минг танга деган тошингни ўз маҳалида уч мингга олар экан. Ростини айтсам, ҳозир у бир пулга қимматлик қилади. Шу уч минг танга деган тошингнинг ичида қурти бор, тошшунос кишилар уч пулга олмайди зинҳор, – деди.

Заргар: – Тур-э, жўна, палакат, айёр!” – деди. Айёр момоси: – Болам, шу қиммат тошингни ва болғангни олиб бергин. Тошингни уриб синдирай, ичидан қурт чиқмаса, тошдан хазинам бордир, юргин бизнинг ҳовлига, этаклаб олдингга тайлай, ўнта тошни хоҳлаб-хоҳлаб олиб кела қол, – деди. Заргар: – Бундан зарар торгмай, фойда қилар эканман, – деб болга, тошини момонинг кўлига олиб берди. Момо болғани кўтариб, уч минглик тошга урди, тош иккига бўлинди, ичидан бир кўк қурт чиқди. Заргар мустар бўлиб, ерга қараб қолди. Йиғилган халойик: “Кўҳнадан қолган, қурт урган тошларни мардумга сотар экан”, – деб шивирлаша берди.

Момо: – Хафа бўлма, ўғлим, кўтар бошингни, юр ҳовлига, ўнта килай битта тошингни, – деди. Аммо Заргар: “Момом кўп тошшунос киши экан, беодам кунларда олиб келиб, момомга жамъи тошни кўрсатиб, қурти бор тошларни хандакка отмоқ керак”, – деди ва момога қаради. Қараса, момоси ўзидан беҳабар, ови йиртик экан. Заргар: – Момо, тур йўлингдан қолма, мени бунча ҳалак қилгунча, бориб иштонингни яма, – деди.





Момоси айтди: – Уялганингдан хар нима дема, ўрнингдан тур, оркамдан колма, ўнга тошдан хеч кам олама!

“Берган Худога ёқибди”, деганга ўхшаш дўконини кулфлаб, момосининг оркасида “ўнга тош оламан”, деб кета берди. Мома Заргарни ияртиб, чордеворга этиб: – Болам, тўккизта қизим бор. Номахрам кишини устимизга олиб келди, демасин. Тошхазинанинг калити ўзимдадир, ўнг қўлдан бориб эшикни очаман, бир этак тошни олиб келиб, олдинга сочаман. Қимматидан, яхши кўрганингдан ўнга тошни олиб кетарсан, – деди.

Заргархонни кўйиб, кунжакка борса, Офтобой кунжакда ухлаб қолибди. Офтобойни туртиб уйғотди: – Тура кел, ошиғингни олиб келдим, ҳозир ухлаб қолганинг моманга малол бўлди, чинг ошиғингни сенга кўрсатгандан сўнг, бир лаган тиланг менга халол бўлди, – деди. Чодирини кўтариб, Офтобойни кўрсатиб: – Болам, ўнга тош момонининг қарзими, синган тошинга арзийми? – деди.

Заргархон қараб, ишқ савдоси юракка етиб ва юрагининг ўнг ёғини жизиллатиб, хушидан кетиб йикилди. Шунда момон мастон: – Болам, бу Боғдод катта шаҳар бўлса, магар қоровул беклар билса, ажаб эмас мени ўлдирса, – деб Офтобойнинг қўлидан тортди. Офтобой: – Шошманг, момо! – деб Заргарнинг кўйинига яримта нон, учта ошиқ, бир даста гул солиб, Заргарнинг икки юзидан ўпиб, беихтиёр Заргарга қараб, бир сўз айтгани:

Беш кун менинг билан,
Даври-доврон сурсин, дедим.

3880 Гул солганимнинг маъниси,
Гулшанимга борсин, дедим.

Нон солганимнинг маъниси,
Иссиқ нондай бўлсин, дедим.

Ошиқ солганим маъниси,
Ошиқлитим билсин, дедим.

Куймайин хеч доғимга,
Кечиктирмайин боғимга,
Эрта кеча борсин, дедим.

Қулоққа олиб гапимни,
Ухламайин турсин, дедим.



3890 Агар бедорхоблик килса,
Болларимни сўрсин, дедим.

Этсам тиллакорга,
Қўлин солиб қўш аяорга,
Кайфини хўп кўрсин, дедим.

Қойил бўлиб бу ишимга,
Ишқи тушгандир бошимга,
Мишибон қордай тўшимга,
Доим ўйнаб-кулсин, дедим.


3900 Арзин билиб Офтобойни[нг],
Кўрса ажаб бизнинг жойи,
Хўп томоша килсин, дедим.

Момоси Офтобойни олиб кетди. Булар ўз тилла қўшкисига етди. Паранжининг орасига олиб, қирк газ қўшқининг жойига қўйди, қанизлар бундан ҳам бехабар қолди.

Шералихон чошқа вақтидан пешингача шу ерда ётди. Пешиндан кейин турса, бир чордеворда ётибди. Етти йиллик қолиб кетган безгакдай иситма тутиб, тўла баданини қалтиратиб: “Ёмон мазам кетибди”, – деб ўз қулбасига кетди. Борса, Оқилой ёри уйида экан: – Э, ёрим, менга жойи солгин, менинг мазам кетди, ё мендан Оллох олар бўлдимиз омонатди, – деди. Шундай бориб тумалок бўлиб ёта бошлади. Оқилой айтди: – Менда бир фолчилик одатим бордир. Етти ёшимдан бери бу касбни қиларман, фол очсам, ҳар кимнинг мушқулини биларман. Сиздай жуфтимга фол очсам, айб бўлами, сизга ҳам мен бир фол очсам, қандай бўлар эди? Заргархон кистасига қўлини узатиб, беш олти тангасини олиб: – Майли, очгин, менга нима бўлибди? – деди. Шунда Оқилой бир коса сувни олди ва олиб, фол очиб, бир сўз айтиб тургани:

Ҳали киргансан ўн етти ёшинга,
Энди қулоқ солгин қалам қошинга,
Ошиқлик савдоси тушган бошинга,
Бу касал эмас, ишқ касали.

Чошқа вақти ким келувди қошинга,
Кимлар хардор бўлди учта тошинга,
Ошиқлик савдони сопти бошинга,
Бу касалингиз асли ишқ касали.



3910 Болға олиб киммат тошинг синдирди,
Ғамгин бўлиб тўхтаб эдинг, тўражон,
“Ўн тош берай”, – деб у сизни кулдирди,
Бу касалингиз асли ишқ касали.

Ишқ ўтидан сизга солди губорди,
“Ўн тош олай”, – деб сиздай бегим иярди,
“Кўрсатай”, – деб у гул юзли дилбарди,
Бу касалингиз асли шунинг касали.

Чордеворга фирибгари ияртди,
Чордевор ёримнинг сарига етди.
3920 Ўн тош берай, – деди шу мастон момонг,
Офтобжонни кўзингизга кўрсатди.

Асло ёлғон бўлмас Оқилнинг сўзи,
Ўзим бир заргарнинг ёлғизи,
Офтобой ўпибди ёримнинг юзи,
Ишқ иситмаси, ёр, сизни тутди.


– Ота душман бўлса ҳам ёрдан авло бўлар, ички сиригни ёрингга айтмагин, деган эди. Отамнинг гапи рост экан. Билар-билмас ҳар нима, деб сўйладинг. У айтган ҳаромзодаларингдан мен эмасман. Менинг тошим синган ҳам эмасдир. Отангдан колган дўконхонангдан чикканим ҳам йўқ, ундай чордеворларни тушимда ҳам кўрганим йўқ, – деди.

Оқилой: – Баркамол фолчининг баъзи гапи тўғри келади, инс-жинсининг иши – шамол. Тобингиз қочса, қочгандир-да. Жойингиздан туринг, белингизни счиб, оромида ётинг, ... деб кўрпанинг икки-учтасини ташлаб, Заргарнинг бир кўлидан ушлаб, тўшаган кўрпа устига чиқариб, белини ечди. Учта ошиқ, ярим нон, бир даста гул тўпирлаб кўрпанинг устига тушди.

Оқилой буни кўриб: – Бўлган савдони яширмоғингиз эппи, ё юртидан адашиб кетган болам, деб энангиз изингиздан келиппи?! Болам мусофирчилик ерларда оч қолиб юрибди, деб қўйингизга бу нонни соппи?! Гулни искайди, ичи қизиса, бу уч ошиқни ўйнайди деппи?! Менинг фолим ёлғон бўлса, шу фолимга чиққан айёр соппи?! Шунга айтинг, – деди.

Шералихон: – Менинг энамга келмоқ қайдадир, – деб ёрига қараб, икки оғизгина сўз айтиб турибди:

Ўтган тоғлар ҳам баланду пас[т] экан,
Ақлинг зиёд ҳам турмушинг эс экан,



Душман эмас, менга ёрим дўс[т] экан,
Очган фолинг ёлғони йўк, рос[т] экан.

3930 Менга ошиқ бўлган дилбар мос экан,
Ораликка тушган айёр песс экан.
Тўғри йўлдан мени айёр оздирди,
Ҳақиқатли, айтганинг ҳам рос[т] экан.

Чошқа келиб, рости, тошим сиңдирди,
“Ўн тош берай”, – деди, кўнглим тўлдирди.
Олиб келди бир кулбага ияртиб,
Ошиқ қилди, гул юзимни сўлдирди.

Ишига қарагин шу наълатди,
Ошиқ бўлган, у ҳам шоҳга фарзандди[р],
3940 Сиңган тошга болам арзийми деб,
Офтобжоннинг дийдорини кўрсатди.

Шу жамоли ишқин солиб йиқитди,
Бетокатман, шуйтиб иситма тутди.
Тири ишқин олдим, бўлдим бекарор,
Ошиқ бўлдим, қилолмайман тоқатди.

Заргархон овозам элингга кетди,
Овозага ўзини у бой бериб,
Айёр билан қилганди маслаҳатди,
Ошиқликни менга айёр ўргатди.

Оқилой: – Офтобой деган пари подшога фарзанддир. Шу ошиқ бўлган бўлса, ўнга қилсангиз ҳам менга малол келмас. Ишқибозлик, ошиқлик дунёда бир ёмон нарсадир, албатта, ёндирмай бормоғингиз керакдир, – деди. Шундай подшонинг қизи сизга ошиқ бўлса, олмоғингиз керакдир. Заргар: -- Мен, унинг мазгил-маконини билмасам? – деди. Оқилой: – Сиз билмасангиз, мен билурман, – деб ёрига қараб, борар йўлини таърифлаб, бир сўз айтиб турибди:

3950 Чин ошиқман, кадам кўйиб,
Кўчалардан келсин, депти.

Бизи билан беш кун даврон,
Маза қилиб сурсин, депти.





Нон солганининг маъниси –
Иссиқ нондай бўлсин, депти.

Ошиқ солганнинг маъниси –
Ошиқлигим билсин, депти.

Гуллар солганнинг маъниси –
Гулшанимга келсин, депти.

3960 Башарти келса бизнинг боққа,
Ухламайин турсин, депти.

Шудир ошиқлик қойдаси –
Бол лабимни сўрсин, депти.

Қўймасин эрта кечга,
Худди шу кун келсин, депти.

Оқилойинг пухта билар,
Мен келгунча турсин, депти.

Шералихон: – Мен бир мусофир бўлсам, ҳешу тоборим бу шаҳарда бўлмаса, бормаيمان у ерга, – деб бир сўз айтади:


3970 Мен дардимни бугун сенга айтаман,
Тавба қилиб бу феълимдан қайтаман.
Тўғри юрсам, муродимга етаман,
Қоровуллар бойлаб олса, қайтаман?!

Қоровул беклари қўлимдап тутиб,
Балки мени хоннинг олдига этиб,
“Қарокчи” дессалар, мени кўрсатиб,
Чоройна қип балки урса, қайтаман?

Қоровуллар юрур ҳам зеҳнин қўйиб,
Ошиқлар юради жонига тўйиб,
Ушласа, қўймайми балки ҳам сўйиб,
Балки тутиб мени сўйса, қайтаман?

3980 Бирови билмаса, бирови билиб,
Кечаси тутсалар, гуноҳкор қилиб,





Сўярлар сўнгра дорига илиб,
Уч ёғочга ҳоким қилса, қайтаман?

Сўнгра юрма бу изимда йиғлашиб,
Хар ерга йикилиб, аклинг шошиб,
Икковимиз ётсак авло талашиб,
Қоровуллар банди қилса, қайтаман?

Бугун Заргар ўйлар жасадда танга,
Бу қаттиқ савдодир, ўргатма менга,
3990 Мен ўзга ёр олсам, алами сенга,
Борган билан келмай кетсам, қайтаман?


Оқилхон: -- Менга ҳеч бир малол келмас. Мен бир Заргарнинг кизидирман, у киши тождор подшонинг кизи турур. Мени десангиз, борасиз. Мен шу тўғрида зор қилганимнинг маъноси: Мен у кишига катта бўлурман, отаси подшо бўлган билан у киши менга кичик бўлур. Каттанинг сўзи аччиқ бўлур, кичкинанинг тили жуда чучук бўлур. Шу ҳақда боринг дейман. Мен ўзим йўл ўнгараман, сиз боринг, – деб ёришинг қўлидан тортиб, Офтобнинг гулшан чорбоғига боратурган йўлни кўрсатиб: Сўзонгар гузаридан ўтасиз, ўнг қўлга бурилиб бирон таноб ўтсангиз, дарвозасига етасиз; агар қоровуллар дарвозада бўлса, мукаррар изингизга билдирмайин қайтасиз; тўшлик тарафида сув тешиги бор, шу тешикдан ҳам қулайлаб ўтасиз; ўртасида бордир гўзал супаси, хар тарафдан келади гулнинг иси, хушёр бўлинг Оқилнинг жуфтипоси; ярим оқшомгача ухламай турсангиз, башарти Офтобжонни кўрсангиз, икки соат мурод ҳосил айлашиб, дардинг урсин, тонг отмайин қайтасиз. Асло ухлагувчи бўлманг, – дели. “Эсон-омон қайтиб келсин”, – деб, изидан қараб колди.

Шунда Заргархон анча йўл юриб, бир бобонинг қўлидан тутиб, бободан Сўзонгар гузарини сўраб, бир сўз айтиб турибди:

Мени деманг ота безор,
Бир хилларнинг феъли озар.
Билсанг агар, бобо, кўрсат,
Қайда бўлур Сўзонгузар?

Кўп аламлар пайдо бўлур,
Нозли кизлар уйда бўлур,
Йигит кўрса, шайдо бўлур,
Сўзонгари қайда бўлур?





4000 Дилбар сочи майда бўлур,
Чўпон даштда, кўйда бўлур,
Неча фикр, ўйда бўлур,
Игна бозор қайда бўлур?

Даркордир қари, ёшга,
Ипак, мовутдан тикишга,
Танишим йўк бу элу хешга,
Ўрда бозор қайда бўлур?

Заргардир менинг отим,
Ҳам буюрди сиёсарим,
4010 Ортмасин харгиз кулфатим,
Сўзонгари қайда бўлур?

У бобоси игна бозорни кўрсатиб, бир сўз айтиб турибди:

Бери ёғи маяк бозор,
Ундан ўтсанг, товук бозор,
Нар ёғида Сўзонгузар,
Ҳар нима олсанг тайёр.


Берги каптони, ун бозор,
Тўзиб ётгани жун бозор,
Ўтиб борсанг Сўзонгузар,
Нима олсанг, унда бисёр.

4020 Бу тарафдан борсанг, сомон бозор,
Нари ёғи ҳолва бозор,
Шундан ўтсанг, Сўзонгузар,
Нима олсанг, бордир бисёр.

Чап йўлдан борсанг, калпоқ бозор,
Тубгинасида тўн бозор,
Ўнг қўлингдаги Сўзонгузар,
Йўқлаганинг топилади муқаррар.

Ўғрилиқ шаънингни бузар,
Ўғирлаб олмагин зинҳор,
4030 Кўп одам жағ-жағинг эзар,
Тўғри бора бер, хусндор!






Заргар бобонинг кўрсатган ери билан Сўзонгар гузарига ўтди. Бир дўкончининг дўконига қараса, мунчоқ сўзони-игна кўрди. “Сўзонгузари шу экан”, – деб анча йўл тортди, ўнг қўлга буриладиган кўчасига етди. Гулшан боғининг дарвозахонасига етиб қараса, милтиғу созлар илиниб, икки тарафда икки бадбурут кўриниб, қоровулларга кўзи тушиб, Окилнинг айтгани хаёлига етиб, изидан қайтди; Гулшан деворини ёқалаб, деворнинг тушлигига етди; сув ўтадиган тешигини топиб, четрокқа бориб, паналаб ётди. Кун ботиб, тунни коронғилатиб, у ёқ-бу ёғига қараб, “хеч кўрмасин”, – деб мўраб, секин-секин сув тешикнинг олдига борди. Ариққа ётиб, амал билан ўтди, Окилой айтган гўзал супасига етди; бирон соат у ёкка, бу ёкка юриб, исқандар гулининг тагига бориб: “Бир дамимни олай”, – деб ётди. Чаккасига қўлини тутиб, уйқусираб кетди, шу ерда уйқу аралаш: “Ухласам ҳам келса, уйғотиб олармикан?” – деб кўнглига ўтиб, уйқуси қаттиқ тутиб, ухлаб қолди. Заргар ухлай берсин, энди бир гапни Офтобойдан сўранг.

Канизларини: – Уйқум тутди, – деб ўз хужраларига жўнатди, неча бир макру хийла билан жой тўшаб ётди. Соатга қараса, ярим окшом бўларига ўн дақиқа қолти; усти-бошини чечиб, тоза кўйлақларини кийиб, бир йиллик хирождан бўлган рўмолини бошига желвагай ташлаб, чап кунжагини қайтариб, ўнг тарафидан оғзига тишлаб, аста-аста кадам ташлаб, машъал-чироғин чап қўлига ушлаб, боққа равона бўлди. Ўзи ўтадиган рўй дарчасига келиб, ташқаридан қулфини олиб, ичкари тарафидан солиб, боғининг етти супасини ҳам кўриб чиқди. “Келмаган экан-да, ошиқликни билмаган экан”, – деб кетмоқчи бўлиб: “Ариқ ёқасидаги гўзал супамни ҳам бир кўрай”, – деб гўзал супасига ўтди. Гулларни битталаб чироғи билан қараса, исқандар гулининг тагида кўрди Заргарни. Заргахонга қўлини узатиб, ўнг кифтидан ҳар қанча туртди: гўштлик бачча эди уйқуси қаттиқ; у ёқ, бу ёғига ўтиб, ишқидан юрагини тортиб, гўзал супасининг ўртасига етди; ҳар қанча ҳаракат қилди ҳам, уйғонмади. Тагин ярим нон, учта ошиқ, бир даста гулни қўйнига солди ва икки юзидан рўмолини ташлаб, икки бўсани олиб, ўз кўшкисига қайтиб кетди.

Вақти намозга етди, биллолар шовқин қип азонини айтди. Аларнинг шовқини билан Шералихон уйғонса, гўёки тонг отибдир. “Кишига хотиндан ҳам дўст бўлами?! Мендан кўнгли қолибди. “Қоровуллар ушласин, ё дорга тортсин, ё минордан ташласин”, деган экан-да чоғи”, – деб кифгини қисиб, гулларнинг тагидан писиб, тешиқдан чиқиб: “Ойдин бўлмасин”, – деб уйига қайтиб кетди. Окилой: “Ухлаб қолдимиз экан, кўрдимиз экан?” – деб турган вақтида ёри ҳам келиб етди. Шунда Окилой ёрига бир сўз айтиб тўхтабди:

Йўлини ўргатдим сарвинозингни,
Уйқулик қилдингми наргас кўзингни,



Зиёрат айласам босган изингни,
Кўрдингизми ваъда этган ёрингни?

Ошиқ бўлсанг, харгиз ғафлат қилмагин,
Ошиқлик йўлини осон билмагин,
Омон бўлинг, ёрим асло ўлмагин,
Ширин-шакар лабларидан сўрдингми?

4040 Ғафлат қилиб, ё хасратда келдингми?
Кўрган бўлсанг, чин айт, ўйнаб-кулдингми?
Чин ошиқнинг ошиқлигин билдингми?
Офтобойдай хусндорни кўрдингми?

Қарчиғай чиркирар баланд уяда,
Оти Офтоб, хусни ойдин зиёда,
Бундай тоза йўқдир ёкти дунёда,
Тозалигин юзига боқиб билдингми?


Окилойдир отим, гул юзли дилбар,
Куйган ошиқ қон йиғлайди зор-зор,
4050 Кўролмай келибсиз, ўзинг беқарор,
Тўғрисини менга гапир, кокилдор!

Заргархон:– Эрта билангача ўтирдим, келмади. Мени балодан-балога гирифтор қилмокчи экансан, кипригим кипригимга тегмай тонг отди, мен кўрмадим ундайин паризотди. Энди асло бормаيمان, – деб тумалок бўлиб ётди. Окилой: – У келгандир, сиз ухлагансиз, – деди. Заргар: – Тонг отганча ухлаганим йўқ, – деди.

– Ундай бўлса, бугун келмаса, эртага келар, – деди Окилой. Заргар: – Энди асло бормаيمان, – деб Офтобой ёдига ўтиб, бир ох торти. “Ухлаб қолганга ўхшайди. Бенишон кетмагандир”, – деб Окилойнинг кўнглидан ўтиб, кўрпани белбуғардан солиб: – Келган бўлсангиз уйқудан қолиб, бу кеча келмаса, бу кеча келар, – деб кўлидан ушлаб, кўрпага чиқариб: – Белингизни ечиб, кечгача хўп ухланг, – деди.

Заргар белини счди. Тағип ошиқлар, гул, нон тушди. – Офтоб келмаган бўлса, ким қилибди бу ишни? – деди Оқил. Заргар айтди: – Оббо, намоз вақтида бир фикр уйқуга кетиб эдим, башарти, ўшанда келган экан, кўйнимга, бу нишонани солган экан. Ё кечагиларми? Токчада турган кечаги уч нишонни кўрсатди Окилой. “Ҳақиқат келгани ростдир. Кўрмай қолибман, – деб кўнгли-дилига олиб, гоҳи ухлаб, гоҳи ухламай ёта берди.





Алқисса, Оқилой таомни тайёрлаб, едириб: – Тагин ухламанг-да! Офтобнинг юрагини ишк савдоси билан ёндирманг-да! деб ёрини қўймай, тагин жўнатди.

Заргархон пухта келган йўли билан сув тешигига етди. Одамларга кўринмай, паналаб, сув тешигидап ўтиб, гўзал супага етиб, икки соатгача у ёкка, бу ёкка йўртиб, атроф-теваракка кўз тутиб, уйкудан қолди. Қобоғи қотиб, тагин бир ерда тўмпайиб ухлаб қолди.

Офтобой ярим оқшом вақтида чироғини ёқиб, келди. Гулларни бурнига тутди, икки мартаба оёғини маҳкам-маҳкам босиб ўтди. Бу сира икки юзидан икки бўсани олиб, уч белгиши қўйнига солиб, ўз қўшиқига кетди.

Сояли, гўзал боғда булбуллар сайраб, тўтилар бурро-бурро гаширганидан “Одам келдими?” деб Заргар уйғониб қолди. Ўз аёлини қўнғлида душман ашглаб, ҳеч ким кўрмасин, – деб чиқиб кетди. “Кечаси уйкудан қолиб юриш фойдасиздир”, – деб кулбасига етди. Окилай ёри салом бериб: – Қандай бўлди, кўрлингизми? – деди. – Кеча намоз вақти келган бўлса ҳам, бу кеча ҳеч доримай кетди, – деди Заргар.

Алқисса, бутун ёта берсин. Оқилой намозгар ёрини уйғотиб, таом едириб: – Уч дебди, учдан кейин пуч дебди. Шу кеча ҳам боринг, – деди. Заргар: – Энди ўзинг бўласан, нозим. Мен бормаيمان. Қайтага икки кундан бери дўкон савдомдан қолиб кетдим, – деб боришликка рози бўлмади. Оқилой ёри айтдики: – Қўлингизни бу ёкка кўрсатинг қани? Тирноқ ўсиб, палакат босиб, шуйтиб ухлаб юрган бўлманг яна.

Заргархон ёрига тирноғини кўрсатди. Оқилой тирноғига қараб: – Ўсган экан, шуйтиб сизни палакат босган экан. Келинг, тирноғингизни олиб қўяй, шу кеча ажаб эмас ухламай, Офтобхонни кўрарсиз, – деди Оқилой. Тирноғини олиб, чап қўлига ўтган вақтида тўрт бармоғини ўтказиб, ўткир чопқисини босиб юборди, то калта бўғинигача чап қўлининг бармоғини кесиб юборди. Заргархон: – Душманлигинг шундан маълум, – деб қўлини ушлади. Оқилой: – Адашибман, шошибман, тўражон! Келинг, ҳеч воққаси йўқ, менинг ўзимда бунинг дориси бордир, – деди. Қалампир, тузни майдалаб, ўзга ранглаб қўйган эди, шуни кесилган срига тикиб, янги латта билан ўраб бойлаб: – Ўзим очмай, очманг; бу ярангиз ёмонга айланар! Бу кеча ҳам боринг, – деб қўймай жўнатди.

Заргар хуфтон чоғида бориб, сув тешикдан ўтди. Қалампир, тузнинг ачиқлигига қўлини гувиллатиб, қўлини ушлаб, гўзал супанинг устида у ёқдан-бу ёкка қадам ташлаб; қўлининг ачишганига чидай олмай: “Хотиннинг ҳам дўстлиги бўлармикан?” деб ярим оқшомгача уйқуси келмай тўхтаган чоғида Офтобой келиб, супанинг устида қадди бўйини кўриб, гулнинг панасидан юришига ҳўн томоша қилиб, юзига ниқобини ташлаб: – Ошиқлик қондаси шундай бўлармикан? – деб бир сўз айтиб, Заргархонни чакиргани:





О, хушурўй, бели химча,
Ҳеч ухламадим уч кеча,
Ўзим куйдим тонг отганча,
Бероққа кенг, жиги-жиги!

Икки ошик бир қўшилса,
Уларнинг армони қанча,
Таърифи кетган Заргар бачча,
Кенг бероққа, жиги-жиги!

4060 Сиз таърифли Заргар бачча,
Мен сизники-ку ўлганча,
Донғи кетган уста бачча,
Кенг бероққа, жиги-жиги!

Ҳозир бориб ётиш қилсак,
Кайфинг сургин тонг отганча,
Мен айланай Заргар бачча,
Берирок кенг, жиги-жиги!


Ошиғингман Офтобойим,
Қирқ газ баланд кўшки-жойим,
4070 Сизда бордир меҳри-ройим,
Кенг тезироқ, жиги-жиги!

Кетгандир, бир лаган зарим,
Сиз оламда менга порим,
Шу дунёда сиз-сиз ёрим,
Келинг, уста, жиги-жиги!

Сингандир тоши қимматинг,
Бўлмаса сепинг давлатинг,
Юрагимда ишки ўтинг,
Дарров келинг, жиги-жиги!

4080 Уч қун келибон боғима,
Қўлинг солгин чачоғима,
Босиб олай қучоғима,
Кенг тезироқ, жиги-жиги!





Бу гулзор Офтобнинг жойи,
Чин ошиқдир, йўк гупойи,
Келинг ҳам дилбарнинг бойи,
Кела қолинг, жиги-жиги!

Заргархон супанинг лабига келиб турди: – Тушинг – деди, – пастга!
Тушмади. Офтоб қўлини узатиб, бол лабини тишлаб, ўнг қўлидан ушлаб,
силтаб супанинг пастига тортиб олди. Шунда Шералихон: – Мусофирман
элингга, – деб ошиғига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Одам бисёр турур Боғдод юртингга,
Бир киши кўрса сенинг шу қаватингга,
4090 Қора суртилмасин ойча бетингга,
– Бу ким? – деб ўзингдан сўрса, қайтасан?

Қоровуллар тутиб, иккимиз ушлаб,
То борганча, борса қамчилаб, мушлаб,
Икковимиз малюматга, тангилиб,
Ясавулбошилар урса, қайтасан?


Маълум бўлса Боғдод элининг зўрига,
Мен мусофир боладирман шахрига,
Ҳеч ким чидай олмас подшо захрига,
Айролмассан, осиб қўйса дорига.

4100 Мусофирман, билгин энди сен, дилбар,
Сени деб мен бўлсам бу ишга дучор,
Ундоқ қилсанг, энди келмайман зинҳор,
Миноридип балки отса, қайтасан?

Шерали дер, қўлинг солмагин манга,
Иккимиз бир тушмайик гала душманга,
Бир қилиб тикмасин қора зиндонга,
Якка ошиқ пинҳон бўлса, қайтасан?

Офтобой: – Ўзидан фармонсиз бир иш бўларми, ҳар иш қилса, қилар
кодир Худойим, ўзидан бсамр киши ўларми?! Ошиқ эдим, янги тутдим
етишиб, ишққа юрган эдим ҳаддин ошиб, жамолингизга тўймай қўйсам
бўларми? – деб бир сўз айтиб турибди:





4110

Курбонман кадди бўйнингга,
Энди кўймайман уйингга.
Мабода-ку қўлга тушсак,
Мен ўлай сенинг жойингга.

Пухта билинг деганимни,
Йўлингга берай жопимни.
Сиз магар қўлга тушсангиз,
Аввал тўктирай конимни.

Ошиқдир бскарор бошим,
Ўн саккизга кирди ёшим.
Сизни бадкарда ушласа,
Аввал берай ўзим бошим.

4120

Юзимдан кетди уятим,
Омон қолсангиз давлатим.
Лабимдан сўр асал-қандим,
Ўлимдир менинг навбатим.

Офтобойдир менинг отим,
Сиз билан ўтсин, тўражон,
Энди менинг истикоматим,
Майли чикса, менинг жопим.

Шералихонни кўймади, кўшкисига караб тортганда, бармоғининг бойланганига кўзи тушди: – Буни ким қилди? Кулбангда бир хушёр кишинг бор экан. Мусофир деганингдан бу шаҳарда ота-энанг йўқдир. Бу қўлингнинг жароҳатидан биламан: Сенинг мендан ўзга ёринг бор экан, – деб бир сўз айтиб турибди:


184

4130

Сиз каторда лўкча билан нормиди,
Қилган ишинг номус билан ормиди?
Мен айланай, бегим, қора кўзингдан,
Мендан ўзга гулнисоринг бормиди?

Ошиқлар бир-бирига иштизормиди,
Дийдорин кўрсатган, балки, пирмиди?
Мен айланай сенинг қора кўзингдан,
Мендан бошқа суяр ёринг бормиди?





Ошиқларнинг иши оху зормиди,
Ошиқ бўлган ишққа гирифтормиди?
Бир ошиғинг қора кўздан парвона,
Тўғри айтинг, ўзга ёринг бормиди?

- 4140 Ёр деса тенгсалмас Офтобнинг тили,
Юрагимга тушган Заргарнинг ҳили,
Ўзингизсиз мендай гулнинг булбули,
Ўзингиз қандайм подшонинг ули?

Шу сўзни айтиб, қўймай қўшқисига қараб тортди. Шунда Заргархон ҳам бир сўз айтиб бораяпти:

Шукур айлай паноҳимга,
Бугун мен боғингга келдим.
Фалак ёниб бу оҳимга,
Бугун мен кўшқингга келдим.

- 4150 Ҳар дам чекиб охи дил сўз,
Ҳайрон бўп уч кеча-кундуз,
Бошим олиб келдим ёлғиз,
Бугун мен кўшқингга келдим.


Юрган оёқлар қабариб,
Ўзга шаҳарни ахтариб,
Кўрай, деб дилим қабариб,
Бугун мен кўшқингга келдим.

Бошимни урсам кўшқингга,
Нозим, қўймагин рашқингга,
Тоза куйганман ишқингга,
Бугун мен кўшқингга келдим.

- 4160 Ҳуснинг кўриб, парвонаман,
Васлингга гул-гул ёнаман,
Сен шамсан, мен парвонаман,
Бугун мен кўшқингга келдим.

Бўйинг кўрсам, қувнонаман,
Лабинг сўрганда, қонаман,
Ўзим заргар девонаман,
Бугун мен кўшқингга келдим.





Алкисса, кўлларида ушлашиб, ярим оқшом бўлганда, иккови кўшкига кирди. Офтобой манзил-маконларни, мунаққаш иморатларни кўрсатиб, турли таомлар олдиға тортиб, таомлардин тўйғазиб, тилла каравотнинг устиға кундал, кимхо кўрпаларни ташлаб, дахлизига ўтиб, уч йиллик хирождан бўлган кийимларини кийиб, рўмоли қимматларини ўраб, Заргархонга караб, бир сўз айтиб турибди:

Йигит мардум сиздай бўлиб уйлансин,
Мендай ойим ёр келганда шайлансин.
4170 Ўтинг, бегим сим каравот устиға,
Мендай ойим қоматингдан айлансин.

Ёмон кунда душман кўзи бойлансин,
Тўлғонганда сим каравот тебрансин.
Ётар бўлсанг, ана мазгил, сара жой,
Дол бўйинингдан мендай ойим айлансин.

Ўрдак учиб, ойдин кўллар лойлансин,
Ғаниминг ким бўлса, қўли бойлапсин.
Якка деманг, чиқинг кўрпа устиға,
Гул юзингдан бу гажакдор айлансин.


4180 Икки дарё бир кўшилса, сир бўлар,
Икки хушрўй билан ётса хур бўлар.
Ётар бўлсанг, тезироқ ёт, тўражон,
Қоматингдан мендай нозинг ўргилар.

Қадр билган алп йигитлар зўр бўлар,
Ҳар ким ахмоқ бўлса, гашти хўр бўлар.
Якка деманг, мен ҳам била ётайин,
Ўғил-кизнинг бир муроди шул бўлар.

Офтоб дерди, ҳеч тушмасам ёмона,
Э, етишдим кўнглимдаги полвона,
4190 Ишқингизда мен ҳам бўвдим девона,
Сўр лабимни, суринг, сиздан айланай.

Алкисса, икковлашиб ётди, килиб айшу ишратди, тоза килиб кайфиятди:
Илгарироқ келганингизда эди, эгаси бўлар эдингиз давлатди, бу ётиш-туришлик бир кайфиятди[r]. Ўзим хурдай, бу мазгилим жаннатди, тез кўзғолинг, бегим, энди тонг отди, – деди. Иккови тоза қилди таҳоратди,





ўз кўйлагига тортди бекзодди, бир ёкадан бош чиқаришиб, бир кўйлакка кириб ётди. Иккови ҳам талашиб-тортишиб шу кечаси билан уйқудан қолган эди, намоз вақти маст уйқуга кетди. Аммо булар ёта берсин, энди қоровуллардан сўранг бир гапди.

Боғдод шахрининг қирқ кўчасида қирқ қоровули бор эди. Қирқ қоровул айланиб, намоз вақтида кўшк гузаридан келди. Бу отли қоровулларнинг Чакмоқбек деган каттаси Офтобойга чунон ошиқ эди. Отасининг даврида ҳам мактабхоналарда кўрган эди. “Подшога иш кўрсатсам, башарги менга берарми?” – деб подшолик хизматида юрган эди. Янги подшога ҳам инсоф тилаб, буюрган ишига қайтмасдан борган эди. Чакмоқбек: “Офтобойни кўрарманми?” – деб от устида оёғини узангига тираб, қирқ газ баландликдаги кўшкки иморатига қаради. Қараса, зинанинг устидаги тиллакор эшикнинг бир тарафи очик кўринади. Иккам қирқ қоровул ўтиб кетди. Чакмоқбек, Солибек деган кишини тўхтатди. Солига отини ушлатиб: – Юрагимга совуқ шамол кирди, мен бир кўшкка қарай, – деб қиличини ялонғочлаб, аста-аста қадам ташлаб бориб, эшикнинг даркишидан ушлаб тўрға қаради, шивир ҳам чикмайди. “Ҳали бу маст уйқуда ётган экан”, – аста ичкарига қараса, бошига рўмолини ташлаб, бир-бирини зичлаб, маст, беихтиёр ухлаб ётганига кўзи тушди. Офтобойнинг ғўппайиб турган қорнини кўриб: “Бекор ошиқ бўлган эканман, бу аввалдан бировни топган экан, эрта-оқшом туғадиган дужон бўлибди. Бу қоровуллар қоровулман, деб юрган экан, мени пешонамдан худо урган экан”, – деб ҳаёлидан ўтказиб, настга тушиб: – Қирқ қоровулни олиб кел! – деб Солини от чоптириб юборди.

Соли қарнайини ўрға кўчага бориб тортди. Бўлинган қоровуллар от чоптириб: “Бир бандини топдимми экан?” – деб йиғилишди. – Чакмоқбек кўшкки тарафида қолди, ўсал бир гап борга ўхшайди, хайданглар? – деб Солибек ияртиб кетди. Қирқ қоровул борганча Чакмоқбек уч марта хабар олди. Қоровуллар келишиб: – Ҳа, нима гап бор? дейишди. – Подшонинг Офтобой қизи бузук йўлга кирган ўхшайди, ўзига муносиб билан ўйнаб-қулганга ўхшайди, бир неча вақтлардан бери улут гуноҳ қилганга ўхшайди, кўриб келдим, кизнинг ҳам қорни шунча катта бўладими, дужонга ўхшайди, – деб Чакмоқбек қоровул беқларининг тўртовини ияртиб, тагин борди. Қатор бўлишиб, бир-бирининг орқасидан қарашди. – Ана қаранглар, – деди Чакмоқбек.

Қоровулнинг бири айтди: – Боши иккитами?

Ундан кейингиси: – Оёғи тўрттами? – деди.

Ундан кейингиси айтди: – Э, Чакмоқ, боши иккита бўлгандан сўнгра оёғи тўртта бўлса, кўйнида битта бор-да!

Қоровуллар эшикни сипдириб, ичкарига кирдилар. Қарасалар, бир кўйлакка кириб, бир ёкадан бош чиқариб, бир шерози билан ётибди.



Анордай пишиб, дона-дона терлашиб, иккиси ҳам бепарво ухлаб ётибди. Тўрт қоровул икковиши тилла чорпоянинг устидан олиб, ўроқи кигизнинг устига қўйиб, маҳкам қилиб ўраб, бойлаб олди.

Буларни бойлаб, ўз кўшкисига тайлаб: “Офтобни ўйнаши билан тутдик”, – деб от чопишиб кетди. Зиндонбар бекларнинг қошига бориб, маълум қилди: Сахар чоғида кўшкining тагидан ўтдик. Юрагимда бир совуқ шамол пайдо бўлди. Бориб, баландга чиқиб, деразасидан аста қарасам, Офтобой дужон кўринди. Пастга тушиб, қарнай орқали қоровулларни чалладим. “Дуриғи шар бўлмасин”, деб тўртовини ияртиб олиб бориб, ўйнашини рўй-рост кўрсатдим.

Зиндонбар беклар: – Бу иштиболи бўлмасин, ҳақиқат билдингизларми? Ҳозир Офтобой бу подшога ҳам қиз ўқиган. Шошқилаб бир хизматкор қапизи билан бойлаб, ўзларингни ўзларинг гуноҳкор қилманглар, – деганда, Солибек: – Тақсирлар, Чакмоқбекнинг гапи рост. Кўрганига бу иккови ҳам исбот, икки киши шохид бўлса, бир кишини ўлдирмоқликни шариатимиз буюрар, – деб зиндонбар бекларга қараб, бир сўз айтаяпти:


Сиёсатга душманларни кўрқитдик,
Тўртовимиз бирдан бориб кўз тутдик,
Урмадик, сўкмадик, бойлаб берқитдик,
Ҳақиқатдир Чакмоқбекнинг ишлари.

Ёлғон гапни сизга келиб айтами?
Ёлғон гаплар рост ўрнига ўтами?
Ҳеч қанис билан Офтобойни тутами?
Ҳақиқатдир Чакмоқбекнинг ишлари.

4200 Бир ул, бир қиз бир қўйлақда ётади,
Шу ётишда бадқардалиқ этмайин,
Ҳеч бир хотиржам у туриб кетади,
Улуғ гуноҳ Офтобойнинг ишлари.

Ул бачча эмасдир бизнинг шаҳардан,
Қаззоб баччадирки, қочқандир дордан,
Бу ишлар бўлгандир Офтобой ғардан,
Ёмон турур Офтобойнинг ишлари.

4210 Хўп бир хушеуратди олиб экап тўшига,
Қирқ қаниздан биттаси йўқ қошига,
Пичоқ қўйинг икковининг бошига,
Офтобойнинг фиску фасод ишлари.



Ўзидан хушрўй, яхши баччади[r],
Тоза кўрдик шу хушсураг ғўччо[к]ди,
Қизлар келса, билмай бандин чечади,
Зиндон ичида чириб кетсин лошлари.

Соли айтар, бўлсин кизга насиҳат,
Хуфия ўлдиришг энди, бекларим,
Эшитмасин энди Боғдоддай шаҳрим,
Ўзга билан рафти омад ишлари.


Алқисса, беклар бу ишни ҳақиқат англаб, аравакаш, тўртта қоровулини буюра берсин, аммо энди Офтобойнинг Зирак деган бир чўриси бор эди. “Турган бўлса Офтобойим, хизматига турайин дойим”, – деб кўшкига келди. Атрофга қараса, эшиклар синган, тилла қаравотнинг устига боп кўриалар тўшалган ва уйнинг ўртасида ўроки кигизлар ўралган. Чўри киз шу кигизга келиб кўтини кўйди. “Бувимга пима бўлди экан?” – деб хаёлидан ўтказди.

Офтобой душман кўлига тушганини энди билди: “Ғапирай қани, ким экан. Дўстми бу ё душманми?” – деб кўнглига олиб: – Кимсан? – деди. Аммо Зирак айтди: – Э, бувижон, на бўлди сизга? – На бўлганимни билмасман, сен биларсан-да далада туриб, – деди Офтоб. Зирак айтди: – Мен билмасам, ўроки кигизга ўралиб, неча ердан чатишиб бойланибсиз. – Э, Зиракжон, ундай бўлса, берган нону намангимни ўйла, учта тошни яшириб бориб, Заргарнинг уйини топиб, томининг устига тайла; бировини ховлиснинг ўртасига ташла, бирови билан эшигини ургин қулочлаб; бир кишига қарамай, келиб ўз жойингда хотиржам ётгин. Омон-эсон қолсам, ота-энанг мамлакатига узатиб, балки сени озод қиларман, – деди. Чўрининг уч тошни ташқарига олиб чиқиши билан тўрт қоровул кўшкнинг тагига келди. Қоровуллар: “Шерали, Офтобойнинг иккиси ҳам шунда”, – деб кигизи билан аравага кўйди. Аравани ҳайдаб, келтириб, зиндондбар бекларига топшириб, бир сўз айтаяпти:

4220 Ўлмасин яхшилар, харғиз ўлмасин,
Ким яхшидир, ҳеч ёмонлик кўрмасин.
Икковини тайланг таги зиндонга,
Иккови ҳам ўлсин, ҳеч ким билмасин.

Элу хеши бўлса, бўзлаб йиғласин,
Ҳар ким тоза бўлса, асло сўлмасин.
Қоровуллар, подшоликка билдиринг;
Хонимиз ҳам ҳақиқатни аниғласин.





4230

Кизу жувон билса агар бу ишши,
Таълим олсин, ғайри билан кулмасин.
Ҳар бир ҳалол билан ўйнасин, кулсин,
Ёмонлик қилганлар шулардай ўлсин.

Чакмокбек дер, тутмок менинг вазифам,
Танамда қолди-ку бу чеккан хафам,
Хоҳи синглим бўлсин, хоҳ бўлсин опам,
Ундайчи гуноҳқор ўйнаб-кулмасин.

Зиндонбар бек бандибонларни чакириб: – Бу икки бадқардани
тақдаги зиндонга ташлангизлар, – деб амр қилди. Аравада олиб бориб,
иккисини тақдаги зиндонга зиндонбар беклар ташлади. Тақдаги зиндонга
ташлангандан сўнг Шералининг уйқуси қочди. Қараса, Офтобой ёри
ишраб, шилқиллаб йиғламоқдан ўзгани билмайди. Шералихон: “Тонг
отибди-да чоғи. Менга ўзини кўп олдирган экан. Келмайди”, – деб
йиғлаётгандир. Бунга бир дилдорлик бермасам, хафа бўлиб йиғлаётганга
ўхшайди”, – деб кўнглидан ўтиб, бир сўз айтиб турибди:

Чин ошиқсан, ошиқлигинг биламан,
Ўлгунимча, билгин, ўйнаб-куламан.
Бугунча қўй бергин, гул юзли дилбар,
Бугун оқшом вақтлироқ келаман.

4240

Мени қисиб, нозим, бунча йиғлама,
Бўйларинг муносиб қадди танама,
Мен саломат, ҳеч йиғласанг бўлама,
Гул юзли, йиғлама, тайин келаман.

Йиғлама, йиғлама, гули нисорим,
Сен йиғлаб қилмагин кўнглимни ярим,
Мен учуп йиғлама, ухла дилбарим,
Келари вақтимни ўзим биламан.

4250

Бунча ҳам йиғлайсан бағринга босиб,
Думокка уннайди мушкилар сасиб,
Иккимиз ҳам бир-биримизга муносиб,
Йиғлама, дилбарим, тайин келаман.

Ўзим ўқиб юрган пухта мулламан,
Чин ваъдани сенинг билан қиламан.

Менинг учун бунчалар сен ох урма,
Намозишомдан тиллакорга кираман.

Ораликда бордир неча саройи,
Ўзинг Боғдод элнинг бир тўлин ойи,
Бу ишни билмасин беклар, сипойи,
Йиғлама, дилбарим, тайин келаман.

4260 Ўзим Заргар, нима бўлди дўконим,
Йўлингда тўкилсин жўйборим, қоним,
Оламда сен эдинг асли армоним,
Йиғлама, жононим, тайин келаман.

Офтобой бундан батарроқ йиғлаб: – Мен сизни қўймай йиғлаб
ўтирибманми? Ҳозирги ходисаларни билганингиз эмасми? Сиз
мусофирнинг йигит жонингизга йиғлайман, – деб бир сўз айтиб турибди:


Нозингга тушгандир доғи, армони,
Бизларни тутгандир Боғдод душмани,
Жасадда жон танимизнинг меҳмони,
Бу тикилиб келганига йиғлайман.

4270 Мусофирлик элларида банди бўп,
Ажал паймонангиз бу куни тўлиб,
Дийдоримга тўймай бандилар бўлиб,
Менинг учун ўлганингга йиғлайман.

Сиз эдингиз менинг суйиб тейганим,
Сиздан ҳам илгари оксин-да қоним,
Сиздан бир тасаддук жасадда жоним,
Бу зиндонга тушганимга йиғлайман.

Тириклик юргани боғ ила бўстон,
Сиз ҳам айридингиз ёр билан дўстдан,
Охир чокда зиндон бўлди гўристон,
Икковимиз тушганига йиғлайман.

4280 Тебранар инграиб бу кун жасадим,
Ҳеч кимга етишмас доду фарёдим,
Зиндон ичра қолар бўлди жасадим,
Мен бесоҳиб қолганимга йиғлайман.



Беш кун дунё мен ўйнашиб-кулмадим,
Во, ҳасрати, ўларимни билмадим,
Зиндон тушдим, бугун ҳаққон англадим,
Химчаликда синганимга йиғлайман.

Офтоб айтар, кўндим тақдир бориға,
Осилар бўлдиқ подшоҳимнинг дориға,
4290 Сиз банди бўлиб Боғдод шаҳриға,
Ғариб мазор бўлганимга йиғлайман.

Алкисса, Шералихон ҳам банди, асир бўлганини англаб, эна билан
оғаси ёдига тушиб ва дўсту ёронлари кўнглига ўтиб, кўнгли бузилиб,
мусофирчилик ўтиб, гўё кўзининг ёши кетиб, фалақдан шикоят келтириб,
бир сўз айтиб турибди:

Банди бўпман, зиндон ичра гирифтор,
Энди бўлар бўлдим ҳубдир хору зор,
Кишим йўк олсалар ҳолимдан хабар,
Менинг-чун йиғлама, гул юзли ночор.


Қариндошдан якка эмиқдоним бор,
Ундан ҳам қолибман киёмат дийдор,
Азал тақдиримда шундай гаплар бор,
Мусофир эларда бўлдим ғарибмазор.

4300 Булғор элда Мастурадай энам бор,
Агар ўлсам, энам қолар беҳабар,
Ҳасрат билан ўлаяпман – кокилдор,
Ғойибона рози бўлгин, сиёсар.

Ўн саккизда куйди менинг думоғим,
Хазон бўлди гули билан чорбоғим,
Оқилжонда қолди – ҳасратли доғим,
Бунча йиғламагин ўзинг зору зор.

Бошимизга ҳам мензалса тилла дор,
Иккимизни этиб сўйса золимлар,
4310 Сўяди, қўймайди тирик муқаррар,
Қирмиз қонга бўялади кокилдор.





Менинг отим асли эди Шерали,
Йўқолган оғамнинг оти Эрали,
Билмади, на бўлди укасин холи,
Етти йил бўлди, бир келмади ёнима.

Акаларини ёд етиб, ғамгинликда ёта берсин, энди бир сўзни чўри Зиракдан сўранг. Энаси билан Оқилой сўзлашиб: -- Куёвингизга бир савдо бўлди, -- деб тўхтаган чоғида Зирак сўроклаб, Заргарнинг ховлисини топиб, қош қорайган чоғида томнинг устига бир тош тайлади. Том тўпиллаганидан Оқилой: -- Эй, энажон, куёвингиз банди бўлди-ку, -- деди. Бир тош ховлисининг ўртасига тушди. -- Э, эна, куёвингиз қоровулларнинг кўлига тушиб, зиндонбар бекларнинг кўлига банди бўлиб кетди-ку, -- деди. Ярим соатдан сўнг Зирак эшигини тош билан урди. -- Энажон, куёвингиз такдаги зиндонга тушди, -- деди.

-- Яхши яхшини ёр қилар, ёмон кўлига тушса хор қилар. Э, эна, ёримни қутқариб келай, агар ёрим ўлар бўлса, мен ҳам ўлмоғим қулай; тура кенг, тўққизта қатлама, тўққизта патир қилай, ёримнинг изидан бораёй, мусофир ёримни зиндондан ё чиқариб олай, чиқармокнинг йўлини билмасам, ҳасратида юргунча, ўлмоғим қулай. -- деб энаси иккови абжиллик билан тўққиз патир, тўққиз қатлама қилдилар. Паранжи-чашванд қилиб: -- Менинг бу кетишимни ўзингиздан ўзга билмасин. Ҳеч кимга айткичи бўлманг, -- деб пагир, қатламани кўтариб, икки хуфтон вақтида шаҳарнинг гузар, кўчаларини оралаб зиндонбар бекларнинг туриш жойига борди. Учта қатлама, уч патирни зиндонбон бекларнинг каттаконига узатди. Сўнгра каттаконлар патирни еб: -- Тўйлан қайтдингми, ё бизларни истаб келдингми? -- деб бир сўз айтиб тургани:

Баҳорда таралган тоза гул бўлсин,
Билолмайман борар еринг, нигорим,
Бориш еринг бизга баён айлагин,
Ҳозирча сенга, сингилим, йўл бўлсин?

4320 Қатлама бериб, сен бу ерда турибсан,
Ё бўлмаса, ёмон савдо кўрибсан,
Ё хурсандлик бир савдони билибсан,
Тўғри гапир, синглим, сенга йўл бўлсин?

На савдо бор, кечаликда юрибсан,
Ё бировдан сен бидахат кўрибсан,
Ё бировни бадкарда кип келибсан,
Йўл бўлсин сенга, нигорим, йўл бўлсин?





4330

Белим боғлаб, мен салламни ўрайман,
Ёмонлик қилган кишини сўрайман,
Сен айтмасанг, гуноҳкорни билмайман,
Йўл бўлсин, деб шу сабабдан сўрайман.

Қайси гузардадир сенинг душманинг,
Маънисини надир бу ерга келганинг,
Сипоҳи беклардир, бил, қўриқбонинг,
Душманингни хабар бергин, сўрайман.

Окилой айтди: – Менинг душманам йўқдир. Бир акам йитиб кетганига етти йил бўлди. Энам икковимиз бўсағаларга бош уриб, йиғлаб: “Омон-эсон келса, саломатликда шу йитик акамиз билан кўзга-кўз учрашсак, зиндонда ётган бандиларга берсак”, – деб тўққиз патир, тўққиз қатлама садака айтиб қўйган эдик. Шу етти йилдан бери бедарак кетган акам шу бугун кириб келиб қолди. Ўпишиб, қўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин энам: «Қизим, айтиб қўйган садақани ёдинда борми? Садака айтгандан сўнг кишига қарз бўлади, айтгани келгандан кейин бермоғи суннат-фарз бўлади», – деди. Энам билан икковимиз – бировимиз тўққизта патир, бировимиз тўққиз қатлама қилдик. “Эна, кеч чоғида сиз судралиб юрасизми?” – деб шу садақани олиб келдим, тақсир. Агар ижозат берсангиз, мен зиндонга кирсам, сочи, тирноғи, мўйлови ўсиб ётган бандиларга стишича парча-парча қилиб шу садақани берсам.

Зиндонбар беклар: – У бандихоналарда, у зиндонларда бадкарда, ўғри-дузилар ва хушу ноҳақ қилувчилар бордир. Бандибонга беринг, улар киргизиб берар, дедилар. – Хайр қилган киши ўзганинг қўли билан қиларми? – деди ойимча. Маъкул сўзга зиндонбон беклар қорув тополмай: “Кўзи қизарган бандилар тармашса, шунга тармашар”, – деб киргизиб юборишга рухсат бердилар.

Бир бошдан бандихонага кириб: – Кимга тегди, ким қолди? – деб айланиб, бандиларга бериб-бериб, охири ёри тушган зиндонга бориб қолди. Окилой уларнинг инграб, мингғишиб йиғлашидан банди бўлган ёри шу эканлигини англаб, бойланган ипларини ечиб, баъзи срларини чопқиси билан кесиб, кигизни очиб қараса, йиғлашиб, терлашиб, иккови бир қўйлақда ётибди. Окилой ўз усти-бошини чечиб, Офтобойни бир тепиб: – Тура кел, гўзал ёримни хор қилдинг, чиккин бу қўйлақнинг ичидан, менинг қўйлақларимни кийгин, – деб ўз либосини кийдириб, ёрининг қўйлагига кириб, кучоклаб, – Офтобой ипларни туғиб, кигизга ўраб, эру хотин икковини бойлаб қўйди. Окилой айтди: – Офтобойга: – Иккимизни ўраб, бойла, – деди. Чачвоқни бетингга қўй, паранжини бошингга ол. Хо, у дастурхон, товоқни олиб, чиқиб кетабер.





Офтобой: “Илоё, мен гўзал кучокламай кетай. Энди менинг гуноҳим оз бўлди, хотинининг келгани соз бўлди”, – деб зиндондан чиқиб кетди. Бандибон қаровуллар “садакачи аёл”, – деб қараб қола бердилар. Ярим окшомдан ўтароқ Офтобой тиллакор кўшкисига бориб, ҳеч кишини кўрмагандай, бир киши билан ўтириб турмагандай бўлиб, бетига лола суртиб, лабини чин кизил этиб, Заргар ёдига тушганда “Во, ўлай”, деб ичини тортиб, кўз ёшини панада артиб: “Эру хотин икковига жабр бўлди”, -- деб юра берсин.

Тонг сахар чоғида зиндонбон беклар: “Элнинг эгасига бир дастхат қилиб, маълум қилайлик, ҳукмдор султонимиздадир ихтиёр; жаллодга буюриб дорига тортарми, ё миноралан чиқариб отарми?” – деб бўлган воқеаларни билдириб, бир хизматкорнинг қўлига дастхатни бериб, от миңдириб подшога юборди. Подшонинг давлатхонасига етиб, ясовулларнинг қўлига берди. Ясовулбоши бир салом, ўн тўққиз таъзим билан подшонинг қўлига этиб берди. Подшо у хатни очиб ўқиб кўрди. Ўқиб кўрса, Офтобнинг улуғ гуноҳини билдирибди. Подшо пешонасига қўлини тутиб, ўзи гуноҳкор бўлган вақтлари ёдига ўтиб: “Бо бизлардай тухматга гирифтор бўлган бўлмасин. Бандиларни олиб келиб, гап сўраб, ҳақиқат қилиб, қирк қоровулни ҳам чақириб, тайин қилиб ҳукмқушга буюрмоғимиз керакдир”, – деб тўрт дарғазаб бекини чақириб: – Бандиларни зиндондан олиб келинглار, – деб бир сўз айтиб турибди:


Ясовуллар, туринг зиндон боринглар,
Офтоб банди бўпти, билинглар,
Ўйнаши билан қўл-оёғин қулинглар,
Назаримга ани олиб келинглар.

4340 Бир келтиринг, ноҳак, ҳақин сўрайин,
 Ҳамроҳининг кимлигини билайин,
 Агарки ҳақ бўлса, дорга илайин,
 Ясовуллар, берга олиб келинглар.

Мен ҳам тухмат кўрган эдим шаҳримга,
Аждарҳоман, ким чидайди заҳримга.
Чин гуноҳкор бўлган бўлса Офтобой,
Бошин кесиб осай тилла доримга.

Икковини олиб кенглар илгимга,
Гуноҳкорни буюрайин ўлимга.
4350 Тухмат бўлса, буюрмаймиз ўлимга,
 Икковини олиб кенглар қўлимга,





Сизлар хизматкорсиз соғу сўлимга,
Бандиларни олиб келинг олдимга.
Гуноҳ қилса асло раҳмим келмайди,
Агар бўлса, қизим билан ўғлимга.

Эрали дер, поҳак гуноҳ бўлмасин,
Тухмат бўлиб ҳам Офтобой ўлмасин,
На савдо борини хонинг англасин,
Гуноҳкорни олиб кенглар қошимга.


Ясовуллар қиличларини тақиб, милтиқларини қифтига осиб, энқайишиб-тўнқайишиб отланиб, кўчаларда чоғиб кетди, зиндонбон бекларнинг олдига етиб: – Кеча окшом тушган бандиларни хоннинг назарига олиб кетамиз, уларни бизларга чиқариб беринглар, -- деб подшонинг буйрук-хатини бердилар. Зиндонбар беклар у хатни табаррук қилиб, кўзига суртиб, ташқари қоғозини йиртиб, ўқиб кўрсалар, “зиндонга ташланган, ўроқи қизга ўралган динсизлар қандай бойланган бўлса, шундай юборинг”, -- деб амр берибди. Зиндонбар бек бандибонларга: – Иккови бойланган бандини олиб чиқинглар, навода ил-пили ечилмасин, -- деди. Бандибонлар: – “Эсиз, навжувон қиз нобуд бўлди, улуг подшомиздан қолган эли”, -- деб ўралган икки бандини такдаги зиндондан кўтара бердилар.

Шунда Заргархон айтди: – Бир қилиқларинг бўлса, қилдинглар. Тинч кўясизларми йўқми?! Бандибон иккови қуйиниб, бир сўз айтиб, бандиларни олиб чиқаётганидир:

4360 Бугун кўнгиш манглайингнинг шўрига,
Бўйин бўлгин Боғдод элининг зўрига,
Ўлиб кетсанг ҳамманг саткай сарига,
Чиқиб осиларсан хоннинг дорига.

Таёқ йўл кўрсатар аммо қорига,
Ул ҳам кўнган қисматида бориға,
Осонми қирмоқлик нознинг бағриға,
Бугун осиларсан шохнинг дорига.

Шаҳид бўлган бўялади қонига,
Чақирганмиш шохим сени ёниға.
4370 Пухта билгин, шу бугунги ўлдирар,
Ё отади чиқариб минорига.



Отим Ҳайит, банди дўкни урмагин,
Зипдоннинг бохабар посбонига.
Қоровулнинг асло раҳми келмайди,
Сендай каззобларнинг жасад-жонига.

– Шингкиллама, – деб бир-икки тегиб, хоннинг ясовулларига чиқариб топширди. Аравага солиб, тўртови тўрт ёғини олиб, подшоликка олиб кетди. Подшонинг назарига этиб, бандиларни кўрсатди. – Кечаги тушган бандилар шуларми? деди подшо. – Ўз хатингизга жавобан, зидонбон беклар шуларни бериб юборди, деди.

Подшо қирқ қоровулни чақиртириб: – Шуми Офтобни ўраган кигизларингиз? – деганда, Чакмоқбек хонга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Саҳар вақти ёниб турган чироғи,
Яқин бўлди бу кун сизга йироғи.
Бир мусофир кўйида бор, жон таксир,
Икковин чиқариб сўйингиз бирга,
4380 Ўйнашининг эли йўқдир дарағи,
Агар ўлса, ҳеч ким қилмас сўроғи.


Икковининг бирга кесинг бошини,
Уч кун осиб кўйсак дорга лошини.
Эл қизига бир насиҳат иш бўлсин,
Эшитган аёллар қилмас бу ишни.
Биёбонга жасадини тайлайлик,
Қарға-қузғун еб кетсинлар гўш[т]ини.

Кўшқиди бойладик икки ёшини,
Кўрдим кўйида қалам қошини.
4390 Чакмоқбек дер мен биламан, таксирим,
Кесмоқ керак балқарданинг бошини.

Баданига ўнг қўлини тийгизи,
Пухта шулдир биз ўраган кийгизи.
Гуноҳкор худди шу иккови ўзи,
Бепоем кетмасми Чакмоқнинг сўзи.

Алқисса, икки бекнинг қўлига икки илон тезгир қилични ялонғочлатиб, дастасидан ушлатиб, қўл қулоқлатиб, бандиларнинг икки томонига қоровул қўйди. Подшо айтди: – Ўроқи кийгизни чечинглар. Улар ҳам армонда кетмасин, бир гап сўрайлик. Агар Офтобой бўлса, илон тезгир қилич





билан чопасизлар, чунки Офтобой мени ота дегандир. Подшоларнинг кизи ҳам шу ишни қилар экан, деб эл кулмасин, қоровуллардан ўзга билмасин, шаҳаринг номи паст бўлар. Аёлу эркаки дорга осмок кийиндир, қирк шохид исботи тайиндир. Ҳақиқат бўлса, шу ерда ўлмоғи лозимдир.

Чакмоқбек шошилиб ўзи келиб очди. Подшонинг кўзи тушди: Офтобга ҳеч ўхшамади. Тоза қараса, Офтоб эмас, бошқа кўринди. Подшо: “Мен кўлимни юқоридан пастга силтасам, чопиб ташлайсизлар. Агар кўлимни икки тарафга кимирлатсам, чопмайсизлар”, – деган эди. Жаллодларнинг икки кўзи подшонинг кўлида эди, подшо кесманглар ишоратини берди.

Подшо бандиларга қараб, қилган гуноҳини сўраб: – На сабадан банди бўлдингизлар? – деб бир сўз айтиб турибди:

Ишонаман кувватима, зўрима,
Шарманда бўпсизлар Боғдод шаҳрима,
Икковинг гирифтор аччиқ қаҳрима,
На сабадан улуғ гуноҳ қилдинглар?

4400 Икковинг ҳам гулдай, тар олган гунча,
Яширинча буйтиб ўйнаб-кулгунча,
Сабр этмадингми биров олгунча,
Сабаб надир, бундай гуноҳ қилдинглар?

На сабадан овлок топиб қулдинглар,
Ҳасрат билан икки жувон ўлдинглар.
Подшолик ишини ҳазил билдингми,
Сабаб надир, бу гуноҳни қилдинглар?

4410 Мен турурман Боғдод элнинг подшося,
Дилимдан чиқмайди тухмат савдоси,
Бошларингда ҳозир мушкул ғавғоси,
Сабаб надир, бу гуноҳни қилдинглар?

Оғасининг довушлари мойдай Заргархонга ёқиб, подшонинг давлатига боқиб, қараса, мурасса тожини бошига тақиб, арз сўраб ўтирган подшо оғасига ўхшаб кўринди. Шералихоннинг кўз ёши қатор-қатор кетиб, ётган ерида кўз ёшини артиб, Окилой ёрини туртиб: -- Ёрим, мен шу подшога бир арз қилсам-чи? – деди. Окилой: – Қўйинг, гапни сиз ўхшата олмайсиз, ўзим шохимга бир арз қилай, – деб тура кеп подшога қараб, бир сўз айтиб турибди:



Гуноҳли, бегуноҳли хоним билами,
Ҳеч гуноҳи йўқ киши ҳам ўлами?
Эру хотин – иккимизни бойлабон,
Даврингизда шундай қилса бўлами?

Қирқ қоровул ошиқ бўпти ёрима,
Ночордирман, кулок солинг зорима.
Уларнинг олдига ёрим қуймадим,
Даврингизда шундай қилса бўлами?

4420 Мен асил фарзандиман Боғдодди,
Қўна подшо сўраб турганда юртди,
Бўри, қўйга қилди бир ердан сувлатди,
Даврингизда шундай қунлар бўлами?

Қачондан бўрини қўйга қаратди,
Бузасизми, хоним, сиз мамлакатди?
Қирқ қоровул зиёдагарчилик қилиб,
Эру хотин – иккимизни беркитди.


4430 Арз қилмоққа келар эдим мен сизга,
Бир вақтида кўзим очиб қарасам,
Ушлаб олиб, қўл-оёғим беркитди,
Даврингизда, хоним, шу иш юрами?

Ялонғоч ёримни олдимга этди,
Менинг қўйлагимга солиб ёримни,
Иккимизни бойлаштириб беркитди,
Шариатга шу иш тўғри келами?

Отим Оқил, ўзим Заргарнинг кизи,
Бу ишга бошликчи Чакмокнинг ўзи,
Гуноҳкор десангиз, мана бу наълат,
Бу қандай подшолик, қандай шариат?

Подшо: – Кани, бу ерда Офтоб? Хабардор бўлингизлар, – деб ўз
олдидаги хизматкор бекларига қараб, бир сўз айтиб турибди:

4440 Ўзлари қилибди ушбу гунони,
Юрмас бу ерларда улар ёлғони.



Теварагин, беклар, олиб туриглар,
Қочмасин подшонинг шунақ душмани.

Булар тўғри, ажал шароб ичмасин,
Тўғрига шох кафан тўнин бичмасин.
Бизнинг беклар хўп эҳтиёж бўлинглар,
Қоровуллар биронтаси қочмасин.

Қоровуллар туман килди юзимди,
Булар қилган хар ким билан базмди.
4450 Қирқ қоровулларга ўлим лозимди[р],
Хабардор бўлинглар, булар қочмасин.

Ишониб эдик қоровуллар ўзига,
Қўчаларни бўш ташлашиб булар ҳам,
Босқинчилик қилган элнинг кизига,
Хабардор бўнг, қоровуллар қочмасин.

Босиб кирган Окилойнинг уйига,
Бойлаб келтирганди зиндон жойига.
Подшо турган вақт тахти пойига,
Қўймангизлар қоровулни ройига.


Подшонинг беклари қирқ қоровулнинг теварагини қуршаб, милтиқ-
апжомини олиб, хабардорчилик қилиб, давлатхонанинг тагида тўхтатиб
турди.

Подшо Окилойнинг ўзининг ва отасининг отини хатга ёзиб олиб: --
Ёрингизнинг оти ва отасининг оти ким турур? -- деб Окилойдан сўради. --
Э, хоним, ўзим хоҳлаган эдим. Сиз кимчи, мен кимчи, деб халигача отини
сўраганим йўқ эди, -- деб Окилой бир сўз айтиб турибди:

4460 Ҳол тушгандир манов Боғдод элига,
Қизу жувон сув соломас қўлига.
Билмам ота-энасин мен, тақсиржон,
Овозаси кетган Боғдод элига.

Парча понни ҳеч бермаган қўлига,
Бир нон талаб келган отам илгига.
Подачи, чўпоннинг, билмам, ўғлига,
Ҳарчи ҳол тушгандир Боғдод элига.





Мусофирман, деб отамга йиғлаган,
Асл одам яхшиликни ўйлаган.
4470 Кўтариб-миндириб борди бўйнига,
Отam қойил бўлиб чуччи тилига.

Ул қилмоқчи бўлгап отам ўзига,
Мен қарадим бу акамни кўрай, деб,
Қоронғи уй мунавварди юзига,
Шуйтиб лойик бўлди заргар кизига.

Отим Окилойдир, касбимиз заргар,
Ўз ёриман юрган бўлами гуноҳкор.
Раҳм айланг мўмин киши ўғлига,
Боскинчи коровулни сўймоқлик даркор.

Шу вақт Заргархон, Окилой ёрига: – Мен ҳам шу киши билан бир сўзлашсам, қандай бўлар? – деди. Окилой: – Майли, мен ишни беркитдим Ошиқмай, дона-дона сўзланг, – деб ижозат берди. Заргархон бўйнини гоҳ чиқариб, гоҳ паст килиб, кўрпани бўйнига олиб, ёрига паналаниб, подшога арз килиб, бир сўз айтиб турибди:

4480 Куйган кулга кенг шаҳарлар тормиди?
Алашганлар бир-бирига зормиди?
Оға, деб изингдап ҳам йиғлаб қолган,
Э, таксир, бир укангиз бормиди?

Менинг акам бир чирпинган нормиди?
Айрилгани бери кўзинг хормиди?
Мен айланай мурассали тожингдан,
Улуғ тоғда қолган ининг бормиди?

Неча вақтлар банди бўлиб йиғлашиб,
Неча қорли баланд тоғлардан ошиб.
4490 Шу дунёда эмикдошинг бормиди,
Улуғ тоғда сиздан [қолган] адашиб?

Ундан илғари сиз билан у бирмиди,
Иккимизни айирган улуғ пирмиди?
Мен айланай сенинг қизил юзингдан,
Уканг бормиди йиғлаб қолган изингдан?





Менинг оғам подполикка боппиди,
Даврингизда мени зиндон соппиди?
Эмикдош акамга ўхшар юзларинг,
Ҳеч изингда укамг йиғлаб коппиди?

4500 Овозам Заргардир, Шерали отим,
Эшитинг додимни, меҳри қанотим,
Энди келди сизни кўриб қувватим,
Эрали бўлса-ку, тақсирим, отинг.

Бир эмчакдан икковимиз эмишган,
Йиғлаб қолди оқ сут берган меҳрибон.
Мен Шерали, келдим, йитган жойимдан,
Аввал-охир акамдирсиз, соябон.

Тоза турки жамолига қараса, укаси Шералихон турур. Тахтидан ўзини
укасининг устига тайлаб, кўрмаси билан яланғоч укасини бағрига жойлаб,
халойик, бекларига қараб: - Давлатим, қувватим келди, - деб бир сўз
айтиб турибди:


Кўринмасдир кўзимга тахту байдоғим,
Етти йил эди куйган думоғим.
4510 Энди тар очилди боғу чорбоғим,
Қайтадан ёнгандир ўчган чироғим.

Қоронғи эди ҳам менинг кундузим,
Етти йилдан бери беқарор ўзим.
Жами беклар, иккимизга қаранглар,
Сув тагидан чиқиб келди кундузим.

Бир отадан, бир энадан бўлувдик,
Улуғ тоғда жудоликни кўрувдик.
У қирдан бу қирга ака, деб чопган,
Шу эди мени-ку йитирган кўзим.

4520 Боғдод элнинг айналмаси тор экан,
Адашганлар бир-бирига зор экан.
Борган, келган ўлган девди укамни,
Шукур, буни кўрар куним бор экан.





Етти йил ўтказдим киш билан ёзни,
Ўйнашиб отувдик у икки ғозни.
Халойик, бекларим, тоза каранглар,
Шу банди эмиқдош укамдир бизни[нг].

4530 Қалла минор қилсам жумла муллани,
Менга лозим энди отамнинг қони.
Кичик эпа иккимизнинг душмани,
Янги топдим мен йитирган укани.

Балаид тоғнинг ўтар ери даради[р],
Душманнинг жабридан дилим яради[р].
Шукур қилмай мен бир энди, найлайн,
Эралидир, Шералисин кўради.


Алқисса, жамъи беклар Окилойга қараб: – Подшонинг укасилигини аввалдан ҳам билар эдингизми? Қамбар устанинг дўконида ўтирадиган заргарбачча эмасми бу? – деганда, Окилой: – Мен ўлай, асл ёримни подачи, чўпоннинг ўғли дебман, – деб бир сўз айтаяпти:

Танимайсизми, бир-бирининг юзидан,
Ака, деб йиғлаб қолган экан изидан,
Билмоқ керак икковининг кўзидан,
Мен айналайин шу икки кўзидан.

4540 Ака-ука бўлар экан меҳрибон,
Билиб теккан экан меҳдайин жонон,
Қаттиқ кунда бўлди менга соябон,
Мен айналай ёрнинг айтган сўзидан.

Оғасига ярашар мурасса тожи,
Икковининг ҳуснидир элнинг хирожи,
Мен нотаваон шу кишининг муҳтожи,
Мен айналай ёрнинг қора кўзидан.

4550 Беклар белига ярашар чочоғи,
Қиз бўйнига ярашади мунчоғи,
Икки бекзод йигитларнинг ғўччоғи,
Ёр айналсин ёрнинг нузли юзидан.



Менинг ёрим подшоҳимнинг чароғи,
Ғамгин бўлган шох очилди думоғи,
Менинг ёрим подшоҳимнинг чорбоғи,
Мен айналай ёрим бодом ковоғи.

Окилой дер, мен булардан парвона,
Туғишган бўлмайди асли бегона,
Инидан айрилган шундоқ девона,
Мен айналай икковининг изидан.

Алқисса, подшо аччиғланиб, амалдорларини чақириб: – Йигирмасини минорадан отинглар, йигирмасининг бошини кесиб, тилла дорга тортинглар! Жаллод, – деб ловун килди. Жаллодлар подшонинг олдида чопишиб, қўлларини дастилом қилиб, алифдай қоматларини ҳам қилиб, пичоғини ойкора ушлаб, кейингилари ҳам келаётир катта-катта қадам ташлаб: – Сиз адолатда турганда, бизлардай мирғазаб хизматда юрганда, кимнинг ажали етиб, кимларнинг куни битди, таксир? – деб одамнинг бошини чумчукнинг бошидай кесган, қулок-бурнини хайкал қилиб осган, одамни сўйиб мавкени босган жаллодлар тайёр бўлди. Шунда подшонинг жаллодларга қараб, бир сўз деганидир:

4560 Қоровул бекларни бойлаб олинглар,
Йигирмасин дорга хайлаб боринглар.
Ўз қилиғига шу иш яраша,
Амаллаб қўйинглар бошига теша.


Қилманглар буларни асло андиша,
Зипхор золимларнинг бошин кесинглар,
Бошин кесиб, йигирмасин илинглар,
Мурдасига юргим қилсин томоша.

204

Йигитнинг полвони даркор бўлмайми,
Қаттиқ кунда уруш бўлса, савашар.
4570 Бу қирк қоровулни пухта сўймаса,
Ахир бориб бизи билан курашар.

Ғамгин бўлмай, жаллод, ўйнаб-қулинглар,
Босқинчилик қилган экан, билинглар.
Буюрди сизларга мендайин подшо,
Йигирмасин тилла дорга илинглар.





Ҳар ким кўнар кўлидаги бориға,
Қулок солмангизлар оху зориға,
Йигирмасин оттириг минориға,
Шу насихат бўлсин Богдод шахриға.

Золимлар буларнинг киркини ҳам ипи ипакдан, ошириб тирсакдан,
бир учи юракдан, зеҳи тирноқдан, йўғон бош бармоқдан маҳкам қилиб
бойлаб олдилар. Буларни дорға ҳайдар чоғида Чакмоқбек подшоға қараб,
бир сўз айтиб турибди:

4580 Мағлайимдан урган экан у Худой,
Ушлаганим тайин эди Офтобой,
Кўп пул берган зиндонбарга Оқилой,
Тухмат билан, хоним, ўлиб бораман.

Ростин айтсам, ишқим кўпди Офтобга,
Ҳар киши йўл очар ўзига нафга.
Зиндон беклар кўп пулини олибон,
Пулин олиб жавоб берган жалабга.


4590 Ҳукм қиб буюрдинг бизларни дорға,
Зиндонбар беклар соғилган зарға.
Оқилойнинг кўп пулини олибон,
Шуйтиб жавоб берган Офтобой ғарға.

Қоровуллар авло кўрган тиллани,
Оқилой қилибди макру ҳиллани.
Рост эди ушлаганим, йўқдир ёлғони,
Чакмоқ кўрди бундай тухмат савдони.
Қоровул бошлиғи бўлмай мен ўлай,
Элни кўриб, хўп кўрдимми фойдани.

4600 Шу иш лозим бўлди гашти Чакмоққа,
Шаҳарда сўй, хайдатмагин йирокқа.
Офтобойни ололмадим кучокка,
Ҳеч ерда келмади дод-войим чокка.
Ҳар на қилсанг, энди подшо, майлингга,
Лозим бўлдим охир чокда пичокка.

-- Подшоҳ ҳукм қилгандан кейин бўлди. Ҳайданг, раҳм этманглар
Чакмоқ аҳмокка, -- деб ўлимга буюрди. Жаллодлар йигирмасини минорага,
йигирмасини дорға ҳайдаб кетди.





Эрали Шералига яхши сарполар кийдириб ва саллалар ўратиб, уч кун тўй қилиб таркатиб, ҳамма амалдорларини тўхтатиб, укасининг бошига мурасса тожини олиб қўйиб, жамоат, катта-кичик, уламо-фузалоларига қараб, бир сўз дегани:

Қаранглар, бекларим, менинг раъйимга,
Бўйлари баробар қадди бўйимга,
Етти йил адашган шу эмчакдошим,
Подшо бўлсин бу ўтириб жойимга.

4610 Мирохўр, тўксабо, энди жевачи,
Жамоат йиғилган ҳамда оғалиқ,
Укамни кўринглар давлатга лойик,
Миндириглар укамни тахти пойимга.

Етти йил азоб кўрган экан бу иним,
Энди кун зиёда, устундир кўлим,
Бир нечаларга буюрдим ўлим,
Укамга тобин бўлсин Боғдоддай элим.

Тирик келди, менинг бу бир давлатим,
Ҳам тузалди синиб кетган қанотим,
Суянганда шулдир кирим, мадатим,
Энди шуникидир Боғдод элатим.


4620 Эрали дер, тожим муяссар кўринглар,
Қўл қовуштириб хизматида юринглар,
Укамни ҳам баайни мендай кўринглар,
Шерали подшодир, халқим, билинглар.

Халойик, беклар подшо кишининг гапини икки бўлолмай: “Акаси бўлмаса укаси, адолати бўлса, бўлар, гўёки акасидан ҳам донога ўхшайди”, – деб қабул қилди. Шералихон подшо бўлиб, кўчаларда жарчилар қичқириб юрди:

Подшолик эрларга навбатди,
Шералига павбат етди,
Шерали сўрар мамлакатди.

Оралайди кўча бокка,
Шералихон минди аркка,





Шералихон подшомиз, деб,
4630 Кичқириб ўтди ҳар ёкқа.

Оралаб Чорси Регистон,
Энди Боғдодинг гулистон,
Акасида буниси меҳрибон,
Боринг томоша қилмоққа.

От чопаман гузар-гузар,
Балкарда бағрини эзар.
Ҳаром ишга юрма зинҳор,
Жасаддан бўйнингни узар.

От чопарман ҳубдир сара,
4640 Ёри ўлган бахти кора.
Камбағал, мискин бечора,
У подшонгдан буниси сара.

Отин айтар жарчи боши,
Тўрт кун бўлди, ўлди қирк киши.
Унисидан ҳам буниси одамкуши,
Тўғри юрган мардум яхши, –


деб жарчилар ҳар кўчада от чоптириб, хабар бердилар.

Оқилой ёри ҳам Эралихон қайноғаси билан мунаққаш, тилла қабзали уйларда тўхтаб: – Офтобой билан гап бўлган экан. Беҳижолат мен айтсам, Офтобойни укангизга хотин қилсак, бир сирага бу киши билан маломатга танилди, – деди. Эралихон айтди: – Унинг ихтиёри ўзингиздадир, хоҳлайсиз олиб беринг. Укам бўлган билан унинг дили-мақсадини мен билмасам, ўзи билади-да! Оқилой ёрига қараб: – Шундай қилсак, қандай бўлар эди, – деб бир сўз айтиб турибди:

Бир жаҳонда битган булбулғўёсиз,
Ҳеч гул бўлмайди, бегим, соясиз,
Бир неча аёллар шарм-хаёсиз,
4650 Ҳаёлидир, тўрам, билсанг Офтобжон!

Оп берайми сизга, қарамли султон,
Оламда йўқ бундай кўзлари чўлпон,
Тишлари дурдайн. ҳусни хиромон,
Ҳаёлидир, тўрам, билсанг, Офтобжон!





Унга ҳам бўлмасин ҳасратли армон,
Сиз билан у маломатга танилган,
Зинҳор шу гўзални олинг, бегижон,
Кўп аклли, сертамиздир Офтобжон!

4660 Кўрган киши бўлур хуснига хайрон,
Хар ким кўрса, бўлар юраги бийрон,
Отаси эди сиздай карамли султон,
Лаби шакар гўзалдир у Офтобжон!

Маъкул десангиз, мен бориб айтаман,
Йўқ десалар, дарров бориб қайтаман,
Хайр деса, бир каниз узатаман,
Хуфтон бўлмай, борасиз-да, тўражон.

4670 Нима дейсиз Окилойнинг ўйини,
Сўйдирсак уч юз олтмиш кўйини,
Катта қилсак, нозаниннинг тўйини,
Муносиб кўрсангиз қадди бўйини.

Шералихон лабини хандон қилиб, юраги жизиллаб, мийиғида кулгандан сўнгра, Эралихон: – Тўғри айтасан, келин. Боргин, ишни биткариб кел, – деди.



*Ислом шоир Назар ўғли яшаб ижод қилган
уйга ўрнатилган ёдгорлик ёзуви.*

Окилой ясаниб, тараниб, созланиб, қушдай бўлиб: “Қишдай кўнглим ёз бўлди, бу иш жуда соз бўлди, чекар меҳнатим оз бўлди, совчи биздай сарвиноз бўлди”, – деб кўхна подшодан қолган Чиннигул деган канизни ияртириб, Офтобойнинг тилла кўшкисига кетди. Чиннигул ва Окилой Офтобнинг тилла кўшкисига чиқди. Аммо канизлар бувисининг қошига кириб: – Икки ясанган ойим келаяпти, бувишим, – деб хабар бердилар.

Офтобой Заргарни эсига олиб, юраги такка тортиб тўхтаган чоғида бу хабарни эшитиб: “Отамнинг укаси тахтга чиққан, ошиқ бўлган бўлса, менга ҳам мошиғимни олиб кел, деб буюрдимикан?” – деб ўрнидан турди. Кўрпачалар тайлаб, иззату икром айлаб, жонига жойлаб, Окилойни



сийлаб, озод бўлган чоғини ўйлаб, канизларига ҳам иш буюрмай, ўзи тасирлаб хизмат қилиб, “шу ишни гапирмасин”, – деб ўйлаб, таомлар қилиб, олдида тортиб зиёфатлади. Фотиҳадин сўнгра Оқилойдан уялиб, энасининг каписи Чиннигулга қараб, бир сўз дегани:

Кўкариб лолалар доим гул бўлсин,
Келган кадамингдан, ойим, садаға,
Ҳам бўлсин жоним сизлардан фидоға,
Кўҳна қадрдон, моможон, йўл бўлсин?

Худо берган умришгиз мўл бўлсин,
Ҳар банданинг суйгани ул бўлсин.
Қиз отанинг ҳаргиз жойин босолмас,
Опам билан иккингишга йўл бўлсин?

4680 Оғзимизда сўзлар бурро тил бўлсин,
Ҳар ким душман бўлса, менга қул бўлсин.
Сиз кўриб қолгансиз ота-энамни,
Яхшилардан қолган, сизга йўл бўлсин?


Болаликда кўтаргансиз ўзимни,
Болам деб ўпгансиз оқча юзимни.
Эгам сарғайтмасин менинг бетимни,
Рост сўзланглар, икковингга йўл бўлсин?

4690 Дунё менга солган айро ўлимни,
Яккаликдан совиттапман дилимни,
Яккадирман ким тутади кўлимни,
Сўйлагин, моможон, сизга йўл бўлсин?

Офтоб айтар, каниз эдинг энамга,
Ғариблик савдоси тушди танамга,
Гинамни айтамайман тухми одамга,
Келиб кетинг сиздан боланг ўргилсин.

Чинни ойим: — Болам, мен энангнинг хизматкори эдим, Боғдод отангнинг шаҳри эди, энанг тождор подшонинг ёри эди, сен шундай подшонинг кизи эдинг. Билдим кинойи ички сўзингни, тилласан, пўлатга урма ўзингни, – деб бир сўз айтиб тургани:

Есир, туғмаганлар элинг нуқраси,
Қўл тегмаган қизсан, Боғдод тилласи,



Совчи кўйса бир нокас гумроси,
Уларга тегмагин, асл боласи.

Энанг эди аёлларнинг доноси,
4700 Отанг эди тўрт подшонинг каттаси,
Ҳар кимсага тегма энди, садаға,
Қулоқ солгин зўр хонимнинг эркаси.

От чопмоққа койим даштлар даласи,
Баҳорда очилган тоғлар лоласи,
Ёр қилсанг, тенглаб теккин, садаға,
Отангдайин бўлсин юртнинг эгаси.

Чинни момонг тушиб келди орага,
Хуш келса яратган бир Худога,
Ёри бор демасанг, теккин подшога,
4710 Сен шулардай кишига тенг, садаға.

Буни эшитиб, Офтобой икки оғизгина сўз айтиб турибди:

Карвон бўлган кишининг дўкча нори бор,
Бу кишининг номуси бор, ори бор.
Нечук олсин юрт эгаси, подшоҳим,
Оқилойдай мендан зиёд ёри бор.


Куйганларнинг ўз-ўзига зори бор,
Подшо оламан деганин олади,
Чунки подшоларнинг ҳукми зўри бор,
Тегай десам, Оқилойдай ёри бор.

Бир нечанинг ёри билан дўс[т]и бор,
Оқилойда ўттиз аёл эси бор.
Бу оламни куйдирмайман, моможон,
Шириндан ҳам асал кирдикори бор.

Алқисса, Оқилой икковини хўп гапиртириб, ичида борини англаб,
Офтобойга караб, бир сўз деб тўхтабди:

Дилимдин очилар сўзнинг уяси,
Ақл билан ёрим юртнинг эгаси.





Мен эмасман, дўстим, дилим ақлли,
Сиз ҳам бўлинг ёримнинг жуфтипоси.

Ойна олиб юзингизни кўрармиз,
Икковимиз опа-ука кирармиз,
Бу шонага майда сочлар ўрармиз,
4730 Хайр десанг, ойим, бахам кўрармиз.

Қулоқ солинг Оқилой полишига,
Икки аёл хўп тушар бир кишига,
Юрт койилдир Окилойнинг ишига,
Қабул қилсанг, бўлар энди, дўстимжон.

Асло тегманг, иби, номард кишига,
Бизнинг ёрнинг жиғаси бор бошига.
Оқ кўнгил-ла жавоб бергинг, дугона,
Кўниб қўя қолинг, тақдир ишига.

Бир нечалар пинҳон бўлар зиндонга,
4740 Бир неча чиқарар ёқти жаҳонга,
Бизлар совчидирмиз шу Заргар хонга,
Теккин, дўстим, шу карамли султонга.


Меҳнат чекиб етти йил у юрганди,
Ҳам ишиси чикди Эралихонди.
Қабул қилгин энди иби дугона,
Сен ҳам тегиб, чиккин яхши давронга.

Отим Оқилойдир, отамнинг кизи,
Ўғли йўқдир, ўзим якка-ёлғизи,
Ҳозирча бордир ёримнинг файзи,
4750 Ерларда қолмасин шохимнинг сўзи.

– Подшо бўлсалар ва амири бирдир, икки бўлмас, подшо тахтидан тўймас, урфиятда айтади: аёл бахтидан тўймас. Сизнинг бахтингизга мен шерик бўлсам, кунингизда кундош бўлсам, ҳозир мерҳибонди, гаштига гаш бўлсам, қайтади? – деди Офтоб.

Оқилой айтди: Ака-уканинг хотинини овсин дейди. Улар бир-бирига тош отар; кундош кундошига пахта отар, пахта асл нарсадир, нечук кишига ботар?! Шунга ўхшаш иккимиз бир-биримизга пахта отамиз. Кўнглимиз бир кишида бўлса, гоҳ дора-дора, гоҳ бирга ётамиз. Офтобой Оқилнинг





гапларидан кўп маза топди: “Хеч бир хаёлотли савдони шаънига олмайди, доно аёл, хеч кишига душманлик қилмайди. Ўзга нодоннинг ёри бўлиб, нонини егунча, бу кишининг ёрига ёр бўлиб, муштини еганим аъло-дир”. – Ўзингиздан ихтиёр, – деб розилик билдирди. – Ўзларингга муносиб ишларни тўғриласанг, розидирман, – деди.

Чиннигул билан Окилой розиликни олиб пойтахтга қайтиб келди. Эралихон Чиннигулга қараб: – Офтоб розилик билдирдим, момо? – деди. Чиннигул айтди: – Болам, сизлар кўшилиш қилсангизлар, бўлгидай; хоним олса, ундан кўнгли тўлгидай. Кўп алдадим, хайр, деди Офтобой, энди менга беринг бош-оёқ сарпой.

Тўй-томошага тайёрланиб, Окилой ҳамма харажат қилишни ёри билан қайноғасига ўргатди: – Катта-катта қила беринг харажатди, чақиртириб уруғли вилоятди, бу Боғдод улуг мамлакатдир, бир хил давраларга қўймок керак май билан шаробди, бир хилига бермок керак бўза билан гулгун шаробди, оламда ҳар ким эр бўлса, маст йиқитади тарафди, – деб тўй-томошани буюриб юборди.

Уч кеча-уч кундуз тўй бериб, давра-даврага бўзаю май бериб, анжуман сўйлашиб турган чоғида мулла Умар билан Ҳамро боғбон бобоси, Қашка, Тўрик отларга яроғу созларни ортиб кириб келди. Етти йил орадан ўтган, гўё саккизламчи йилга етган вақтда оралаб келса, Боғдод дўконларида, бозорларида хеч ким йўқ эди. Сарсон бўлиб келаётган чоғида кўча бўйида бу иккаласининг олдидан Окилойнинг энаси чиқди. Ҳамро боғбон – мўйсафид киши, худди эри – ўлган Заргарга ўхшайди. “Афти-ангори, одам-одамга ўхшар экан-да”, деб гоҳ қочиб, гоҳ қочмай кетиб бораётиб эди, Ҳамро боғбон: – Момо, тўхтап, деб бир сўз айтиб тўхтабди:

Харидор бўлдим парчаларга,
Сарсон бўлдим кўчаларга,
Ишим бордир несчаларга,
Одамлари қайда бўлур?

Ошиқ мошиғини кўрса,
Ҳажрига ҳам куйиб юрса,
Кўргандан сўнг шайдо бўлур,
Одамлари қайда бўлур?


Гузар-гузаридан ўтди,
Беодам дсмай бу юртди,
Шунча мардум қайда кетди,
Одамлари қайда бўлур?

4760



212





Кезиб келдим мен бир даш[т]ни,
Излаб келдим икки кушни:
Бири шункор, бири қарчиғай,
Одамлари кайда бўлур?

4770 Боғбон бобо излаб алар,
Адашган икки кушди,
Боғбон бобонг келдим магар,
Одамлари кайда бўлур?

Баъзи куні очу нахор,
Иккови кушдир жиғадор
Айрилиб қолдим хору зор,
Одамлари кайда бўлур?

Кўрдим бир кашмири юртди,
Одамларинг пинҳон этди.
Ё тўй борми, ё ёв борми,
Халойиқлар кайда кетди?

Шунда боғбонга қараб, юзига чорсини ўраб, Оқилойнинг энаси бир
сўз айтиб турибди:


4780 Аёл кулба-жойда бўлур,
Сулув сочи майда бўлур.
Подшомиз олаяпти ёрни,
Халойиқлар тўйда бўлур.

Икки бўлди хоннинг ёри,
Иккиси ҳам хусндори,
Сўйилгандир лўкча, нори,
Тўйхонада халқнинг бари.

4790 Сабилдир ош билан ноши,
Икки кун бўлди бошлагани.
Бобожон, тўғри кета бер,
Тўйхонада одам кони.

Қозонларда тўла мойи,
Тилла камарли кўп сипойи.





Хизмат қилишиб турибди,
Шу ер одам дўржи жойи

Ҳеч ким ётмайди панада,
Зулф ярашар шонада.
Дойра чалган дугона-да,
Ҳамма бирдай тўйхонада.

Ҳамро боғбон: – Сўраганининг айби бўлмас, бу тўйлар қандай кишининг тўйидир? – деди. Кампир: – Каттасининг отини Эралихон дейди, кичигининг отини Заргархон дейди. Танаймасизларми, шу киммат тош сотадиган Заргархоннинг тўйи, – деди. – Қайси тарафдадир, момо? – деди боғбон. Момо: – Тушлик тарафдаги йўлга кирасан, бу шаҳар азим шаҳардир, кун тўғриликка келганда борасан, – деди.

Иккови: “Эралихон-ку, ўзимизнинг Эралихон, Заргархонни ким экан?” – деб ҳайрон бўлиб, боргунча гаплашиб кетди. Тўйхона Офтобойнинг чаман боғида эди. Кун тушликка борган чоғида булар ҳам дарвозага тўғри бўлди.


Қоровуллар: – Йўл бўлсин? – деди. – Э, болам, бизлар адашган ўхшаймиз, бу ер тўйхона эмасми? Бизлар тўйга келятимиз, – деди Ҳамро бобо. Қоровуллар: – Тўйнинг эгасининг отини билмайсанми? – деди. – Бизлар олисдан келатганмиз, яқинда туриб оти, байтали борини сизлар биласизлар, – деди бобо. Мардумлар кулишиб, бобони “аҳмоқ”, деб қоровулбоши: – Исми шарифини сўрайман, бобо, – деди. – Бизларга ҳам шу киши билан ҳаг бирга борган экан, Шарифбойнинг иши кўплик қилиб, келолмай қолди, – деди бобо. Халойиқ тагин бир қулди, бобони “тоза жинни экан”, – дейишди. Қоровул ўзини уриб кўрсатди: – Мана, менинг исмим Раҳмон, шу тўй қилганинг шундайчасини биласизми? – деди. Бобо: – Хўп биламан, – деди. – Қани эса айтдинг, – деди қоровулбоши. Бобо: – Сиздан тўй қилган киши новчароқ, – деди. Қоровулбоши ўзини доно тарошлаб юриб эди: – Чакмоқ, беҳудага бўлган экан соқолинг оқ, сени билдим ундан ҳам аҳмоқ. Буларни киргизманглар, – деб ичкарига кириб кетди.

Подшога бориб, қўл қовуштириб, арз қилиб: – Икки танаймас киши келди, таксир, – деб бир сўз айтиб турибди:

4800

Кўксига ярашган соқолинг оқи,
Бирови туташди – йигит гўччоғи,
Ёнида бор кесадиган яроғи,
Юлдузни кўзлайди минган пирогоғи.





Одам кулса, келмас номус, уяти,
Бирови буз бола, мастнинг зиёти,
Икковининг тўлган умри, ҳаёти,
Икковининг юлдузни кўзлар оти.

Кичигининг ҳўбдир баланд думоғи,
Мўйсафили одамларнинг бадбоғи,
Яхшига ўхшамас битиш сиёғи,
4810 Юлдузни кўзлайди куйма туёғи.

Қашка огин ўмирови гўр дарадай,
Тўригининг сағриси бор қалъадай,
Бирови хўп ақлли боладай,
Шунисининг хубдир ўткир яроғи.

Бировининг тушмоқка бордир раёйи,
Тушма, дейди ёшига у бобойи,
Шу бобонинг кифтида бор ўқ-ёйи,
Юлдузни кўзлайди у минган тойи.

Рахмон айтар, кўзим тушди икки пирокқа.
4820 Чух деса, тулпори кетар фалакка.
Мўйсафиди эшитинг, хоним, каддингдан,
Бир шаҳарга бир ўзи тегар якка.

Шералихон айтди: -- Улар кимни йўқлаб келибди? Қоровул: -- Таксир, сўрасак тўйга келдик дейди. Тўйнинг эгасининг оти нима десак, оти-байталини сен биласан дейди. Уларнинг айтишича, шу киши билан Шарифбой деган кишига хат қилган экан. Шарифбойнинг иши чикиб, келмай қолган эмиш, -- деди.

Эралихон фикрга кетиб: -- Хоҳ дўстдир, хоҳ душмандир, кўн ейдиган тўйга бир туширмоғимиз керак, -- деди. Шералихон ҳам: -- Яхши бўлади. Бориш, икковини ҳам тўйга киргизинг, -- деди қоровулга.

Қоровул чоғиб келиб, киргизиб, халойикнинг ўртасига туширди. -- Э, меҳмонлар, ош тайёр, енглар, у айтадиган кишиларингиз бу ерда йўқдир, -- деди қоровул. Умар айтди: -- Биз ош емоқка келганимиз йўқдир. Шу отни, шу ярокни тўйга қўшона тортувга олиб келдик. Ё тўйнинг эгасини айтиб кел, ё бизни олдига олиб бор, олиб келган тортигимизни берайлик, -- деди.

Қаттақонлар: -- Тузук меҳмонга ўхшайди. Қутлуг бўлсинга подшони олиб келиш одобдан эмас, буларни подшога тўғри қил, -- деди қоровулларга.



Коровуллар: – Юринг, олиб бориб тўғри қилай, – деб эди, булар шартта отига миниб, “Тўйхонанинг ичида отдан тушиб юринг”, деганига қарамай, отлик бора берди. Коровул этиб, баланд уйни кўрсатиб: – Шу ерда отинг тўхтатиб, куллуқ бўлсинингни қил, улар шу ерда эшитади, – деди.

Эшикнинг икки тарафидан Эралихон, Шералихон келганларга қараб турди. Ҳамро боғбон юкоридагиларга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Тортикка келгандир бу икки хайвон,
Бизларни айлагин кулбангга меҳмон,
Бўйларинг кўрсатгин, икки тўражон,
Тўйинг куллик бўлсин, қарамли султон!

4830 Сизларники бўлсин минган хайвоим,
Бугун қирк олти қун бўлди юрганим,
Етти қорли тоғдан нари маконим,
Тўйинг куллик бўлсин, иби, султоним!


Йўқлаганга олиб келдим яроғинг,
Дўстинг билан мен қилганман сўроғинг,
Топарманми энди сенинг дарагинг,
Тўйинг куллик бўлсин, икки султоним!

Айрилган бандалар йиғлайди доим,
Қувган бўлса асли беш юз сипойим,
Икковинг бўлмагин бўз қарчиғайим,
Жойинг куллуқ бўлсин, икки султоним!

4840 Кимларга топширдинг у дастхатингни,
Сизлар кимсан, билдир, ўғлим, отингни,
Бизлар фарзандимиз бўлган юртингни,
Тўйинг куллик бўлсин, икки султоним!

Ёдингдан чиқарма элу юртингни,
Олиб келдим яроғингни, отингни,
Қараб тани Умаржон улфатингни,
Ҳамро боғбон дейди менинг отимни.

Шералихон акасига қараб: – Юринг, ака, тушайик, – деб бир сўз айтаяпти:



Таёқ билан аввал кетган эсимми,
Ўзга бўлса, ҳеч ким ўғлим десинми?
Тура келинг, пастга тушайик оғажон,
4850 Бири боғбон, бири Умар дўс[т]имми?

Азоб кўрган у вақтида танамми,
Кўзларимдан кетган қоши жаламми?
Ўзга бўлса, ҳеч сўроқлаб келами,
Бири дўстим, бири Ҳамро бобомми?

Айрилган кишига, билгин, мотамми,
Ғариб қил хайдаган менинг отимми?
Сўроқлаб изимдин дўстим етганми,
Қашқа отнинг устидаги бобомми?

Етти йилдан бери тутган мотамми,
4860 Чочин ёйиб йиғлаб қолган энамми,
Бизлар учун қон йиғлаган санамми,
Тушгин, ака, мана турган бобомми?


Шерали айтар. Қашқа, Тўриқ отимми,
Ота ўлмай, икковимиз стимми,
Юртимиздан булар келган ўхшайди,
Бири боғбон, бири Умар улфатимми?

Шералининг гапи билан ўрнидан туриб: – Бизларни ҳам сўроқлайдиган кишимиз бор эканми? – деб иккови ҳам пастга тушгандан, Ҳамро боғбон бобоси кўриб, отидан ўзини отиб ташлаб, икковини бағрига тортиб зичлаб, кўзини ёшлаб, бир сўз айтганидир:

Қаторимда гуркираган нормисан,
Шу хумсани тағи ота дермисан?
Ғариб бўлиб бобонг келди сўроқлаб,
4870 Омон-эсон, икки кўзим бормисан?

Бир неча вақтларда хору зормисан,
Ҳозирги даврингла, кўзим, зўрмисан?
Дўстинг билан бобонг келдик сўроқлаб,
Омон-эсон, икки жошим, бормисан?





Икки гулдай кўзим, бугун нурмисан,
Юртингдан айрилган икки шўрмисан?
Қадимгидай мени бобом дермисан,
Омон-эсон, икки жоним, бормисан?

4880 Юрибсанми, беклар, думоғинг чоклаб,
Тождор бўлиб, Боғдод элин сўроклаб,
Бу изингдан бобонг келдим дараклаб,
Омон-эсон, икки кўзим бормисан?

Жасадингда омонми, болам, жонинг,
Саккиз йилда бобонг бўлди меҳмонинг,
Саҳарлар йиғлайди у меҳрибонинг,
Айрилган шўр, кўзичоғим, бормисан?

Умар дейди, мана дўсту улфатинг,
Сўранглар, деб қолди мулла-устодинг,
Ажрашдим сепдан ғаму ҳасратинг,
4890 Омон-эсон, икки болам, бормисан?

Ҳамро дер, мен турурман боғбонинг,
Доим эсон бўлсин жасадда жонинг,
Дийдоринг кўрарми у меҳрибонинг,
Омон-эсон, икки болам, бормисан?

Эрали, Шералихон дўсту ёронларини сўраб, ўзи учун ғам чеккан
кишилари ва энасини сўраб, бобосининг юзига термилиб қараб, бир сўз
айтгани:

Ёмон кунда тоғлар боши туманми,
У юртни кўрмоқлик бизга гумонми?
Бизи билан ўйнашиб ётган жўралар,
Жондан ортиқ дўстлар бари омонми?

4900 Айрилик савдони фақир кўрганми,
Сийнасин чок этиб, бағрига урганми?
Тонг саҳарлар бўзлаб жойидан турганми,
Қор сут берган энажоним омонми?

Булбуллар учишиб, кўнганди зоғлар,
Айрилиб ғариблар элдан узоқлар,



Тўти, қумри сўйлаган гулзорли боғлар,
Сояли жойлар, бобо, омонми?

Созанда қўлида бордир-ку созлар,
Боласи ёдига тушса бўтадай бўзлар,
Энамнинг қўлида тўтидай қизлар,
4910 Хизматкор шу сертамизлар омонми?

Асил одам доим юзини нурлар,
Зўр пир бўлса, сўгин муридин қўллар,
Тарафимни олган у Оппок пирлар,
Кароматли Оппок пирлар омонми?

Айрилиб йиғладим унда хору зор,
Жанда кийган пирим оти Қаландар,
Сир кўрсатиб, синиб эди тилла дор,
Кароматли юзи нурлар омонми?


Озод бўлди бу кун бандилар қўли,
4920 Ёмон олисдадир Боғдоднинг эли,
Биз учун ўксинган сиддил беклари,
Салтанати беклар энди омонми?

Куйган одам энди, бобожон, сўйлар,
Ғамли банди ҳар хил гапларни ўйлар,
Энам шўр ўтирган кабзакор уйлар,
Мунаққашли жойлар, бобо, омонми?

Кўнглимиздан чиқти оҳ билан войлар,
Қуллик қилдик бизлар, бундайин тўйлар,
Карвон қўниб ўтган хайма, саройлар,
4930 Омонми, э бобожон, қари бобойлар?

Банди бўлдик Эрали, Шерали ёшлар,
Олти кундан бери вақтини хушлар,
Ғамдан озод бўлди бу улуг бошлар,
Ақли доно келган ёшлар омонми?

Боболари билан сўрашиб, Умар дўсти билан қўл сикишиб кўришиб,
Эралихон шу сўзни айтиб турибди:



Кўринди кўзга баланду пас[т]им,
Келганча кетган, менинг эсим,
Ҳам шеригим Умар дўс[т]им,
Келгин, дўстим эй, кўришайлик.

4940 Бирга чиққандир саводим,
Ёдимга келди элатим,
Шу пилла йўқдир токатим,
Кел, кўришайлик, улфатим.

Кўп бўлганди оху зорим,
Ёрилганди у вақт сарим,
Айирди-ку Эгам Карим,
Кел, кўришай дўсту ёрим.

4950 Қолса майли гулшан боғим,
Бу ерда чоғдир димоғим,
Қўлим очдим, кенг қучоғим,
Келинг, дўстим, кўришайлик.

Дўст худонинг оти бўлар,
Мазгили жаннати бўлар,
Ҳар кимсанинг хати бўлар,
Келгин, улфат, кўришайлик.

Тухматдан бўлди уятим,
Ёдимга тушса, келади ғайратим,
Шукур, келди яроқ, отим,
Кел, кўришайлик, улфатим.


220

4960 Эрали, Шерали улфатинг,
Омон қолдик -- давлатинг,
Қучоклайин хуш жасадинг,
Келгин, ёрон, кўришайлик!

Умархон навбатига қучоклашиб кўришиб, ота-энасидадан яқин бўлиб
сўраниб, Эрали, Шералига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Бизнинг элдан келган икки полвон,
Асло кўрма энди армон,





Бўлибсиз карамли султон,
Даврон сур энди, сур энди.

Менинг жоним сизга курбон,
Ўйнаб кулгин, дунё ёлгон,
Олган бўлсанг, икки жонон,
4970 Лабини сўр энди, сўр энди.

Ёмон қип аввал ҳолини,
Фойласи кўндир валини[ни],
Олибсиз Боғдод гулини,
Ўйнаб кул энди, кул энди.

Кўлингизда тахти даврон,
Дўстинг ҳозир сизга меҳмон,
Омон бўлгин-ку дўсти жон,
Ғанимат бил энди, бил энди.

Дунё энди тўрт фаслдир,
4980 Асли тубингиз аслдир,
Тухмат қилган ноаслдир,
Даврон сур энди, сур энди.

Давлат ярашар бошингга,
Қойилман хизматкашингга,
Нозларни олиб тўшингга,
Чоклапиб сур энди, сур энди.

Қайнотангнинг оти Камбар,
Сотарди мушки анбар,
Бош давлатинг Оқил дилбар,
4990 Чин яхши кўр энди, кўр энди.

Дуо қилар меҳрибонинг,
Ҳам раҳбаринг, энажонинг,
Дилида сенинг хайронинг,
Олиб кел ани, олиб кел.

Устингиздан тушди гузар,
Чин дўстингман, мен-да Умар,





Кўлингизда эл ҳукми бор,
Пухта бил энди, бил энди.

5000 Ҳеч кимга қўймагин озор,
Улуғ турур Боғдод шаҳар,
Зўр подшо бўлсиз ҳукмдор,
Одил бўл энди, бўл энди.

Шундай одил подшо бўлибсиз, – деб жўраси билан кучоклашиб кўришиб, Боғдоднинг шаҳрида Ҳамро боғбон, Умар жўраси бир йил меҳмон бўлди. Бир йилгача Окилой хониладор бўлиб, тўққиз ой, тўққиз соат ўтиб, туғар вақти етиб, анинг бир хушсурат ўғли пайдо бўлди. Бешик тўйи қилиб, халойикни чақириб: – Бизларнинг номимизни йиғин ўртасида бир каландар қўйган экан. Элни кўп кўрган кишини ҳам девона бачча дейди, ҳам каландар дейди. Сиз ҳам неча тоғлардан ошиб, улуғ жойлардан келдингиз. Кетар бўлсангиз, ўғилларингизнинг орқасидан шу неварангизга бир ном қўйиб кетинг, – деб Эралихон Ҳамро боғбонни чақириб, бир сўз айтиб турибди:

Мустажо корининг дуоси,
Розидир ота-энаси,
Шу бўлсин Боғдод эгаси,
От қўйинг шунга, бобоси.


5010 Ҳар кимсанинг шундай бўлар,
Кўнглидаги муддаоси,
Окилой шунинг энаси,
От қўйинг, боғбон бобоси.

Дуо олган мингни яшар,
Ботир бўлганлар уришар,
Душманларнинг акли шошар,
От қўйинг бунга, бобоси.

Бағримга олсам ярашар,
Олис юрган тоғдан ошар,
Тараф бўлса қувалашар,
Дуо қинг буни, бобоси.

5020 Эралидир менинг отим,
Ҳай, бисёр бўлди давлатим,





Менинг ҳам бўлсин фарзандим,
Дуо кинг энди, бобоси.

Катта-кичик беклар шивирлашиб: “Бизнинг элнинг мингтасидан элатдошининг биттасини авло кўрди”, – деб ўзаро туртишиб тўхтаган чоғида, мулла Умар уларнинг шивирлаганини шумроқ англаб, бир сўз айтаяпти:

Бизлар, тақсир, кетар кишинг,
Энди булар қариндошинг,
Ғамдан озод бўлган бошинг,
Бу кишилар қўйса бўлмайми?

5030 Бу ерда тахти давлатинг,
Кетар мендаинг улфатинг.
Қўлингдаги-ку дилбандинг,
Отини қўйсин бу элатинг.

Авал-охир чучук тилинг,
Устун бўлди берда қўлинг,
Шулар қариндошу валинг,
Кўпчилик қўйса бўлмайми?


Эсон-омон, тўрам, тургин,
Думоғ чоғлаб даврон сургин.
Азиз меҳмонга гапирма,
Жамоатдан сўраб кўргин.

5040 Ўғлинг отин булар билсин,
Тўйлар қилиб, чавки курсин.
Нимага бўлса муносиб,
Бу бекларинг отин қўйсин.

Шаҳрим менинг узок Булғор,
Шу шаҳардан сизларга ёр,
Булардандир икки ночор,
Тоғалари қўйсин зинхор.

5050 Умардир беклар улфати,
Яхши аслнинг нияти,
Муллага қўй чиксин хати,
От қўйсин тоға жамоати.





Беклар ўртасидан бир мулла айтди: – Бизлар коп, булар соп, энди доно одамнинг гапига жавоб берсин ўзаро шивирлашганлар! Шивирлашган беклар айтди: – Ҳеч бир нарсa деганимиз эмас эди. Бу меҳмон доно экан. Бу икки ойимнинг туфайлидан, Эралихоннинг қўлидаги боланинг орқасидан ҳаммамиз тенг кариндош бўлдик, бобо билан сизнинг ҳам ўзгалигингиз қолмади. Ҳаммамиздан улуғ ёшли киши экан, мўйсафид; соқолининг оғи бор, меҳмонлиги тағи бор, “Меҳмон отангдан улуғ”, деган гаплар бор. Бизларга қўйсангизлар ихтиёр, бизлар ҳам ихтиёрни шу боғбон бобога қўйдик. Жамоат: – Қўп яхши, яхши, – дейишди.

Ҳамро боғбон кўп созанда эди. Созини халтасидан чиқариб, қўлига олиб, юз алвонда чалиб, ҳаммани ўзига қаратди. “Созига яраша оҳанги бормикан?” – деб ҳамма оғзига кўз тутди. Шералихоннинг ўғлига от қўймоқчи бўлиб, маст бўлиб, бир сўз айтди:

Уламолар бу даврага йиғилган,
Бесфарзандлар суйсин шулардай ўғлон,
Ёшитгин отини, қарамли султон,
Ўғлинингнинг отини қўйдим мен Гардон.

Ҳар бандага берар қодир Мавлон,
Жасадига беради ҳам чучук жон.
Мўминнинг кўнглида бу савдо аён,
Ўғлинингнинг отидир, пухта бил, Гардон.

5060 Бир нечага бериб кўп бир фарзандди,
Бермоққа топилмас нозу неъмат.
Йигит бўлиб воясига етган сўнг,
Хизматкор қилади сонсиз жаллодди.

Бу ўғлинингнинг оти Гардонхон бўлсин,
Боғ ичида ғафлатаро ётувдим,
Икки мўйсафид шу савдони ўргатди,
Ҳақиқатли оти бўлсин Гардонхон.

5070 Қаландарнинг сўғаси бор қўлига,
Шу отни мен қўйдим шоҳнинг улига,
Подшо бўлар унибу хоннинг элига,
Шу сабабдан буниги оти Гардонхон.

Бир нечанинг юрур ғайри даъвоси,
Бир нечанинг бордир бошқа ҳавоси,



От қўяди бунга боғбон бобоси,
Оти Гардон, бўлар элнинг тўраси.

Алқисса, кўпчилик боғбонни вали билиб, баъзилари кулиб: “Гардон деган ҳам от бўлами”, – дейишиб, баъзилари: “Бипойи от, шох бўлса, Шохгардон дсмоқликка яхши”, – деб тўн кийишиб, жавоб олиб, ҳар қайси бек ўз ишига туриб кетди. Бу тўйни тарқатиб, бизларга энди жавоб берсангизлар, – деб боғбон бекларга бир сўз айтиб турибди:

Бир йил бўлди, бизлар келган бу ерга,
На савдо, билмарам, Булғор шаҳарга,
Жавоб деб боқамиз гулдек дийдорга,
Омон бўлгин, икки ўғлим, кетайик.

Кеча-кундуз бирдай йўлни тортайик,
5080 Етти баланд қорли тоғдан ўтайик,
Бир гап бўлса сизга хат узатайик,
Жавоб бергин энди, ўғлим, кетайик.


Сизларга етқирдик ҳам оту ярок,
Ҳеч ким-ку бизларни қилмайди сўрок,
Эралихон, жавоб бергин тезирок,
Омон бўнглар энди, мазгилим йирок.

Ҳамродирман, мўйсафилман – сокол ок,
Яна ҳам бормикан қайтадин кўрмок,
Бизларга ҳам бергин от билан ярок,
5090 Жавоб бергин, кетсак бўлар яхширок.

Эралихон: – Ҳай дариғ, меҳмоннинг келгани хубдир яхши, кетгани ёмондир. Ўғри-дузи бор, тўғри бор, эгри бор, ўзларингдан хабардор бўлинглар. Саломат борингизлар, – деб оту ярок бериб, икковини ҳам отга миндириб тўхтаган чоғида Шералихон давлатхонадан келди кириб.

Шералихон Умархон, боғбон бобосига қараб: – Қайда борурсизлар? – деди. Бобоси: – Энди омон бўлгин, ўғлим. Сафарлар қари, бу қайтатурғон чоғимиздур, – деди. Аммо Шералихон дўст-ёрларга салом деп; – деб бир сўз айтиб турибди:

Борсангиз Булғор шаҳарим,
Йиғилиб келса дўсту ёрим,
Мақтабон бу тожи сарим,
Давлати бисёр дегайсиз.



Бойланган вақтида қўлим,
Бир эгам солмади ўлим,
Ободдир сўраган элим,
Жойлари Боғдод дегайсиз.

5100 Атрофимда башар ёмон,
Энам сўраса, деиғ омон,
Айрилган савдо кўп ёмон,
Икки ўғлинг бор дегайсиз.

Саломат бор икки кўзинг,
Ёш қилмагин дегин кўзинг,
Худо берган икки кўзинг,
Сургани даврон дейгайсиз.

5110 Айни энди кайф вақтди[р],
Қўлимдадир тожу тахти,
Кўпдан-кўп думоғи чоқди[р],
Карамли султон дегайсиз.


Кўрсам дейди энам юзин,
Тўтиё қилсам деб изин,
Ул кўрган Шерали ёлғизинг,
Бир неваранг бор дегайсиз.

Келса устун бўлар қўлинг,
Бир қун келар икки улинг,
Бири келиб олар элинг,
Сурарсиз даврон дегайсиз.

5120 Шерали дейди, фарзантинг,
Омон қопти, шу давлатинг,
Бир қун келади қувватинг,
Йиғламайин, қул дегайсиз.

Боболари билан розилашиб турдилар. Бобо отини буриб, камчилар уриб, эсон-омон бўлинглар? - деб Умархон дўсти ҳам икки оғиз гапириб, айрилишаётганидир:





Бадавлат бўл, ҳеч бўлмагин хору зор,
Йилдан йил бўлсин-да давлатинг бисёр,
Кўрарманми яна сиз билан дийдор,
То кўрганча, икки дўстим, аллаёр.

5130 Ёдимга ўтди ораликдаги кўп тоғлар,
Булбуллар учади, кўнади зоғлар,
Кўрарманми, сени, икки ғўччоғлар,
То кўрганча икки дўстим, аллаёр.

Осийдирман, мен ўзига гунохкор,
Бир куни кўрмоққа тутса-ку хумор,
Кўрарманми икковингдан мен дийдор,
Жондан ортик улфатларим, аллаёр.

Юрган киши энди жахонни кезар,
Айрилса, кўзидан ёшлари чизар/
Кўрарманми гул юзингни, дўстларим,
Доим мададкоринг у улуғ пирлар.


5140 Аёл мардум бўлар, жон дўстим, почор,
Сўраса келиб ҳол энанг муштипар,
Келсин, деб эди энангдай почор,
Ҳаялламай икковингдан биринг бор.

Умар дейди, олдинг бағрингга босиб,
Яхшилиқдан бўлдинг давлатга муносиб,
Бир неча душманлар пойингни кесиб,
То кўрганча, йўлбарсларим, аллаёр.

Алқисса, булар розилашиб, йўл тортиб кетди. Икки кечаю икки кундуз йўл тортиб, бир корли тоғдин ўтиб, кечасига уйку қобокқа қотиб, тўккиз кеча-кундуз адашиб кетди. Кун чошқада бир баланд тоғнинг устига чиқиб, адашганлари маълум бўлиб, бугун ўн бир кеча-кундуз орадан ўтди. — У ошар тоғларимиз қаёққа кетди? — деб боғбон бобоси Умарга қараб, бир сўз айтиб турибди:

5150 Бўлдим бу кун мен хайрона,
Ўзимиз келган тоғлар қани?
Кўролмайман элатимни,
Ўзим юрган боғлар қани?





Зог учмайди – улуғ даш[т]лар,
Подшоликнинг халки кўрса,
Ушлаб этиб зиндон ташлар,
Бўлдим бу савдонинг хайрони.

Баланд ўсган ар-арлар,
Билмайди-ку икки шерлар,
Сочи сумбул, нозли гуллар,
Қани ўтар бизнинг йўллар?

5160 Чарчаб қолди бедов отлар,
Учсак ҳам йўк канотлар,
Улар бизнинг ҳамроҳлар,
Қани энди икки улар?

Расво килди Парвардигор,
Қулоқ солгин, мулла Умар,
Адашгани Эгам хўрлар,
Қани энди Булғор шаҳар?

Шунда Умар бобосига караб, бир сўз айтиб турибди:

5170 Ажал етса ҳар бир ерда ўлармиз,
Ботир бўлиб хон қошига келармиз,
Йўл ўнғласак, отдай югуриб, елармиз,
Бугун ғамгин бўлсак, эрта кулармиз.

Насиб бўлса Булғор элга борармиз,
Бизлардай сарсон бўлган икки тўрамиз.
Адашдим, деб йиғламагин, бобожон,
Йиғламанг, Булғорни сўраб топамиз.

Мулламан, чиккан хату саводим,
Кўринар бир ерда Булғор элатим,
Умар дер, йиғлама, қолмас тоқатим,
Омон бўлса, бўлар икки улфатим.

Боғбон: – Болам, ўн икки кунлик йўлда қолиб кетдик. Ёмон савдо кўрсак, улфатларининг ҳеч фойдаси бўлмас, – деди.

Иккови тагин от ўйнатиб, тоғдан тушиб бораётган чоғида бир дўржи тўпар турган кишилар кўзига кўринди. От қамчилаб иккови шулар ёнига



кетди, тинмайин йўл тортиб, тўпар кишиларнинг устига етди. Улар
Қаҳрамон деган подшоҳнинг қоровуллари эди. Қоровуллар ёнига бориб,
отини тўхтатиб, Булғорни сўраб, Умар хон бир сўз айтиб турибди:

5180 Ботирлар қиличи, найза қўлига,
 Неча бир ўқлари бордир белига,
 Тушсангизлар баайни мўмин тилига,
 Ўнгаринг бизларни Булғор элига.

 Ҳеч ким чидамасди марднинг заҳрига,
 Бу мардлар олмасин аччиқ қаҳрига.
 Бизлар бир адашган, икковгинамиз,
 Ўнгаринг бизларни Булғор шаҳрига.

5190 Қўшин кун қамчи қўяр мардлар отига,
 Ўн кун ҳалак бўлдим тоғнинг бетига.
 Раҳм этинглар, мапа турган жамоат,
 Ўнгаринглар. Булғор эли юртига...


 Умар дейди, дўстман, билгин, ҳақиқат,
 Қорахоннинг шу икки фарзандига.
 Ҳозир эга бўлган шу Боғдодига,
 Йўл кўрсатинг, борса Булғор юртига.

Қаҳрамон шохнинг чин оти Ойтўра, лақаби Мастура деган бир кизи бор
эди. Уйку-ғафлатда кўп тилла узук ва сирғалари, уй анжоми, бўҳчаларини
ўғирлатган эди. Бу отилар подшонинг амри билан йўқолган нарсаларни
ахтариб юрган қоровуллар эди. - Мол ўғирлаган дузилар шулар, - деб
қўлларини тортиб бойлаб, икковини шу қоровуллар олиб кетди. Намоз
вақти Қаҳрамоннинг шаҳрига етиб, подшоҳига етиб кўрсатиб, подшоҳига
қараб, Гавир деган полвони ўзини ботир кўрсатиб, бир сўз айтиб турибди:

 Жой сўрайди райкор билан бизлардан,
 Ҳам йитик топилар шу гуноҳкордан,
 Булар хабардордир ҳар бир шаҳардан,
 Булар кўрганидан қочди бизлардан.

5200 Қўлин ушлаб тортиб бойлаб олувдик,
 Мандираб йўл сўрайди Булғор шаҳардан,
 Қуллан мол топилар шу дузилардан,
 Ғазаб қилинг, мол топилар шулардан.





Ҳалак бўлдик, дейди, тоғнинг бетига,
Қўйворсангиз, кочиб кетар юртига.
Шуларнинг хабари бор йитган гавхардан,
Ўғри шулар, кўрманг сиз ўзгалардан.

5210 Ақли бордир, билдим, элнинг эгаси,
Ўғриларнинг кўпдир райкор хийласи,
Шу мўйсафид ўғриларнинг каттаси,
Топилади шундан узук, тилласи.

Қулок солинг, таърифи кетган полвонга,
Мени якка қўйинг сонсиз душманга,
То топгунча солиб қўйинг зиндонга,
Булар газандадир юрган майдонга.

Қаҳрамон шоҳ ўзига ўхшаш ўттиз кишини ўзидай либос кийдириб,
юрса ҳам бирга юриб, ўтирса бирга ўтургувчи эди. Ўз хизматкорларидан
ўзга қайсиси подшолигини билмагувчи эди. Шунда Ҳамро боғбон:
“Буларнинг ичида қайси шоҳдир”, – деб ҳайрон қолди. Ўртадан шоҳ
туриб, бир сўз айтиб турибди:


Бизнинг полвон бойлаб келди қўлингни,
Ўғри, на чўғли билдинг холингни,
Қайда қўйдинг ўғирлаган молингни,
Келтирмасанг, кесар бўлдим сарингни!


5220 Полвон таниган, э, дузилар, ўзингни,
Тўғри айтгин икковинг ҳам сўзингни.
Қанча ҳамрохинг бўлса, айта бер,
Урмай-сўкмай қўйиб юборай ўзингни.

230

Ҳамроҳларинг ҳам тиллани топмасанг,
Йиғлатарман ўғил билан қизингни.
Қайда моллар, бобо, менга бер хабар,
Молни топгин, ойдин қилгин юзингни.

5230 Қаҳрамон дейдилар менинг отимди,
Бўғчасини опсан шу фарзандимди,
Бўғча-кимхоб топиб бергин, э, бобо,
Ҳали тўкканим йўқ сиёсатимди.





Кахрамоннинг йўқдир ғайри даъвоси,
Хам нигини йитган, асл сирғаси.
Бескорор йиғлайди унинг энаси,
Топмасанг, узилар дузи калласи.

Ўйлаб турса, булар ўғри бўлиб қўлга тушганга ўхшайди. Шунда боғбон бобо подшога бир сўз айтгани:

Хамроҳ айладим мен ана муллани,
Ҳеч қилганим йўқдир бундай гунони,
Додимга етгин бу элнинг султони,
Олганлардан сўранг тилла сиргани.

5240 Тўғриларни ўғри қилсанг кизикди[r],
Бек боласи тортар олтин сибзикди,
Ҳеч кўрмадим сендай кўнгли бузукди,
Олганлардан сўранг тилла узикди.

Сизми сиз бу элнинг ҳозир султони,
Ҳеч кўрмадим сендай аҳмоқ подшони.
Мен қачон кўрибман шаҳар кўчани,
Олганлардан сўранг кимхо-парчани.

5250 Туркингга қарайман лазги-армани,
Юзингнинг йўқдир сира бир кони,
Ҳозир бўлдинг икки тўғрининг душмани,
Олганлардан сўра йитган тиллани.

Билиб айтгин, шоҳ бўлсанг ҳар бир сўзингди,
Тухматчи билганман сенинг ўзингди,
Қорахондай бой берма кўлу кўзингди,
Олганлардан сўра энди пулингди.

Эрали, Шерали деган ўғлим бор,
Келса вайрон қилар балки элингни.
Ҳайдаб кстар балки боғлаб қўлингди,
Олганлардан сўра йитган молингди.

Подшо ўрнидан туриб: – Ўғри-каззоб, мактамагин улингди, бизнинг полвон бойлаб келди қўлингди, фойдаси нима икки жону дилингди? Сен ҳали ўғри эмасми? – деб ўрнидан туриб, у ер – бу ерини кўра бошлади, боғбон бечорани бир-икки ошириб муштлади.



Умарнинг топиб олган бир узуги бор эди, ўзи беҳабар эди, киммати бир шаҳарга бергисиз эди. – Бир узук олиб, иккимизни озод қилса, мана бир узук бўладиган бўлса, – деб узукни подшонинг олдига ташлади.

– Молнинг биттаси чиқди, бу каззоб ўғриларда бунақа узук нима қилсин?! Аввали Ойтўраникидир ва уники бўлмаса ҳам бир подшонинг хазинасидан чиққан; бу узук ўғриларга соя бўлмайди, ўғрилиги ҳақиқат маълум бўлди, – дейишиб турдилар. Шунда бириси, айтди: – Бандиларни шу узук билан бекларингиз Ойтўранинг ўрдасига олиб бориб кўрсатсин, узук қизингизникими, йўқми шунда биламиз. Подшо беш-олти золимига буюрди: – Шурларни қизимнинг ўрдасига олиб боринг; узукни танисатанимаса, олиб келинг, – деди. Золимлар қўлларини бойлаб, ҳайдаб, орқасидан туртиб Ойтўранинг олдига етди. Ўрдада ўтирган ойимни чаллатиб: – Йитган молларингиз топилди, мана узук нишонаси, – деб қўлига берди.

Ойтўра ойим ойдаи юзига қил пикобини ташлаб, бол лабини тишлаб, узукни ўнг қўлига ушлаб, жаҳонда йўқ узук экан, – деб хушлаб, Умарга караб, сўзни бошлаб турибди:


Меники десам жоним куяр,
5260 Балки сизларни отам сўяр,
Хушрўй қизлар эрга тияр,
Бобо, бу кимшики, кимники?

Тўғри айтгин, қилма мазок,
Қўлимдадир, думоғим чоқ,
Йитган бизнинг асл мунчоқ,
Узук кимники, кимшики?

Гулдайдир менинг танам,
Оламда битган мен сапам,
Ўзимники десам, ортар гуном,
5270 Узук-ай кимники, кимники?

Айтинг Ҳамро бобоси,
Мен эмас узук эгаси,
Ҳақиқат сўйла сен мулласи,
Узук кимпики, кимники?

Сўраяпман, тилла зулфдор,
Тилла таққан гажакдор,



Ё шуни таққан сизга ёр,
Узук кимники, кимники?

5280 Ёлғон айтма, худойим бор,
Оркангизда икки павкар,
Рост айтмасанг, урар бекор,
Узук кимники, кимники?

Ойтўрадир менинг отим,
Бўлмасин сизга тухматим,
Юзимда колмасин уятим,
Узук кимники, кимники?

Шунда мулла Умар Мастуранинг никобли бетига караб, бир сўз айтаяпти:

Куйинманг-да ойим мунча,
О, хушрўй, белинг химча,
Узук эгаси беквачча,
5290 Узук шуники, шуники.


Бошига тушган тухмати,
Мендай мулланинг улфати,
Эрали эгасин оти,
Узук шуники, шуники.

Ўлмадилар, осди дорга,
Тушганда-ку золимларга,
Бериб кетувди бизларга,
Узук шуники, шуники.

5300 Этувдик ярок, отиши,
Бермабман у кимматини,
Сўрайди эл Боғдодини,
Узук шуники, шуники.

Келтирма марднинг қаҳрини,
Сўрайди Боғдод шахрини,
Олган умидига ёрини[нг],
Узук шуники, шуники.





Уйланган эмас, бўйдоқди[р]
 Ҳам эгаси олтин тахтди,
 Олайн дер гулгунчоқди,
 5310 Узук шуники, шуники.

Ўзи бачча, акли расо,
 Бир жоноппи дўстим олса,
 Гул юзидан килиб бўса,
 Узук шуники, шуники.

Билмадим-ку кимга бокар,
 Ҳушёр қизлар қошин қокар,
 Кимни олса, шулар такар,
 Узук шуники, шуники.

Подшодир Боғлод шахрига,
 5320 Тушган ёр олмоқ баҳрига,
 Олса тақтирар ёрига,
 Узук шуники, шуники.

Умарман мен, шунинг дўс[т]и,
 Сиздан келар мушкин иси,
 Бўларсанми Оқил дўс[т]и,
 Узук шуники, шуники.

Ҳар подшодан зўрдир ўзи,
 Олса тақар сарвинози,
 Ўйпашади кора кўзи,
 5330 Узук шуники, шуники.

Ойтўра ойим: “Ёмон экан талойим, шундай хуш қиликли баччалар билан бўлса масканим, жойим; шу узукнинг эгасини ёр қилиб, ўнг қўлимга тақиб ўйнашмасам, тос тепамдан урсин мени худойим. Боғдоднинг эгаси бўлса, ҳар кимсанинг шундай тўғри жўраси бўлса, ҳар лавадни ёр қилгунча, шундай ёринг бир шаҳарнинг эгаси бўлса; унинг билан қилсанг айшу ишратди, шундай кишилар билан қилсанг истиқоматди; э, ўзинг солгин шундай мардга бизнинг тақдиротди, олдим-ку қўлимга ўзимга берадиган қалини қисматди, бу узукни кўрса бир подшо берар бир мамлакатди”, – деди. Шу гап кўнглига ўтиб, ясовулларга қилди имо-ишоратди. – Нима қилайик, бувишим, эгасига берасизми бу тоши қимматди, ё қамаб қўяйикми бу икки наълатди? – деди. Йўқ, буларга бермайман асл узуги



кимматди, эгасига киламан бир дастхатди; эгасини топиб, бераман узуги кимматди, зиндонга сазовор қилинлар бу икки палакатди, — деди ойим.

Икковини ҳайдай берганда, Умар кетига қараб: -- У асл менга омонатди[r], қўлига тушмайди ҳар қандай палакатди, у дўстимга Оллоҳ берган кучу қувватди, отангиздан давлати зиёдди, келса бузади бу мамлакатди. Узукни бу ёкка беринг, — деб кейнига тортилиб, ўзини тўхтатди. Золимлар чилбирни бўйнига тайлаб судраяпти. -- Уч ботмон ўқ-ёй отадиган улфатимнинг қадри ўтди. Агар бир кишига миндирсанг отди, эгасига чинаки қиладиган бўлсанг хатни, мен ҳам бир хати нома ёзаман, шу арзачинг бизнинг хатни ҳам олиб кетсин, -- деди. Золимлар боғбон билан Умарни қўймай, олиб бориб, зиндонга қамаб қўйдилар.


Золимлар подшо олдига бориб: -- Таксир узуги эмас экан. Шунча ҳам бўлса қолди олиб, гарданига уриб, зиндонга солиб, сизнинг амрингизни қилиб келдик, — деди. Подшо айтди: -- Ойтўра ҳам танимадими? Золимлар: -- Эгасининг тайинини гуноҳкорлардан билиб, эгасига хат қилиб, узукни ўз эгасига бермоқчи бўлиб олиб қолди. Қизингиз тоза мўминшунос экан. Ўзимшики деганда ҳам бўлар эди. Ростини айтсак, Яман деган жойларда мундоқ асллар бўлар, бизнинг ерларга ундок нарсалар ҳеч меҳмон бўлмайди, — дедилар. Қоровуллар биттаси айтди: -- Бу банди-ўғрилارнинг кеги ҳалдин зиёд зўрга ўхшайди. Боғдоднинг подшоси дўсти бўлса, зўр подшонинг узуги экан, опқомас эди қизинг эси бўлса. Агар узук эгаси Боғдоднинг эгаси бўлса, бироз ғавғолар пайдо бўлар, — деди. Подшо: -- Қизим хат юбораман деган бўлса, эҳтиёт бўлинглар, — деб ўрдасининг атрофига ўн тўрт кишини қоровул қўйди.

Ойимча бир неча дарчалардан ўтиб, қоровулларга билдирмай, бир чироғини ёкиб, сиддил пўпакларини сочидан олиб, ярим окшомда зиндонга бориб; очи паҳор ётган: “Беҳабар қола берди, ҳолимиз таиғ бўлди”, — деб ўтирган чоғида Ойтўра ойим бир сўз айтиб турибди:

Мусофир элларда, бобо хормисан?
Ёкти жаҳон бир кўрмоққа зормисан?
Бобо дейман, танимайсан, кўрмисан,
Омон-эсон икковингиз бормисан?

Мулла Умар, қилиб бергин хатингни,
Улфатинга қилгин арзу додингни,
Келса олиб берар ўлжа отингни,
Омон-эсон, меҳмонларим, бормисан?

Маст баччалар доим ўйнар гул билан,
Отам душман, мен дўстинман дил билан,



Харна хатинг бўлса бит тез қўл билан,
Омон-эсон, икки банди, бормисан?

Менинг ҳам чок бўлди битилиб хатим,
Кетмоққа созланган Олмакўз отим,
Сизлардан тасаддуқ гулдай жасадим,
Бири бобо, бири навжувон, бормисан?

5350 Тўғриларим, қизил юзи нурмисан,
Тура келиб менга, бобо, кулоқ сол,
Шулар олса, бизни келин дермисан,
Омон-эсон, бобожоним, бормисан?


Тўғрилиққа об сизлардан узукди,
Озод қилсам, борсанг, ўғлинг келмайди,
Бу шаҳарга келиб қилсин қизикди,
Улуғ подшо бўлса кетинг, зўрмисан?

Отим Ойтўра, лақабим Мастура,
Ёридан айрилар ҳам бахти қора,
Хатинг бўлса, узат менга, э, Умар,
Омон-эсон, боғ эгаси, бормисан?

236 – Чироқ бўлмаса, қоғоз билан дават-қалам бўлмаса, бу қоронғи
зиндонда қайтиб битамиз? – деди Умар. Ойимча у ёқ бу ёқда қоғоз, қалам,
сиёйини топиб, чироғига бойлаб, бандиларга узатди. Умар кўнглидаги
бор гапни хатга битиб, бобоси билан ўзининг зиндонга тушганларини
маъкуллатиб, тамом қилиб, чироғига бойлаб узатди. Ойимча хатини
олиб, келиб кўшқига кириб, хатнинг тайин борар ерини билиб, бу ҳам
бир хатни қилиб, Гавир полвоини ўрдасига чакиртириб, олдига зиёфатлар
тортиб, думоғини чоғлаб: – Э, Гавир ака, бизнинг молларнинг қоламаси
Боғдоднинг шаҳрида. Арзон-кимматига қарамай, Эралихон шунини олган
экан. Ё шу омонатларни берсин, ё сотқувчи кишиларни топиб берсин.
Сизнинг тириклигингизда ўғри менга шунча жабр қилами? – деб хат
ўқишни билмаган Гавирнинг қўлига чиқариб бериб, бир сўз айтиб
тўхтабди:

5360 Алплигингни шу сирача билдиргин,
Ғамгин қилма, шодисна қулдиргин.
Боғдод элга Эрали деб сўроқлаб,
Шу хатимни Эралига билдиргин.





Бўйин бўлса, отига ҳам миндириб,
Майдон, чўлларида чопиб, елдириб.
Арза-номам этиб бергин кўлига,
Дўстим дегин, уни ҳам бир кулдириб.

Эр йигитнинг паймонасин тўлдириб,
Кахрабодай кизил юзин сўлдириб.
Ўқиб кўрса ўзи билар арзимни,
5370 Талқа-шавлиқ қилса келгин ўлдириб.

Каллахўрни дарвозадан эндириб,
Нсча гаплар билан кўнглин тўлдириб.
Хайр деса, тез кечикмай етиб кел,
Зинҳор келгин шуни отга миндириб.

Ҳеч унга душманлигинг билдирма,
Майдонро олиб чиққан вақтингда,
Хурсанд қилиб, сира ўйнаб-кулдирма,
Зўрлигингни шундай алпга билдиргин.

Ботир бўлса, караб билгин кўзига,
5380 Нишонаси бордир тикка сўзига,
Бир он чиқсанг, ҳеч қайтарма изига,
Кела бергин алплигингни билдириб.

Шоҳ қизига ошқиклигинг биламан,
Сўғин сизнинг билан ўйнаб-куламан.
Даста-қошиқ берма харгиз кўлига,
Нима десанг, амирингда тураман.

Ойтўра йиғлайди, ҳажрига қуйиб,
У қиммат нарсаси қўлимга тейиб,
Бола эмиш, олсам тизимга суйиб,
5390 Ўзингдан бохабар бўл, қўймасин сўйиб.

– Боғдод элга бормокликка отангизнинг Олапойча шапақ оти ярайди. Башарти табладан Олапойча шапакни олиб берсангиз, қувганда – етар, қочсам – кутилиб кетар, ўзга от мишсам – қорни ерга етар; агар бир ерда от йиқилса, сўнгра ишнинг мазаси кетар; отангнинг тўрт юз тўксон югуриги бор, ҳамма оти бирдай чопса, ҳамма отлардан шу ўтар, – деди Гавир. Ойтўра ойим паранжи-чачвон қўйиб, ўн бир тош таблани кўриб, ярим



окшомда Олапойча отни уриб; пўхталаб, полвон билан ишни пухталаб, хотиржам гузарлардан отини етаклаб, баъзи кўчалардан тўғрилаб ўрталаб, сахар вақтида отини етаклаб, кўшкисига келди. Кўҳна абзалхонадан эгарларни топиб, отни эгарлаб, Гавир полвонни уйғотиб, Олапойча отни кўрсатиб, ойим бир сўз айтиб турибди:

Абзал керак эмас сиздай зўрига,
Курашганда илим солгин белига,
Шу қамчи бўлади, алпнинг қўлига,
Кўринмай чикиб кет, отам элига.

Миндирдим мен Олапойча отига,
Тоғлар гумбирлайди чопса отига,
Ёв кўркади полвон сиёсатига,
Кетгин ҳеч кўринмай отам юртига.


5400 Миндирдим отамнинг жониворига,
Киши хизмат қилмаймикан ёрига?
Келган кеча босиб олар бағрига,
Кўринмай кета бер, отам шаҳрига.

Полвон киши пухта бўлар ишига,
Бу гапларни айтманг ўзга кишига.
Омон-эсон Эралини оп келсанг,
Сўнг муносиб мендай дилбар тўшига.

5410 Ойтўранинг ўзга фикри, хаёли,
Юзида холи бор, лабида боли.
Омон-эсон шу мардни сен оп келсанг,
Сўнгра бўлсам сиздай алпнинг аёли.

238 Гавир полвоннинг сийнасига бу гаплар ёқиб, ойимнинг гапларини хуш кўриб: - Ҳозирман, шундай кетмоғимнинг эби борми? – деб бир сўз айтиб турибди:

Хушрўйсан, ақлинг расо,
Шароб бергин-чи бир коса.
Кетар чокда хурсанд бўлай,
Беринг менга икки бўса.



Ингичка белларинг тасма,
Кўлда хиша, кошда ўсма.
Умидворман ҳозир сенга,
Дардинг урсин, гапинг росма?

5420 Умидворчилигим шулдир,
Ўзинг раъно, тоза гулдир.
Искатгин менга ойимча,
Таътил бўлар бориб келгунча.

Йўлга солгин мендай мастди,
Гапларинг кўнглимни кесди,
Билмасанг агар мендай дўстди,
Бўса бер кочиб тургунча.

Алпман, менинг отим Гавир,
Иккимизга келса давр,
Ошиқдирман, килма жабр,
5430 Бўса бер менга шу давр.

Агар бўсани бермасанг,
Мен минмайман отинг жавир.
Аччиғим келса бормаيمان,
Бўса бер менга шу давр.

Ойимча: – Ўлиб қоласанми бориб келгунча, полвон бўлгандан сўнг, ақлинг-ку расо, ҳозирча бермайман сенга бўса, олдин менга хизматингни кўрсат-да, хумса. Ўрдадан йитган нарсани бўйнингга қўйиб, ўн тўрт қоровулга билдириб, отамга айтиб ўлдиртираман сўйдириб, ундай қилгунча бориб кел, шу ваъдадаман, – деди. Гавир Қаҳрамон шохнинг қазабидан кўркишидан: “Мен бир хизматкори, бу қонқуяр подшонинг кизи, эрка ўсган бу ноумиднинг ўзи; ке, борсам – бориб келай, чин ваъда қилганга ўхшайди, мандан ўзгага тегмас-да ўзи”, – деб қайтадан умидвор бўлиб, отга мишиб, “Қаттиқ кунда даркор бўларсан”, – деб яроғини ёнбошига илиб, дарвозага отни тўғри қилди. Шунда ойимча кетарини билиб, бир сўз айтиб турибди:

Баракалла, полвон Гавир,
Бу элатга солма дубир.
Қоровуллар ҳеч билмасин,
Отга пухталаб қамчи ур.



5440

Атрофда коровул, кўргин,
Жабр кўрма, даврон сургин.
Қайтиб келиб лабим сўргин,
Отга қамчи маҳкам ургин.

Сизда бор йўлбарсининг кучи,
Қўлингизда ўткир қамчи.
Саломат бориб келсанг,
Сўнгра сизга берай муччи.

5450

Ўзинг полвон, ақлинг расо,
Майимни ичдинг бир коса.
Саломатда Гавир келса,
Сўнг юзимдан олсин бўса.

Қаранг мендай, Мастурага,
Умид қилманг ҳеч порага,
Хатимни бергин тўрага,
Кечикмай келинг, садаға.

Гавир ўн тўрт коровулга қараб, бирдан отини қамчига тутиб, тонг сахарда чикиб кетди. Олапойча илдам отди[r], гоҳ ерда жиловин тортди, майдон келганда бўшатди; уйқулар кобоқка қотиб, бир тоққа етди: “Теваракка қарай, чўпон-пўпондан Боғдоднинг юртини сўрай”, – деб отининг жиловин тортди.

Аммо шу тоғнинг отини Юлдуз тоғ дер эди. Юлдуз тоғнинг олқор, кийигининг таърифини одамлардан эшитиб, ов ёдига келиб, Тўриқ отининг белига миниб,



Одил қилиб берган ёйини кифтига солиб, чин довулни эгарга илиб, ҳеч кимга гапирмай, Эралихон Боғдод элидан Юлдуз тоғига қараб чикиб кетди. Эралихон икки ярим кун кун йўл тортиб, олти олқор, бешта кийикни отиб, бир чашманинг бошига етиб, семиз бир олқорнинг

терисини артиб, чакмоқдан ўт чиқариб, етти ярим газ пайсасига гўштни катор чизиб, кайфини чоғ қилиб, кабоб еб турган ерида бир тараф тўзиб, биров отини қўйиб келаётгир. Эралихон пиёдалаб, найзасини қўлига олиб, келаётган Гавирнинг олдидан чиқиб, қир устида найзасин суяниб турди. Гавир кўриб: “Ахтарган чўпонни топдим”, – деб отини тўхтатиб, мўйловини икки ёққа товлаб бураб, кўзини олартиб, Эралихонга қараб, Боғдод шаҳрини сўраб, бир сўз айтиб турибди:

Сиёсатга мўйловимни бурайман,
Икки кундан бери чўпон қарайман.
Кўп кўркмагин, кимнинг даҳмардасисан,
Тўхта, сендан Боғдод элни сўрайман.

5460 Даҳмарда деб бош-оёғинг мўрайман,
Чин айтмасанг, парча-парча тўғрайман.
Ўлдираман, таваккали жўнайман,
Мен сендан Боғдод элни сўрайман.


Сен гапирсанг, қулоқ солиб англайман,
Сартнинг тилин ўзим яхши фаҳмлайман.
Ҳар на десанг, айта бергин, даҳмарда,
Сенга айтсам, Боғдод элни сўрайман.

5470 Жавоб бергин, мендай полвон Гавирга,
Зиёда қолмагин берда жабрга,
Не иш қип юрибсан бу тоғ бағрга,
Билсанг, йўлим ўнгар Боғдод шаҳарга.

Шунда Эралихон: – Олапойча минибсан отингни, нима дейди асли сенинг юртингни, менга қилма бундай сиёсатингни, Боғдод борсанг, тўғри шундан кета бер, дўк урма, кўрсат менга куч-қувватингни, -- деб бир сўз дегани:

Бу тоғларда саргардон бўп юрасан,
Ўзинг доно, мени лодон биласан.
Одами, ноодамни сен на биласан,
Боғдод элга бориб нима қиласан?

Менга айтгин бориб қилар ишингни,
Кавак полвон, катта билма лошингни,
Тўғри менга гапир қилар ишингни,
Боғдод элга бориб нима ишинг бор?



5480 Мен ҳам сен айтган Боғдолдан бўламан,
Ким дейди сен йўқлаган кишингни?
Хар кимни сўрасанг, менадан сўрагин,
Боғдод элда сенинг қандай кишин бор?

Сен каттасан, мен бир ёш боламан,
Найзам ўткир, кўкрагингдан соламан,
Қулай келса мен бошингни оламан,
Боғдод элда қандай зарур ишинг бор?

Боғдод элнинг ҳаммасини биламан,
Айтсанг-ку, йўлингни киска қиламан.
Энди шу ердан ўгма зинҳор Боғдодга,
5490 Бошинг кесиб, қанжиғага иламан.

Доим номард камситади мардини,
Сенга мен кўрсатмам Боғдод юртини.
Танимайсан, чўпон дейсан, занифар,
Эрали дер мендай чўпон отини.

- Чўпон, сизнинг отингизга ўхшаш менинг истаганимнинг ҳам оти,
мен бир подшоҳнинг саф сиңдирган полвониман, – деб бир сўз айтиб
турибди Гавир:

Олапойча югрук менинг отим бор,
Бир шаҳар олғудай куч-қувватим бор.
Чўпон, менга кўп-ку хазил қилмагин,
Чунки зўрдан олган қўлда хатим бор.

Қаҳрамон дер, менинг хоним аждаҳор,
5500 Аждаҳорнинг захрига-ку ким чидар.
Тўғри сўзинг менга сўзла, хусндор,
Пухта билгин, Гавир дегап отим бор.

Ёвдан, элдан мен кўркмайман ҳарғиз,
Кўрксам юрмайман-да майдонда ёлғиз.
Тапиш бўлайик бу ерда иккимиз,
Бу тоғнинг отини дейдилар Юлдуз.

Ўзингнинг ҳам жасадингга қарагин,
Менинг ҳам-ку бу бўйимга қарагин,



5510 Полвон бўлсанг, кураш, кучинг синагин,
Албат йиқиласан мендай полвондан.

Бу туришинг сенга ваҳми қиёмат,
Йиқилсанг, қўймасман сени саломат,
Омон коларингни ўйла, азамат,
Қўркмайсанми мендай келган полвондан.

Гавир дейди, Қахрамоннинг полвони,
Мен билан олишгашнинг чиқади жони.,
Кураш қилсанг, мана, Юлдуз майдони,
Ёш ўғлон, ўлмагин хасрат-армондан.

Алкисса, Эралихон белини бўш бойлаб, қўлидаги найзасини тайлаб:
-- Туш отдан, отангнинг боласи, -- деб майдонда айлана берди. "Шу ажаб
бачча билан мен гаплашиб қолдим. Ке, энди қўрккандай бўлиб тургунча,
отдан тушиб, осмонга отсам -- тушмаси кетар, зарб билан ерга урсам --
чикмаси кетар", -- деб отидан тушди. -- Ажалинг етиб, кушинг битиб, сен
баччанинг қонинг тортган экан, -- деганда Эралининг қаҳр-аччиғи келиб,
Гавирга тўғри бўлиб, бир сўз айтиб турибди:


5520 Бехикмат эмас тоғнинг тоши,
Полвоннинг бўлмас қари, ёши.
Полвон, мулча лоф урмагин,
Менинг ўзим одамкуши.

Қаддинг-ку мenden зиёдди[р],
Лоф урмоқлик кўп уятди[р],
Кел, тўккин кучу қувватди,
Ўзига маълум марднинг иши.

5530 Тангибозлик шундай бўлсин,
Йиқитган алп тирик қолсин,
Ҳар ким йиқилса, шу ўлсин,
Бу майдонда қолсин лоши.

Бўлсин Алининг кураши,
Мен ҳам Боғдод элнинг ёши,
Йиқитган алп тирик қолсин,
Йиқилганнинг қосилсин боши.





Эрали дер кара менга,
Тез айлан, мапа, майдонга,
Қора тошни бўйй қонга,
Курашмоқ, полвоннинг иши.

“Бу поумид кўп махмадана экан. Ке, бунинг билан эрга кунни кеч килиб ўтиргунча, курашиб, ё ерга, ё осмонга отиб юборай”, – деб қўлини чинордай килиб, Эралихонга қараб югура бошлади. Эралихон унинг белидан ушлади. Уч мартаба аччиқ билан полвон Эралини олдинга тортди, Эрали ерга тайлаб куч-куватди, уч марта ҳам қимирлата олмагандан сўнг Эрали мардди, бор оғирлигини Эралининг кифтига ташлади. Шунда Эралихон довуш килиб, кўтармокчи бўлиб, ерга урмокчи бўлиб, бир сўз айтиб турибди:

5540 Мендан қувватлик жасади,
Қолсам укамнинг давлати,
Овозадор элнинг марди,
Йикитмай сира қўймагин.

Кўтар путин пилонглатиб,
От ўзингдан жудо этиб,
Кураш қилдинг кунинг битиб,
Энди кучимни англагин.


5550 Кучин билгин ёш ўғлони[нг],
Сенга солайин армонни,
Англагин мендай полвонни,
Майдон узра тўкай қошни.

Полвонликка чиққан саводи,
Қойилдир эли, элати,
Билдингми, деб э, наъллати,
Сендайча мингта шогирди.

Кичик кўрдингми жасадди,
Отим Эрали, чин мардди[r].
Оёғини кушод кўтариб,
Аччиғланиб бу мард отди.

5560 Ярим таноб ерга бориб,
Ўн икки юмалаб кетди.





Найзасин қўлига олиб,
Эрали устига етди.

Гавир айтди: – Энди йикитдинг, бир кишининг хат-хабари бўйнимда карз кетмасин, шупи бериб келгунча, менга мухлат бергин. Эралихон айтди: – Сенинг Гавир полвои отинг бор, бир қирга ўхшаган шу жасадинг бор, лоф урмасанг ҳам бўлар эди, қандайча сенинг ариза хатинг бор? Ўчирайми Гавир деган отингни, чиқариб бер, э, заниғар, хатингни, – деб найзасини тўғри қилди. – Менга зўрлик қилдинг, – деб дилбар Мастуранинг хатини Эралихонга чиқариб бериб, бир ўғли бор эди, шу ўғлининг хақиға ўлдирмасликни сўраб, бир сўз айтиб турибди:

Ўқиб кўргин берган арза-хатимни,
Йиғлатиб қўймагин бир фарзандимни.
Мен ўлсам, бўлмайми у оламда етим,
Мен шогирдинг, сиз менинг бўнг устодим.

5570 Ўлим деган ерда йўқдир токатим,
Лоф уриб юзимда қолди уятим,
Ҳам сизга етмади кучу қувватим,
Мен шогирдинг, сиз менинг бўнг устодим.


Иккимиз билдик, билмас бу ишни халойик,
Юлдуз тоғда бир ваъдани қилайик,
Дўст киришиб энди олам сурайик,
Мен шогирд, сиз менинг улуғ устодим.

Гавир айтар, қувватингиз билинди,
Қўлинг теккан вақти бағрим тилинди,
Бизнинг билан дўст бўп ўйнаб кул энди,
Алпликни ўргатинг, чиксин саводим.

Эралихон мулла Умарнинг хатиға кўзи тушиб, хатдан банди бўлганларини, адашганларини ўқиб турганидир:

5580 Бир йил бўлди келдик Боғдод юртига,
Хатим қўшдим шу санамнинг хатиға,
Адашдик тўққиз кун тоғнинг бетига,
Сен етгин дўстингнинг арзу додига.





Ошиб кепмиз Қахрамоннинг юртига,
Гирифтор бўлганмиз ноҳақ тухматига,
Тоза қара Умархоннинг хатига,
Сени кўриб дўстим минсин отига.

5590 Ғурбат савлоси тушди танама,
Ёкалар ҳўл бўлди кўзда жалама,
Қийин бўлди мени тукқан энама,
Етсин дедим сиздай жондай жўрама.

Дўстликнинг қойдаси шундай бўлами,
Дўст кўрмоққа келган шуйтиб ўлами?
Чип дўст бўлсанг, отлан, Эрали дўстим,
Ёв кўлида энди дўстинг ўлами?

Ҳақиқатли бўлса истаб кемайми,
Берга келиб холинг қандай демайми?
Тирикликда менинг ҳолим сўрмасанг,
Ўлганимда ҳаргиз. дўстим, йиғлама.

5600 Узугимни кўриб ўша Ойгўти,
Ҳаққат экан, ўзимники демали,
Кўнгилига ҳеч бир кир-ку келмади,
Дўстим етсин Қахрамон элатига.

Тегарман, деб хатдан бордир гумони,
Хабар борса, мен ҳам дўстинг ёмони,
Лойик бўлди бизга шохнинг зиндони,
Қора бўлди лахта бўп юракнинг қони.

Сизлар омон пойтахтда турганда,
Ўғри, деб-ку бизни арвоҳ урганда,
Раҳбарлик айлагин лошу танама,
Ғариблик нишони бизга бўлами?!

5610 Қулоқ сол додига, мулла Умарга,
Қўп ишондим Эрали, Шерали сенга,
Дўст Худонинг оти, ўйла танангга,
Ғариб бўлиб тушиб қолдим зиндонга.



Шупда Эралихон: – Ўзингни душман англайман, хат олиб келганингни
дўст фахмлайман, қайси элдан сеники, сўрайман, – деб бунга қараб, икки
оғиз сўз айтди:

Биз билан дўст бўламан дейсан, полвон,
Тўғри сўзла, қилай жонимни қурбон.
Ўзимнинг кўрган дардимлан бу дард ҳам ёмон,
Айтмасанг, қиламан ерларга яксон.

5620 Ғанимат билгин сен чучук жонингни,
Тўғри айтмасанг, уюргин имонингни.
Кўрибмидинг қидириб борган меҳмонингни,
Рост айтмасанг, окизаман қонингни.


У арзасини юборибди-ку менга,
Ўзи тупидим депти қоронғи зиндонга.
На жабрлар қилдинг бизнинг меҳмонга,
Тўғри айтмасанг, лопи айлайман майдонга.

Гавир: – Рост сўзласам, қилмайсизми жонимга жабр? Подшо кизининг
ўрдаси йитган эди, кўп зари, кимхоб, тилла, сирғаси кетган эди. Подшо:
“Ахтариб топинглар”, – деб уч юз кишини отлағтирган эди. Овозаси
кетган ўғриларнинг кулбаларини излашиб, биёбон чўлда юриб эдик,
бир ёш бола, бир мўйсафидни кўриб эдик, бизлардан Булғорни сўраб
борганди, уларни ўғри-дузи қилиб, чанон урган эдик. Подшонинг назарига
элтиб топширганимизда, уларга ўтди подшонинг зарби-зўри, кўп марди
фақир киши экан мўйсафид-бири. Адоқ бўлмай туриб подшонинг сўзи,
кичик ўғри қилди ўзини-ўзи, баллоғи тилладан, бир иклимга бергисиз
киммат узугиниш кўзи. Ўттиз киши курсида ўтириб эди, узукка тушибди
бировнинг кўзи: “Аввало кизингизникидир, бўлмаса, бир подшонинг
давлатхонасидан ўғирлаб олгандир”, – деб бирови айтгандан сўнг, тоза
ўғрига чиқди икковининг ўзи. Шуйтиб, икки меҳмонинг зиндон бандиси
бўлди, – деб бир сўз айтиб турибди:

5630 Аслида сизники узукнинг ўзи,
Оббордики, кўрди шу шохнинг қизи.
Бир йил меҳмон бўлганини айтувди,
Уларни тутгандир сиздай полвонинг тузи.

Биласизми, ё билдирмаси олганди[р],
Сўйламайман олдишгизда ёлғонди,





Узук сабаб билан банди бўлганди,
Зиндонга солганди икки меҳмонди.

Ҳар эрта чиқариб, иби, урганди,
У йитган нарсани шундан сўрганди,
Ҳали ўлган эмас, тирик турганди,
Дўстингми, ўғрингми, улар зиндонди[r].

5640 Бировининг оти Ҳамро боғбонди[r],
Бировнинг оти ҳам Умаржонди,
Кўлдан тортиб олди тоши Яманди,
Шу иккови пухта айтсам, зиндонди[r].

Кулок солинг, хоним, мендай Гавирга,
Дўстинг бўлса, бирга юргин шаҳарга,
Осмокчиди қирк кун тўлганда дорга,
Юринг, меҳмонларинг тайин зиндонда.

– Юринг, жўра, меҳмонингиз зиндонда, – деб ростлик билан баён қилди. Эрали Ойтўранинг хатини энди очиб ўқий бошлади:


5650 Бу арзамни ўқиб кўрсин бегижон,
Келса, сурайлик деб биз билан даврон.
Бўйла савдо тақдиримга чизилган,
Ошиқ бўлар энди кўргунча ҳайрон.

Ёрга тактираман, деб узукни олган,
Таксам-ку, кўлимга лойикат келган,
Асли шу узугингиз мен учун бўлган,
Ошиқ бўлдим, юрагимда бор тугён.

Ўзим бир доно қизман, кошлари камон,
Балдоғи тилладан, кўзлари Яман.
Келмасангиз, ошиқ, мен бир куяман,
Келсалар, мен айлай жонимни курбон.

5660 Куйган ошиқ айтар биздай қўшиқди,
Сиз мошиқ бўлсангиз, мен сизга ошиқди[r],
Дарбадарлар кўрар ҳар бир эшиқди,
Тезроқ етиб келинг; қаддингдан полвон.





Хам томоша қилинг балки элимни,
Боғ оралаб узинг лола, гулимни,
Чин ошиқман хазар қилмайман ўлимни[дан],
Қучоқланг белимдан, сўринг тилимни.

Келиб кўринг, бегижон, кенгиш юртимни,
Ойтўра-Мастура дейди отимни,
Келиб кўринг юракда ишки ўтимни,
5670 Қучоқлаб белимдан, ўпинг бетимни.

Эралихон айтди: – Э, Гавир полвон, у мени қачон кўрган экан? Улар
икковими, биттами? Гавир: Иккови ҳам бир нозлининг номидир. Ойтўра
деган оти бобоси билан энасининг қўйган оти, Мастура дегани элнинг
қўйган оти, – деб бир сўз айтаяпти:

Сиз эга узуги Яманга,
Дилбар фирибгар қиз экан.
Фириб берган экан менга,
Ўлсин, деб мени буюрган.


Юринг дейман сиздай хонга,
Адисар тегмайди менга,
Об берайин дўстим сенга,
Ўлсин деган-да майдонга.

Юринг дўстим, ёр қилайин,
5680 Шу кўзи энди чўлпонга,
Лаби шакар хиромонга,
Мени бўялсин деган қонга.

Икковлашиб биз борармиз,
Бобонг, дўстинг тушган зиндонга,
Кўп лашкар чиқса майдонга,
Қилич бўйи лола қонга.

Сиз ёр бўнг ушбу жононга,
Дўстлигим билдирай сенга,
Бир ўзимни буюр, дўстим,
5690 Лашкар чиқса биёбонга.





Дўст кирганим хакикатди[r],
Мен – шогирд, сиз – устодди,
Об берай шундайини юртди,
Эгаси бўнг адолатди.

Дарров мининг, дўстим, отди,
Турмушим-кўйим ғайратди.
Чаппа-роста мен от кўйиб,
Қийратай жову жаллодди.


5700 Сиз подшо бўб, салтанат киб,
Сўранг аркони давлатди,
Ишин кўринг чин улфатди,
Энди ёвга қиёматди[r],

Хизматин килай устодди,
Тезроқ мининг, тақсир, отди,
Дўстим дедим сиздай мардди,
Биздан кўринг, дўст, хизматди.


Алкисса, Эралихон оти турган қўшхонасига ияртиб борди. Отган олқорларининг устига етиб, бировининг пўстини артиб, найзаларига тортиб, кабоб килиб, иккови тўйиб, отларнинг айилини килиб қаттиқ. – Укам сўрайди Боғдодда адолатди, подшо бўлган укамга ҳеч ким қилолмас бидохатди, – деди. Олқорларини икки отга бўлиб ортди. Мабодо қирқ кун тўлиб қолса, бой бераман Умар улфатди, – деб иккови икки отни миниб, бир-бирига сўз айтишиб, йўлга тушиб кетди:


5710 Югруклигин кўрсак отди,
Қайсиси энди зиёдди[r],
Кўнглига олиб улфатди,
Шипирма камчига тутди.
Гавир полвон шошма, деб,
Орқасиндан ияриб,
Бу ҳам чопди Шапақ отди.
Икковининг от чопгани,
Юлдуз тоғни гумбирлатди.
Бедовларини иргитди,
Икки отнинг чопиши,
Майдон, чўлни сўлкимлатди.
Қир келганда қиялатди,






- 5720 Ҷар келганда жаналатди,
 Қўринг, шу икки улфатди,
 Арна келганда ирғитди.
 Юлдуз тоғ ажаб баландли[r],
 Баъзи ерлари чағатди,
 Тоғнинг тошин ёнғок этди.
 Қулай келганда, шоввозлар,
 Паст қирлардан ирғитди.
 Ҳанга асл тилладан,
 Қундай қилиб яркиллатди.
- 5730 Ётти қулоч найзасининг
 Сихи олмосдир-пўлатди[r].
 Кейин қолмоқ уятди[r],
 Гавир полвонни ияртди,
 Олислаганда тўхтатди,
 Терлаб-пишиб Гавир етди.
 Қайда энди элинг, деб,
 Эрали мард сўраяпти,
 Гавир шошқинлаб кўрсатди.
 Гоҳи баланд, гоҳи ерла,
- 5740 Қамчилашиб тулпор отди.
 Отнинг белига ярашган,
 Тилла айил, нукра пуштан,
 Эралихон минган оти,
 Қами йўқ йўрға юришдан.
 Чу, деганда жонивор ўтар,
 Қўкда учар илдам қушдан,
 Қуюшқон асл қайишдан,
 Тартибин олган таркашдан,
 От сағрисиға ярашган,
- 5750 Юлдуздай қип яркиллатди.
 Уйқуси кобоққа қотиб,
 Қора дарахтли ерга етди.
 Иккови ҳам совиб олган,
 Жонивор қорсоқдай қотди,
 Совиб ҳам қувиғин тортди.
 Оғзида олтин сувлиғи,
 Ул сувлиғин гувдиратди.
 Қора дарахт вилоятди[r],
 Ёвга солай, деб қиёматди,





- 5760 Бир кеча, бир-кундуз кетди.
Юлдуз тоғдан жўнаганига,
Тўрт кеча, тўрт кундуз ўтди,
Энди айни сахар чоғи,
Ишкамсал шаҳрига етди.
Қоровуллар тўсса йўлин,
Калласини барин чертди.
Баъзи-баъзи қоровуллар,
Кўринмаси қочиб кетди.
Тўғри келиб, дарвозадан
- 5770 Қаҳрамон шаҳрига кирди.
Тўполон қилишиб юрди,
Қайт дегапларни ўлдирди,
Иши бундай бўлар зўрди,
Бир печалар энди писиб,
Гавир полвонини кўрди.
-- Ўзимизнинг номдор полвон,
Кўп одамни қўймай кирди,
Олдидагин танимаймиз,
Бу қандайин гўзал зўрди[r]?
- 5780 Шапақдан тўрик зиёдди[r],
Тўхтатмайин энди отди,
Гузарини қарсиллатди,
Элга солиб сиёсатди,
Икков тиззасин тиззага қўйиб,
Бирдай қип чопишар отди.
Тўрик отга чин қараса,
Шапақдан бир газ зиёддир[r],
Кўнглида Гавир кувониб,
Янги топдим, деб улфатди,
- 5790 Гавир ҳам чиникиб килди,
Сидкидил энди ғайратди:
“Мен – шогирд, бу киши устодди”.
Кўчадаги баққол-сокқол:
“Шошма” деса, соҳибқирон,
Найзасин туртиб ўтди.
Кўча боғнинг қоровули,
Сибизғини энди тортди.
Етти кулоч найзани туйраб,
Кўтариб мард силтаб отди,





- 5800 Қатор неча иморатдан,
Уларнинг жасади ўтди.
Халойик кўриб бу суннатди,
Кўрсатмай ҳеч ким жасадди:
“Бугун бизларга қиёматди,
Олдидаги-ку қон қуяр,
Гавирдан жуда зиёдди”.
Бир нечалар кўркишидан,
Дарвозаларни беркитди.
Гавир полвон чин улфатди,
5810 Кетганча мардни ияртиб,
Зиндоннинг устига етди.
Зиндонбеги, посбонини,
Битта қўймайин кийратди.
Тўрт юз олтмиш бандининг
Бориб барин озод этди.
Олармиз, деб каласини,
Шоҳига айтсин ноласини,
Озод бўлган кўп бандилар,
Ғайратли энди соҳибкирон,
5820 Сўрар Умар жўрасини.
Қайга тайлади шоввозлар,
Хамро боғбон бобосини.
“Кўзим кўзига тушганча,
Кўрган душманининг танидан,
Жудо қилай калласини.
Шоҳингга айтиб боринлар,
Йиғиштира син лашкарин борини,
Тўкиб қўчкил конини,
Шуйтиб қиламан гўрини,
5830 Пега қамар мендай хоннинг,
Иккигина меҳмонини”.
Зарбин кўриб кирон ёшди,
Подшога воқеа қилайлик, деб,
Уларнинг ҳам бари қочди.
Озод бўлган бандилар,
Сўнгги тушган бандининг,
Ётган жойин кўрсатди.

Алқисса, Эралихон зиндоннинг қошига отидан тушди. Зиндоннинг эшиги зулфинига солди қиличди, зиндон эшигини найзалаб очди. Бу



марднинг кўлидаги килич, найзани кўриб: “Ўлар эканмиз-да”, – деб бандиларнинг кўпгидан кечди. “Боғбони Ҳамро”, – деб соҳибқирон қилди довушди.

Бандилар: – Туновги мўйсафиднинг ўғлими, укасими келибди. Шу бандиларнинг бирини Ҳамро боғбон, дейишувдилар. Зиндон эшигини бузиб оч, унинг туфайлидан бизлар ҳам кўрармизми экан озодликди, – деб бариси соҳибқирон олдига чолиб келиб, зиёрат қилиб йиғлашди.

– Йиғламанлар, сўнг тушган бандиларни кўрсатинглар, – деганида зиндоннинг ўртасидаги қудуқдай чуқурга тайлаб қўйилган бандиларни кўрсатишди. “Тошнинг тагида бўлса, тирик қолган эмас”, – деб аччиқланиб, тошни қучоқлаб зиндонга қараб отди, икки зиндонни бузиб ўтиб, тошнинг ярми ерга ботди. Бандилар: – Иши бундай бўлар экан мардди, шу отган тоши балки ўн ботмондан ҳам зиёдди[р], полвон кўрдик деганимиз ғалатди[р], янги кўрдик бундай бакуватди, – дейишдилар. Марднинг орқасидан ияришиб: – Бизларнинг ишимиз ҳам ноҳақу тухматди, энди, полвон, сиз килинг ҳақиқатди. Бизлар ҳам ёруғ дунёни кўрармизмикан? – деб оёғига тармашиб ётди, тутишиб кўзини суртди. – Баринг жам бўлишиб тўхтаглар, – деб соҳибқироннинг ўзи зиндонга қараб, бир сўз айтиб турибди:


Биринг лўкча, биринг энди нормисан,
Зиндон ичра икковинг ҳам хормисан?
5840 Эралихон келди сизни сўроклаб,
Зиндон тубда, боғбон ота, бормисан?

Бизларни парвариш қилган боғбоним,
Сизлардан кўп бўлди менинг гумоним,
Омон-эсон бормисан бир дўсти жоним,
Қилган ишларинг номус билан ормисан?

Ҳозир чокда икковинг ҳам хормисан,
Жасадингдан, шўрлар, жоним бормисан?
Эрали дер, келдим мен бир сўроклаб,
Зиндон ичра ётган икков бормисан?

Элидан айрилган иккинг шўрмисан,
Бизни бугун рости улфат дермисан?
Киёматлик дўстинг келдим сўроклаб,
5850 Зиндон остида ётган, дўстим, бормисан?

Ким қилди сизларни зиндонга дучор,
Банди қилганнинг қонин бу дўстинг ичар,



Сабаб на, бўлдинглар бунга гирифтор,
Омон-эсон бормисан, улфатим Умар?

Умар дейман, қапдай кулфат-койишинг,
Газанда, илонлар бўлиб йўлдошинг,
5860 Тирик бўлсанг чиқар, дўстим, довушинг,
Омон-эсон икковинг ҳам бормисан?

Бобоси соҳибкироннинг келганини билиб, Умарни туртиб: – Мен бир яхши довуш эшитдим. Эралихоннинг довушига ўхшайди, сенинг дўстинг, менинг ўғлим келгандай, бир довуш қилайлик қани, – деб Ҳамро боғбон бир сўз айтиб турибди:

Қоронғида кўринмайсан кўзима,
Хоки пойинг суртсам мен бир юзима,
Бир довушинг ўхшар шу мард кўзима,
Ғариб бўлиб қолдим, ўғлим, зиндонга.

Кўзим тушмас бу кун ёқти жаҳонга,
Қариликда дучор бўлдим армонга,
Адашиб тушдим Гавир полвонга,
Ғариб бўлиб йиғлаб қолдим зиндонга.

5870 Агар ўғил бўлсанг Ҳамро боғбонга,
Кучингни сарф айла жумла душманга,
Бир дуоғўй бобонгдирман мен сенга,
Икковимиз ғариб бўлдик зиндонга.

Алқисса, бандилардан икки, учтасини чоштириб, арғамчи, созларни топтириб, зиндон қудуғига, арғамчининг учини таплатиб, ташқаридагиларнинг икки, учтасига арғамчини ушлатиб, бобоси ва улфатига: – Белларингдан боғланглар, – деб довуш қилди. Икковини ҳам тортди, бобоси билан улфатига ёқти дунёни кўрсатди. Умар билан боғбон кўриб Эрали мардди, иккови ҳам йиғлашиб: – Ҳамма савдодан бандилик каттик бўлар экан, – деб сўрашиб тўхтаган вақтида подшо сиёсат қилиб, ўн бир тўп отди, бу тўпларнинг довуши ерни кимирлатди. Бир банди чошиб келиб Эралихонга: – Тўпларнинг довуши ёмон чиқди, мобода атрофингизни олмасин, тез мининг, – деди, – отди. Эралихон ташқари чиқиб, ўқини ёйига тираб, тўп чиққан ёққа қараб, тўғрилаб отди, ўқ икки чинорни синдириб, шаҳарнинг бир тарафини майдон қилиб кетди. Халқ кўриб бу суннатди: “Ҳам бола-чақамизни кийратар, ҳам ҳавор қиладиганга



Ўхшар бу мамлакатди, уруш майдониға чикиб килинг ҳаракатди”, – деб подшоларига қилди арзу додди.

– Энди менинг кўзимга узукни тухмат килиб олганни кўрсат. Ёв бизларнинг устимизга босиб келолмас, бу бир нишонасини дўстинг кўрсатди, – деди Гавирга Эрали. Гавир полвон Ойтўра-Мастуранинг ўрда-қўшқию жойига олиб бориб, ўрданинг тагида – гулзор чорбоғида тўхтадилар. Гавир қўшқининг дарвозасидан Шапақ отни миниб, кириб келди. Ойтўрани чакириб: – Хийлаи найранг қилган экансиз, мен хизматингизни тамомлаб келдим, – деди. Мастура: “Бу зўрлик қилган бўлса, қувониб отидан тушар; у ботир зўрлик қилган бўлса, отидан тушмай ранги ўчар, бу полвонни бир тебратиб кўрай, синамоғим яхшидир”, – деб бир сўз айтиб турибди:

Куйган ошиқ, ишқинг менга,
Хабар теккан бўлса беғижонга,
Тоза кийим кияй танга,
Бош хизматкор тияй сенга.

Ишим йўқ келса меҳмонга,
Полвонлигу номинг кетди
5880 Жумла давлату жаҳонга,
Отдан тушиб кир ватанга.

Томоша қилгин қўшқимга,
Куйгансан балки ишқимга,
Бурнинг қўй анбар-мушқимга,
Иси урсин думоғингга.

Қачон келар, деб мен юрган,
Саломат сизни етқирган,
Мен билан суринг даврон,
Олай сизни қучоғимга.

Номинг кетган элатима,
Ҳозир ниқобим бстима,
Келган меҳмон ўзи кетар,
Сиз лозимсиз жасадима.

Полвон фикрга кетиб: “Бу одамхўрга гирифтор бўлмасдан илгари шу гапни айтганда эди. Энди менга доғ устига доғ солмоқ учун тегаман, дейди. Оламан десам, оламан-а, ундан кейин дўстимдан бир балога қоламан,

унинг бир ўқи шаҳарни кетгунча айлади тўзар, Эралихон пухта бу ишни билса, калламни узар. Хай дариг”, – деб от устидан туша олмай, ранги ўчиб кетди. – Шу мардни гулзор боғингга олиб келдим. Узук тўғрисида сенинг билан гаплашмоқчидир, – деб бир сўз айтиб турибди Гавир:

Қўхна давронларим келди эсима,
Ётолмасман энди у ҳавасима.
Менга тегарингни, дилбар, энди қўй,
Тўғри айтсам, тег Эрали дўсима.

5900 Қараб гапирмагин менинг раёйима,
Ажал тўнин бичар ўлчаб бўйима.
Энди менинг отим тута кўрмагин,
Тикиб қўяр чикмайдиган жойима.

Дўстлик қилсанг, сира келма қошима,
Ёкамни ҳўл қилма кўзда ёшима.
Энди менга тегаман, деб айтмагин,
Ёмон кўрсатмагин одамкушима.


У Эрали хаддан зиёд зўр экан,
Хатни танимаган одам кўр экан.
Қатта-кичик таъриф қиларди Алини,
Мен билдим, дўстим Алидан зўр экан.

5910 Менга ошиқ бўлсанг ҳам билдирма,
Мен безор, юрагимни тилдирма.
Тегсанг, теккин менинг полвон дўс[т]има
Ораликда мен шўрлини ўлдирма.

Ойтўраой: – Қасрда узукнинг эгаси, меҳмон? – деди. Гавир: – Гулзор чорбоғингдадур, деганда, уч канизини ияртиб, чорбоғ томондаги эшикдан бўйинини узатиб, жоду кўзини ўйнатиб, ямани узугини кўрсатиб турди.

Шу пилла Эралихон: – Сояли жойлар кимникидир? – деб Гавирга қараб, икки оғиз сўз сўради:

Айрилиқ алами бағримни доғлар,
Бир нечалар хубдир думоғин чоғлар,
Сояси қуюқ бу мевадор боғлар,
Бу супали гўзал жойлар кимники?



5920 Атрофида очилиб тоза гуллар,
Кайфига сайрайди гўти, булбуллар,
Сулув бўлса керак хинали кўллар,
Сайраб турган қумурилар кимники?

Ажаб хушрўй келган бу гўзал боғлар,
Тоғларда учади қарғаю зоғлар.
Мурғизорли чаман гуллар кимники?
Мунаққашли иморатлар кимники?

Хос саллани меп бошимга ўрайман,
Соат ўтди бирон киши кўрмайман.
Гавир дўстим, менга тўғри сўйлагин,
Боғнинг эгасини сендан сўрайман.

Гавир Эралихонга караб, боғнинг эгасини таърифлаб, бир сўз айтиб турибди:

5930 Юрар бўлса мушки сасиб,
Сиздайин хонга муносиб.
Олган юрар бағри ўсиб,
Дарчада боғнинг эгаси.

Сулувдир бунинг эгаси,
Шуйтиб кўп куюқ сояси,
Қирқ газ кўшкенинг пояси,
У ойим боғнинг эгаси.

5940 Ширин-шакар айтган сўзи,
Ўғли йўқ шохнинг ёлғизи,
Бизнинг элнинг сертамизи,
Боғ эгаси шохнинг кизи.

Эралихон: – Бор, узукни олиб кел, ажаб эмас бизнинг узукка ўхшаш бошка узуклар ҳам бўлар, – деб Гавирни юборди. Гавир тилла дарчанинг олдида яқинлашиб: – Шу узукни сўрайди. Беринг, таниса олармиш; икки гуноҳкорни ҳам зиндондан чиқариб келтириб ўтирибмиз, узук агар ўзиники чикса, шулардан олган кишини сўрармиш. Иш чағокдир, беринг шу узугини, – деди. Ойимча айтди: – Бор, узукнинг эгасин олиб кел, кўрсатмай, белги-нишонини сўрайман. Гавир қайтиб Эралихоннинг қошига борди: – Сизни келсин, деб юборди, узукни бермади, – деди.

Эрали совут, қалқонини Умарнинг олдиға кўйиб, балки бўйига муносиб
тўниши кийиб, аста-аста дарчанинг тўғрисиға етди... Шунда Ойтўра ойим:
– Узугингизнинг нима нишони, нима қиммати бор эди? – деди. Эралихон
узугининг нишончаларини баён қилиб, бир сўз айтиб турибди:

Ойим, сизга баҳодирнинг доди бор,
Одамзод улуғин асл зоди бор.
Бир белгисин, дилбар, сизга гапирсам,
Узук тошининг тагида битган хати бор.

Бу тапимнинг ҳаққон йўқдир ёлғон,
Балдоғи тилладан, тоши ямани,
Тухмат қилмас сенга келган меҳмони,
Бобомдан қолгандир, билсанг тати бор.

5950 Ён минг бўлса бир подшоликнинг оти,
Бизникидир, сизда бўлмасин уяти,
Тоши қиммат, тошларнинг ҳам зиёти,
Нархига баробар келмас отангнинг юрти.


Яманнинг қимматин солган кўзига,
Совчи кўйсам бир подшонинг қизига,
Бермоқчи эдим, олсам, қора кўзига,
Ҳатда энди эгасининг оти бор.

5960 Асли эпам қилдирганди узукди,
Хуснинг ойдай, қора кўзинг сузукди[r],
Асли балдоғининг қоши тагида,
Қаштаси бор: уч айналма чизикди[r].

Ойим, ботир сизга қилмас фирибди,
Кўрсатинг кўзимга, кўлингизда турибди.
Тошининг айналмасин қилган чамбарак,
Тоши тушмасин, деб қисиб турибди.

Эрали дер, укам заргар баччади[r],
Сулув кизлар кўрса, хаёли кочади,
Бу узукдан бизда печа-нечади[r],
Ёр қилсангиз, яхшисин қип бераман.

Шунда ойимча қанизларининг ичида Сарварой қанизи бир сўз
айтаяпти:



5970 Обод турур, Боғдод дер эмиш элини,
Суйгани йўк экан олиб гулини,
Аввалдан харажат қилган пулини,
Узугига, бувим, боксанг бўлмайми?

Қаранг, кўринарми тош тағда хати,
Мобода чикса-ку шу кишини оти,
Яхшига ўхшар, асил зурёди,
Қаддингни рост қилиб турсанг бўлмайми?

Бундан бошқа кўп эмиш-ку узуги,
Учрашган кечалар бўлса қизини,
5980 Ўзингиз дилбарсиз, кизнинг нозиги,
Бувишим, шу билан ўйнаб-кулсанг бўлмайми?

Нозли кизлар кўп қойим уялади,
Қиз баччани охир биров олади,
Индамайин турган марддан қолади,
Йигитнинг хушрўйин билсанг бўлмайми?


Қулоқ кўйгин Сарвар айтган гапларга,
Бу киши лозимдир сиздай духтарга,
Узукларин тақиб хинали қўлларга,
Бу одамга қон қоқиб юрсанг бўлмайми?

Шунда Ойгўра тилла балдоқ тошининг тагига қаради. Хатини ўқиб кўрса, Мастуранинг номига бўлган: “Менинг Мастураой деган отимнинг таърифини эшитиб, менинг отимга қилибди. Асли менга ошиқ экан”, – деб дили такка тортиб, тоза ошиқлиги тутиб, қанизларидан хупя этиб, узукни беркитиб, тўражонга ишорат этиб, имо-ишорат билан тилла қўшқисини кўрсатиб, ўзини папага тортиб, “ошиқ мошиғини топар”, – деб кета берсин, шу пилла чор тарафдан қарнай-сурнай тортиб, Ишқамсал майдонига лашқар чиқа берди. Эралихон буни эшитиб, Олапойча отини миниб: – Шу шовқиндан бир хабар олиб кел, – деб Гавирни юборди. Гавир булардан хабар олмоққа кела берсин, энди Қахрамон шохдан бир гап сўранг.

Подшо ҳамма ҳокими, бекларини хат билан чакиртиб олиб, шуларга қараб: – Ёмон келди бизга тараф, майдонга лашқар тўда қилинглар, – деб бир сўз айтиб турибди:

5990 Мендай подшо борми жаҳон-дунёда,
Қирқ минг киши қилинг бўлсин пиёда,





Йигит ғўччок, йигит бўлсин зиёда,
Пиёда сарбоздан қирк минг жўнасин.

Қирк минг бўлсин отли, яроқли,
Қирағай найзали, тилла пўпакли,
Ҳам ботир бўлсин – шер бир юракли,
Шундайин отлидан қирк минг жўнасин.

6000 Бизга душман кепти Боғдод – йироқдан,
Яна қирк минг жуфтланг бўзча қозоқдан,
Ўч олмоқлик керак келган бадбахтдан,
Яроқли қозоқдан қирк минг жўнасин.

Атрофда мерган бўлиб юргандан,
Кўзлаганда қушнинг кўзин ургандан,
Қирк минг бўлсин соф қирағай мергандан,
Шакаман мергандан қирк минг жўнасин.

Қўркманглар шу келган бир полвондан,
Ўғрилари озод қипти зиндондан,
Тухмини қуритай жаҳон айвондан,
Қирк минг бўлсин оти кетган полвондан.


6010 Майдонларда душман билан қувишган,
Қумзор ерга гарма қовун экишган,
Қайтармизда сувсин бўлар дейишган,
Дехқон ботиримдан қирк минг жўнасин.

Беклар чикмас сояпарда чодирдан,
Қирк минг бўлсин ёвдан қайтмас ботирдан,
Қочса, банди қип келинг Боғдоддан,
Чин ботирдан энди қирк минг жўнасин.

6020 Гумбурлатиб ўтса Юлдуз тоғидан,
Қўркманглар унинг лофи гапидан,
Ҳам қўркманглар унинг ёйи, шофидан,
Қирк минг бўлсин ўн беш яшар бобидан.

Қирк минг бўлсин ўзи қизил саллали,
Ҳам саводи чиққан, ўзи муллали,





Ўқиб юрган ўзи тили бурроли,
Мулла кишилардан қирқ минг жўнасин.

Лашкарга тўлсин Боғдоднинг шаҳри,
Ҳам қолмасин халқнинг етмиш яшари,
Эргашиб чопишсин етти яшари,
Етти яшар ёшдан қирқ минг жўнасин.

6030 Ҳаддан кўпдир Қахрамоннинг кўшини,
Чувирлашиб боссин тоғнинг даш[т]ини,
Суриштириб қирай элу хешини,
Одамхўрдан буюринг қирқ минг кишини.

Алқисса, олтин сибизик, карнайини тортиб, лов-лошкарини чувуллатиб, жўнаш чоғини белгилатиб, тўрт юз тўқсон тўп отиб чиккан вақтида улфат дўстлари Гавир полвонни кўриб, қараса, у юрибди устида Шапак отди, кифтида бир пайзани кўрди: етти кулочдан ҳам зиёдди[р]. Шунда Эрали: – Бор, хабар олиб кел, – деб Умарни жўнатиб эди. Умар Гавирнинг қошига боргандан сўнг, Гавир Умардан хат биттириб, ўзи билан Эралихонга жўнатди.


Умархон хатни олиб келгунча, Мастура қирқ газ кўшқиди Ҳамро боғбон билан Эралини зиёфат қилиб турган эди. Умар бокка келса, дўсти ҳам, бобоси ҳам йўқ. Эрали “келса кўркмасин”, – деб тилла дарчани очиб, қараб турган эди. Қараса, мулла Умар боғ ичида хайрон бўлиб турибди. Эрали эшикдан ўзини кўрсатиб: – Отингни бойлаб, бу ёққа келгин. Таом ҳар нарсадан улуғдир, – деб чақириб олди.

Ярми майдонга чиқиб, ярми Қора дарахтга бораётган сонсиз лашкарнинг орқасидан “Буларга бир қиёмат кўрсатай”, – деб Гавир ҳам бораяпти.

Шунда Эралихон кўшқда ошпи еб, фотиҳани қилиб:– У лашкарлар қайси тарафга чиқди, – деб, отини миниб, қалқон, совутини кифтига илиб, ғайрат камарини белига тортиб, уруш бўлариши билиб, бир хайвонга уч ботмон ёйини жойлаб, “керакли жойларда шуни ҳам отармиз”, – деб Умарни шу отга миңдириб, булар дарвозадан чиқаётганда, Ойтўранинг буларга кўзи тушиб, бир сўз айтиб турибди:

Баҳор чоғда очилганлар гул бўлсин,
Ғаним-душманингиз сизга эл бўлсин.
Дол бўйингдан мендай ойим садаға,
Бир гўзал тўражон, сизга йўл бўлсин?





6040 Хар отага сиздай ботир ул бўлсин,
Душманинг ким бўлса, сенга кул бўлсин.
Икковингнинг бу туркингдан айланай,
Озода меҳмоним, сизга йўл бўлсин?

Шундан шу ёқ айро солма ўзингни,
Кетар бўлсанг, он кет қора кўзингни,
Садаға, айтиб кет ширин сўзингни,
Ширин сўзли навжувонлар, йўл бўлсин?

Бориш жойин билмаяпман мардини,
Узук кўзга битиб ёрнинг отини.
Ҳеч ким тайлаб кетмас сиёсарини,
Йўл бўлсин, дер бу ойимча ёрипи.

Шунда Эралихон дилбарига қараб, кўнглининг бузилганини билиб,
фалакдан шикоят қилиб, бир сўз айтиб турибди:

6050 Ҳозир мен бир на бўлишим билмайман,
Бу ёву душманга ўзим жўнайман.
Тирик бўлсам, келарман, ўлсам, келмайман,
Лашкари сонсизни ёмон англайман.


Тарафимни кўрсам, буйтиб юрмайман,
Бесон лашкар чикди, бугун англайман.
Одамхўрман, қонга ҳеч бир тўймайман,
Сени олмай, нечук элга жўнайман.

6060 Ўн тўққизга кирдим, ўзим боламан,
Лабларинг ҳақиқдир, ҳуснинг хиромон.
Омон-эсон қолсам сени оламап,
Менинг учуп йиғлама, тайин келаман.

Кўзларингдан тўкма хуни пишон,
Сенга тасаддуқдир бугун хаста жон,
Омон қолсам, сурсам сен билан даврон,
Йиғлама, гул юзли, тайин келаман.

Отим Эралидир, Умар улфатим,
Омон бўлса бўлар менинг жасадим,
Жавоб бергин, ёмон келди ғайратим,
Йиғлама, гул юзли, тайин келаман.





Дарвозадан чикиб, дурбинни кўлига олиб, олдинга караса, майдонга чиққан лашкарда сон йўқ, бир хил кўрқокларининг бетида кон йўқ, оркасидан Гавир пойлаб бораёпти. Шу сонсиз лашкарни кўриб, ўнг тарафга юриб, кўрипмай бир тоғнинг камарига кириб, шу кечаси билан йўл тортиб, отларини тўхтатиб, дурбинни олиб кўлига, чикиб тоғнинг белига, тагин душман лашкарига каради. Тўрт тош йўлни босиб бораётган лашкарга кўзи тушди. “Булар Боғдодга бормокчи экан”, – деб Умарни кулай жойга кўйиб, кўхна подшодан қолган Даскир деган қилични кўлига олиб, Умарга: – Сен томоша қилиб ўтира бер, – деб қирнинг белидан ўтиб, ёвнинг олдида кўриниш берди.

Ёвлар: – Тўрик отли эди, – деди. Кўрганлар: – Мобода шу Эралихон бўлмасин, – деди. Бизлар сонсиз, бу ёлғиз, ёки кейнида одами бормикан? – деб қирқ минг полвоннинг бошлиғи Савирга маслаҳат қилди. Савир айтди: – Сизлар шу ерда тўхтанглар, мен шунинг олдида бир ўзим борай; от чоғиб бориб подшодан сўрай, ижозат берса, ўлдириб келай. Полвонлар айтди: – Шундай жойларда Гавирнинг кадри ўтди. Савир подшо олдида бориб тўхтади ва бир сўз деяпти:


6070 Сиз кейинда, мен ҳам қайтдим изима,
Полвонлик нишони бордир ўзима.
Тўрик отли бир ноумид кўринди,
Чумчукдайин кўринмайди кўзима.


Аччиклансам, сихдай ўтади кўзим,
Жавоб беринг энди, иби, тақсирим.
Бориб бойлаб келай шуни бир ўзим,
Душман бўлса, уни ўлдирмоқ лозим.

Жавоб беринг, ошди менинг ғайратим,
Ким қаерда қопти Гавир улфатим,
6080 Ёмонни ўлдирмоқ менинг одатим,
Жавоб беринг, мен душманга борайин.

Номдор полвондирман, Савирдир отим,
Бир номдор полвонман, йўқдир токатим.
Шунинг қаршига – тоғ бағрига борайин,
Оламга султонсиз, сизсиз устодим.

Шунда подшоси ҳам бир сўз айтиб жўпатаёпти:





Чўпон-чўлик бўлса магар, тайлаб кел,
Эрали бўлса, икки қўлин бойлаб кел.
Сиёсатдан кўрқар бўлсанг бормагин,
Бундан бу ёқ бу олдимга ўйлаб кел.

6090 Ё фириб қип чаток билан ушласанг,
Бўйнига чилбирни ҳалка ташласанг,
Биз тарафга уни судрай бошласанг,
Хоним, деб олдимга кулиб-ўйнаб кел.

Ҳар кимлигин, бор борсанг, билиб кел,
Оёк-қўлин қўйдай қилиб, кулиб кел.
Зўрлик қилиб, сенга ғавғо айласа,
Жасадида кора бошин юлиб кел.

Шунда Савир полвон лашкарини оралаб от қўйиб кетди, ўз лашкаридан ўтди, бекнинг анжомига қараб харосат тутди, отининг жировини тортди. Йўл ўткинчидай бўлиб, секин-секин олдига борди мардди. – Бу майдонда қайда борарсан? – деб Эралининг олдига кўндаланг ўтиб, бир сўз айтиб турибди:

6100 Киши чоклаб юрса яхши холини,
Урушда фойдаси бўлмас валини[нг],
Бойламоққа келдим сендай эрнинг қўлини,
Ҳеч ким билмас лашкаримнинг сонини,
Олмоқ учун келдим навжувон жонини,
Тўқарман чўлларда сендай марднинг қонини,
Тикка-тикка қилай совут, қалқонини,
Эралидан ўзга бўлсанг, қайтгин, тайин ўласан!

6110 Кўринг, Эралидай мардди,
Ҳар туки обдоллай бўлиб,
Гўё чопонини тешди.
У ўзин кейин тортган билан,
Қисиб бориб яқинлашди.
Ёнбошидан етиб Эралихон,
Ўргангин, деб уруш-туришди,
Унинг найзасин қўлидан
Суғириб майдонга отди.
Зарб ўтувди, Савир қочди,
Ёвга қараб қувалашди,





6120 Кўп лашкарнинг кўзи тушди,
Анжомларини созлашди.
Кўринг ҳам Эрали мардди,
Еткизиб душманга отди,
Кўрсатай, деб бир суннатди,
Ўнг қўлидан ушлаб тортди,
Ўмировидан кўпориб,
Лашкар томонига отди,
Хай ўлдирди, деб бакувватди,
Лашкарбони фармон берди,
Кўрғон қилиб атрофин тутди,
Маст бўлиб шунда Эрали,
Алпларга шуни айтди:


6130 – Йиғилишинглар ўлмокка,
Тараф қилиб келсанг бекка,
Кела бер, эрлар, якка-якка,
Овоза кетсин фалакка,
Келинг, эрлар, якка-якка.

6140 Улар бирдай тутди ўкка,
Оти ёмон хунарбандди[р],
Рад қилади келган ўкқа.
Аралашиб санчишди,
Қўлида даскир қиличди,
Силтаб кесди ўн беш бошди,
Ҳеч билмайди қари, ёшди.
Қирдай бўлиб аралашди.
Урро, деб қилди довушди,
Ботирлар қўлида қиличди,
Яшиндай бўп ярқиллашди.

6150 Кўрганлар бўлиб қойиллар,
Отга ярашар айиллар,
Оғзи катта жазойиллар,
Отилди майдон устига.
Сиддил сулув бедов отлар,
Чопилди майдон устига.

Ўйпатиб дол бедов отди,
Кўринг Эрали мардди,





Кўпини шердай кийратди,
Қон окди майдон устинда.
Кўрмайик бундан жабр,
Фаранги милтик ҳар тавр,
Отилди майдон устига.

6160 Азоб кўрди булар андай,
Бўйни узун олтин карнай,
Тортилди майдон устига.

Йиғилиб бўлди-ку тўпар,
Келган жазосини топар,
Ўзи узун шохдор тўплар,
Отилди майдон устига.

Бу марднинг кўлида даскирди[р],
Хўп йиғилишди, жабрин кўрди,
Ишин кўриб бундай зўрди,
Йиғлашди майдон устида.

6170 Уч кун бу ерда урушди,
Ҳеч билмайди эрта-кечди,
Ёвлар ҳам дамидан тушди,
Уч кунда чошка бўлганда,
От тиззадан қонга кечди.
Чошкадан ўтган чоғида,
Мен ҳам бор, деб бир тарафдан,
Гавир полвон ҳам етишди.

Чопишиб созгир отди,
Ёвга солди қиёматди.
6180 Тўрт кун тўла бўлгандан сўнг,
Эрали шундай қараса,
Қўлга тушириб кўп полвон,
Дўстин хайдоб борапти.

Оркасидан от қўйди,
Бир хиллари дейди: – Қочди.
Бир хил айтди: – Ҳеч қочмайди,
Кўп кишининг конин ичди.
Баъзилари: – Қочган, рост, – деб,
Изиллашиб қувалашди.




6190 Номозшомда Эрали етди,
Айириб олмокчи улфатди,
Кечаси билан кийратди.
Кун чикиб равшан бўлган сўнг,
Улфатини озод килиб:
– Бор, чарчаган бўлсанг ёт, деб,
Умар ётган тоғни кўрсатди.

6200 Қочгани ёлғон экан, деб,
Саф бўлиб отин тўхтатди.
Боғ буғдойдай питирлатди,
Тош кўрмаган майдон чўлда,
Мурда, ўликни сулатди.
Охиринда киб дастхатди,
Бир кун тилади мухлатди,
Мухлатга қўймоқ уятди[r],
Гавир фириби зиёдди[r],
Аччиғи келганди Гавирди,
У ҳам сонсизни қийратди.
Ҳайдай бергин, дўстим, отди,
Овлокда еб нону ошди,

6210 Яна келиб аралашди.
Қирмиз қонга бўяй берди,
Тоғда ётган қора тошди.
Қўлида дастгир қиличи,
Етганидан узиб бошди.
Ёв энди-ку тўдалашди,
Атрофдан-ку ўкка тутди.
Оти ўсал ҳунармандди,
Тўрғайдайин пусиб ётди,
Омон-эсон ўқдан асрар,

6220 Устидаги минган мардди.
Энди ул кизил саллалаи,
Дехқонлар олдига етди.
Келди дейишиб чувиллашди,
Ботирлар дарёдай тошди,
Қўркоқлар туриб қочди.
Баъзилари қўлдан тайлаб
Милтиғи билан қиличди.
Бизлар сизга тобин дейишди,



6230 Ёзишди баланд кулочди.
Уларга индамай ўтди.
Милтиқлигин бошин чертди.

Хар ким дучор бу майдонда,
Жасадда қолмади жон-да.
Худди энди тошдай бўлиб,
Қалласи қолди майдонда.

Катта-катта энди тўнлар,
Қолинди майдон ичинда.

6240 Бўлмади ёвнинг тилаги,
Қанчаки ёвнинг яроғи,
Қолинди майдон ичинда.

Оқ байдоғи пирпираб,
Қолинди майдон ичинда.


Бир-бирини энди ёдлар,
Қочган кишилар кўнглин шодлар,
Соф югурик бедов отлар,
Қолинди майдон ичинда.

Келган эди кўп ботирлар,
Таноби узун кўп чотирлар,
Қолинди майдон ичинда.

6250 Қуннинг бети бўл туманлар,
Ўзин биз деган газандалар,
Лош бўлди майдон ичинда.
Ўликлар энди хар сойла,
Чош бўлди майдон ичинда.

Бир хили қомати букилиб,
Қучқар қора қон тўкилиб,
Тилла қалқонлар сўтилиб,
Қочганлар кетди қутулиб,
Суришиб майдон ичинда.





6260 Уруш бўлди кеча-кундуз,
Кечаликда санаб юлдуз,
Улар кўп эди Эрали ёлғиз,
Кувди-ку майдон ичинда.

Сувни кезади ок кувлар,
Бу сойлардан окмас сувлар,
Қон оқди майдон ичинда.

Кўринг энди бундай ёшди,
Бир сойдан-ку келиб кечди,
Узангига қон етишди.
6270 Ўн тўрт кун чошка урушди,
Чўлни босган милтик, қиличди[р],
Бизлар ҳам тобун бўлдик, деб,
Бўйин хатини қилишди.

Кўринг энди бундай мардди,
Полвон Гавирни ияртди,
Буюрайлик, деб хизматди,
Ўн мингини ҳайдаб қайтди.

Алкисса, қочганлар қутилиб кетди, қочмаганлар оламдан ўтди, ўн тўрт кунда уруш битди, душман бўйин бўлиш хатин битди, қолганига иши бўлмай, Умарни қолдирган тоққа ўн мингини ҳайдаб етди.

Анда Ҳамро боғбон бобоси кўшқининг устидан томоша қип турган эди, яраланган отлар қочиб, боққа келиб кирди. Боғбон бобо келиб кўрса, булар қайсиси бўйнидан, қайсиси сонидан яраланган. Бориб Мастура ойимга айтди: .. Кўрдим уч яраланган отди, уруш бўлган экан майдонда қатти[к], менга топиб беришг беяратор отди, бориб кўрар эдим Эралидай фарзандди, ўн тўрт кеча-кундузда холи қандай бўлди экан? Гулимастура отасининг табласидан сариқ-саман отни олиб келди. Отни эгарлаб, юганлаб, бобонинг олдига етиб, отни кўндаланг қўйиб, рўмолининг икки тарафини оғзига тишлаб, бобосига бир сўз бошлаб: .. Меҳмопимдан тез хабар олинг, – деб бир сўз айтиб турибди:

Бобо, мен ҳам бўлдим бу кун бекарор,
Инграниб ғам чекди мендайин ночор.
6280 Борсанг, бобо, тезроқ боргин лашкарга,
Аждаҳордан олиб келинг тез хабар.





Ҳеч банда бўлмасин, бобо, хору зор,
 Бу урушга узук бўлди сабабкор.
 Дийдорини кўриб килдим ихтиёр,
 Боринг кани, нима бўпти ҳусндор?

Ҳар ким акили бор, давлати бисёр,
 Ўн тўрт кундан бери келмайди хабар.
 Бир ўзи урушда, йўқдир хизматкор,
 Боғбон бобо, тезрок бориб хабар ол.

6290 Қирғийнинг уяси бордир қияди,
 Бўзтарлон чаркирар баланд уяди.
 Тез хабар олинг, на бўлди суйганим,
 Бир суйганим шудир ёкти дунёда.

Мастура дер, бобо, менинг отимди,
 Эгам синдирмасин бу қанотимди.
 Тез кўриб кенг шундай хуш суратимди,
 Бир ҳоли не кечди шу жаллодимди?!


Алқисса, Ҳамро боғбон отига мишиб, шаҳардап чиқиб бораётган чоғида ўн минг киши билан Эралихон, мулла Умарнинг мартабалари зиёд бўлиб, қатордан бир газ баланд бўлиб, думоғи чоғ бўлиб келаётир. Ҳамро боғбон отидан тушиб, кўлини дастилом қилиб, алифдай қоматини ҳам қилиб, Эралихонга қараб, омон-эсон бормисан? – деб бир сўз айтиб турибди:

Қаторимда гуркираган нормисан,
 Алпларнинг ичида ўзинг зўрмисан?
 6300 Боғбон бобонг сени келди сўроқлаб,
 Ёв ичинда кўрпа қўзим бормисан?

Эралининг ичида ўзинг эрмисан,
 Хуш қилиқли, икки юзинг нурмисан?
 Бир мусофир бобонг келди сўроқлаб,
 Ёв орада аждаҳорим бормисан?

Ўн тўрт кунлар йиғлаб бўлдим бекорор,
 Қўймайин юборди гул юзли ночор.
 Шу сабабдан, болам, келдим ахтариб,
 Саломат бормисан, ўзинг аждаҳор?





6310 Оламаро бир гавҳар дона ўзинг,
Хам бошингда захбар деган файизинг.
Хамро дейди, бобонг келдим сўроклаб,
Ёлғиз ўғлим, омон-эсон бормисан?

Бир-бирлари билан кўришиб, Эралининг ботирлигига Умар қойил бўлиб, шодлигидан кўйлагига сиғмай келаётган эди. Мулла Умар боғбон бобосига: – Бобо, хали хам юрибсизми? Хурсанд бўлинг саломатда бормиз, – деб бир сўз дегани:

Бедов минган баланд чўққидан ошар,
Кўрган ёвларнинг хам ақили шошар.
Ботир минса сулув отга ярашар,
Қаттиқ кунда ботир киши савашар.

Қувалашиб ўн тўрт қушлар чангишар,
Шиддатин кўрган дамидан тушар,
6320 Ўн тўрт кун саваш-ку хаддидан ошар,
Қисматиға сизу биз хам адашар.


Душманни кўп кўрса, ботир туташар,
Ҳеч кимга йўл бермас, ғайрати ошар,
Душман кўрса, апинг ақили шошар,
Ҳар ким ғайрати бор, ўлмас, минг яшар.


Қувса, оти ғанимларга етишди,
Ўн тўрт кеча қилич соб аралашди,
Ҳар кун ўлдиргани беш мингга етишди,
Шуйтиб ғанимлар хам дамидан тушди.

6330 Тоғ устинда мулла Умар билгандир,
Бу қўлида сонсиз душман ўлгандир,
Энди бу юртга Эрали султондир,
Ёв бундан ўргансин қилич силташди.

Боғбон бобоси Эралихонни кўриб, бўйнидан кучоқлаб, кўйлагига сиғмай қувониб, бир сўз айтгандир:

Ўғлим, тасаддуқдир жасадда жоним,
Ўлимдан айирган сен қўриқбоним.
Бўз боладай келди дилга дармоним,
Бу оламда асло ўлма, полвоним!





6340 Ёдимдан чикди-ку элу кўрғоним,
Доим шундай иш кўрсатгин, султоним,
Остингда чарчамас тўрик хайвоним,
Дунёда ўлма, карамли султоним.

Бу кескирни қилиб берган устодинг,
Қўлда бўлса, полвон, келар ғайратинг,
Полвонлардан қувватлидир жасадинг,
Дунё юзида омон бўлгин, полвоним!

Полвон бор ерларда ҳеч йўқдир хатар,
Душман бесон бўлса, индамай кетар,
Уруш майдонида ёвни йиғлатар,
Баракалла, ҳамдардим, қувватим.

6350 Кулок солгин, Ҳамро дейди боғбонга,
Дўстинг кулдир, омон берма душманга,
Энди овозанг кетди тахти жаҳонга,
Доим шундай бўлсин шаъну шавкатиңг.

Алқисса, асирларнинг ҳаммасини хайдаб, Ойтўра-Мастуранинг чорбоғига келдилар. Эрали бу ўн минг кишига: -- Боринглар, майдондан барча анжому ярокни тўплаб олиб келинглар, қолиб кетмасин, – деб отаравалар бериб жўнатди.


Эрали бобоси билан қилиб маслаҳатди, уч кеча-кундуз тўй-томоша қилиб, мазлуму мискинларга бериб тарқатди. Элнинг бари каттасини чақиртиб, уларнинг ҳам амалини барзиёда қилиб, ҳар қайсисини ўз жой-кўрғонига жўнатди. “Мамлакат Умархонга!” – деб бир кечаю кундуз беш минг тўп отди ва уч минг жазойил бўшатди.

Мамлакатга Умархон подшо бўлгандан сўнг Ойтўра-Мастура отасининг конини тилаб, Эралихонга караб, бир сўз айтиб турибди:

Ғайратли камаринг бордир белингда,
Отам ҳозир бандидир-ку қўлингда,
Агар кетар бўлсанг, хоним, элингда,
Менинг учун ўтинг конинг, султоним.

6360 Улуғум деб мен отамни тунайман,
Кетиш чокда оқ фотиҳа тилайман.
Булғор кетсам келаримни билмайман,
Бек отамнинг конинг сиздан тилайман.





Ўлгунча тополмассиз мендан хатомни,
 Мен сизга бахш этдим гулдай танамни,
 Сўзин қабул қилинг мендай санамни,
 Бек отамнинг қонин сиздан тилайман.

Хер қандайин бўлса, меннинг отамди[r],
 Ўлдириб, мен шўрга солманг мотамди.
 Мастура дер, тириклигини сўрайман,
 Қонин ўтинг шундайин бек отамди.

Боғбон бобо айтди: – “Отанг уйда бўлса, том устига чикма”, деган бир гап бор. Отани билган аёл ёрнинг ҳам қадрини билар, отанинг кадрига етган бола доим шодликда ўйнаб-қулар. Ўтинг, тўражон, гуноҳини; энди сизга қайпота бўлди. Бир одамни тирик қўйганингиз билан қўлидан нима иш келар: олов бўп бир элни куйдиrolмас, суви сел бўп бир элни босолмас. Яхши бўлса, энди сизга эл бўлар, Худо берса сиздан қизу ул бўлар; ўғил-қизингнинг у бўлади бобоси, қўйинг, ўлдирманг, колсин келин отаси, – деди. Эрали: – Канизларингни буюр бўлмаса, отангни тилла қўшқига олиб келсин. Агар ризо бўлса, қонидан ўтаман; агар бўйин бўлмаса, қўзинг олдида минордан чиқариб отаман, – деди. Мастура уч қапизини жўнатди.

Канизлар зиндон бекларига Эралихоннинг “Озод қилинсин”, деган қоғозини бериб, зиндондаги Қаҳрамон подшога қараб, бир сўз айтгани:

6370 Боргин, деб бизларни қўймай юборди,
 Билмаймиз-ку, сизга на иши борди[r],
 Амри шундай бўлган шу аждаҳорди,
 Юринг, хоним, сизни полвон чаллайди.

Қабул қилган қизингиз, у почор-да,
 Шу тўғридан қонингизни кечар-да,
 Ҳар-чи зўр англаг-да шу аждаҳорди,
 Юринг сизни шундай полвон чаллайди.

Олиб кетар шу нотагон қизингни,
 Бўйин бўлсанг, қўйиб кетар ўзингни,
 6380 Борганда билиб гапир сўзингни,
 Юринг, хоним, сизни полвон чаллайди.

У полвонда, бордир эрлик нишони,
 Бўйин бўлмаганнинг оқилар қони,
 У қўлида тахти билан даврони,
 Юринг, сизни шу паҳлавон чаллайди.





Ларзоной дер, мен бувимнинг канизи,
Уни қабул қилган сиз шохнинг қизи,
Оламга машхурдир Эрали ўзи,
Юринг, сизни шундай бир али чаллайди.

Зиндонбар беклар Эралининг номи ўтган қоғозни кўриб, Қаҳрамон подшони уч канизнинг кўлига чиқариб топширди. Канизлар: – Бувишимнинг олдига шу ҳолда олиб борсак, яхши эмас, – деб кўлини ечиб олиб кетдилар.

Подшони тилла кўшига этди, Мастурага отасини канизлар кўрсатди, Мастура канизларни чиқишга ишорат қилиб, ёлғиз отасининг кўлидан тутди: – Ота, ҳар ким ўздан зўрга қойил бўлмоқлиги керакдир, гап сўраса, тўғри жавоб бермоқ керакдир, – деб отасига бир сўз айтиб турибди:

6390 Кулоқ сонг арзимга улуг раҳбарим,
Оламда яккаси, доно гавҳарим,
Билдингизми, кўлдан кетди шаҳарим,
Ҳар на деса, қабул қилинг, отажон.

Айт, полвонга ширип-шакар сўзингни,
Йўқ десанг, ўяди икки кўзингни,
Балки қабул қилган мендай қизингни,
Ҳар на деса, қабул айланг, меҳрибон.


Кулоқ сонг сўзимга, кетгандир даврон,
Менинг орқамдан сизникидир кўк кўрғон,
6400 Иқроқ бўлмасанг, тўкилар сендан қон,
Шундай зўрга бўйин бўлгин, отажон!

Сонсиз кишидан оқизгандир қон,
Якка ўзи жаҳон узра паҳлавон,
Менинг орқамдан сиз сурун даврон,
Бўйин бўлмасангиз, кўймайди омон.

Алқисса, Ойтўра Умарни, Ҳамро боғбонни, Эралихонни, Гавир полвонни чақиртириб, зиёфатлар бериб, қайнота-куёвни тапиштирмоқ учун Гавир полвон подшога икки оғиз сўз айтганидир:

Тилла жиға ярашади бошига,
Олиб келдик чаллаб зўрнинг қошига,
Қойил бўлмоқ керак тақдир ишига,
Мақсадингни гапир одамқушига.





6410 Ўлик тўлди бу тоғларнинг даш[т]ига,
Қарға-қузғун қўнди мурда-лошига,
Қойил бўлдингизми марднинг ишига,
Бўйин бўлиб, қаранг қилган ишига.

Ҳозирча келдингиз полвон ёнига,
Ҳар ким душман бўлса, бўяр қонига.
Хайр деб иқроқ бўлсанг, султоним,
Ҳоким қилмоқчидир кўк кўрғониға.

Бу кишини қабул қилгандир қизинг,
Ҳам алардан бўлса неваря-қўзинг,
6420 Наслга қарасанг, эгасан ўзинг,
Киши жабр қилмас ўзи жонига.

Гавир дейди, мен ҳам бир полвонинг,
Қизинг орқали бу бўлур ўғлонинг,
Қабул қилинг, ҳеч бўлмас-да армонинг,
Тушдингизми, хоним, гапнинг маъниға.

Подшо: – Менга кўрғон-пўрғони керак эмасдир, ўз қўлимда бисёр эди давлатим, полвон олган билан армон қилмайман, чунки шерик менинг кизим-фарзандим, – деб Эралихоннинг ишига қойил бўлиб, полвонлар, алплар ўртасида бир сўз айтиб турибди:

Эрнинг қадрин эрлар билар,
Номард эр қадрин на билар,
Хизмат этса, ўйнаб-қулар,
Зўрга қойил бўлмоқ керак.

6430 Ўзи Булғорнинг лочини,
Душманга тўкиб кучини,
Ёвдан олади ўчини,
Унга бўйин бўлмоқ керак.

Минган отидир Тўри[қ],
Алп экан, полвоннинг зўри,
Қойил бўлиб меңдай қари,
Хизматида турмоқ керак.

Қулоқ сонглар Қахрамонга,
Кетувди донгим жаҳонга,



6440 Койил бўлдим бу полвонга,
Амирида турмоқ керак.

Қаҳрамон бўйин бўлиб, ҳақиқат гапларни гапирганига Эралихоннинг думоғи чоғ бўлиб, элидан бенасиб килмай, подшо мулла Умарга кайнотаси Қаҳрамонни нойиб қилиб берди. Тўқкиз кеча-кундуз бир печа кишиларни - камбағал, мазлум, хор-зорлик кўрган кишиларни чакириб, сарпой бериб; бир неча ғазабли бекларни Гавирдан сўраб бўшатиб, номини ўчириб, халқ орасидан, камбағалларнинг ўзидан сўраб олган кишиларни ҳоким, бек қилиб, уч кундан сўнг, эл саранжом бўлгандан сўнг, Булғор шахрига кайтмоқчи бўлди. Кайнотасининг юртидан ўн мишг кишини куруллантриб, тўпларини судратиб, Умар ўз жойига Қаҳрамон нойибини қўйиб, Эралихон Ойтўра-Мастурани отга миндириб, ўз юртига қайтганда, ўттиз олти кун йўл тортиб, Арпали чўлига етиб, бир булоқнинг бўйига булар жойлаша бошлади. – Шаҳар халқига менинг келганимни билдирманг, – деб боғбон билан мулла Умарни Булғорга юборди, ўзи ўн мишг киши билан Булоқли қирда қолди.


Умар билан боғбоннинг кўринмай кетганига бир ярим йил бўлган эди. Буларнинг келганини беклар кўриб: – Умар билан боғбон бир ярим йил дараксиз кетган эди. Ўғлонларингиз ёнига борган эканми, шулар тағи шаҳарда пайдо бўлишди, ҳақиқат шулар сизга душмандир, – деб Эрназар жаллод подшога хабар бериб, бир сўз айтиб турибди:

Боғбон билан Умар бўлди душманинг,
Энди кўлдин кетди тахти давронинг,
Икки ўғлинг, пухта билгин, душманинг,
Гуноҳкорлар келган ўхшар кайтадан.

Ўзингиз буюрган ҳукмушига,
Ёшлигида савдо совдинг бошига,
Қирғин берар Булғор қари, ёшига,
Икки ўғлинг, билгин, кепти кайтадан.

6450 Беш юз жаллод келмаб экан ўлдириб,
Ёв бўп келган Арпалига эндириб,
Умар юрур дўстим омон экан, деб,
Қайта бошдан душман кепти элингга.

Эралини хон қилармиш элингга,
Тулқи, шақал йиғлар эмиш холингга,



Энди боргин Оппокхўжа пирингга,
Насихат килсин икки жону дилингга.

6460 Умархоннинг жиғаси бор бошига,
Ҳеч кас боролмайди унинг қошига,
Энди дучор бўлдик одамкушига,
Ўлди деган душман келди қайтадан.


Юриб-юриб Умар бўлди душманинг,
Йўқ қилади дининг билан мансабинг,
Боғбон ҳам бўлгандир пухта бир ёвинг,
Шулар бориб олиб келган ўғлингни.

Эрназар дер, беркит ўнгу сўлингни,
Ҳасрат билан бойлатмагин қўлингни,
Энди дўст демагин икки улингни,
Шу икки душманинг кепти қайтадан.

Подшо мирзалардан хат битдириб, муҳрини босиб, Умар билан боғбонни олиб келишга Эрназарнинг қўлига берди. Умар билан боғбон гапиришиб турган пайтида Эрназар отланиб келиб кирди. Қоғозни Умарнинг қўлига чиқариб берди. Умар хатига караб, подшодан келганини билиб, Эрназарни отидан тушириб: Аввалдан охиргача сен юрт бузувчи, – деб қорнига ўн таёк, икки биқинига ўн таёқдан ва оркасига ўн бир таёк, жамъиси қирк бир таёк уриб, бурнини кесиб, отига чаппа миндириб: – Ҳар на қўлдан келганини подшонг килсин, мен уларни олиб келдим. Мени ҳам Эралихон Ишкамсал деган шаҳарга подшо қилиб қўйди. Мен ҳам Қорахондан кам эмас, – деб хат битиб, муҳр босиб, қўлига берди. Эрназарни бандидай қилиб, Ҳамро боғбондан шохнинг қошига ҳайдатиб юборди, ўзи боғда қолди. Ҳамро боғбон жаллоднинг қўлини бойлаб, олдига солиб ҳайдаб, ҳар қадамда камчилаб, подшоликка этиб тўғри килди. Подшога беклар: – Ўғилларингиз шаҳарга ёв билан келиб кирганга ўхшайди. Ҳамро боғбон жаллодингизни банди қилиб, бурнини кесиб, камчилаб ҳайдаб келди, – деб хабар бердилар. Подшо: – Боғбонни асир қилинглар, – деди. Шу вақт боғбон подшога караб бир сўз айтади:

6470 Э, подшоҳим, билгин энди холингди,
Фойдаси йўқ хўжа, эшон, валингди,
Қасд қилса, югруклар олар элингди,
Мубтало, бойлайди икки қўлингди.





Қилгин энди Ҳаққа, иби, зорингни,
Аввал гапин амал қилдинг ёрингни,
Гуноҳқор айладинг хусндорингни,
Энди ҳақиқат, билгин, олар элингни.

6480 Булғорда қўймайди пухта тирингди,
Энди ўйлаб кўргин кучу холингди,
Келганин бил икки жону дилингди,
Жасадингдан жудо билгин сарингди.

Мен бўлурман, хоним, Ҳамро боғбонинг,
Гузарларда оқар, бил, кирмиз қонинг,
Энди тирик қўймас икки душманинг,
Бу савдони қилди мендай боғбонинг.

Боғбон айтар, шохим, қайтди давлатинг,
Кун-кундан зиёд ҳасрат, кулфатинг,
Билсанг, Эралиники Булғор давлатинг,
Энди мурда бўлар, хоним, жасадинг.


Ҳамро боғбонни золимлар қўплашиб ушлаб, ипи ипакдап, ошириб
билакдан, бир учи юракдан, зеҳи тирпоқдан бойлаб, бандихонасига этиб
тайлади.

Булғор мамлакатада зангхонаси бор эди. Агар шу занг урилса, жангнинг
хабарини берган ҳисобланар эди. Занг урилди, бу занг сонсиз лашкарнинг
қулоғига кирди. Подшо лашкарларига: – Ўғилларимнинг олган икки
шаҳарини ҳам эгаллайсизлар, – деб буйруқ берди. -- Ўғилларимни ушлаб,
банди қилинглар, – деб лашкарбоши, бекларига қараб, бир сўз айтиб
турибди:

6490 Бир тойфаси бўлсин олтин пўпакли,
Бир тойфаси бўлсин йигит ғуччоқли,
Бир тойфаси бўлсин қизил саллали,
Бир тойфаси бўлсин оғзи яллали,
Йигит ғуччоқлидан қирқ минг жўнасин.

Мендай подшо борми ёкти дунёда,
Тахт бўлсин қирқ минги – бари пиёда,
Тагин қирқ минг жам қинглар ундан зиёда,
Пиёда ботирдан қирқ минг жўнасин.





6500 Майдон чўлда кувалашиб, тепишган,
Ёвни кўрса килич солиб кувишган,
Қумзор ерга гарма ковун экишган,
Чўллаб кайтсак бу сувсин дейишган,
Шундай деҳқонидан қирқ минг жўнасин.

Минганида отнинг бели толгидай,
Зарб қип қувса, учар қушни олгидай,
Сиёсатин кўрган ёвлар ўлгидай,
Қирағай мергандан қирқ минг жўнасин.

6510 Душманлардан олар бўлсин ўчини,
Сарф айласин душманларга кучини,
Ёвга силтасин даскир киличини,
Қайтмас полвонимдан қирқ минг жўнасин.

Майдонда ёд этиб кетсин пирини,
Эралига кўрсатсин-да зўрини,
Бойлаб келсин Эралининг қўлини,
Номдор полвонимдан қирқ минг жўнасин.


Эшитинглар, Қорахон дер сўзини,
Банди кинглар икковининг ўзини,
Сизлар онглар алар олган нозини,
Босадиган шункорининг изини –
6520 Қон қуяр жаллоддан қирқ минг боринглар!

Аршали чўлига беҳисоб лашкар тўпларини судратиб, ҳар қадамда
гумбурлатиб тўп отиб, болаларнинг энасининг ҳам қўлларини бойлатиб,
келтириб зиндонга тайладилар. Лашкарлар кета берсин, энди бир сўз
Мастура бандидан сўранг. Мастура зиндонда бир бобони кўрди. Бобога
караб: – Сиз ким? – деб сўраб, бир сўз айтиб турибди:

Етти йил бўлди, жудоликка йиғлайман,
Бугун ҳам аҳволимни ёмон англайман.
Имонинг ҳамроҳинг бўлсин, бобожон,
Тўғри айтинг отингизни сўрайман.

Етти йил бўлди, кетди фарзандим,
Ҳажирига йўқдир сабру тоқатим,





У иккиси менинг шопар қанотим,
Бобожон, рост айтгин, билай отингни.

6530 Улуғ ёшли, Хизр кўрган, бобожон,
Гапирсангиз, эшитаман, англайман.
Қизил юзли, чоҳда ётган жон бобо,
Тўғри айтгин, отингизни сўрайман.

Ҳеч кимга етмайди бу қилган зоринг,
Тирикликда зиндон бўпти мазоринг,
Ҳозир кимлигингни, бобо, билмайман,
Чин отингни, иби, бобо, сўрайман.

6540 Олтин ёқа ҳўлдир кўзим ёшига,
Энадайин раҳбар борми кишига,
Тухмат қилган икки ўғлим бошига,
Бобожон, баён бер менга элингни.

Эрали, Шерали менинг фарзандим,
Омон бўлса, энди менинг давлатим,
Қайта бошдан битар синган қанотим,
Подшонинг ёриман, Мастура отим.


Ҳамро боғбон буни эшитиб, Эрали, Шерали энасининг асир бўлганини
билиб, бир сўз айтиб турибди:

Куйган қулга кенг мамлакат тор экан,
Айрилганлар бир-бирига зор экан.
Ўксиниб йиғлама, энди, бибижон,
Ўлган эмас, икки ўғлинг бор экан.

6550 Яхшиларнинг кизил юзи нур экан,
Бир хил ишга кундошинг сабабкор экан.
Ўксиниб йиғлама, энди, бибижон,
Ўлган эмас, икки кўзинг бор экан.

Баланд тоғлар айланмаси даради[r],
Тирик кетган бир-бирини кўради.
Ғамгин бўлиб йиғлагини, бибижон,
Эралихон, Шералихон келади.





6560

Сочинг ёйиб, юлиб эдинг юзингни,
Бекарор қилмагин энди ўзингни.
Шукур қилгин ўтган дамга, бибижон,
Кўрар бўлдинг банди бўлган кўзингни.

Келса олар душманлардан орингни,
Мишордан отади, билгин, ёрингни.
Насиб бўлса, чечар келиб кўлингни,
Катта ўғлинг сўрар Булғор элингни.

Ҳамро дейди, мен турурман боғбонинг,
Қайта бошдан сураб бўлдинг давронинг,
Кўзларингдан тўкма бунча пушонинг,
Шукур қилгин, келар икки ўғлонинг.

Шунда Мастура, боғбонга қараб, тагин бир сўз айтгани:

6570

Айрилган кишининг бағри бийронми,
Ёв кунида тоғлар боши туманми?
Кетган деб эшитувдим, жоп бобо,
Кўрган бўлсанг, икки кўзим омонми?

Сизи билан икковимиз зиндонми,
Душманлардан бу гапимиз пинҳонми?
Икки ўғлимнинг дўсти эдинг, боғбонжон,
Кўрган бўлсанг, икки кўзим омонми?

6580

Отаси бўп банди қилди улимни,
Худо берган икки жону дилимни,
Насиб бўлса, устун қилар кўлимни,
Икки мусофир шўрим омонми?

Майлига бўлмаса тўпу байдоғим,
Бир кўрсайдим чоғ бўларди дуоғим,
Кетимда қоп ёқсин ису чироғим,
Кўрар кўзим, равшанларим омонми?

Гулмастура дер, йиғлайман зору зор,
Мен кўрдим, кўрмасин бошқа муштипар,
Улар ҳам бўлмаса, мен ғариб мазор,
Кўрарманми икки кўзимдан дийдор?





Алқисса, лашкар бир кеча-бир кундуз йўл тортиб, хуфтон вақтида Арпали чўлига етиб, Эралихон лашкарининг чор тарафини ўраб, тўпларни қаратиб, мерган, қирағайлар тонг отгани кутиб ёта бердилар. Тонг отди, мерганлар тўпларини кирнинг бетига қараб бўшатди.

Эралихон қараса, сонсиз лашкар. Совут, қалқонини кийиб, яроқларини кўлига олиб, алвон чодирда ўтирган ёрининг қошига бориб, оёғини узангига тираб: – Сонсиз бўпти бизнинг ёвимиз, – деб бир сўз айтиб турибди:

6590 Миндим югрук пирогимни,
Дуосини олай дедим,
Сендай бодом ковоғимни,
Ҳеч ким қилмас сўроғимни.

Яккадирман, кимга айтай,
Дилимда ҳасрат доғимни,
Ёв орада нобуд бўлсам,
Ҳеч ким қилмас сўроғимни.

6600 Ёлғиздир-ку менинг бошим,
Боғдод элда эмикдошим,
Душмандир-ку элу ҳешим,
Ҳеч ким қилмас сўроғимни.


Лашкар кеп тоғнинг бетига,
Энам кашал фарзандига.
Ғойибона рози бўлсин,
Энам берган қор сутига.

Бугун менга хуруш берса,
Келган душман туруш берса,
Ҳаммасининг лошин энди,
Сулатай тоғнинг бетига.

6610 Сонсиз бўлгандир душмани,
Ўлсалар, йўқдир имони.
Қонга бўялиб жасади,
Биёбонда қолсин тани.

Менинг ўзим ёлғиз киши,
Оқмасин кўзингнинг ёши,





Эшитгин жуфти, йўлдоши,
Қирда қолур душман боши.

Ғайрат келса, қолмас бири,
Бу лашкардан қўймам тири[к],
Томоша айласин ёри,
6620 Ерда қолар душман сари.

Ёри ҳам оқ фотиҳа бериб, бир сўз айтиб турибди:

Йиғлаганлар хумор кўзга ёш олар,
Ғайратлилар хон олдидан жой олар,
Ёмонлик қилганлар гашти уялар,
Бўйингизга ҳам қувондим, жўш урдим.

Қаландар кишилар кияди жанда,
Мабодо бўлмангиз душманга банди,
Келганча дуоғўй бўлибман бунда,
Сиздай полвон йўқ Басар, Яманда.


От устига минган, совутлар танда,
6630 Душмандан қолмасин манов майдонда,
Соғ бориб, келинг-да яна омонда,
Келганча ҳажрингда қуяман бунда.

Эралихон пуштанни қилиб катти[қ], устига олиб жасадди, ахтариб
Гавир полвон улфатди, ўн минг кишини бориб уйқудан уйғотди, ҳаммасига
тайёр бўлиб турган ёвни кўрсатди. Ўн минг кишини отга миндириб,
яроқлар бериб: – Кураш шундай бўлади, ҳеч биринг орқага қайтма,
шоввозлар! – деб кураш майдонига кириб кетди:

Ҳеч қолманглар, улфат, мендан,
Мард бўлсанглар, кечинг жондан,
Беш бир ёндан, ўн бир ёндан,
Отлар кечсин лола қондан,
Ёв айрилсин чучук жондан,
Ҳайданглар, ёвнинг устига.

Жасаддан бўлсин боши бошқа,
6640 Раҳм этманглар қари, ёшга,
Қон бўялсин қора тошга,
Урра кип хайданг савашга.





Омон бўлсин дўстлар жони,
Сонсиздир келган душмани,
Солинглар охират ғавғони,
Кун бўлибди янги чошка.

Довул кокиб, сурнай тортиб,
Душманни борсак қулатиб,
Қочганини изиллатиб,
6650 Баъзиларин банди этиб.

Отга қамчи ур, шоввозлар,
Югрукдир бизнинг пироклар,
Ёвга солар алам, доғлар,
Бирин силтасанг, ўнин кесар
Яшин сувли бу яроклар.

Кўринг, ўн минг азаматди,
Эралихон фармон этди,
Қирнинг бетин отли тутди.

Сиддил югрук бедов отлар,
6660 Қуюлди майдон ичига.
Оқу кизил – кўп байдоклар,
Қурилди майдон ичинда.


Дучор бўлган бўлиб андай,
Нукра сибзик, олтин карнай,
Чалинди майдон ичинда.

Кўргацлар бўлди койиллар,
Маҳкам бу пуштан, айиллар,
Оғзи катта жазойиллар,
Отилди майдон ичинда.

6670 Қирғин кўрди энди кўплар,
Катта-катта шохдор тўплар,
Отилди майдон ичинда.

Қир келганда киялатиб,
Жар келганда жаналатиб,
Қочганларга балки етиб,





Бошин жасаддан жудо этиб,
Қийратди майдон ичинда.

Изиллатиб кувишди,
От тирноқдан қонлар кечди,
6680 Савашди майдон ичинда.

Ҳеч қуймайди эрта-кечга,
Зарб тўкиб дастир қиличга,
Чопишди майдон ичинда.

Қорахон уч кун талаб муҳлатди, арзачига берди хатди, хабарчига ўлим йўқ, – деб Эралихонга кўрсатди. Эралихон уч кун бериб муҳлатди, ўн минг кишига яловни кўрсатиб, бари тоғнинг бетига қайтди. Шунда Ойтўра-Мастура ёрини кўриб, отининг жиловидан ушлаб, отига қараб, ёрига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Югрукликка тасаддуқ менинг жоним,
Баракалла, сенга учар ҳайвоним,
Омон-эсон келди суйиб олганим.

Туёғингни қўйгинг менинг сарима,
Мен ҳам талашаман номус, орима,
6690 Қойил бўлдим сендай тақоворима,
Қўп раҳбарлик қилдинг олган ёрима.

Оёғингни босма бул қақир тошга,
Қўп раҳбарлик қилдинг ёримдай ёшга,
Доим сени шундай минса савашга,
Ёрни олиб қилдинг мендай бувишга.

Тўрт оёғинг айна қоққан қозикдай,
Сиртинг сулув ҳам бир сағринг ёзикдай,
Ёв оралаб чопишларинг қизикдай,
Соябоним олиб қилдинг ёнимга.

Тўрт оёғинг сенинг повча терақди[р],
6700 Қаттиқ кунда сендай ҳайвон керақди[р],
Сенинг зодинг мен биларман пирокди[р],
Саломат оп қилдинг бизнинг ғўчқокди.

Ойтўра дейдилар менинг отимни,
Ишкамсал дейдилар менинг юртимни,
Шукур, кўрдим омон шу бекзотимни.

Эралихон алвон чодирга кириб, шунда уч кеча-кундуз истиқомат қилдилар. Қорахоннинг лашкарлари: – Ўн минг аскар ичма эмас экану, шу учтасини енгил қийин экан, – деди. Яъни Эрали, Гавир ва ўн минг ўртасидан биров; учтасининг йўлига пистирма қўймоқчи бўлдилар. Уч ердан пистирма қазиб, ҳар ерига уч юзтадан қарғанинг кўзидан урадиган қирағай мерғанлардан қўйдилар.


Уч кун муҳлат битиб, тонг отар чоғида Ойтўра-Мастура бир туш кўрди. Тушида бир туйғун жиғадор қуш кўп қарғаларнинг орасида қолди; бу қуш ўзининг тилла парларидан жудо бўлди, қип-қизил гўштли гавдасигина қолди. Гала қарғани ўрталikka олиб турган чоғида, тагин бир жиғадор қуш учиб келиб, кўп қарғанинг орасидан кўтариб, чодир томонига қайтганда, кўп қарғи буларнинг орқасидан қувиб келди, бир қарчиғай қарғаларни кейинга қайтарди. Шу вақт Ойтўра уйғониб кетди, атрофига қараса, тушидир. “Бу уч қарчиғайнинг бири ёрим, бирови аввалдан номдор полвонимиз, бири ким экан?” – деб хайрон бўлди. Шунда от эгарлаётган ёрини кўриб: – Шу бугунча қурашга борманг, сабр қилинг, – деб бир сўз айтиб турибди:



“Эрали ва Шерали” достонининг
1967 йилда чоп этилган нашири.

Саваш кунда ғайрат камаринг бойлаб,
Сизга ҳам йўл бўлсин мен шўрни тайлаб,
Мен ғамда турибман тушимни ўйлаб,
Жондан ортик ёрим, борманг урушга!

6710 Ёвни кўрсанг, бегим, ошар ғайратинг,
Ёмон соғинмайин мен паризодинг,
Қизил қонга бўялди бу Тўрик отинг,
Мени десанг, ёрим, борманг савашга!



Бир кушинг синди ўнг ҳам қаноти,
Бировининг гўшт бўлди қуллан жасади,
Оркасидан чопди ёви наълари,
Мени десанг, ёрим, борманг урушга!

6720 Ғубор кетиб, осмон тоза соф бўлди,
Бу тушимда кўп қиёмат гап бўлди,
Ростин айтсам, юлдузингиз чап бўлди,
Ғўзал ёрим, борманг бугун савашга!

Урушга бўлмасин меҳру дилингиз,
Бир сиздан парвона мендай гулингиз,
Олис йўлда қолган ёлғиз инингиз,
Мени десанг, борма, бегим, урушга!

Ғулимастура дер, нозли ёрингиз,
Ғаштига бўлмасин оҳу зорингиз,
Саломат бўлсин мўйи торингиз,
Борманг зипҳор, ўргилсин бир ёрингиз.


Эралихон: — Ваъдага вафо қилмоқлик керак, бу урушга чиқмасак, қўркқан помини кўтарармиз. Ўзи берган омонатини ўзи олар, уларнинг қўлидан нима келар, ваъда қилган ишга бормасак, кўп айб бўлар, — деб уруш қарнаини тортди, ўн минг кишисини жам этди. Ҳисобласа, ўн минг кишидан ўн бир киши ҳам ўлгани, қочгани билинмади. Лашкарларини ёвга қарши йўлга солиб, Эралихон ёрига қараб, томоша қил қани, — деб бир сўз айтиб турибди:

6730 Дўстга тўлган ўнгу сўлим,
Иншоолло, устун кўлим,
Бу ёвга солайин ўлим,
Томоша қил, нозли гулим.

Кўнглимда йўқдир ғуборим,
Ўн минггадир от чоңарим,
Кимга қарашади Қарим,
Сен томоша қилгин, ёрим.

6740 Омон бўлсин менинг жоним,
Остимда турса хайвоним,
Ёвдан қолмасдир гумоним,
Томоша қил, э, жононим.





Омон бўлса бу жасадим,
Душманга келар ғайратим,
Бормасам юзда уятим,
Жавоб бергин, гулнисорим.

Эралихон дерлар отим,
Ёвга солай сиёсатим,
Юрдирайин ҳукуматим,
Ғамгин бўлма, паризодим.

Эралихоннинг: – Отларингни тез ҳайданглар, ёвга омон берманглар, --
деб йигитларига бир сўз айтиб, бораётганидир:

6750 Ёвга солинг охир замон,
Душманларга берманг омон,
Майдонаро тўкишинг қон,
Дўнинглар, лашкар устига.

Ўйнатинглар пирогни,
Силташиб ўтгин яроғни,
Душманга солинглар доғни,
От ҳайданг, душман устига.


Бир-бирингга хушрўй сўзланглар,
Душманнинг бағрин тузланглар,
6760 Биринг юзга хезланглар,
От чопинг, ёвнинг устига.

Солинглар алам ишини,
Жасаддан кесинг бошини,
Тахт бўпти отам қўшини,
Ҳайданглар, ёвнинг устига.

Ким бизларга дучор бўлар,
Ажали-паймони тўлар,
Душман ранги энди сўлар,
Бирдай от кўйинг душманга.

6770 Ҳамманг инсоннинг боласи,
Буюрса мендай тўраси,
Эралихоннинг жўраси,
От кўйинг биттанг қо[л]маси.





Йигитлар маст бўлиб, юришига баланд тоғлар паст бўлиб, ўн минг киши Эрали билан дўст бўлиб, урушга кириб кетаётгани, Гавир сўз айтгани:

Ёронлар, ўйпаб-кулинглар,
Бўш бўлмай, маҳкам бўлинглар,
Бирин кўзлаб, ўнин бошин юлинглар,
Бедов отда югуришиб, елинглар,
Тўрамга дўстлик килинглар,
Берган намагин билинглар.

6780 Балки чопинг хайвонини,
Окиз душманнинг конини,
Хурмат кинг бекнинг нонини,
Қайтарманг энди раъйини,
Омон бўлиб ёв қиринлар,
Олинг нишон, сарпойини.

Ирғитгин шомол жарини,
Кесинг душманнинг сарини,
Душмандан қўйманг тирини.

Гавир дейди, мен дўс[т]и,
6790 Қолсин ёвнинг танаси,
Бўлинг ярок, от эгаси.


Икки ёқдан беклар мани берди. Эрали валашкарининг урушаётганидир:

Тоғдан тушди аралашди,
Танти қилишди савашди,
Тош турмаган энди тоғда,
Бош турди майдон ичинда.

Эр тарафлар довул кокиб,
Сойлар тўла қонлар окиб,
Сув оқмаган катта сойда,
Қон оқди майдон ичинда.

6800 Беклар шуйтиб аралашди,
Ёвлар бир-биридин адашди,
Қир устида кўринг лошди,
Лош турди майдон ичинда.





- Боғ бугдойдай питиратди,
Қўймасдан барин кийратди,
Кўрмайсизми, Эрали мардди,
Тулпор отини ўйнатди,
Охирда кўринг полвонни,
Пистирма устига етди.
6810 Хаспўш бўлиб турган мерган,
Гавирдай полвонга отди,
Тўккиз ўқ бадандин ўтди,
Ёвга банди бўлмайин, деб,
Отнинг устига у ётди.

Гавир полвоннинг ёнидаги полвоннинг қўлидан ўқ ўтиб, унинг ҳам киличи қўлидан тушиб кетди. “Энди банди киламиз”, – деб тўккиз юз шакаман Гавирнинг орқасидан от қўйди. Ўн минг ёрондан бириси бу ишдан хабардор бўлиб, Эралихонга бир сўз айтиб турибди:


- Ишонмадинг туш кўрганда гулингга,
Пўлат найзангни ол, ботир, қўлингга,
Икки улфатингни қувди илгинга,
Бирини қўшмагин, боргин бирига.
У икков тушмасин душман қўлига,
6820 Бирови йиқилган отнинг ёлига,
Бировининг ханжари йўқ қўлига,
Икки ботир қочар ёвнинг илгига,
Қийин савдо бўлди алар ҳолига.

Икков дучор бўлган тўккиз юз кишига,
Етиб олса ханжар солар бошига.
Етмасдан илгари боргин, тўражон,
На фойда бор, эга бўлсанг лошига.

Буни эшитган Эралихон Гавирни қувиб келаётган тўккиз юз душманга кўзи тушиб, от чопти:

- Ёв кўриб Эрали мардди,
Бирдан бари ўққа тутди.
6830 Марднинг оти ҳунарбандди,
Ўққа қилар экан радди.






- 6840 Душманлари ўк отганда,
Тўрғайдайин писиб ётди.
Душманлар кип маслахатди,
Ўқини пастлаб бўшатди.
Душман ўқи пастлаб келса,
Уч газ баландга чачраб отди.
Ёвнинг олдини тўхтатди,
Оти ўсал ҳунарбандди,
Ўқдан омон асрайди,
Устидаги азаматди.
Тўккиз юзга бирдай етди,
Ҳаммасин бирдай кийратди,
Қўлидаги даскирди,
Даскири ўсал ўткирди,
Ғайрат билан силтай берди,
Душманини қўп ўлдирди.
Эрали қўйган пир отди,
Тараф бўлган қўп наълати,
6850 Боғ буғдойдайин кийратди.
Кун киём вақти бўлганда,
Беш юзидан кесиб бошди,
Тўрт юзи тоғ оралаб қочди.
Зарбин кўриб Эралининг,
Кўписи дамидан тушди.
Айириб олди қўп ёвдан,
Яраланган икки ёшди.

Эрали Гавир билан яраланган полвоинни отига ўнгариб олиб, алвон чодирнинг соясига келтириб қўйди. Шунда Эралихон ёрига: – Ҳозирча маҳкам уруш, бу икковидан хабардор бўл, – деб тағин ёв устига отланди:

- 6860 Иши бундай бўлар мардди,
Тулпор отини ўйнатди.
Қир келганда қиялатиб,
Жар келганда жаналатиб,
Чуқур сойлардан иргитиб,
Ҳар газга ботир етди.
Газаси тоғдан баландди,
Отини камчига тутди,
Кушод газадан иргитди.
Етти қулочдан найзаси,





Сихи олмосди-пўлатди,
Узанги асли тилладан,
6870 Кундай қилиб ярқиллатди.
Илон тилли даскир қилич
Тейганида шарқиллатди.


Нукра айил, тилла пуштан,
Ками йўк йўрға юришдан,
Чух, деганда ўтди кушдан,
Гарданига чин қуюшкон,
Ибрат олганди тарқашдан,
От сағрига хўп ярашган,
Куббасини ярқиллатди.
6880 Кун ҳам пешинликка ўтди,
От ўйнатиб ёвга етди.
Ботирлар қилмасди туришди,
Бора соп қилди савашди,
Қирмиз қонга бўятди,
Тоғда ётган қора тошди.
Мард тезиккада билмайди,
Ҳам кечаю қундузди.
Бир кеча-қундуз урушди,
От тиззадан қонга кечди.
6890 Уч кеча-қундуз-ку бўлди,
Аросат уларга етди,
Баъзиси энди писиниб,
Яроғини тайлаб кетди.

Уруш бўлди, дўстлар, андай,
Олтин сибзиқ, нукра карнай,
Чалинди майдон ичинда.

Оқиб душманларнинг қони,
Жасадида чикиб жони,
Мурда бўлиб барин тани,
6900 Қолинди майдон ичинда.

Ярали бўлиб Гавир,
Ичиши майи антахур,
Маст бўлди майдон ичинда.





Кўрганлар энди қойиллар,
Оғзи катта жазойиллар,
Гумбурлар майдон ичинда.

6910 Кочди-ку бир печа тўплар,
Эрали лашкарин соплар,
Бўйни узун шохдор тўплар,
Отилди майдон ичинда.

Тилла калконлар сўтилиб,
Қоматлар энди букилиб,
Қора қачкар кон тўкилиб,
Оқилди майдон ичинда.


Ўлжа бўп душман бсдови,
Оқи байдок, кўк ялови,
Қолинди майдон ичинда.

6920 Қочганга етиб пироғи,
Ёвдан ўлганнинг йўқ сўроғи,
Ёвнинг хисобсиз яроғи,
Қолинди майдон ичинда.

Шунда қочганлар қутилиб кетди, бир хиллари тоғ орасида қолиб кетди; жанг карнайини дўнгга чиқиб кичкиртди. Ўз лашкарини йиғди, бирин-бирин кўриқдан ўтказиб, хисобини олди, бир минг кишининг дарағи бўлмаб тўккиз минг кишиси бор экан. – Ёвнинг ярок-анжомини йиғинглар, – деб беш мингини қолдириб, тўрт мингини Булғор шаҳрининг теварағига қоровул қўяди, қоровуллар қиличини яланғочлаб, бир жондорни ҳам шаҳардан чиқармай турди. Эралихон шаҳарга кириб, Ҳамро боғбонни йўқлаб боғига борса, Гулшан шипирувсиз, ифлос бўлиб ётган экан. Эрали: “Бобом оламдан ўтдимикан, ё боғбонликдан бекор бўлдимикан? Гулшанни бундай ифлос қилмаса керак эди”, – деб боғбон бобонинг ховлисига отини хайдади. Дарвозага етиб, тақиллатиб, Эралихон бир сўз айтади:

Баччаликда шу ерда эди қулбаси,
Бугун келди йитиб кетган боласи.
Ойим қизлар, сендан бугун сўрайман,
Қаердадир бу ховлининг эгаси.





Банди бўлган эди элнинг эгаси,
Ёшу қари – бари Эрали дўс[т]и,
Ойим кизлар, мен бир сиздан сўрайман,
Борми, йўқми Ҳамро боғбон бобоси.

6930 Бизни сўраб борган Боғдод шаҳарга,
Аввалдан дўст бўлган пухта бизларга.
Бу кулбанинг эгасини сўрайман,
Тирик бўлса, бобом кетган қаерга?

Бизлар урган эдик ғозини,
Жаллодга буюрган икки кўзини,
Ларзон дерди бобом катта кизини,
Зиёрат айлайман бобом изини.

Укам оти Шерали, биз-ку Эрали,
Тўққизда бойланди аларнинг қўли,
6940 Ҳозирча қолмади душманининг бири,
Гул юзли, тез бергин бобом хабари[и].


Боғбоннинг Ларзон помли кизи деволчадан паналаб қараб, бир ерда кўргандай бўлиб, энасини чаллаб: – Бу ёққа қаранг, элнинг эркаси, банди бўлганларнинг бирисига ўхшайди, – деб чақирди. Шунда Ларзоннинг энаси Эралихонга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Қайси боғнинг булбули,
Қандай чаманларнинг гули?
Парвона бўлсин момонг,
Ўзингиз кимнинг ули?

Кимнинг меҳри, жонисиз,
Сўзларга бурро тили,
Момонг бўлсин бўйингдан,
Ўзингиз кимнинг ули?

6950 Бошингга тушган ўхшар,
Ёшликда қаттиқ мушкул,
Кимнинг сиз меҳри, дили,
Қайси боғнинг булбули?





Ўн олти кундир бу кун,
Боғлик бобонгнинг қўли,
У боғбонни сўраган,
Ўзингиз кимнинг ули?

Хайри дейди отимни,
Мен шу боғбоннинг гули,
6960 Ларзон отли ёлғизи,
Боғбоннинг жони, дили.

Эралихон момосига қараб: – Бобом банди бўлдимиз? – деб бир сўз
айтиб тургани:

Аввал ғамгин бўлган, гашти куламан,
Дунёда кўп савдони, момо, кўраман.
Қўлингизда ўсган ўша боламан,
Булғор элни келиб қўлга оламан.

Чаманда очилган ўзим лоламан,
Ҳар ерга суксурдай учиб қўнаман.
Азоб кўрган қушлар ўтиб кетгандир,
Энди кеп душмандан навбат оламан.


6970 Бир сирага сўлган эдим, моможон,
Қайтадан тоза гулдай бўламан.
Кетган эдим мен йўқолиб элингдан,
Бобомни сўроқлаб берга келаман.

Савдолашиб олиб берган пирогим,
Шу сабабдан бобомни мен сўрадим,
Бобом бўлса, чоғ бўларди думоғим,
Келди денг йитиб кетган гўдагинг.

Асли ўзим Эралихон тўраман,
Булғор элда энди даврон сураман,
6980 Мулланинг тухмини энди қираман,
Элдан кетган ўша шунқор бўламан.

Момо: – Болам, сени лашкар олиб келди, отаси билан қийрашиб ётибди,
деб эшитган эдик. Боғбон бобонгни сўроқлаб келган бўлсанг, энанг билан
иккисини зиндонга ташлаб қўйибди, – деди. Момоси Эралини таниб,
тағин бир сўз айтиб турибди:





Чилла кирса, маст бўп юрган нормисан,
Қилган ишинг номус билан ормисан?
Йўклаб келсанг, момонг сендан ўргилсин,
Омон-эсон, икковинг ҳам бормисан?

Меҳмон бўлгин кўрай, ўғлим, дийдоринг,
Файзлисан, нурли бўпти юзларинг,
Энангга кўрсатгин ойдаи дийдоринг,
Икковинг ҳам, садагалар, бормисан?

6990 Бичкичи эдим қиммат, асил тўнингни,
Устун бўлди, деб эшитдим кўлингни,
Душманни ўлдир, эгалик қил элингни,
Юрт эгаси, болаларим, бормисан?

Булғорда кўймагин, оғалик додқа,
Тўккиз ёшда сени кўйди уятга.
Мулла кашмиридан тирик қолмасин,
Шукур, кўзим тушди икки қувватга.

Офарин бор сендайин икки мардга,
Беҳудага киргин берма элатга.
7000 Душманларинг билиб ўлдир, садаға,
Ол кўлингга, эга бўлгин давлатга.

Эрликнинг мадади бордир танангга,
Қайтадан келибсан қулбахонангга.
Момонг сенинг дол бўйингдан садаға,
Раҳбар бўл, кспсан кўзим, энангга.

Сизлар кетиб юрт қолгандир ёмонга,
Туш, садаға, меҳмон бўлгин момонгга,
Боғбон билан шўр энангни сўрасанг,
Иккови ҳам ётир ҳозир зиндонга.

Эралихон бўлган воқеаларни момосидан эшитиб, ғайрати туташиб, жасадга зиёдалиқ қилиб, отини буриб, камчилар уриб, тўғри зиндонбарларнинг ёнига бориб, бандибон, зиндончиларнинг бир нечасини уриб, дўқ урганни ўлдириб, жамъи қоровуллар қичкириб, майдондаги гапдан беҳабар булар ҳам шовқин бошлади. Шунда Эралихон илон тезгирли қиличини хинидан тортди, уларга қараб: -- Ажали паймонанг битди,



тапимайсизларми эгасини юртди. Ҳали ҳам юртни беэга, дейсанларми? –
деб бир сўз айтиб турибди:

7010 Ишим йўк эди сизларга,
Ўзим соҳиб бу шаҳарга,
Келиб эдим сиёсарга,
Қонинг даркор аждаҳорга.

Йиғилинглар берги гузар,
Қилмайсанми мендан хазар,
Жасаддан каллангни узар,
Энди ўлим, бил, сизларга.

7020 Қиличим ўнингдан ўтар,
Бугун сизларга хатар,
Ажал етиб кунинг битар,
Мурданг қолар бу гузарга.

Келган Эрали ул бўлар,
Хотин-қизларинг тул бўлар,
Тиригинг менга қул бўлар,
Қон қуяр кирди шаҳарга.

Менман етти йил кетганинг;
Эрали, Шерали душманинг,
Энди тўқар бўлдим қонинг,
Қўймайман ному пишонинг.

7030 Зиндон олдида урушди,
Авжи келиб, келди кишти,
Югургиллашиб чопишди,
Силтади қўлда қиличди,
Ўн беш бош питирлаб учди.

Тармашганин ушлаб отди,
Кўп киши қилди ғайратди,
Биттадан қочмоқ уятди[r],
Келганининг бошин чертди.

7040 Одам дўржи-дўржи етди,
Шовкин катта бўлиб кетди,



Эрали ҳам миниб отди,
Қўчабоғда питирлатди.

Асли душман палакатди,
Қўймайман, деб бу элатди,
Хар гузарга чопди отди,
Одам топмаган гузардан,
Ёриб иморатга ўтди.
Булғорни шундай тутатди.
Ишин кўриб Булғор мардум,
7050 Ё бу бир баломи, деб,
Четга тортиб қияяпти,
Даналашиб маслахатди.
Даниганлари-ку айтаяпти:

“Хў, подшонинг суяр ёри,
Шунга қилувди тухматди.
Дорга тортар чоғида,
Туман босди вилоятди.
Қаттиқ ёғоч пора бўлиб,
7060 Икковига буюриб жаллодди,
Динчоғининг дами кайтиб,
Сўғин подшо амр қилиб,
Дамида кетди беш юз отди.
Шуларнинг биттаси кепти,
Иккови ҳам бирдай келса,
Хавор қилар мамлакатди.
Шералиси келган йўқди,
Бу Эрали деган мардди[р].

Қиличимиз ерга ташлаб,
Кўзимизни балки ёшлаб,
7070 Олдига чиқа кетсак,
Бир ботирга тавба қилсак,
Тўхтатади, мардум, отди,
Қийратмас буйтиб элатди.
Бизларда на гуноҳ бор”, – деб,
Милтиқ қиличин ташлаб,
Қўлларин бағрига тортди,
Қаддин букиб салом айтди.
Мард келиб отин тўхтатди.

Алкисса, юрти вайрон бўлганини Оппохўжа эшони эшитиб, от қўйиб шаҳарга келса, бир тўда одам олдида қиличи конга ботган Эралихонни кўриб, бир насихат бериб, сўзлаганидир:

7080 Болам, бўпсан бу оламнинг лочини,
Хар ерга сарф килмас ботир кучини.
Бехуда силтамас бу қиличини,
Душманидан билиб олар ўчини.

Кулоғига олсин пирнинг амрини,
Дўст кишига одам тўкмас зўрини.
Шайтоннинг гапига кирма, мард ўғлим,
Дўст кишига силтамас қиличини.

7090 Ботир бўлган доим олар орини,
Ўлдирмагин буйтиб ёшу қарини,
Кесма, болам бегуноҳлар сарини,
Киши душманига тўкар зўрини.


Ўликка тўлдирдинг кўча барини,
Булар бойлаган йўқ марднинг қўлини,
Менинг учун ўт буларнинг қонини,
Ботир топиб ўлдирар душманини.

Кулоқ солгин банди кетган, бегижон,
Дуо олган киши бўлади омон.
Қоматиндан бўлай, қарамли султон,
Сенинг душманингдир у кўзи чўлпон.

7100 Оловхўжа дейди, мен шайхи замон,
Дуо олган киши бўлади омон,
Тўкма, болам, мўминларнинг қонини,
Тикан урган ердан чиксин, Эралихон.

Шайхи замоннинг гапи таъсир қилиб, “Хўли курукни кийратмай”, деб пирини олдига солиб, зиндоннинг устига келиб, сонсиз ётган бандиларни озод қилиб ва уларнинг дуосини олиб, Ҳамро боғбон бобоси ёдига келиб, энаси билан боғбонни йўқлаб, бир сўз айтиб турибди:

Етти йилдан бери бу ерда хормисан,
Кувватим демоққа интизормисан?



Банди кетган ўғлинг келдим сўроқлаб,
Зиндон тубида ётган, эна, бормисан?

Азоб кўрган кунни куним дермисан,
Иккимиздин айрилган сиёсармисан?
7110 Банди кетган ўғлинг келди қайтадан,
Қор сут берган, менинг энам, бормисан?

Сочинг ёйиб, ёшлар олиб кўзингга,
Йиғлаб қолган эдинг икки кўзингга,
Суюб олган эдинг мени тизингга,
Зиндон ичра ётган, рахбар, бормисан?

Тонг сахарлар уйқунг бўлиб уйғонган,
Алла деб ҳам совуқ бешик таянган,
Ёшлигимдан бери менга меҳрибон,
Бормисан, йўқмисан бугун, энажон?

Боғдод элдан чиқдим, белимни боғлаб,
7120 Душманам қўймадим уни яроғлаб,
Келдим сизни бор деб элга сўроғлаб,
Зиндон тубида ётган, буви, бормисан?


Бўлмасин ҳеч кимнинг сендай боласи,
Вайрон бўлган эди кўнглим қалъаси,
Мен эдим Булғорнинг ўзим эркаси,
Хабар бер, бормисан марднинг эпаси?

Жасадингда борми, энажон, жонинг,
Дунёда бизлармиз асл кўрганинг,
7130 Ғариб бўлиб шуми тушган зиндонинг,
Қор сут берган, бир улуғим, бормисан?

Эрали дер, мен бир сенинг канотинг,
Келдим бугун жисмингдаги мададинг,
Тирик келдим, сенинг бугун давлатинг,
На бўлганди буйла ғаму ҳасратинг.

Бу полишларни Ҳамро боғбон бобоси эшитиб, ойбуви Мастурага қараб: – Ўғлингнинг довушига ўхшаш бир довуш чиқади, – деб бир сўз айтганидир:





Устун ўхшар, бибим, қўлинг,
Банди кетган икки улинг,
Ҳам иккови жону дилинг,
Асир бўлган жонинг келди.

7140 Йиғлаб ожиз бўлган кўзинг,
Сарғайгандир сенинг юзинг,
Тўққиз яшар тонг юлдузинг,
Икки ҳам ўғлонинг келди.

Ўчган икки юлдузинг,
Бекарор йиғлардинг ўзинг,
Бирдайди кеча-кундузинг,
Келди-ку икки кўзинг.

7150 Куч-кувватдан кетган белинг,
Душман бўлган сизга элинг,
Банди кетган жонинг, дилинг.
Келган ўхшар икки улинг.

Ҳеч йўқдир йиғлаб тоқатинг,
Туман бўп шоҳимга бетинг,
У икковидир қувватинг,
Суянганда кириг келди.

Мана Булғор шаҳри еринг,
Қариликда бу раҳбаринг,
Ўлсанг ёнади чироғинг,
Мурдангнинг эгаси келди.

7160 Боғбон терар гулларини,
Қучоклагин бўйларини,
Охир кеп олди шаҳрини,
Икки паҳлавонинг келди.

Энаси ҳам довуш бериб, бир сўз айтди:

Мен қолувдим гумроҳ бўлиб шаҳарда,
Аларни менга кўрмоқ қаерда.
Озод бўлиб юргандир у дарбадар,
Кўрмоқ қайда уларни мен шўрли дийдор?





Етти йил бўлди бу кўнглим ғубор,
Ўз элимда қон йиғлайман муштипар,
Ҳеч қим бўлмасин-ла бу ғамга дучор,
7170 Кўрарманми икки кўзимдин дийдор?

Қариганда кетди кучим, мададим,
Кўрарманми икки кўзим, фарзандим,
Зиндон ичра йўқдир менинг тоқатим,
Ҳеч қим бўлмасин-да мендай хору зор.

Мастура дер, мен бой бердим кўзимди,
Тирикликда менга ўлмоқ лозимди[r],
Қарим очармикан икки кўзимди,
Армоним йўқ, кўрсам икки кўзимди.

Боғбон айтди: – Бир киши балаиддан қараб, сизни сўраб, дўстларига омон, душманларга охир замон солганга ўхшайди. Бир довуш қилинг қани, қим бўлса ҳам ўзини маълум қилар.

Мастура юқорига қараб, бир сўз айтди:


Қон йиғлайман бу қун исча ҳайронда,
7180 Бормисан икковинг ёкти жаҳонда?
Қим ҳам бўлсанг, довуш бергин, айланай,
Ғариб бўлиб қолдим, болам, зиндонда.

Ҳеч аёл бўлмасин бундай шарманда,
Ё шаҳардамисан, ёки майдонда?
Тирик бўлсанг, сўраб келгин икковинг,
Мен ғарибман ҳозир мана зиндонда.

Хўрлик келса, оқади кўзимдан ёшим,
Сизларсиз ғарибдир бу азиз бошим,
Булғор элда йўқдир менинг кардошим,
7190 Чуқур зиндон туби бўлди ётишим.

Менга душман бўлди у қуни ёрим,
Ҳасратингда кўр бўлди-ку, гавхарим,
Тирик бўлса, келдимикан улларим,
Қариганда зиндон бўлди мазорим.





Мастура дер, эл кувонар отима,
Гул-гул лола ярашарди бетима,
Етарманми мен икки фарзандима,
Гашти ғариб бўп зиндонман юрtima.

7200 Тирик бўлсанг хабар олгин, Эрали,
Ишонардим сен икки фарзандима.
Тирик бўлиб, энажон, деб келмасанг,
Болам, розимасман берган сутима.

Эралихон зиндонга энасининг устига ўзини ташлаб: -- Мен қувватинг, мададингман. Бир кун азоб кўрганларнинг роҳати ҳам бордир. Қадимги даврингга етқирарман, – деб бир сўз айтиб турибди:

Бандилигим эл, кўрғонинг билганди,
Дўстим йиғлаб, балки душман кулганди.
Шу сутингга рози бўлгин, энажон,
Пухта билгин, мендай ўғлинг келганди.

7210 Отам менга кўп лашкар юборганди,
Ҳар ким дучор бўлса, пухта ўлганди.
Дарадан оқиздим жўйбори конди,
Шукур қилгин, Эралихон келганди.

Очилсин бугундан меҳру дилингиз,
Эралига қолди Булғор элингиз,
Шукур қилгин, келди мендай улингиз,
Қадимгидай устун бўлди қўлингиз.

Энажон, деб термиламан бетингга,
Қайтадан кирарман мен хизматингга,
Рози бўл ёшликда берган сутингга,
Эралихон подшо бўлди юртингга.

7220 Ҳаким тошиб, очирайин кўзингни,
Ҳеч илоҳим дема икки кўзингни.
Рози бўл ҳам шу едирган тузингга,
Энди подшо бўлдим элу тузингга.

Душманларни олдим-ку мен қаҳримга,
Аждаҳорман, кимлар чидар заҳримга.



Энажон, сен бугун шукур айлагин,
Подшо бўлдим азоб кўрган шахримга.



Алкисса, Эралихон энаси ва боғбон бобосини зиндондан чиқариб,
озод этиб, энасини тиллакор уйига қўйиб, отасининг олдига бориб, юртни
ўз қўлига олиб, муллаларни чакириб, кичик энасини ҳам киши юбортиб
олиб келтириб, жамъи муллалар ва отаси ёнида кичик энасига бир сўз
айтиб турганидир:

7230 Бу шумлигинг стар бўлди бошингга,
Тухматинг юрдирдинг икки ёшингга,
Райкордан ёқангни хўл қип ёшингга,
Пухта бизлар минибмидик тўшингга?!

Гуноҳкор кўрсатдинг мана ёрингга,
Ўткир ханжар тегар бўлди сарингга,
Бўйипман ўқ отган икки жониворингга,
Бизлар қўнган чинми сенинг бағрингга?!

Энди қўнгин манглайингда шўрингга,
Агар бўлса, дарак бек ҳозир элингга,
Тулки-шокол йиғлар бўлди ҳолингга,
Қачон қўл солувдим икки норингга?!


7240 Хумса подшо ишонгандир сўзингга,
Сўяр бўлдим ҳеч ким қолмас изингга,
Охир подшо бўлдим элу тузингга,
Бокканим чинмиди ойдай юзингга?!

У кунлар юрувди ноҳақ тухматинг,
Ҳар на қилса, қўнувди икки фарзандинг,
Ажал етиб, бугун тўлди муҳлатинг,
Қачон қўл солувдим шу жасадингга?!

7250 От устида турувдим бир ғозни осиб,
Тухматинг юрдирдинг, ўшғирим кесиб,
Ҳалол эдим, ўлдиролмадинг дорингга осиб,
Қачон шарманда қилдим бағрима босиб?!

Жаллодга буюрарман, гарданинг кесиб,
Қўярман мол бозорда дорингга осиб,





Ушбу дорга сен ҳам бўлдинг муносиб,
Шармандалар бўлдинг элларга сасиб.

Отам бўлса, сенга доим ул эдик,
Рост сўйласанг, бизлар сенга кул эдик,
Бизлар ҳам отамга жону дил эдик,
Тухматнинг охири, билгин, шу эди.

7260 Эралининг гапида йўк тухмати,
Исбот ўтган, қани, гала наълати,
Бугун тўлди уларнинг ҳам муҳлати,
Ҳеч ерда юрмайди гапнинг ғалати.

У вақтда килмай Шералига шафқатди,
Биёбонда йиғлаб ўтди овқати,
Бизларга насибдир Боғдоднинг юрти,
Ёмонлик килганнинг бордир уяти.


Охир қўлга келди Булғорнинг юрти,
Беҳад муллаларнинг тўлди муҳлати,
Бормисан, йўкмисан кўхна жаллоди,
7270 Тухмат қилганларнинг кизарар бети.

Алкисса, жаллодлар: – Подшо бўлган элнинг эгаси, кимлар турур шохид бўлган мулласи? – деб сўради. Эралининг буйруғи билан беш юз муллаинг бошини кесди. Кичик тухматчи энасини мол бозорнинг дорига осди.

Эрали шаҳар атрофига қўйган тўрт минг қоровулга: “Шаҳардан ким чиқса, отинг”, – деб буйруқ бериб келган эди. Дарвозадан қочиб чикувчиларни тўрт минг қоровул ҳар томондан отиб турганда, Эрали Ҳамро боғбонга хат қилиб бериб, барини Булғорга киритди, ёниб турган уйларга сув сепиб ўчиртирди. Хуфтон чоғида ҳаммаси Гулшан бокка йиғилиб, Эрали ўн отлик лашкарга боғбонни саркарда қилиб, қори бўлган отасини: – Қуш учмаган чўлу биёбонга олиб бориб, қўлига таёк бериб, ташлаб келинглар. Мусофирчилик қандай бўлар экан, – деб буйруқ берди. Шунда Эрали бир сўз айтиб қолаяпти:

Отаси икки ғўчқокди,
Қўп урманглар, соқоли оқди[r],
Дамига сонглар пирокди,
Қадрини билсин юрмоқди.





Кўз кўрмаган ерга элиб,
Кўлига беринглар таёқди.
Тоғдан ошиб, кирдан ошиб,
Кидирсин хўп дашту тоғди.

7280 Ёрманглар у қари бошди,
Қадри ўтсин икки ёшди.
Фойдаси йўқ қаламқошди,
Тилаб есин нону ошди.

Бизлардайин кезиб даштди,
Худо олса омонатин,
Қузғун есин қари гўштди,
Пухта қилинглари шу ишди.

7290 Тоғда бордир булбул, зоғлар,
Аҳмоқ ўз думоғин чоғлар.
Саргардон бўп сокол оқлар,
Энгкайиб ошсин у тоғлар.


Ким жабр қилса улига,
Ҳассалар олсин қўлига.
Улнинг гуноҳи бўлмаса,
Гадолик қилсин чўлига.

Мулла қойил ҳазор анга,
Қўйманглар элу қўрғонга,
Чикариб тайланг майдонга,
Кўзи тўрт бўп ўлсин нонга.

Эралихон шундай деб жўнатиб юборди. Булар қори бўлган Қорахонни ўн бир киши бўлиб хайдай берсин, энди Оқилойдан бир гап сўранг.

Оқилой: “Мен пойтахтга бораман, акам келган бўлса, уни кўраман; раҳбар акамни кўрмаганимга олтмиш тўрт кун бўлди. Ё инисини чиқараман, ё ўзим ахтаришга чиқаман”, -- деб пойтахтга қараб қадам ташлаб, уч йиллик хирождан бўлган рўмолни бошига желвагай ташлаб, ўнг тараф бетидан рўмол учини қайтариб оғзига тишлаб, якка-якка қадам босиб, мушку анбар, ипор сасиб, давлатхонага келди. Ёрига суқсурдай бўйшини узатиб, жоду кўзини ўйнатиб, акамдан ҳеч хабар борми? -- деб подшо ёрига қараб, бир сўз айтиб турибди:





7300

Ёдидан чикдими азоб кўргани,
Ҳозир кўлингизда акам даврони,
Жавоб беринг, кидирайин дунёни,
Ёки бугун ўзлари чикса бўмайми?

Оғам кетган эди у кун шикорга,
Ё ақлин бой берди гул юзли ёрга,
Кўп вақт бўлди келмай кетди шаҳарга,
Ҳар атрофга хабар кўйса бўмайми?

7310

Кўлингизда бордир неча посбонинг,
Қайтиб ҳузур кўрар жасадда жонинг,
Икки ой бўлди, йўқдир у эмикдошинг,
Жавоб бер, излаб кетсин мандай жононинг.

Эшитгин, бекзода, килган додимни,
Баччаликда мен чиқарган хатимни,
Беринг табладаги кашқа отимни,
Мен изларам Эрали отли мардимни.

Қайси элга бориб тушди гузари,
Ҳеч келмайди қарчиғайнинг хабари,
Ҳам келинидирман, ҳам бир нигори,
Жавоб беринг, кўрсам мен ўзга шаҳари.

7320

Ҳар шаҳарга килсангиз бўлмайми хатни,
Бир эна берганди иккингизга сутни,
Укам деб берувди сизга Боғдодни,
Элга чиқиб йўқлов килсангиз бўлмайми?

Оқилой дер, омон бўлсин Гардоним,
Бошингизда давлат, яхши нишоним,
Тирик бўлсам, ахтарайин жаҳонни,
Ё сиз боринг, ё мен бораё оғам.

Шералихон ўйлаб турса, бу гаплар кўп таъсир қилиб, етти йил ажралганлари ёдига келиб: – Сен бор, кулбада бўл, мен оғамни ахтараман, – деб мирохўрига қараб, бир сўз айтиб турибди:

Ҳар ким ўз элида сураб бекликни,
Оша юртга кетган кўрар хўрликни,



7330

Кашка отга солгин тилла жахалдирикни,
От эгарланг, мен оғамга бораман.

Бизнинг ёрнинг оти энди Окилдир,
Чаманда сайраган у бир булбулдир,
Оғадан айрилган, билгин, мушкулдир,
От созланглар, мен оғамга бораман.

Ё хуш кўрдими ўзга диёрди,
Ё бир элдан олдим гул юзли ёрди,
Мен бу ерда ундан-ку беҳабарди[r],
Эгар бос, шоввозлар, оғамга бораман.

7340

Чарчамас чопишдан у кашка ҳайвон,
Икки ой бўлди менинг бағрим эзилган,
Ё банди қилдим бир элда душман,
Тез оп кенглар, раҳбаримга бораман.

Етти йил азоб кўрган эди бизнинг тан,
Булғор элда энам ахволи ёмон,
Жаҳонда бормикан у оғам омон,
От оп келинг, ҳозир шунга бораман.

Боғдод табласида бир йилу икки ойдан бу ёқ кашка отга ҳеч ким қўл
тегизмай турган эди. Тилла эгар, абзални солиб, Окилой ёрига шаҳарини
топшириб, бир сўз айтиб турибди Шералихон:


7350

Кайтишнинг йўқдир поёни,
Ахтарай ёкти дунёни,
Тоғиб олсам мен ўшани,
Қолмас ёрингнинг армони.

Боғдод элининг даврони,
Эшитгин қоши камони,
Жондан ортиқ ёрим мени[нг],
Бўлгин Боғдоднинг султони.

Шоҳликнинг кўпдир душмани,
Олай деб печа маконни,
Душман кўрсанг тўккин қонни,
Сен бўл Боғдоднинг султони.





7360 Боғдод эли гузар-гузар,
Мусофирмиз, англа, биз[л]ар,
Бели химча, кўзи хумор,
Сеникидир Боғдод шаҳар.

Сўйланади бугун тилим,
Омон бўлсин кўлингда улим,
Жондан зиёд энди гулим,
Сеники Боғдоддай элим.

7370 Хизматкор, беклар, сипойим,
Ақлинг расо Оқилойим,
Сенсан менинг қарчиғайим,
Сеникидир тахти жойим.

Шералидир мепинг отим,
Учарга йўқдир қанотим,
Акам десам йўқ тоқатим,
Сеникидир сўрар юртим.

Оқилой хурсанд бўлиб, ёрини йўлга солиб, ёрига қараб, бир сўз айтиб
қолаяпти:


Шунқорингга доим юр ўрдак олдириб,
Ов овласанг, юргин довул чолдириб,
Душман кўрсанг, қўйгин уни ўлдириб,
Акам топсанг, кел отингга миндириб.

7380 Ғамгин қилма, шодиёна кулдиргин,
Укалинг чин акамга билдиргин,
Шу отингга энди тайин миндиргин,
Бир кўрайин дарвозадан эндиргин.

Тар хина ярашар сулув қўлима,
Тилла ҳайкал ярашади бўйнима.
Қайда бўлса, жон акамни ола кел,
Олиб келгин бек акамни элима.

Душманингни олсам керак қаҳрима,
Аччиқ келса ким чидайди заҳрима.





7390 Суйгулигим, айтганимни қиласиз,
Бек акамни олиб келгин шахрима.

Унинг ишки мени девона қилган,
Иккимизга эди акам меҳрибон,
Ҳам сизга, ҳам менга эди соябон,
Оқил айтар, зиҳор тонинг, тўражон.

Шерали отини ўйнатиб, алла ёр, деб кетиб бараётир:

Ўйнар менинг такаворим,
Етқирсин-да Эгам карим,
Ҳам очилди парки сарим,
Омон бўл, гулюзли ёрим.

7400 Оша кетган кўрар зулм,
Сеники бўлди Боғдод элим,
Айирмасин энди Карим,
Хўш аллаёр, жуфти ёрим.

Чопар энди учар тозим,
Акамга қарайди кўзим,
Толиб келмок бизга лозим,
Хуш қол энди, сарвинозим.


7410 Ёр изламок бўлди кўнглим,
Осон бўлсин бу мушқулим,
Худо кўшган нозли гулим,
Келгунча омон бўлгин ёрим.

Отнинг жиловини тортиб, жўнаб кетган чоғидир:

Ёрига бекзод паноди[р],
Ўзини билган доноди[р],
Ёв деганда ёвланади,
Эл деганда қувонади,
Боғдоди шаҳардан чиқиб,
Оғани излаб жўнади.

Отган ўкдаин ориллаб,
Тилла қалқонлар пириллаб,





7420 Пулат найзалар шириллаб,
Хайло-ку кетиб боради.

Гоҳ бир укка,
Гоҳ бир пукка,
Отига қамчи солади,
Оралатиб балан тоққа.

Кўринг, Шералидай мардди,
Бир йил боқилган хом отди,
Шипирма қамчига тутди.
Оти энди хомлик қилиб,
Оппок кўпикка ботди.

7430 Чух дегандан кушдан ўтди,
Икки кун орадан ўтди,
Совиб қувиғин тортди.

Қир келганда қиялатиб,
Жар келганда жаналатиб,
Арнадан кушод ирғитди,
Узангиси чип тилладан,
Кечаликда ярқиллатди.

7440 Кўринг, Шералихон мардди,
Тулпор отини ўйнатди,
Отин сувлиғин чайнатди,
Тоғнинг тошли сойига етди.
Бедовнинг зўр тирноғи
Тоғнинг тошин ёнғок этди.
Бўйни узун Қашқа отди[р],
Ҳо-ҳолаб бекзод жўнатди.
Икки кеча-икки кундуз бўлганда,
Юлдузнинг тоғига етди.
Булок бўйида кўриб бир мўйсафидди,
Бир оғамни сўрайин, деб,
7450 Ботир отини тўхтатди.

Булок бўйидаги бобонинг оғзида тиши йўк, ўзидап бошқа ҳеч киши йўк,
биров борса, гапирмокқа ҳуши йўк. Ўзи ингичка бўйли-дарозли, мусул-
мондан аразли, малла жойнамозли, назрли-ниёзли, сабзили-пиёзли, чапчали-



тарвузли, олтмишта ғозли, сазвари хўрозли, ботир сўзли бадавлат киши эди.
Шерали шу бобонинг қошига борди, бобосига караб, бир сўз айтиб турибди:

Ҳар савдога Оллоҳ ажал битдими,
Бу дунё ҳар кимдан, бобо, ўтдими?
Тоғ орада юрган йўлчи бўламан,
Бир пўпакли нор шу ердан ўтдими?

Тоғнинг суянган бир-бирига пояси,
Пешичиликда беш тошга етар сояси,
Ўзимман йитирган порнинг эгаси,
Тилла овсарли нор шу ердан ўтдими?

7460 Юрагим бўлди аламли доғлар,
Хазонлар бўлганди гулзорли боғлар,
Ҳар ким ўз йитигини сўроғлар,
Гуркираган маст нор шу ердан ўтдими?

Ярашиққа мен салламни ўрайман,
Икки ой бўлди, мен норимга қарайман.
Кўрган бўлсанг, бобо, тезроқ бер хабар,
Қочирган норимни сиздан сўрайман.


7470 Нор эгаси қолдим ажаб доғларга,
Кеча-кундуз юрдим мана тоғларга,
Хабар бергил кўрган бўлсанг бекларга,
Шу майдондан қочган норим ўтдими?

Шунда бобоси Шералихонга караб, бир сўз айтиб турибди:

Қочган нор найласин улуғ чўлларга,
Излаб боргин ўзга-ўзга элларга.
Йитирганинг ўхшар Эрали шерларга,
Ёв қунида тушди аканг кўлларга.

Қарамагин мана тоғлар чўлига,
Тўтри боргин Ишкамсалнинг элига,
Аканг банди Қаҳрамоннинг кўлига,
Банди аканг шу Ишкамсал шаҳрига.

7480 Чопишдан чарчамас, билдим, тулпоринг,
Агар Боғдод бўлса асли шаҳаринг,



Эралихон турур кочирган норинг,
Йўқлаганинг тушган душман кўлига.

Бедов минган ёл, куйруғин таради,
Бобонг ҳар савдони, ўғлим, билади,
Сепинг норинг Эралихон тўради[r].
Норинг тушган зўр карвоннинг кўлига.

7490 Ойтўрани олиб ўсал маст бўлди,
Гавир полвон билан у-ку дўст бўлди.
Ҳасратда ушладилар шундайин эрди,
Шу кеча-кундузда ботир асирди[r].

Қулоқ солгин, мендай Қингир бобонгга,
Кеча-кундуз тураман шу биёбонда,
Ўн кун уруш бўлди мана майдонда,
Аканг энди тушган зўрнинг кўлига.

Шерали бобосидан бу сўзни эшитиб, ҳар туки обдолдай бўлиб,
виждони қайнаб, Уста Одил қилиб берган қиличини чақир тошларга
қайраб, ярқиллатиб, отин ўйнатиб, уч кеча-кундуз йўл тортиб, Ишкамсал
элига етиб борди. Регистон томонига кириб, бир тўн одамга қараб, бир сўз
айтиб турибди:

Рост сўйланглар, бўлмасин зарра ёлғони,
Ғалат айтиб бўлманглар полвон душмани,
Мана ерда турган кўп лазги, армани,
Ҳозир кимдир мана элнинг султони?

7500 Ҳар кимга маълумдир қуйганнинг зори,
Мени тутган акамни кўрмоқ хумори,
Уч кун бўлди келдим очу наҳори,
Ҳозир кимдир мана элнинг тождори?

Ажаб бир турфадири бу шаҳар жойи,
Мунаққашли бўлган кимнинг саройи,
Жамоат, кўн турган беклар, сипойи,
Айтинг, кимдир бу вилоятнинг подшойи?

Кўчаларда юрган кўзлар чўлпони,
Кўрган одам бўлур хуснин хайрони,



7510

Хар ким душман бўлса оқилар қони,
Ким элингнинг қарамли султони?

Шерали дер, мен Боғдоднинг полвони,
Эрали бўлса буида банди қилгани.
Оларман қўлидан тахту маконин,
Кимдир бу мамлакатда одил тургани?

Шерали дер мендай одамкушини,
Изларам кеча-кундуз эмикдошимни.
Ким бандидир бу элингда жамоат,
Банди қилганнинг кесай бошини.

Гил саройда, жамоатнинг ичида ҳамма беклар хайрон бўлганда, бир гилкаш, оти Тош “Тўғри сўзламоқ керакдир”, — деб подшонинг отини баён қилаётгани:

7520

Бу шаҳарнинг бордир тўксон кўрғони,
Улуғ билгин бизнинг ҳозир подшони,
Хар ким душман бўлса тўкилар қони,
Подшоҳимнинг оти мулла Умардир.

Қатлом қилди келиб ўзга шаҳарди,
Икки йўлбарс устимиздан солган гузарди,
Беҳад қирди келиб сонсиз лашкарди,
Ҳамроҳи Эрали, ўзи Умарди[р].

7530

Бизнинг элдан олди, оти Мастура,
Ҳамма халким бўлди шунга фуқаро,
Ҳамроҳи Эрали, Умар тахт эгаси,
Булар қўлда бизлар йиғлаб хору зор.

Иккови йўл босди, мисли аждаҳор,
Ҳеч кимни қилмасин уларга дучор.
Бирови кетгандир Булғор шаҳрига,
Умари подшодир, берга ҳукмдор.

Шералихон бунинг гапини эшитса, Эралихон дегани ўз акасидир, Умар деган киши ўзининг ҳақиқатли дўстидир. Найзасин бўйнига илиб, оғаси, дўстининг зўрлик этганини билиб, подшога элчилар юбориб, хати арзасини элчи қўлига бериб, коғозни илгари олиб кўрган арзачи

Шералининг анжому яроғидан қўркишидан подшога караб, бир сўз айтиб турибди:

Ўзида бор ўн ботирнинг юраги,
Юлдузни кўзлайди минган пироғи,
Қасд қип урса тошни кесар яроғи,
Шундай бир аждаҳор келди элингга.

7540

Жуда алп билдим анинг жасади,
Учар қушдан ўтар хайдаса оти,
Ёвни яксон қилар унинг ғайрати,
Бир одамхўр пайдо бўлди элингга.

Регистонга келиб бирдан сўзлади,
Йўқловчи, деб пўпакли нор излайди,
Оти чопса оқар дарё музлайди,
Бир одамқуш пайдо бўлди элингга.


7550

Хамма алпдан зиёд унинг савлати,
Бошида бор унинг бисёр давлати,
Йитган эмиш оға билан улфати,
Шундайин қахрамон келди шахрингга.

Ёрлик тортиб заррин пўта ўрайди,
Хар кимсага ёмон-ёмон қарайди,
Шиддат қилса, ҳеч ким тирик қолмайди,
Шундайин бир алп келди элингга.

Хали келиб, сизни кўриб сўзлайди,
Ўн бош кесса, сўнг юзига хезлайди,
Сўғин элинг қочар ерин кўзлайди,
Шундайин қувғинчи келди элингга.

Қахрамон: “Унинг билан савашмокқа бизда лашкар бўлмаса”, – деб элчининг қўлига бир қоғоз қилиб берди. “Эл деса, элнинг эгаси келгандан сўнг сўзлашсин, мен эгаси эмас. Ҳозир бу элнинг йўқдир сойиби, подшоҳим Булғорга кетган, мен бир нойиби”, – деб жавоб ёзди. Арзачи от қўйиб келиб, Шерали хонга Қахрамоннинг хатини берди. Шерали хатни очиб кўрди: “Булғорни босиб олмоқ учун лашкар тортиб кетган экан, буни нойибидан билай”, – деб арзачи билан Қахрамоннинг пойтахтига кетди. Подшо бу суйгули меҳмонни кўриб, башара-қаддини Эралихонга ўхшатиб: – Отдан тушинг, мана сизга мазгил жой, – деб бир сўз айтиб турибди:



7560 Бу дунё кўхнадан колган саройди[r],
Аввали ҳой, сўгин гаштига войди[r],
Асли каердан сен бўз карчиғайди,
Тушинг, бош устига, улуг меҳмоним!

Томоша қилинг ҳам мунаққаш жойни,
Таом тайёр, ичинг ҳам гулгун майни,
Элини сўрайман бўз карчиғайни[нг],
Тушинг, дидам узра, улуг меҳмоним!

Остингизда югрук кўрдим пирогинг,
Юрагингда бордир не алам доғинг,
Ажойиб полвонсан, чоғдир думоғинг,
7570 Келсанг, бош устига, азиз меҳмоним!

Бироз бўлди элга ғавго қиёмат,
Ҳеч қолмади бизнинг элу жамоат,
Улар шогирдингдир, сиз уларга устод,
Тушинг, бош устига, энди полвоним!

Баъзи кунлар бўлди, кўнглим кабарди,
Бизнинг элга шу полвонлар раҳбарди[r],
Ҳозир бизга омонат ушбу шаҳарди[r],
Тушгин, бош устига, келган меҳмоним!


7580 Ўн минг киши билап Булғор борганди,
Бирови боғбондир, бири Умарди[r],
Шу эгаси, билсанг, ушбу шаҳарди,
Тушинг, бош устига, улуг полвоним!

Қаҳрамон дер, кетган менинг давлатим,
Эралини қабул қилди фарзандим,
Қиз орқасидан тўлмади муҳлатим,
Келсангиз, хуш кепсиз бутун, меҳмоним!

Шерали от устидан тушиб, отини бойлаб, бобони дўст ўйлади.
Қаҳрамон Шералини жонига жойлаб, кимхоб кўрпаларни катма-кат
остига тайлаб, кўп зиёфатлар қилиб: – Қайси мазгилдан чикдингиз, қайси
диёрга борасиз? – деб тагин бир сўз айтиб турибди:

Баҳор бўлса, гунчалари гул бўлсин,
Подшо бўлгин, сўраганинг эл бўлсин,





7590

Бу туркингдан мендай бобонг садага,
Анжоми соз полвон, сизга йўл бўлсин?

Баҳорда чайкалган ойдин кўл бўлсин,
Кўнган ўрдак, ғози энди мўл бўлсин.
Қизил юздан мендай бобонг садага,
Эр нишони, болам, сенга йўл бўлсин?

Қизил жағда сўйлар бурро тил бўлсин,
Доим ўйпаганинг нозли гул бўлсин.
Тўғри сўзла, бобонг сендан садага,
Турки яхши полвон, сизга йўл бўлсин?

7600

Бориш жойинг айтгин Қаҳрамон билсин,
Бунда ишинг бўлса, султоним келсин.
Сидки кўнглинг айтгин менга, меҳмоним,
Кенг жасадли полвон, сенга йўл бўлсин?

Шералихон:— Оғамни изларман, — деб Қаҳрамонга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Қулоқ солинг, сизга арзим сўйларам,
Олис ердан мен бу ерга келарам,
Киши кўрганидан душман биларам,
Уч ой бўлди йўқдир менда ҳеч ором.

7610

Боғдод шаҳар мепинг, билгин, фуқаром,
Бир йўқчиман, бордир дилимда ярам,
Ҳар бир гапинг келди-ку менга порам,
Кўп вақтдан буён азобда танам.

У ёқда қолгандир ота хам энам,
Топиб кел деб юборди Оқилой санам.
У мен билан қулишган кулбаҳонам,
Оти Эралидир, оғамдир янам.

Булғор элда қолган сут берган энам,
Мана ерда турган сиз улуғ бобом,
Пухта сўзлап мендайин Шерали бекка,
Эралихонингиз кетди қаскка?



Подшо айтди: – Тўғри сўзласам, менинг Ойтўра-Мастура отли кизим бор эди. Чин оти Ойтўра, лақаби Мастура эди. Икки гунохкорни сўроклаб, Эрали отли бир йигит келди. Дарвозадан зиндон олдиғача одамларни кийратди, бандихонадан туриб, отар ёйини бир бўшатди, у ёйнинг ўки бир тошлик иморатларни вайрон қилиб, ўтиб кетди. Мен ҳам лашкаримнинг сони йўк подшо эдим. Ҳисобсиз лашкарни Арпали майдонига чиқардим. Гавир номли бир полвонни ўзига дўст қилиб, ўн тўрт кунда шунча лашкарни тамом этди. Ойтўра кизим алплигини кўриб, Эралини ўзига қабул қилди. У ҳам менинг кизимни ўзига зайи қилди, ўлдиргандан қолган кишиларни майиб қилди, Умар деган бир дўсти бор экан, уни шу мамлакатга подшо қилиб, мени пойиб қилди. Эралихоннинг отаси душман экан, ўн минг лашкар, полвонларни олиб, Булғорни ўз қўлига қаратмоқ учун Умар билан боғбон бобони лақарбоши қилиб, Булғорга кетди, – деди. Шералихоннинг мақсади Эралихонни топмоқ эди. – Менинг йитирган пўнакли норим шу эди, деб Булғор шахрининг йўлини сўраб, Қахрамоннинг юзига қараб, бир сўз деганидир:

7620 Бедов миниб майдон-майдон еламан,
Асли Булғор элдан бўлган тўраман.
Йўл кўрсатинг менга энди, бобожон,
Омон бўлсам, оламда даврон сураман.


Бир суксурман, ойдин ерга қўнаман,
Мен шуларни излаб хайрон бўламан,
Қачон дийдорингни, бобо, кўраман,
Йўл кўрсат, бобожон, шунга бораман.

7630 Асли йўкчисиман, бобо, мен ўзим,
Уч ой бўлди сарғайди менинг юзим,
Эрали йитирган менинг ёлғизим,
Йўл кўрсатинг, бобожон, унга бораман.

Шералихон дейди менинг отимни,
Полвонликка чиқарганман хатимни,
Боғдод дейди сўрар мамлакатимни,
Йўл кўрсат, хайдаин, бобо, отимни.

Бобоси Шапақ отини миниб, уч тоғдан, бир неча бўғот, қирлардан ўтиб, Булғор шахрининг туманлаб ётганини кўрсатиб, Шералига қараб, бир сўз айтиб турибди:





От ўйнатиб чикдик тоғнинг белига,
Ана, кара энди Булғор элига.
Тўғри солдим сени Булғор йўлига,
Бобосидан салом айт икки улига.

7640 Адашмассан энди куло-тузига,
Ботир кишининг ғайрати бор кўзига.
Биздан зинҳор салом айтиб боргайсан,
Магар кўрсанг Ойтўраой қизига.

Мен ҳам интизорман алар йўлига,
Ботир қарамайди соғу сўлига,
Омон-эсон кирсанг Булғор элига,
Бобосидан салом айт икки эрига.

7650 Кувонаман мен аларнинг бориға,
Омон-эсон кирсанг Булғор ша[х]риға,
Душманни қўшмайди асли бириға,
Шу номамни бер Эрали қўлиға.


Кахрамон дер, бу юрт менга омонат,
Боргин Булғор элга соғу саломат,
Бу арзама қилма сира хиёнат,
Шу номамни бер Эрали қўлиға.

Шерали номани қўлиға олиб, отни қамчилаб, йўлга солиб кетганидир:

Хо-ҳолаб отин жўнатди,
Совитган у Қашқа отди,
Бўйрадай ёзди қанотди.
Гоҳ ерларда шовур олиб,
Тулпор отини ирғитди.
7660 От тезикканда билмайди,
Пасти билан баландди.

Кўр, шоввозлар, югрук отди,
Йўлнинг танобини тортди.
Чу, деганда қушдан ўтди,
Уйкулар қобокқа қотди.
Уч кун бўлди-да, тонг отди.
Айни чошқа вақтида,





Ўрмонзорга оралатди.
Ярок ортиб келаётувди --
7670 Беш мингнинг орқасидан етди.
Қандай подшо қўрхонаси? --
Деб Шералихон тўхтатди.

Бу анжомлар кимникидур? -- деб беш минг кишига қараб, сонсиз от,
сонсиз ярокни сўраб, бир сўз айтиб турибди:

Етаклаб юрган сонсиз пироклар,
Устига ортилган сонсиз яроклар,
Юзи қонсиз келган гала аҳмоқлар,
Анжомни сўрайман, асли кимники?

Кимга ҳозир тобин, айтинглар, сизлар,
Қайси элни олмоққа кўзладингизлар.
Ҳақиқат сўйлагин, мен бир сўрайман,
7680 Қайси хонники бу анжом, созлар?

Мен ёлғизман, сизлар ниҳоят кўплар,
Бир-бирингга муносиб, ўзларинг бошлар.
Асли эгасини сиздан сўрайман,
Айтинглар, кимники бу шохдор тўшлар?


Жавобин беринглар Шералихонга,
Тараф келдингларми, ё бир душманга,
Тўғри сўз сўзлагин душманлар менга,
Ким эгадир шунча беҳад ҳайвонга?

Беш минг кишидан бир довураклиси Шералихонга бир сўз айтиб
турибди:

Борар ёқда у ботирнинг кулбаси,
7690 Ўликка тўлган Юлдуз тоғнинг орқаси,
Йиғиштириб бор девди Умар каттаси,
Бу моллар Эралихоннинг ўлжаси.

Булғор элда бор эмиш мардининг энаси,
Боғдод элга подшо эмиш укаси,
Шуни олса учта бўлар қалъаси,
Бу моллар шу ботирнинг, билгини, ўлжаси.





7700

Полвон киши каттик кунда ярайди,
Подшо бўлган элин яхши сўрайди.
Келиб олган Қахрамоннинг шаҳрини,
Бу молларни шу ердан ўлжа айлайди.

Ҳар кимнинг ўзига маълумдир холи,
Ярмиси, билгин Булғорнинг моли,
Мол эгасин отин билгин Эрали,
Ўлжа тушган моллар бари шуники.

Шералихон эгасининг мамлакатни каттом қилганини англаб, бедов
отнинг устига жанда абзаллар солиб, ўзи ҳам бир эски жумур телпакни
кийиб, отини камчилаб, боғбон бобонинг гулшан боғига келди. Шунда
боғбон бобога қараб, бир сўз айтиб турибди:

Ўз элингга бўлдинг яна намоён,
Мен айтайин ўтган сирингни баён,
Ишкамсалда бўлдинг ғариби зиндон,
Ўғлинг қутлуғ бўлсин дейман, бобожон!

7710

Душманни айлабди ерларга яксон,
Ҳар ким ботир бўлса, суради даврон,
Душманга солгандир тугалмас армон,
Элинг қутлуғ бўлсин дейман, бобожон!

У элларга бўпти Умархон султон,
Бир ўғлинг олибди кўзлари чўлпон,
Тицлари ҳақиқдай, ҳусни хиромон –
Шу келининг қутлуғ бўлсин, бобожон!


322

7720

Навбат етди энди Эралихонга,
Бош азобни, бобожон, ўйлагин танга,
Ҳеч омон бермайди энди душманга,
Ўғлинг қутлуғ бўлсин, энди бобожон!

Ҳозир қўлида Булғор давлати,
Тоғни талқон қилар эди ғайрати,
Орин олган Қорахоннинг фарзанди,
Норинг қутлуғ бўлсин энди, бобожон!

Неча кунлар юрган баланд-пас[т]ингга,
Яроқ этдинг боланг келиб эсингга,



Охир етдинг максаду хавасингга,
Бу обрўйинг қутлуғ бўлсин, бобожон!

Бобоси келиб, отдан таниб, бошидан айланиб, отидан тушириб: – Аканг беш юз муллани ўлдирди, кичик энангни тилла дорга тортди, Булғорни ўзига қаратди, қори отангни ўн киши билан биёбон чўлга жўпатди, энанг қадимги давронига етиб, қанизларига буюриб хизматди, Эралихондан минг марта рози бўлди. Оғанг бир овга чиқиб, ов қилиб олди икки мамлакатди. Бу овдай қизик ов борми, ўғлим! Энди бундай юришлик мардга эб эмас. Бой берган демасин Боғдотди, ким танимайди бу белгили Қашқа отди; юр, оға-энанг олдиға олиб борай, – деди. Шерали яширганларини топиб қийиб, отларини чоптириб пойтахтга кетдилар. Энаси ҳам хурсандлик билан Эралихоннинг қаршисида турган эди. Булар пойтахтга тўғри бўлганда, бу отдиларга кўзи тушиб, кичик ўғлини таниб, боғбонни сўроқ қилиб, бир сўз айтгани:

7730 Хасратда йиғлаб ботин бўлган кўзимми,
Кундуз-кечалари йиғлаган ўзимми?
Пешвоз бўп чиқинглар, қатта-кичиклар,
Келаётган менинг кичик кўзимми?

Хам ҳажрида қуйган менинг дилимми,
Гаштида бойланган позик қўлимми?
Пешвоз чиқиб, беклар, отин ушланглар,
Келаётган менинг кетган улимми?

7740 Етти йил бекарор бўлган танамми,
Куюкдан йиғлаган мендай санамми?
Чопингизлар, беклар, отин ушланглар,
Келаётган менинг кичик боламми?

Йўлида сарғайган икки юзимми,
Бир соғинган қаббаси мен ўзимми?
Тезроқ бориб, беклар, отдан туширинг,
Келаётган бойли кетган кўзимми?

Етти йил олов бўлган жону дилимми,
Искаганда менинг тоза гулимми?
Пешвозлар тушиб, отин ушланглар,
Келаётган менинг жондай улимми?



7750 Ораликка тушган Оппок пиримми,
Сўзини олмагап подшо кўримми?
Айланайин, чин отини ушланглар,
Келаётган менинг жону дилимми?

Шукур, элга келди менинг давлатим,
Қаддини кўргандан оқади сутим,
Етти йил бўлмади сабру тоқатим,
От ушланглар, келди кичик фарзандим!

Мастура буюрган кишилардан ўзи илгарироқ бориб, ўғли минган
отнинг жиловидан ушлаб, кўзини ёшлаб, юраги тошиб, меҳри билан
тармашиб, ўғлига қараб, бир сўз айтади:

7760 Энгап, искалайин ойдай юзингни,
Отдан туш, зиёрат қилай изингни,
Етти йил бўлди кўн соғиндим ўзингни,
Кўнглимнинг мадади омон бормисан?

Икковингсан эпапг шўрнинг қаноти,
Айрилган вақтларда йўқдир тоқати,
Кўзимнинг равшани, дилнинг қуввати,
Омон-эсон жону дилим келдингми?

Мендай куйган шўрнинг сен бир фарзанди,
Тухмат қилди сенга шундай наълати,
Кўзимнинг равшани, жисмим мадади,
Мусофир ерларда ўйнаб-кулдингми?

7770 Гулзора айланди боғу чорбоғим,
Қайтадан кўрдим, чокдир думоғим,
Сутга тўлди менинг икки эмчагим,
Шукур, ўлсам энди ёнар чироғим.

Бир аёлман, мен йиғлардим мунгғайиб,
Сочимни ёярдим, юзимни сўйиб,
Тушгин отдан, искалай меҳрингга тўйиб,
Жонимнинг қуввати, дилим келдингми?

7780 Мастура дер, мен эдим бир сиёсар,
Кўнглимда қолмади энди ҳеч ғубор,
Сизлар бўлмасанг, мен эдим ғариб мазор,
Мурдамнинг эгаси, кўзим келдингми?



Ўглини отдан кучоклаб олиб, бағрига босиб, бошидан етти мартаба айланиб турди. Бу эна-ўғил меҳрибончилигига бўйлаб қараган халойиқ-мардумга, келинчак ва эркакларга: - Фарзанд юракнинг мойидан бўлади, ота-энанинг меҳрли жойидан бўлади, – деб Ҳамро боғбон бир сўз айтиб турибди:

Бир неча йил чикмай кетди кўчага,
Қийин бўлди шундайин ойимчага,
Додин айтиб йиғлар эди нечага,
Энадайин рахбар борми баччага!

Қон йиғлаб чопарди шаҳар орага,
Кашал бўлиб шундай икки тўрага,
Томоша айланглар зулфи сиёга,
Энадайин рахбар йўқдир болага!

7790 Зор эди буларнинг босган изига,
Хоки пойин суртаяпти кўзига,
Ҳеч армон қолмади ойим ўзига,
Қайтадан эна бўлди йитган кўзига.


Ёшликда кўтарган олиб қўлига,
Етти йил куйди икковининг хилига,
Фарзанд топилмайди хазна-пулига,
Шукур қилди келган жону дилига.

7800 Боғбон айтар, бувим қобди элига,
Кашал эди икки жону дилига.
Ойбувимнинг бир мақсади шу эди,
Икки ўғлин олди яна қўлига.

Шералихоннинг энасига, қараб, бир сўз айтганидир:

Бизлар учун мотам тутган шўрмисиз,
Яна бизни қайта ўғлим дермисиз?
Адашган кўзиларни олдинг тизингга,
Азоб кўрган рахбар, энди бормисиз?

Йўқолиб, ўчиб кетган ному нишони,
Ҳар банданинг бўлсин бир меҳрибони,
Бизлар кезиб келдик ёқти дунёни,
Ҳеч қолмасин, энам, сизда армони.



7810

Ёшни олма энди наргас кўзингга,
Йитганларинг келди элу тузингга,
Энди беҳад шукур қилгин, энажон,
Қайтадан етдинг-ку икки кўзингга.

Қайтадан кўлга келди юрту даврони,
Ул бўлади энанинг бир суянгани,
Бошқавотдан ўйнаб-кулгин, энажон,
Бугун келди банди бўлиб кетганинг.

7820

Неча вақтлар бўлди бизга сўроғинг,
Очилди тар гуллар, бугун чорбоғинг,
Беҳад шукур қила бергин, энажон,
Шукур, келди икки бирдай гўдагинг.

Ўтди йиғлаб юрган кеча-кундузинг,
Энди зиёдадир ризқинг ҳам рўзинг,
Беҳад шукур қилгин, энажон, ўзинг,
Бугун ўйпаб келди икки кундузинг.


7828

Шералихон дейди, бу кичик кўзинг,
Зиёда бўлди зафаринг, файзинг.
Шукур қилгин сен қайтадан, энажон,
Ойдин бўлди бугун элингда юзинг.

Алқисса, йўқолганлар топишиб, оғиз-бурун ўпишиб, йитигини кўриб ўйнаб-кулишиб, давра қилиб ўтиришиб, ўлмаган бир-бирини кўрар экан, дейишиб, хурсандлик буларга етди, тўрт кун тўй қилиб, элини бутун чаллатди, Умарни келган тўққиз минг киши билан Ишкамсалга жўнатди. Эралихон сўраб аркони давлатди, эна яхши кўрар экан кичик фарзандди: — Ҳам улуг жой эмиш, ҳам томоша қилай Боғдодди, — деди. Эралихон: — Бу ер ўзимизнинг мамлакатдир, — деб Шералихон билан энасини, боғбон бобосини ҳам ҳамроҳ қилиб, бутун уй-рўзғори билан Боғдод мамлакатига жўнатди.

Эрликнинг нишони шундай бўлади. Эрали орқасидан олишди уч мамлакатди, ғайрат қилган киши сўрайди юртди, иккови икки элга соҳиби давлатди[r], ҳам подшо қилди Умардайин улфатди. Аввали азоб, кейини кўп ҳаловатди, учови уч шаҳарни сўраб ўтди.

Шуйтиб, бу полвонлар максадига етди. Бу воқеалар қадим замонда ўтди, икки ҳиссаси ҳақиқат, чин, лекин учга бўлганда, бириси ғалатди[r]. Бу савдо Булғор-Боғдоднинг орасида ўтди, дostonни нарпайлик Ислom шоир айтди, Минсафин кўлга қаламин олиб битди. Шунинг билан ўтмиш халк алплари — Эрали, Шерали ҳам ўз максадларига етди.



ИЛОВАЛАР

КИРИШ СЎЗ

“Эрали билан Шерали” достони атокли халқ шоири Ислон Назар ўғли ижоди ва репертуарида, умуман, ўзбек дostonчилигида хажм эътибори билан ҳам, ғоявий-бадий хусусиятлари жихатидан ҳам қараганда, алоҳида ўрин тутди. Шоир уни айтиб туриб ёздирганда, шу даражада бадиҳагўйлик маҳоратини кўрсатганки, оқибатда бу буюк намуна унинг номи билан абадий боғланиб қолди. Ана шундай бир ғавқулда хусусиятни ҳисобга олиб, улуғ шоир ҳаёти, репертуари, дostonчилик амалиёти билан боғлиқ Ўзбекистон Ғанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ғольклор архивида сақланаётган, қисман эълон қилинган материалларни “Эрали билан Шерали” достони нашрига иловалар тарзида шакллантирдик. Улар бевосита шоир оғзидан ёзиб олинган “Таржимаи ҳол” ва у билан боғлиқ бир неча термалар, шоир Қуддус Муҳаммадий (1907 – 1997) ҳамда Ислон шоирнинг бир неча шогирдлари хотираларидан иборат. Бундай иловаларнинг “Эрали билан Шерали” достонининг моҳиятини янада чуқурроқ англашдаги аҳамияти бекиёсдир.



ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Сўзлаб берувчи: *Ислом Назар ўғли*

Ёзиб олувчи: *Охунжон Собиров*

Мен, Назаров Ислом, 1872 йилда Галақассоб қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилдим. Отам Ражабов Назарнинг жуда кўп умри бойларнинг қўйларини боқиш, деҳқончилик ишларига қарашиш билан ўтган. Болачаканинг кўплигидан (биз ҳаммамиз саккиз ўғил-қиз эдик) отам боқолмай, жуда қашшоқлашиб қолган эди. Отам йўқликдан бизни мактабда ўқитолмаган. Отам ҳаётлик вақтидаёқ тўрт боласи ўлган. Отам 76 ёшида вафот этган. Отамдан тўрт болага ҳеч қандай мол-мулк қолмаган. Аксинча, мен акам Рустам билан отамдан қолган 2400 сўм қарзни икки-уч йил ичида батраклик, чойракорлик қилиб, мен бўлсам қўшиқ айтиб, кўп кийинчилик билан уздим. Отам Отақул бойниқида бир неча йил ишлаб, шунча қарз бўлиб қолган экан.

УЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ

ЭРАЛИ
ВА
ШЕРАЛИ

КҮП ТОМЛИК

ДОСТОН



328

Тошкент
Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нashриёти
1982

“Эрали ва Шерали” достонининг 1987 йилда чоп этилган наشري.

Онам Ўроз Султопова асли Қорақўл районида, Бухоро областида бўлиб, миллати туркман эди. Онамнинг ота-оналари ҳам ниҳоят камбағал одамлар бўлган.


Отам камбағал бўлиб, бизни боқишга кучи етмаганидан мени ва акамни ёшликданоқ бойларга ишга берган. Ўн уч ёшимдан отам билан кишлок халқининг подасини бокдим. Кейинчалик Каттакўрғонда, Абулқосим даҳасида Саид махсум деган бойникида етим бўлдим. Унинг уйида етти йил хизмат қилдим. Ит кўрмаган азобларни кўрдим. Ёзин-кишин, кечасию кундузи тинмай ишладим. Кечалари билан бир печа кунлаб тегирмондан чиқмас эдим. Ундан кейин мен Каттакўрғоннинг жуда катта пахтачи бойи Олимбой (унинг пахта заводи ҳам бор эди) қўлида ҳаммаси бўлиб етти йил чўпонлик қилдим. Шу етти йил ичида бутун умрим чўпонлар билан ўтди. Даштдан-даштга ўтар эдим.

Менинг бобом Ражаб катта шоир эди. Ўзи кўп чечан шоир бўлган. Лекин халқ ичида кўп юрмаган. Чунки ўзига яраша тўқ одам эди. Мен эс-эс биламан: уч-тўрт ёшларимдан бошлаб, бобомдан жуда кўп қўшиқлар, термалар эшитдим. Ўзимда дўмбира чертишга кучли ҳавас туғилди. Мен бобомдан дўмбира чертишни ўргандим. Бобом йўқлигидан фойдаланиб, кўпинча ўзим ҳам куй билан термалар айтардим. Кейинчалик мен бобомдан “Орзигул”, “Зулфизар билан Авазхон”, “Алпомиш” дostonларини ўрганиб олдим ва ўзим мустақил ижро этадиган бўлдим.

Бобом кўп эртақларни, дostonларни, қўшиқларни кўп яхши билар эди. У яна “Ойдин ошиқ”, “Ҳамрохон”, “Саёдхон”, “Қосимхон” дostonларини ҳам билар эди. Мен бобом билан ўтиришларда бўлганимда, Машрабнинг лирик шеърларини ўқишар эди. Мен уларни тез ёдлаб олардим ва ўзим дўмбира билан айтар эдим. Саидмахсумнинг хизматида бўлганимда, ундан кейин Олимбойникида ишлаганимда мен қаролларга, чоракор батрақларга, чўпонларга дostonлардан парчалар, Машрабнинг шеърларидан, бобомдан ўрганган ва ўзим тўкиган термалардан айтар эдим. Менинг қўшиқларимни соф меҳнаткан болалари жуда ёқтирар эди, чунки бу қўшиқлар шу бечораларнинг оғир ҳолининг айнан ўзи эди. Масалан, мен чўпонлар билан қўй боқиб юрганимда, Махтумқулининг қуйидаги шеърларини айтиб юардим:

Оғзи бирлик бадавлатли элатга,
Мундай элга оғзи ола ярашмас.
Иш ўтгандан қилган лоду фарёдинг,
Сўнгра қилган нола-афғон ярашмас.

Элга раҳбар керак, анга сар керак,
Асрамоққа, билинг, шеру нор керак,



Гул мажлисда ҳамманг лафзи бир керак,
Бул мажлисга асло ола ярашмас.

Элга сайлаб қуйсанг эрнинг эрини,
Эл учун сарф қилар ҳар на борини,
Агар қўйга чўпон қилсанг бўрини,
Қийратади, сўғин ноланг ярашмас.

Фарз-суннат дўст билан емоқлик тамок,
Сеники сут бўлса, уники қаймоқ,
Махтумкули дейди, яхшини айтмоқ,
Бефаҳмга тилло берсанг ярашмас.

Махтумкулининг яна бошқа шеръларини ҳам айтар эдим:

Кел эй, кўнглим, бир насихат айлайин,
Ватанинг тарк этиб кетгувчи бўлма.
Ўзингдан баланд деб ғайри номарднинг,
Хизматиға кулки бўлгувчи бўлма.


Чақирмаган олис бир ерга борсанг,
Эхтиёт бўлгин-да, ўтирсанг-турсанг,
Агар берган пандим кулоққа олсанг,
Номард ошин-тузин тотгувчи бўлма.

Чақирган ерга бор, ўтиргин, турма,
Чақирмаган ерга борма, кўринма,
Бир сўқир қоридек суруниб юрма,
Буюрмаган ишни қилгувчи бўлма.

Сен агар бўлсангки хулқи мулойим,
Сен мулойим бўлсанг, қулинг бўлайин,
Берган пандинг барин тинглаб олайин,
Кишига қаттиқ сўз айтгувчи бўлма.

Марднинг ўғли элга ёзар дастурхон,
Яхши гапга доим берар ширин жон,
Умри ўтиб айтмас сира бир ёлғон,
Атайлаб ёлғонни айтгувчи бўлма.





Ёмон кўнгли пахта янглиғ бўш бўлмас,
Ҳар қанчаки қилсанг, вақти хуш бўлмас,
Икки яхши бир-бирига дуч бўлмас,
Яхшини ёмонга сотгувчи бўлма.

Кўкдан нам келмаса, ерни кўкартмас,
Минг қайғу-ҳасратинг бир иш биткармас,
Мард ўғлон кўнглига қайғу кетирмас,
Номарднинг ўғлидай қайғувчи бўлма.

Айтарлар, йиртик тўнни кўрса, ит колар,
Эшак семирган сўнг эгасин тепар,
Сен ҳамку оламдан қиларсан сафар,
Кўнглингда манманлик сотгувчи бўлма.

Мард киши то ўлгунча дўст бўлар,
Номард бир кун дўст бўб, эртан ғаш бўлар,
Элу юртга, билгин, номинг паст бўлар,
Борар ерга кесак отгувчи бўлма.

Махтумқули, қолди кўнглингда армон,
Оқибат тополмай дардинга дармон,
Бир кунки ўзидан келганда фармон,
Ғафлат тўшагида ётгувчи бўлма.


Бундан ташқари, Махтумқулининг яна шу шеърини билардим:

Бир йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириб-туришин кўринг.
Бир мард билан ошна бўлай десанглар,
Аввал ваъдасида туришин кўринг,

Бир пул тушса бир мухлиснинг қўлига,
Кўксин очиб айланади элига,
Харидор бўлсангиз кизу келина,
Одобман ўтириб-туришин кўринг.

Эр йигитнинг ёв-яроғи шай бўлса,
ЕТТИКИ ИҚЛИМГА ХАЙДА-ХАЙ БЎЛСА,
Кўксин очган ўзи Ҳотамтой бўлса,
Чор атрофдан меҳмон келишин кўринг.





Номард киши кўрса меҳмондан қочар,
Қаерда кўрсан ки, захрини сочар,
Мард йигит меҳмонга қўйини очар,
Номарднинг майдондан қочишин кўринг.

Бир мард билан ҳамро бўлай десанглар,
Борган ерга ўйнаб-қулай десанглар,
Соғ бориб, саломат келай десанглар,
Қўлига нон бериб, бўлишин кўринг.

Мен Махтумқулининг шеърларини айтганимда, кўпинча унинг шеърларига мос келадиган ўзимнинг ҳам термаларимни қўшиб айтиб юрар эдим. Унинг юкоридаги шеърига қуйидаги тўртликларни қўшиб айтардим:


Камбағал бўлган сўнг бўлади каллоч,
Қаллочликдан қутилишга топ илож,
Сўнгира оларсан хушруй қора соч,
Шойи кўрпа тагида ётиб ялонғоч,
Ноз килиб, тўлғониб, қулишин кўринг.

Махтумқули охир ҳолинг на кечар,
Ёмонни чақирсанг мажлисдан қочар,
Энди бўлиб номардларга сен дучор,
Хўжанинг, сайдинг юришин кўринг.

Мен Махтумқулининг бошқа шеърларини ҳам билар эдим. Уларда шоирнинг оғир, бахтсиз ҳаёти, халқ ҳолига ачиниб, замонасидаги золимларни қоралагани куйлапар эди. Мен ўз эшитувчиларимга Махтумқулининг туркман халқининг машҳур шоири эканлигини, оғир ҳаёт кечб, муҳтожликда ўтганлигини, камбағал меҳнаткашларнинг дардини қўшиқ килиб куйлаганини айтиб берар эдим.

Махтумқулининг шеърларини ошамнинг туғилган жойи – Қорақўлдаги қариндошларишикига борганимда (бундан 56 йилча илгари), туркман халқ шоири Отаниёз деган кишидан ўрганиб олган эдим. У киши асли Чоржўйнинг Хўжақалъа деган еридан эди. Отаниёз шоир билан мен бир неча вақт бирга бўлдим, у киши мени жуда севиб қолди. У киши билан биринчи марта Қорақўлда тўйда учрашдим. Сўнгра Отаниёз шоир мени Чоржўйга бошлаб борди. Мен туркман халқининг ҳаётини, урф-одатини, тирикчилигини кўрдим, билдим. Улар ўртасида ҳам халқ дostonларини айтдим. Чоржўйда ва яқин қишлоқларда бир ойдан ортиқроқ вақт бўлдим.





Бутун умрим бўйи мактаб кўрмадим, ўкимадим. Лекин бир эшитганим ёдимдан чиқмас, эл истаган нарсани айтиб берар эдим. Бир куни бир мажлисда Чоржўйда катта ховуз ёпида ўтириб, дoston айтаётганимда, Отаниёз ўтирувчиларга қараб, шундай деди: “Агар шу ховузнинг суви сиёҳ бўлса, ботмон қоғоз бўлса, неча одам ёза берса, ховузнинг сиёҳи тамом бўлса бўладики, лекин Ислom шоирнинг кўнглидан чиққан кўшиғи тугамайди. Чунки Ислom шоир қайнаб турган булоқдай қайнаб-тошади”.

Яна чўпонлик қилган пайтларимда ўзим тўқиган қуйидаги термани чўпонлар орасида тез-тез айтар эдим:

Тоғлар адис кўринмайми,
Бошда улкан кори бўлса.
Йигит асло қаримайди,
Олган ёри пари бўлса.

Марднинг кўнглин чўкирар,
Олган ёри чўри бўлса.
Қопаламдан қуш ўтолмас,
Сайёд кўйган тўри бўлса.

Майдон ерда қўй ётолмас,
Пойлагани бўри бўлса.
Пута асло қимирламас,
Бошда асл дони бўлса.

Йигит асили шул бўлар,
Ҳар гапида маъни бўлса.
Эл йил-йилдан обод бўлар,
Адолатли хони бўлса.

Кўчар қарвон маст бўб юрар,
Қаторида нори бўлса.
Одам асили шул бўлар,
Номус билан ори бўлса.

Ҳар ким ишга бел боғласин,
Жасадида жопи бўлса.
Ғафлатда ётмас ҳеч мард,
Кўнглида армони бўлса.



Мен Олимбойнинг қўйларини бокиб, чўпонлик килиб юрар эканман, ҳафталаб, ойлаб уйимга келмас эдим. Шўрли ота-онамни кўришни жуда истар эдим, соғинардим, лекин бунинг учун илож йўк эди. Менинг бу оғир кунларимга мос келадиған қўшиқларни, дostonлардан парчаларни айтиб юрардим:

Нозли дилбар, арзу холим айтайин,
Чархни кўргин, менга жафо айлади.
Бировга кийдириб тожи Хисравни,
Бировни халк ичра гадо айлади.
Бировга етқирди беҳад кулфатни,
Бировнинг бахтини қаро айлади.

Инини айириб яхши оғадан,
Ҳасрат билан ўтиб фоний дунёдан,
Қизларни айириб мушфик онадан,
Отани ўғлондан жудо айлади.

Бировга ичирди лолагун шароб,
Бировнинг бағрини айлади кабоб,
Бировнинг дилини айлади сероб,
Ёр учун холини хароб айлади.


Ширин – Фарход ўтди ошики шайдо,
Уларнинг бошига тушди минг ғавго,
Бу дунё қилмади ҳеч кимга вафо,
Охир жумласини пано айлади.

Сенинг ишқинг мени қилди дсвона,
Ғамингда бош олиб кетдим ҳар ёна,
Чидай олмай ҳар ён бўлдим равона,
Отам беш юз йигит ҳамро айлади.

Санобар дер, сан-сан вафоли ёрим,
Сенга фидо бўлсин руҳи равоним,
Мухтасар айлади ушбу сўзларди,
Қуйгур дунё кимга вафо айлади.

Чўпонлар билан доимо ҳаёт кечиришим ва бошимдан ўтган кунларим ҳақида ҳам кўп термалар тўкиб, қўшиқ килиб айтардим. Уларнинг кўпчилиги хотиримдан чиққан. Ҳозир фақат шуларни биламан:





Бой кўйларин бокдим биёбон-даштда,
Корним тўймас асло нон билан ошга,
Ётганда бош кўйдик ёстик деб тошга,
Хўрлик кўриб, кўзлар тўлганди ёшга,
Азоб билан умри ўтган чўпонлар.

Бизлар, билсанг, золим бойлар чўпони,
Минг ямоқли кийган эски чопони,
Чўпонларнинг кўпдир дарду армони,
Шу сўзимнинг зарра йўқдир ёлғони,
Менга хамдард, йўлдош бўлган чўпонлар.

Минг кўй бокиб, бир улокка зор чўпон,
Макони йўқ тураи деса, хор чўпон.
Сенинг дардинг менинг оху воҳимдур,
Бойдан қарздор, холи кўп ночор чўпон.


Ёшлик чоғларимда мен Машрабнинг шеърларини кўп айтиб юардим.
Бу шеърлар эшитувчиларга ёкарди. Мен Машраб шеръларини кўп
свардим. Бу шеърлардан баъзиларини халигача ёд биламан:

Мени оламари Мажнуни бесар қилдию кетди,
Бошимга солди савдони, қаландар қилдию кетди,
Дилимнинг қалъасини бузди, абтар қилдию кетди,
Юрагимга қўйиб оташ, самандар қилдию кетди.
Кўзим телмуртириб, расвойи маҳшар қилдию кетди.

Кўзум чун баҳра олмай бораман дурри хушобидин,
Жаҳон нолишга келди дуди бағримнинг қабобидин,
Насибим йўқ экан афсуски, ҳусни бениқобидин,
Ўқинглар олдида кўп дард кўрганлар қитобидин,
Бошимга шўри ишқин солиб, хушёр қилдию кетди.

Вафоли ёр агар бўлса, паришонини сўрмасму,
Адашган интизори, йўлда хайронини сўрмасму,
Бузилмас хона дунёдаки ҳам борини сўрамасму,
Манинг чун мубтало бўлган ошики дийдорини сўрмасму,
Мени йўл устида якбора музтар қилдию кетди.

Қўлингдан келса, дўстим, бевафога асли дил берма,
Жаҳоннинг моҳи бўлса, норасога асли дил берма,



Ситамгар пеша бўлса, пуржафога асли дил берма,
Бало қўпроқ тегар, ноошнога асли дил берма,
Сийнамга солди оташни, муқаддар қилдию кетди.

Жаҳони кўхна дунёдин пано бўлгунча йиғларман,
Кироми умри хурсандим адо бўлгунча йиғларман,
Биное соати явмул жазо бўлгунча йиғларман,
Кўзим дийдори бирла ошно бўлгунча йиғларман,
Алам пайкони бирла бағрими жар қилдию кетди.

Тутиб эрдимки домонингни ки Искандар бўларман, деб,
Шабу рўзи мен ҳам хамройи ул дилбар бўларман, деб,
Етишсам соясига жумладин бехтар бўларман, деб,
Агарчи сенга хоро бўлсам ҳам гавҳар бўларман, деб,
Бузиб хокистаримни, ахгар қилдию кетди.

Юракнинг захмини ҳар дўсту душмандин нихон тутдим,
Балонинг тахтини токи ўзимга ошён тутдим,
Бориб ҳар гўшайига йиғладим оҳу фиғон тутдим,
Қочиб ҳар неку баддин ошёнимга макон тутдим,
Сайнамдаги зорларни халққа дафтар қилдию кетди.


Мен бу шеърлардан бошқа яна “Нени айтай?”, “Дўмбирам”, “Сўфилар”
каби термаларни ҳам айтар эдим:

Сенинг эганг туғилган Қассобли кентдан,
Бўёғинг залдори, копқоғинг тутдан,
Сенинг полишингга қойил барчалар,
Улфатинг ҳар юртдан бўлган дўмбирам.

Сени менга ишлаб берган уста акам,
Елим билан қилган экан мустаҳкам,
Чертганда берасан булбулдай маком,
Товушим қаноти бўлган дўмбирам.

Ёриб ёқсам, бирор чойдиш қайнамас,
Богда тўти, кумри сенча сўйламас,
Ёмон йўлга сени эганг бошламас,
Мажлисларнинг гули бўлган дўмбирам.





Ярашар, деб эганг пўпаклар таккан,
Сенинг билан кўшиқ айтганман чаккон,
Сенинг билан шоир боласин боккан,
Рўзгоримни обод қилган дўмбирам.

Олганимда сени маст бўб кўлимга,
Дард-аламим келар эди тилимга,
Икковлашиб кўшиқ айтдик элимга,
Юрагимга сирдош бўлган дўмбирам.

Бахор бўлса, чикдим қулоли данш[т]га,
Икки кўзим тўлиб кўп конли ёшга,
Дўст бўлмадим золим, бой, бўри-ғашга,
Қаллочларга улфат бўлган дўмбирам.

Сен бўлмасанг, йўқдир менинг иложим,
Сен бор ерда доим келгандир авжим,
Қиш куни бўлгансан киссаи харжим,
Ёз кунларда ҳамроҳ бўлган дўмбирам.

Сенинг билан чиқади кўнгил ғубори,
Сен сўйласанг, эштади ёш-қари,
Атрофинга келди мискинлар бари,
Бу куйимга куйлар кўшган дўмбирам.


Сенинг билан айтдим элда кўп достон,
Раҳмат олдим ўзим каби ёр-дўстдан,
Эл душмани ёмон кўрганди қасддан,
Дўст-душманни айрит қилган дўмбирам.

* * *

Эл лаънатига дучор,
Сўфиларнинг сўфиси,
Куйсин дўзах ўтида,
Қолмасин оз-кўписи.

Қулматбойнинг хангидай,
Ханграпади ҳаммаси,
Ўзларига кафан бўлсин,
Бошидаги салласи,





Мендайин бечорага,
Озор берган сўфилар.

Буни ҳам дostonлардан терма қилиб, ҳар қаерда айтиб юрар эдим:

Эй, ёронлар, аввал бошдан,
Давлат керакдур йигитга.
Йиқилганда суянмоққа,
Малад керакдир йигитга.

Отдир йигитнинг йўлдоши,
Ўғил бўлар давлат боши,
Қиз ҳам бўлса кўнгил хуши,
Зурёд керакдир йигитга.

Овлок-овлок учрашмоққа,
Нордай бўлиб сўзлашмоққа,
Номус-орга талашмоққа,
Ўғлон керакдир йигитга.

Малъум бўлса жамоатга,
Кўтариб миндиргудай отга,
Ўлсанг, кўйгудай лаҳатга,
Фарзанд керакдир йигитга.

Манглайи тилла ғажакли,
Айвони накшли ўчоқли,
Узун бўйли, кенг кучокли,
Жонон керакдур йигитга.

Гўрўғлидай отанг бўлса,
Билакда қувватинг бўлса,
Аваздай фарзандинг бўлса,
Обрў керакдур йигитга.

Обод бўлса мазтил-жойим,
Бир мард берса худойим,
Уйга борса қиблагойим,
Ота керакдир йигитга.






Яхши гапга солгин кулок,
Ёмон гапдан қочгин йироқ,
Қайнаб-тошган чашма-булок –
Эна даркордир йигитга.

Борганда отинг боғлаган,
Кесиб юрагин доғлаган,
Ўлганда зор-зор йиғлаган,
Сингил керакдир йигитга.

Тайёр бўлса уйда ошинг,
Бири кўздир, бири қошинг,
Борганинга кенгашбошинг,
Ин-оға керакдир йигитга.


Гўрўғли ботир сувратинг,
Йўқдир оламда фарзандинг,
Ўлсанг, ўчиб кетар отинг,
Фарзанд керакдир йигитга,
Зурёд керакдир йигитга.



“Эрали ва Шерали” достонининг
2009 йилда Туркияда ўзбек ва турк
тилларида чоп этилган нашири.

Менинг бобом Ражаб 99 йил яшаган.
Унинг олтига шогирди бўлар эди:
Карим лават, Хайдар шоир, Эдига шоир,
Худойназар, Дарвеш шоир, Тўхтамиш
шоир. Мен уларнинг суҳбатида кўп
марта бўлганман, кўп янгиликларни
ўрганганман. 22 ёшимда анчагина
достонларни, кўшиқларни билар
эдим. Бир куни бир маъракада достон
айтганимда, Эрназар шоир мени эшитиб
ўтирган экан. Эртасига у отамдан
рухсат олиб, мени ўзига шогирд қилиб
олди. Унинг кўлида икки йил таълим
олдим. Эрназар шоир жуда машхур
достончи эди. Ундан “Гулихиромон”,
“Хасанхон”, “Равшанхон”, “Гўрўғлининг
Боғи Равшанга бориши”, “Нуралихон”
ва бошқа достонларни ўрганиб олдим,
мустикал айтадиган бўлдим, мени
синовдан ўтказишди.





Бир куни бир кишининг уйида Жуманбулбул, Парда, Тўхтамиш шоир, Эрназар, Мўмин шоир ва бошқалар бор эди. Сайил вақти эди. Менга “Тўрўғли” достонидан от таърифини айт”, – дейишди. Мен айтдим. Шунда Жуманбулбул мени мактаб: – Атокли шоирлардан ҳаммаси бўлиб тўққизта шоир ўтди. Сен шулардан сира қолишмайсан, – деди. Мен бу шоирларнинг мажлисида бир неча марта бўлдим. Булар менга кўп ёрдам берди.

Мен 29 ёшимгача Олимбойиқида хизмат қилдим. Бошқа ҳеч кимникида ишламадим. Халқ орасида доим кўшиқ, достон айтиб юрдим. Халқ мени бокди, мен унга кўшиқларим билан хизмат қилдим. Ёшлик вақтларимда полвонлик ҳам қилганман. Баъзан ёз вақтлари бойларнинг бўғдойкорлигида ёллашиб ишлардим.

Мен Ургут, Қалкама, Чирокчи, Жом, Пастдарғом, Жума, Хатирчи, Нурота, Қарши, Қамаш ва бошқа кўп кишлоқ районларда бўлганман. Қоратўғ атрофидаги элларга бориб, достон айтганман. Дўмбира билан тирикчилик қилдим, халқдан кўп нарса ўргандим. Халқдаги ҳикматли фикрларни шеър қилиб, дўмбирада қуйладим.

Ўтмиш вақтларда бекларнинг, амир, козиларнинг чақирувларида, мажлисларда достон айтиб юрган Ҳайдар шоир, қоракўллик Жўра шоирларни ҳам билар эдим. Улар кўпинча “Иброҳим Адхам”, “Имом Ҳасан”, “Имом Ҳусан”, “Саид Ваққос”, “Адхам саҳоба” каби достонларни айтар эдилар. Бухоро амирлигининг сўнгги йилларида ўлган Хўжаниёз шоирни ҳам кўрганман. Айтишларига қараганда, Хўжаниёз хону султонлар олдида жуда обрўли шоир бўлган.

Тахминан 22 ёшларимда Ҳайдар шоир мени ўз шоғирдлигига олмоқчи бўлди. “Катта бой, бекларнинг дарвозаларига олиб бораман, умри бой давраларда ўтади, – деб мени сўраган. Улар... халқ ичида Эрназар шоирдек обрўли эмас эдилар. Халқ Эрназар шоирни ҳамма вақт севарди ва мактарди. Отам ва бобом “Сен булардан яхши ҳеч нарса ўрганмайсан”, – деб Ҳайдар шоирнинг талабини рад қилди.

Тахминан 1885 – 1890 йилларда Бобои Тўқсабо деган киши атрофига беш юзтача ярокли кишиларни тўнлаб, ҳар ҳолда Бухоро амирлиги бошчилигида Каттакўрғон ва Самаркандни оламан, деб русларга қарши ҳужум қилган, сўнгилан эди. Шуларнинг ичида Пардабой шоир ҳам бор эди. Бу шоир беклар қошида шоирлик қилиб юрган экан.

Менинг 34 ёшларимда ҳозирги Қамаш районининг Чандир кишлоғидан Абдурахмон шоир бизнинг томонларга келиб, пахтачи бойларда ёллашиб ишларди. У кўпроқ пахта теришга чакқон эди. Мен у билан бир неча ой бўлдим. Унинг кишлоғида ҳам бўлдим. Бу шоир достон айтишни билмас эди. У кўпроқ термаларни кўшиқ қилиб айтарди. Мен ундан машҳур қоракалпоқ халқ шоири Бердакнинг термаларини

Ўрганиб олдим ва кўпинча йиғилишларда айтиб юрдим. У термаларида
замопасидаги амалдорларни каттиқ қоралаган эди. Мен Бердакники
бўлгани учун ҳеч кимдан қўркмасдан айта берар эдим:

Оқ буғдой туриб, сули сепгандан,
Тоза шоли туриб, курмак эккандан,
Қирк кун мотам тутиб, жафо чеккандан,
Тан соғлиққа шодмон фурсат яхшироқ.

Бу дунёга келиб, бахтинг очилса,
Душман келиб, оёғингга бош урса,
Қўлин ковуштириб, хизматинг қилса,
Қўз олайтиргандин иззат яхшироқ.

Ишни ишла, туғилгансан эр учун,
Хизмат қилгин бу одил эл учун,
Киндигингнинг қони томган ер учун,
Ўлиб кетганингча хизмат яхшироқ.

Ўзга билан ҳеч бўлмасин сирдошинг,
Оқизиб юрмагин ёринг кўз ёшин,
Ёмон ҳам бўлсаки, умр йўлдошинг,
Вактинча қўл бермоқ, ёрдин яхшироқ.


Одам боласига керак номус-ор,
Юздан кам бўлмасин таниш, дўст-ёр,
Агар томирингни қийса бир зарбдор,
Шу вақт ордин малҳам қўймоқ яхшироқ.

Эр йигитга номус билан ор керак,
Оқ кўнгилли, қалам қошли ёр керак,
Меҳмоннинг йўлига интизор керак,
Улоқ сўйсанг, балки молдин яхшироқ.

Хуш кебсиз, деб кутиб олса бир кўноқ,
Ўтирган уйида қолмасин синоқ,
Агар дўстлар қўли бўлади чўлоқ,
Бетамиз, билимсиз қулдан яхшироқ.

Хайма хони келиб юрт босиб олди,
Молсиз аҳолига кўп солиқ солди,





Бошида мевадор бир йўғон ёғоч,
Бесифат юз толдан албат яхшироқ.

Ақл керак яхши гапни тизмоққа,
Тиник хаёл керак барин сезмоққа,
Сув бетида доим энди юзмоққа,
Бир қайиқ олти юз солдин яхшироқ.

Меҳнаткашга рўзи кунни бермаган,
Ёруғликни унга лойик кўрмаган,
Етмиш ёшга кириб, ҳозир ўлмаган,
Кулмуроддан балки хайвон яхшироқ.

Мен бу шеърни ўз шеърларимдас хамма вақт севиб айтардим. Ҳалигача эсимда бор. Бердакнинг бошқа шеърларини ҳам ўрганиб олган эдим. Уларда шоир машъум замонасини лаънатлаб, мазлум халқларни ёқлаган эди. Мен Бердакнинг юқорида келтирилган шеърига ўз элатимдаги бойларни қоралаб, қўшиб айтиб кўяр эдим. Ҳозир уларнинг баъзиларини сал-пал эслайман:

Оллоёрдир Чақарнинг катта бойи,
Уйида бўларди бегу сипойи,
Ўлсин, деб қарғади мискин-гадойи,
Ундай бойдан бир меҳнаткаш яхшироқ.


Тўқсондан зиёд бўб ишларди нори,
Дилида бўлмасди номусу ори,
Хизматқордир унга камбағал бари,
Очкўзликда ундан бўри яхшироқ.

Уйланмасимдан илгари, йигитлик чоқларимга, бир нимасиз тентираб юрган чоқларимда қуйидаги термаларни кўп айтардим:

Оғзимдадир айтар сўзим,
Хуш қиликли бўлса позим,
Юздан ошса кўю кўзим,
Бадавлат хонадон истайман.

Кўнглимда кўп номус-орим,
Ўйнаб-кулса олган ёрим,





Учта бўлса лўкча-норим,
Боғ билан бўстон истайман.

Дилимдадир менинг хатим,
Ҳар эл кетса таърифотим,
Элу юрт бўлса улфатим,
Бир мажлиси соз тилайман.

Суйгули бўлса у жононим,
Ўнта бўлса қиз-ўғлоним,
Ёзилиб турса дастурхоним,
Ҳар кунда меҳмон истайман.


Парвоз қилса бу ёш кўнглим,
Обод бўлса бул мазгилим,
Булбулдай сайраса тилим,
Бир кўйи полвон тилайман.

Созим олсам келар менинг ғайратим,
Элга чиксам товушимдир канотим,
Дўст-ёрларим меҳри бўлсин қувватим,
Уларга иттифоқ, хурлик тилайман.

Айтган сўзни тил билмайди, жағ билар,
Яхши-ёмошлигим элу халқ билар,
Оша баланд тоғ кадрили зоғ билар,
Элу юртга доим хизмат истайман.

Ислом шоир менинг отим,
Бошимда кўп ғам-қулфатим,
Мискинлар қилар хурматим,
Уларга шодлик тилайман.

Нарпай районининг Гавдуз қишлоғида Эргаш деган бир ўқимишли киши бор эди. Мен билан яхши таниш эди. У кўпинча менга “Лайли – Мажнун”, “Тўрўғлининг Гуржистондан Авазхонни олиб келгани” ҳақидаги китобларни ўқиб берар эди. Бу китоблар Қозон шаҳрида босилган эди. “Лайли – Мажнун” китобидан фақат Лайлининг сўзини ёд билиб олган эдим. У китобни ким ёзганлигини аниқ билмайман. Эҳтимол, Фузулийникидир.



Мен йигитлик чокларимда тепакўргонлик Хамро билан Мирзачўлдаги Киняз арикқа бордим. Арикда олти ой меҳнат қилдим. У ерда Киняз арикда ишлаганлар билан танишдим. Уларга “Гўрўғли” дostonларидан айтиб бердим. Сўнгра у ердан тошкентлик Абдурахмон деган киши билан Тошкентга бордим. У ерда ўн икки кун юрдим. Самоварларда, халқ йиғинларида дostonлар, термалар айтиб бердим. Сўнг тўғри Нарпайга келдим. Бу ерлар Николай подшога эмас, Бухоро амирлиги қарар эди. Шу сабабдан бу ерларга мардикорликка олиш жанжаллари бўлмаган...

Мени 1939 йилгача ҳеч ким суриштирмади, йўкламади. Колхоз тузилган пайтгача дoston айтиб юрдим. Янги термаларни жуда кам айтар эдим. Ёдимдан чиқибди. Мени бир неча марта босмачилар ўз давраларига чақирдилар, лекин бормадим. Мен хотин-қизлар озодлиги, ер-сув ислохоти пайтларида Бўстон шоир (Хатирчининг Ширини қишлоғидан) билан танишдим. У “Зарқум”, “Зайдин араб” дostonларини чала-чулпа билар эди. Мен яшаган Ғалақассоб қишлоғида ҳукумат ўтказган барча тадбирлар ҳаммадан аввал ўтказилар эди. Бу пайтларда мен дostonларим билан унда-мунда термалар ҳам яратар эдим...


Колхоз тузумидан илгари қўшчи союзига кирдим, ишладим. Сал вақтдан кейин бизлар колхозга уюшдик. Икки ўғлим, хотиним ва ўзим колхозда ишладик. Кетмончи бўлиб ишладим. Уч йил звеновой бўлиб ишладим. Ўша пайтларда ҳам киш вақтларида дoston айтиб юрар эдим...

Мен дostonларим ва термаларни ўн бир оҳангда айтаман. Чупки бир хил оҳангда дoston айтиш ёки каттароқ шеърни айтиш эшитувчини зериктириб қўяди. Эшитувчининг диққат-эътиборини яхши тортиш учун турли куйда дoston айтаман. Ўтмиш вақтларда эшитувчилар дostonлардан парча айтиб беринг, деганларида, кўпинча дostonларнинг шикаста ерларидан, мунгли, айрилик, дор эпизодларидан, ёки шох, амалдорларнинг адолатсизлигидан, ёки ботирларнинг мардлигидан, қора кучларнинг устидан ғолиб келишидан айтиб берардимки, бундай қўшиқлар, термалар, дostonлардан парчалар эшитувчиларга жуда таъсир этар эди. Мен эшитувчиларимни ҳам қулдирар, ҳам йиғлагар эдим.

Мен дostonлардан ташқари “Тўтинома”, “Бир қарға қандай қилиб подшони алдади”, “Қурбоной”, “Жавка пари” ва бошқа эртакларни ҳам айтиб юрардим. Қашқадарё область, Қамани район Октепа қишлоғида Жўра бахши деган бўлар эди. Бу эртакларни шундан ўрганганман. Акам ўша томонда мардикор бўлиб ишларди. Мен ҳам ўша ерда уч-тўрт ой ишладим. Шунда у кишининг суҳбатида кўп бўлганман. Жўра бахши “Алпомиш”, “Ҳасанхоп”, “Гулихиромон” дostonларини ва мен ўрганган эртакларни айтар эди.

Мен акамнинг олдида бораётганимда ёшим 27 ларда эди. Уйланган эдим. У қишлоққа яқинлашганимда, йўлда бир мингбоши учради ва





мени суриштира кетди. Мен акамнинг олдига бораётганимни айтдим. Лекин Туйғун мингбоши менинг гапимга ишонмади. Мени идорасига олиб бориб, қамаб қўйди. Шу ерда икки кун ётдим. Сўнгра Нурмат миршаб келди. Мен акам Рустам унинг қўлида ишлашини айтдим. Гапим тўғрилиги аниқлангандан сўнг мени бўшатиб юборди. Ўша кунлари мингбоши ҳақида кичик бир терма яратиб айтдим. Бундан кейин ҳам бу кўшиқни термалар айтганимда, кўпинча айтар эдим. Бу кўшиқни Жўра бахши ўрганиб олди:

Тақимига қўйган экан таёғи[н],
Ерга тегмас, чўлок экан оёғи,
Мингбошига ўхшамайди сиёғи,
Бизни банди қилиб келди мингбоши.

Акам, дедим, Нурматбойга чойракор,
Давул сизникидир, сизда ихтиёр,
Бир шоирман, мен ҳам халққа хизматкор,
Олдига соб, ҳайдаб келди мингбоши.


Дарёча-ку бордир бунинг кум-сойи,
Мен бир юрган элнинг кезган гадои,
На бўлдики мендай шўрнинг гунои,
Мени ҳайдаб келди юзи қора мингбоши.

Эл талаган билан асло тўймайди,
Меҳнаткашни ўз ҳолига қўймайди,
Бегуноҳман, мен бечорани кийнайди,
Ўлар қилди падарлаънат мингбоши.

Юлдузни кўзлайди бул минган оти,
Сариқдан келганди, қонсиздир бети,
Қонхўрга ўхшайди бунинг сурати,
Бечораҳолни хўрлади-ку мингбоши.

Гуноҳи йўқ шоир акли шошади,
Ораликка печа одам тушади,
Шоирнинг ғазаби қайнаб-тошади,
Бегуноҳ каматган, ўлсин мингбоши.

Зарафшон сув берар икки сиртига,
Бир меҳмон бўб келиб эдим юртига,



Икки қўлим бойлаб, бокмай кетига,
Сиёсатман хайдаб кетди мингбоши.

Қўтир эшакка ўхшар унинг сумбати,
Очиккан бўридай юртнинг жаллоди,
Элу юртни соғиб سموк одати,
Жабр айлади харомхўр шу мингбоши.

1939 йили мени Тошкентга чақирдилар. Мендан биринчи марта “Орзигул” достонини ёзиб олдилар. Шундан сўнг мен колхозда деярлик ишламадим. Колхозчиларнинг йиғинларида дўмбира билан қўшиқ айтиб юрдим. Ўзбекистон ҳукумати менга халқ шоири деган улуғ унвон берди. Бундан ташқари, ҳар ойга 400 сўм доимий пенсия тайин этди...

Бир кун Тошкентда ёзувчиларнинг урушга ёрдам бериш бўйича катта мажлиси бўлди. Мен шу мажлисда сўзлаб, шундай дедим: “Мен ёшлигимда жуда бир баланд теракнинг учуда уя курган зарғалдоқнинг боласини оламан, деб тармашиб чиқдим. Зарғалдоқнинг ота-онаси менинг атрофимда чуғурлай бериб, уясига чиқолмадим, чарчаб-хориб, сирғалиб тушдим. Ахир, биз инсон боласимиз-ку! Бизнинг уямиз – ватанимиз. Эл-юртимизга фашист ёввойилари босиб келган экан, биз уларни омон қўймаймиз, албатта!” Зал гуруллаб қарсак чалиб юборди. Шу мажлисда душман самолётларидан икки юзтасини уриб туширган учувчиларни мактаб шеър ўқидим. Тошкентда қариялар йиғилишида ҳам сўзладим ва қарияларга бағишланган шеъримни ўқидим. Уруш йилларида ҳар қачонгилан кўра ғайратим ошиб-тошиб кетди. Халқимнинг меҳнатдаги фидокорлигини кўриб, завқим келар эди. Мен Каттакўрғон хавзасида бўлдим. Сўнгра шоир Қуддус Муҳаммадий билан биргаликда бир неча ой Фарход ГЭСда бўлдим... Нарпай, Хатирчи районларида турли муносабат билан чақирилган йиғинларда янги шеърларимдан ўқиб берар эдим.


Мен билан бирга ишлаган Қуддус Муҳаммадий, Минсафин, Тоғаев, Бозоров ва бошқалар менга кундалик ҳаётимизда рўй бериб турадиган воқеаларни айтиб берар эдилар. Шу билан бирга, улар менга Жамбул Жабаев, Сулаймон Сталский, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва бошқа шоирларнинг асарларини ўқиб берар эдилар. Мен ҳаммадан кўра радиодан яхши фойдаландим. Радиода бериладиган адабий эшиттиришларни мунтазам равишда эшитиб келдим. Дунёдаги янгиликлардан хабардор қилишда 9-класс ўқувчиси, кизим Мукаррам Исмолова катта ёрдам бериб туради. Менинг уйимга уруш вақтлари, ундан аввал ва кейин ҳамма вақт ёзувчилар, ўқитувчилар, матбуот ходимлари тез-келиб турадилар...





1946 йили Ёзувчилар союзи Москвада халқ ижодчилари йиғилишини ўтказди. Мен Ўзбекистон вакили бўлиб бордим. У ерда йигирма кун бўлдим. Яна кўп шеърлар ярата бошладим...

Достонларим: “Юлдуз билан Қундуз”, “Тулихироман”, “Аваз билан Зулфизар”, “Авазнинг аразлаши”, “Нурали”, “Ҳасанхон”, “Равшанхон”, “Ғаждум”, “Холдорхон”, “Аҳмад сардорнинг фитнаси”, “Гўрўғлининг Боғи Равшанга бориши”, “Авазхонши Гуржистондан олиб келиши”, “Нигорхон”, “Ҳусндор Хиромон”, “Хосдархоннинг Офтобойга бориши”, “Қулмалойик”, “Ойгўра ва Мастура”, “Далли Хиромон”, “Қунтуғмиш”, “Қосимхон”, “Эрали ва Шерали”, “Якка Аҳмад”, “Алпомиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Жаҳонгирхон”, “Соҳибкирон”, “Орзигул”, “Рустам жаллод”, “Гўрўғли”. Ҳаммаси бўлиб 29 та.



ТЕРМАЛАР

НИМАНИ АЙТАЙИН

Ёзиб олувчи: *Мунисхон Тошпўлатова*

Чамбилбелнинг катта тоғи Полопон,
Оламга машхурдир Гўрўғли султон,
Гўрўғлидан айтайинми бир сухан?

Чамбилбелди оти бўлди намоён,
Муллабачча эрди хофизи Курьон,
Суянган ўғлининг оти Авазхон,
Авазхондан айтайинми бир сухан?

Чамбилда бек бўлиб, ўтганди дархон,
Овозаси кетган эди Ҳасанхон,
Душман кўрган ерда ўчини олган,
Ҳасанхондан айтайинми бир сухан?


Эр йигитлар ёвдан олар орини,
Ёвни кўрса, тўкар кучин борини,
Холдор дейди йигитларнинг норини,
Холдорхондан айтайинми бир сухан?

Авазнинг бир йўли Гулихиромон,
Шунга ҳам буюрди Гўрўғли султон,
Қабул қилди ўн олтида Авазхон,
Хиромондан айтайинми, қадрдон?

От чопганда мардлар олар орини,
Алп атайди полвонларнинг зўрини,
Ё айтайми, Зулфизардай парини,
Зулфизардан айтайинми бир сўзни?

Дехконлари килса яхши экишди,
Пахтадайин олтин деган кумушди,
Пахта эккан шоввозларнинг келар кишти,
Ё айтайми, кўнғиротлик Алпомишди?





Югрук от даркордир долнинг белига,
Майдонда ўйнатади дирка-дирка,
Зангар элда ўйнаб-ўсган Холбека,
Холбекадан айтайинми бир сўзни?

Ақлдорга Оллоҳ берар давлатди,
Тўфон қилиб ўтган Олқор элатди,
Қиймовутда ўтган Якка Аҳмадди[r],
Аҳмаджондан айтайинми бир сўзни?

Сўзлаганда шоир билмас ғалатди,
Ўн тўртида кўрди қору меҳнатди,
Октош элда ўтган Рустам жаллодди[r],
Рустамхондан айтайинми бир сўзни?

Ҳам ўзидир бандаларга меҳрибон,
Олтмиш икки ёшгача кўрмади ўғлон,
Бир достоним оти эди Одилхон,
Одилхондан айтайинми бир достон?

Хосхона дер асли унинг элини,
Ўқиш билан бурро қилган тилини,
Таъриф берсам ундай Орзигулини,
Орзигулдан айтайинми бир суҳан?

Қорахоннинг бордир учта бувиши,
Олтмиш тўртда етди Ҳаққа нолиши,
Дуо қилди келиб бир сойиб киши,
Ундан сўғин бўлди иккита ёши,
Эрали, Шералидан айтайинми бир суҳан?

Равшанхон жаҳонда бўлди бир ўғлон,
Қизига лойиқ кўрмади Авазхон,
Зангар элга талаб қилди Равшанхон,
Равшанхондан айтайинми бир суҳан?

Айтган достонларнинг барин биламан,
Маслаҳатни мен сизларга қиламан,
Қайсисин хоҳласангиз, айтиб бераман,
Семизидан ушлангизлар, шоввозлар,
Ориғини яна бокиб келаман.





ДҶМБИРАМ

Ёзиб олувчи: *Мунисхон Тошпўлатова*

Сенинг эганг туғилган Қассобли кентдан,
Бўёғинг залдори, копқоғинг тутдап,
Сенинг билан шоир боласин бокқап,
Улфатинг ҳар юртдан бўлган дўмбирам.

Сени менга қилиб берган устакам,
Елим билан қилган экан мустаҳкам,
Чертганда берасан булбулдай муком,
Довушим қаноти бўлган дўмбирам.

Ёриб ёксам, бирор чойдиш қайнамас,
Гўйи келса, эганг гапни ўйламас,
Боғ ичинда қумри сенча сўйламас,
Ҳар мажлисининг гули бўлган дўмбирам.


Бошқа ишнинг сира бўлмас поёни,
Сенинг ҳам ишингнинг йўқдир зиёни,
Икковимиз кидирдик ёқти дунёни,
Қаршидан об кайтдинг икки туяни,
Рўзғоримни обод қилган дўмбирам.

Устодим айтгин деб менга буюрди,
Эганг айтиб юрган катта шоирли[р],
Тошкент пули билан олдим говмиш сийирди,
Қатик, айрон, сугим бўлган дўмбирам.

Янги тор тортамап кў[х]нангни узиб,
Бир майлоп сўйлагин суягинг қизиб,
Улфатларинг кетса чиришиб, тўзиб,
Ислон шоир колар Оллоҳга ёзиб,
Ҳар тўйларда бир тўн бўлган дўмбирам.

Бўёғинг зардоли, кулоғинг арча,
Гулдираб сўйласанг файизли кеча,
Орқангдан иярар халойиқ барча,
Мажлисларнинг гули бўлган дўмбирам.





Сен йўқ ерда менинг йўқдир иложим,
Қўлимга олганда келади авжим,
Худойим берган сени, ёрлиғим, тожим,
Доимо бўлгансан сен кисса харжим,
Баъзи вақтлар хамроҳ бўлган дўмбирам.

Эганг очиб ўқимасди китобди,
Тусмол билан бари бир-бирига бопди,
Баъзилар айтади бунча гапни каердан топди,
Сен шогирд, мен устоз бўлган дўмбирам.

Йигирма тўртимда бордим Қаршига,
Қайтишда бир кўндим Бегламишига,
Доим майлис бердинг сап терилган яхшига,
Ҳар элатнинг сийин кўрган дўмбирам.

Эганг борар доим чакирган ерга,
Пойгада қолмайман, ўтаман тўрга,
Уч марта борбайтдим Ҳазрати Нурга,
Менинг билан улфат бўлган дўмбирам.

Мен дўмбирани ўрталikka кўйиб,
Ёзилиб келганча кўйинглар жийиб,
Менга кўрсатмайин кўйинглар туйиб,
Рўзгоримни обод қилган дўмбирам.

Ислom шоир дейди менинг отимни,
Нарпай район дейди ўлахатимни,
Ўзбек элдан ордирдим улфатимни,
Яхшиларга ошна қилган дўмбирам.


БОРМИ ЖАҲОНДА

Ёзиб олувчи: *Ҳоди Зариф*

Гўрўғли қариган чоғида, бир юз ўн учга кирган вақтида айтган экан:

Арзимни эшитинг, ёру ёронлар,
Бир мандай валламат борми жаҳонда?
Мирохўр, жевачи, мулла, эшонлар,
Шаҳримдай мамлакат борми жаҳонда?





Мен отимга минсам, ғайратим тутар,
Кочганда кутказар, қувганга етар,
Душманнинг бошига соламан хатар,
Ғиротимдай тулпор борми жаҳонда?

Искандардай олсам юртнинг барини,
Қатрон қилиб ғанимларнинг шаҳрини,
Қуйи Қофлан олдим икки парини,
Улардай хушсурат борми жаҳонда?

Чамбилбелда турсам адолат сўраб,
Умидим бор, шаҳрим бўлмагай хароб,
Кийганим кимхо[б]дир, ичганим шароб,
Ҳеч шундай салтанат борми жаҳонда?

Таҳасиб куланди куллан деҳқони,
Онча бўлар ҳар бир турли хирмони,
Ҳеч бир ётмас обжувози, те[ги]рмони,
Меҳнат қилмай, роҳат борми жаҳонда?

Бизнинг эл одами кўп узоқ яшар,
Жойлари ўтловди, сувлари обшар,
Киштикор қилганди, давлати тошар,
Ҳеч шундай мамлакат борми жаҳонда?

Муллаларим бари пухта кироат,
Қариларим қилар Қуръон тиловат,
Сурукдор эшоним сўйлар қаромат,
Бизлардай хос уммат борми жаҳонда?

Ўйлаб турсам, ёшим қайтиб қаридим,
Қариган белгиси – чарчаб ҳоридим,
Ҳаж эрмаги – хонақода бор эдим,
Сўзлашгудай дардмон борми жаҳонда?

Қаридим, йигитлик мавсумим кетди,
Доим истар эдим ботир улфатди,
Чамбилбелда суймай ўтдим фарзандди,
Бундан ортиқ зулмат борми жаҳонда?

Гўрўғли овозам элатга кетди,
Тавсифимни ёмон-басар эшитди,
Таассубга минар эдим Ғиротди,
Уч ёрдан суймадим ўғил-фарзандди,
Бефарзандга роҳат борми жаҳонда?





ХОТИРАЛАР

Қуддус Муҳаммадий


Ислом шоир ҳақида хотираларим

Мен Ислом шоирни 1941 йилдан бери биламан. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг ўша вақтдаги раиси Ҳамид Олимжон мени Самарқанд областининг Нарпай районида яшовчи Ислом шоир Назар ўғлига махсус шахсий секретарь этиб тайинлади. Мен 1941 йилдан 1945 йилнинг бошларигача Ислом шоир билан яшадим ва ишладим. Халқ шоирининг шу йиллар ичида айтган шеърларини ёзиб олдим. Ислом шоирнинг шеърлари Хатирчи, Пахтакор, Нарпай район газеталарида, шунингдек, “Ленин йўли” Самарқанд область газетасида, “Қизил Ўзбекистон”, Фарҳод ГЭС ида чиққан “Халқ қурилиши” газеталарида босилиб турди.

Бу йиллари Ислом шоир аҳоли ўртасида катта агитация-пропаганда ишини олиб борди. Биз Ислом шоир билан Нарпай, Хатирчи, Каттақўрғон, Пастдарғом, Пахтакор, Қорадарё районларидаги колхозларда жуда кўп марта адабий кечалар уюштирар эдик. Ислом шоир бу адабий кечаларда ўзи яхши кўрган “Алпомиш”, “Орзигул”, “Зулфизар билан Авазхон”, “Тулихиромон” каби халқ достонларидаги халқ қаҳрамонларининг аждар, девларга, золим бойларга, эксплуататорларга қарши курашини эпизодларини кўпинча завқ билан айтар эди. Бундан ташқари, Ислом шоир ўзи яратган “Ўғлимга”, “Бобоқулижон”, “Яша, Кўчқорим”, “Колхозларимга”, “Жуков ўғлимга”, “Муҳаммад тўнчи” ва бошқа кўпгина шеърларини дўмбира билан айтар эди. Колхозчилар Ислом шоирни жуда каттик севардилар. Шоирнинг шеърларини мен ҳам ўқиб берардим. Бу адабий кечаларда шоир ўз жангловор шеърлари билан ўтирганларни руҳлантирар, уларни ватан озодлиги учун меҳнат frontiда фидокорона меҳнат қилишга, давлатга мўл-кўл махсулот топширишга чақирар эди.

Ислом шоир билан биргаликда 1943 йили Фарҳод ГЭС ида бир ярим ой бўлдик. У ерда ҳам ҳар район қурилиши ишчилари учун адабий кечалар ўтказдик. Кундалик меҳнат планини бажарган илғор участкаларда тез-тез бўлиб турдик. Ислом шоир Фарҳод ГЭС ида “Чин пўлат”, “Фарҳодлар майдонда” шеърларини яратди. Буларда меҳнат қаҳрамонларини улуғлади, уларни меҳнат унумини оширишга даъват этди. Ислом шоир уруш йиллари ва ундан аввал Каттақўрғон ҳовузи қурилишида ҳам тез-тез бўлиб турди.





Ислом шоир саводсиз бўлишига қарамай, кундалик воқеаларни кизикиш билан кузатиб борарди. Мен унга Навоий, Фуркат, Муқимий, Н.Тихонов, К.Симонов, Лебедев-Кумач, Исаковский, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойбек ва бошқа шоирларнинг шеърларини деярли ҳар куни ўқиб берардим...

Ислом шоир, айниқса, Жамбул Жабаевнинг шеърларига алоҳида ҳурмат билан қарарди, унинг кўпгина энг яхши шеърларини ёд билар ва уларни адабий кечаларда ижро этар эди. Ислом шоир туркман классиги Махтумқули, қорақалпоқ шоири Бердак, яна Машрабнинг бир қанча шеърларини ёд биларди. Айниқса, Махтумқули ва Бердак шеърларини ўз дўмбирасида севиб қуйларди.

Ислом шоирга уруш йиллари ўзбек жангчиларидан хатлар келиб турарди. Улар ўз хатларида Ислом шоирнинг шеърларини ўқиганликларини ва янги шеърларидан юбориб туришларини сўрар эдилар. Мен уларга Ислом шоир айтган жавобларни ёзардим, шеърларини кўшиб юборардим.

Ислом шоир ўз бошидан ўтган воқеаларни ҳам сўзлаб берарди. Ислом шоир менга устози Эрназар шоирнинг ҳам Машраб шеърларини ва бошқа классик адабиёт вакилларининг асарларини ёд билганлигини, ўша вақтларда ўқимишли кишилар билан бирга бўлганлигини, улардан аруз вазнидаги кўпгина шеърларни ўрганганлигини, Киняз ариқда бўлганлигини, ариқ қазувчилар билан бир неча вақт яшаганлигини айтган эди. Киняз ариқда овқат сийишга идиш-оёқ топилмаганлигидан куюқ овқатни кўпинча кетмоннинг юзида еганликларини хикоя қилганлиги эсимдан чиқмайди. Киняз ариққа Ислом шоир дўмбирасини олиб борган ва асосан қўшиқ-дoston айтган экан. Бундан ташқари, Ислом шоир полвон бўлганлигини, кишиларда ёлланиб ишлаганида, уч-тўрт кишининг ишини қилганлигини ҳам айтар эди...

“Зулфизар билан Авазхон” достонида Аҳмадхон эшондек катта пирнинг шармандасини чиқарганлиги учун Ислом шоирни дин арбоблари жуда ёмон кўрар ва ҳамма вақт шоирни обрўсизлантиришга уринар эканлар. Масалан, рухонийлар Ислом шоирнинг эл орасида қуйлаб юрган энг яхши халқ достонларини бошдан-оёқ ёлгон гап, деб иғво таркатганлар. Ўша йиллар шоирнинг бир-икки боласи ўлганлигини пеш қилиб, “Ислом шоирдан зурриёт қолмайди, унинг болалари ўлиб битади” деб ҳар хил бўлмағур гап-сўзларни таркатганлар. Бундан ташқари, Ғалақасоб кишлоғидаги катта бир эшон Ислом шоирнинг бутун қариндош-уруғларини тўй-маросимларга қўшмасликка буюрган. Бироқ Ислом шоирни халқ севарди. Шоир қирма-қир, кишлокма-кишлок юриб, дехқонлар, батрақлар, чўпонлар ўртасида ўз достонларини, термаларини айтиб юрган экан. Ислом шоир асарларининг эшитувчиларга таъсири ҳамма вақт кучли бўлганлигини тасдиқловчи бир фактни келтирамин:







Нукул бўйдок йигитлар тўпланган бир йиғинда Ислом шоир “Гулихиромон” достонидан Авазхоннинг девлар билан олишиб, қийинчиликларни енгиб, Гулихиромонни Чамбилга олиб келишини завк билан айтаётган экан, йиғинда иштирок этган камбағал йигит Ҳасан кал шу онда чиқиб кетади. Ҳасан кал Галакассобда бир катта бойнинг хизматкори экан. Йигит бойнинг сулув қизини севар экан. Қиз ҳам уни севар экан. Ҳасан кал йиғиндан чиқиб, ўз-ўзича ўйлабди: “Менинг Аваздан қаерим кам. Қиз мени севса, унинг нафаси қулоғимга эшитилиб турсаю, бир золим бой отасининг хоҳишига караб, қизга индомай юрсам”, – деб қизнинг розилиги билан бой уйдан олиб кочади. Бундан хабар топган бой Ҳасан кални кидириб, кўчага чиқади. Галакассоб гузарида катта ховуз ёнидаги толлар олдида турган қиз билан Ҳасан кални кўради. Бой дарғазаб, халойик тўпланади. Бой Ҳасан кални урдирмокчи бўлади. Шунда бир киши: “Ҳасан кал ҳам одам, у ҳам йигит. Билардан ҳам ўтади, билмасдан ҳам ўтади. Йигит ўзингизда кўп меҳнат қилган ўғлингиз, кечиринг. Синган чинни ямалган билан пашша тушган ошдай бўлади. Яхшиси, ими-жимида қизингизни бера қолинг”, – дейди. Номусига чидамаган бой қизини Ҳасан калга беришга мажбур бўлади. Ҳасан кал бекалин, бетўй бой қизига уйланиб олади. Бирок бой Ислом шоирдан каттик хафа бўлади. “Ўз дostonлари билан йигитларни бузиб юборди”, – деб уни айблайди. Ҳасан кал Ислом шоирдан бир умр миннатдор бўлиб: “Сизнинг дostonингиз туфайли мен уйландим”, – деб юрарди. Ҳасан калнинг ҳозир беш боласи бор. Ўзи урушда ҳалок бўлган.

Ислом шоир дин аҳлларида, бойлардан кўркмаган. Кези келганда уларни каттик танқид қилиб, шърлар ҳам айтган экан. Бир куни бозор томондан ўз қишлоғига қайтаётганда, кўчага эшиги очилиб турган уйда бир мулла билан эшон овкат қилиш тараддудида экан. Улар шоирни кўриб қолиб, унга тесқари қарашибди. Ислом шоир уларнинг ҳасислигини масҳаралаб, қуйидаги сатрларни айтган экан:

Келаётган эдим катта кўчадан
Тик-тик овоз эшитилди қора хужрадан,
Мен бурилиб хужрага назар ташласам,
Сабзи тўғраётган бадковок эшонни кўрдим.

Ёнбошида ўтирарди мулла қози гап сотиб,
Мени кўрдилару, гўё қолдилар қотиб,
Иккисин ҳам қовоклари булут каби солинди,
Очкўз эшон билан судхўр муллани кўрдим.





Ислом шоирни кўролмаганлар унга сурма ичирганлар. Бироқ шоир бу касалликдан тезда тузалган. Юкоридаги каби турлича ҳаракатлар Ислом Назар ўғлининг эл орасида обрўсини туширмаган, балки оширган... Бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган шоир ўз суҳбатдошларини сира зериктирмасди. Халқимиз учун жон-дил билан хизмат қилди. Орден ва медаллар билан мукофотланди. Шоирнинг ёркин хотираси дилимизда доим яшайди.

Зоҳир шоир Қўчқоров

Устозим ҳақида

Бир тўйда “Ширин билан Шакар” достонидаги парча айтганимда даврадаги қариялардан бири қўлини фотиҳага очаркан: “Бир дуо қилинглар, шу бола Ислом шоирдай зўр шоир бўлсин”, – деди. Даврадагиларнинг ҳаммаси, илоҳим шундай бўлсин, деб юзларига фотиҳа тортишди. Эгнимга тўп ёпдилар. Шундай қилиб, мени йиғинларда у-бу айтишга ундай бошладилар. Ўзимнинг ҳам дostonчиликка завқим ортиб борди...

Ўша йиллари қайси бир журналда Ислом шоирнинг “Орзигул” достони биринчи марта нашр бўлган, уни ўқиб, шоирга янаям ҳурматимиз ортган пайтлар эди. Унинг номини, доврўғини эшитиб, ҳавас қилиб юрардик. Ислом шоирни суриштирсам: “Ислом бобонг орденли шоир, Москвага борган, китоблари чиққан, атокли шоир, ўзи Зирабулоқ станциясида яшайди”, – дейишди.

Хуллас, шу шоирни бир кўриш ҳавасида бўлиб қолдим. Ниятим холис чиқди. Сўраб-суриштириб отанинг уйига кириб бордим. Ёз пайти эди. Ховлида, чорпоя устида, оппоқ соқолли, нуроний юз, хушмурувватли киши қарши олди. Мени кўриб, жой кўрсатаркан: “Ўлтиринг, ўғлим, ўлтиринг”, – деди.

Мен белимга қистирилган дўмбирани олиб, ёнбошимга қўйиб, кўрсатган жойига ўлтирдим. Бир пас чой ичишганимиздан сўнг Ислом шоир менинг дўмбирамни қўлига олди. Қулоғини бураб жўр қилди. У ёқ-бу ёғини қараб: “Яхши дўмбира экан”, – деди. Сўнгра мендан бирор нарса айтишимни сўради. Мени шоирнинг салобати босиб қўйган эди...

Дўмбирамни қўлимга олдим. Устасининг қўлига теккан дўмбира ажойиб жўр бўлган эди. Шунда билдимки, мен ҳамиша чала жўр қилиб айтар эканман. Чала бошлашим билан яхши жўрланган дўмбира оҳангида ўз товушим ҳам ўзимга бирмунча ширали туюлди. “Дўмбира” деган термани айтдим. Унда дўмбирамни бир дашликдан 300 сўмга олганим, сабаби шоирликка ишқибозлигим эканлиги, охири Ислом бувани устоз



билиб келганим хикоя қилинарди. Сўнг “Дастингдан” номли термани айтдим. Сўзларни сўзга уйқаштиришим, бандларимнинг боғланиб, мослашиб келиши Ислом шоирга маъқул тушиди шекилли: “Ўғлим, яхши шоир бўласан”, – деди елкамга қокиб. Сўнг кўшиб қўйди: “Бизникида юравер”.

...Ўша кундан бошлаб Ислом шоир кўлида тарбиялана бошладим. Хизматини килдим, дуосини олдим. Тўйларга олиб кета бошлади.

Бир тўйда “Алпомиш”ни айтгани ёдимда. Тонг отгунча ухламай, кулок солиб йўлини ўрганиб олдим, билмаганимни сўрадим. Достон айтишнинг йўл-йўриқларини ўрганиб олдим. Мен бир оҳангда айтар эдим. Ислом шоир “Алпомиш”ни 11 оҳангда айтди. Карасам: таъсирчан ўринларда бир оҳанг, от чопиши лавҳасида бошқа бир оҳанг, уруш тафсилотлари бораётганда эса яна бошқа бир оҳанг...

Кейинчалик “Алпомиш”ни уч қайта эшитиб, ўрни келганда, устознинг рухсати билан мен ҳам айтадиган бўлдим. “Кунтуғмиш” ва “Зулфизар”дан ҳам айтар эдим.

Биз кўпинча Нарпай район колхозчилари ҳузурида бўлардик. Ислом шоир дастлаб термалар айтар, сўнг йирик достонларга ўтар эди. Баъзан эса:

Шоир бобонг ўрталиққа уяди,
Хохласангиз семизини сўяди,
Ориғини шогирд бокиб юради,
Зоҳир шоир қаватимда туради,
Товуши зўр, ўзи йигит болади[r].

Алпомишми-Пўлпомишми, Кунтуғмиш,
Зулфизарни ҳам бу яхши билади.
Ислом бобонг ёши кетиб боради.
Қайсин десангиз, майли, Зоҳир олади, --

деб Ислом ота менга дўмбирани жўр қилиб берар эди.

Достон айтаётганимда Ислом бобо қараб турса, суси босарди, адашиб ҳам кетардим. Устозим адашганимни билиб, мийиғида бир қулиб, қари киши эмасми, ёнбошлаган киши бўлиб, ўзини ухлаганга солиб, мени тинглар эди. Ўша пайтларда десангиз мен достонни ҳақкалаб (у ер-бу еридан -- ҳақкам-дуккам...) айтарканман. Ислом ота буни билса ҳам, айтишимдан тўхтатмасди. Факат эртаси: “Ўғлим, сен кечаги айтган достонни мен “ухлаб” эшитдим, от чопиш пайтини айтишда буздинг, анча жойидан ҳақкалаб ўтдинг. Қўшиқни чала айтма, қайси достон бўлмасин, ҳар бир қўшиқ беъга қолмасин. Алпомишми, Барчинми, Қултойми -- қайсини қўшиғи бўлмасин, ҳар бирининг қўшиғи охирида ўзларининг исминини қўшиб

кўй”, – дер эди. Шундан сўнг Ислом ота қўлига дўмбирани оларди-да: “От чопилиши давомида ҳам, уруш кетаётган ҳолатда ҳам, биров-бирова билан айтишаётганда ҳам – ҳар қайсисининг ўзига хос оҳанги бўлади. Дўмбира ана шунга мос тилга кириши керак”, – дерди ва ўзи чертиб кўрсатарди.

Мен устоздан кўп ўргандим, мўл ўргандим. Достон айтишнинггина эмас, инсонга муҳаббат, дўст ва Ватанга садоқатни ҳам, муомилани, чинакам инсоний муомилани ҳам ўргандим.

Ислом отадан икки йил ичида 35 терма, 7 достон – “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Зулфизар ва Авазхон”, “Орзигул”, “Ўлхиромон”, “Бўтакўзойим”, “Оймалика”ларни ўзлаштириб олдим. Элда обрў топдим. Бахши-шоир деган, мен учун энг юксак бўлган унвон топдим. Ана шуларнинг барчаси учун устозим Ислом шоир Назар ўғлидан бир умрга миннатдор бўлиб қолдим.

Шахрисабз шахридан Нарпай райониغا хат

Узоқ йўл ва лекин яқин кўнгилдан,
Ташначилик салом йўллай шу ёнга.
Дўмбيرانгиз кўлдан асло тушмасин,
Шеър чашмаси куйланг бахтли замонга.

Сиз достон айтасиз халқ осур кулоқ,
Сиз йўлга тушасиз йирок ва йирок,
Қалбларни балқитар хижрону фирок,
Фикрлар чирмашиб ўрлар осмонга.

Шогирдингиз яшаб турар Китобда,
Сиз Нарпайдан уқтирдингиз хитоб-ла:
“Замонни де, элни куйла шитоб-ла,
Фикру ёдни бергин доим достонга...”

Қисқа суҳанимни айлайин охир,
Қўлингизда ўсдим, отимдур Зоҳир,
Номамни ўқингу устои моҳир,
Жавобини кайтаринг биз томонга.

Зоҳир бахши
1952



Нарпай районидаан Шахрисабз шахрига хат

Аввал, ўғлим, сизга атадим хатди,
Маълум қилиб Зоҳиржон деган отди,
Унутмасиз, ўғлим кадру қимматди,
Устозингиз йўллар сизга саломни.

Дўмбирам жаранглар доим қўлимда,
Ном чиқардинг олдин Нарпай элимда,
Бошласам дostonни сен ҳам дилимда,
Устозингиз йўллар сизга саломни.

Дўмбираанг жаранглар доим қўлингда,
Биздан салом бўлсин азиз келинга,
Ўлган бўлса қайғурмагин улишга,
Устозингиз йўллар сизга саломни.

Фарзандни кўрарсан, ҳали бошинг ёш,
Зинҳор хафа бўлма, келин қаламқош,
Иккинги қилингиз, албатта, бардош,
Устозингиз йўллар сизга саломни.


Тилга олиб эслабсиз-ку Зиётди,
Билмайсизми чин укаси Пўлатди,
Кетиб келмовдингиз жуда уятди[р],
Устозингиз йўллар сизга саломни.

Жўшқин бўлсин шеър дoston дилингга,
Тайин келгин, болам, ўсган элингга,
Дoston айтгин келиб тенгу хелингга,
Устозингиз йўллар сизга саломни.

Сира тайламагин қўлда созингни,
Булбулдайин таратгин хушовозингни,
Хафа қилма, болам, ёзгин позингни,
Устозингиз йўллар сизга саломни.

Ислон шоир сенга ёзди саломни,
Унутмайман қўлда ўсган боламини,
Сен ҳам кўрдинг кезиб юрту оламини,
Устозингиз йўллар сизга саломни.





Кўлидан кўн толиб ошу тузини,
Икки қилмадингиз айтган сўзини,
Зохирбой, деб доим ёдлайди сизни,
Опангиз ҳам йўллар сизга саломни.

Яна салом бўлсин уканг Эргашдан,
Салом бўлсин, Ҳамиджон – қаламқошдан,
Сизга салом Зиёд укангиз – ёшдан,
Сизга укаларинг йўллар саломни.

Ислом отанг доим сенга меҳрибон,
Жавобини қайтаргайсан Зоҳиржон,
Кичкинамиз омон бўлсин Пулатхон,
Дўмбирага Зиёд бермайди омон,
Момам қиз бўлди, деб чалар ҳар томон,
То кўргунча юринг болам соғ-омон.

Ислом шоир Назар ўғли
1952 йил.

Ёдгор баҳши Исҳоқов

Устозим ҳақида

Устозим Ислом ота билан дастлаб учрашганим кечагидай ёдимда.


Кунлардан бир кун мени бир сартарош дўстим Тиллаев Ислом отанинг уйига бошлаб олиб борди. Биз борганда ота уйда экан. Ота бизни самимий, очиқ чехра билан кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, дўстим мени Ислом отага таништирди, шоирликка иштиёқим борлигини устозга айтди...

Шунда Ислом ота менга:

– Жуда соз, кидириб келдингми устоз? Лекин шоирлик кийинда бир оз, агар шоир бўлсанг, бир ўлиб-гирилишнинг рост, туркингга қарасам, ўзинг яхши, юзларинг кизил гулнинг накши, сендан ҳам чиқиб қолса эди-я баҳши, ма, дўмбирани бир чертиб боқ-чи, Нарпай ариғидай бир шарқираб оқ-чи, – деб менга ўзларининг дўмбираларини узатди. Мен шунда жуда уялиб кетдим. Тепамдан тер қуйилиб, устознинг салобати босди. Менинг аҳволимни ота англади шекилли, дўмбирани созлаб ўзлари бир терма айтдилар.

Ислом отанинг ижозати билан мен ўзимнинг бир-иккита машқий шеърларимдан ўқидим...





Шу кундан бошлаб, устоз мактабидан таълим ола бошладим. Ота билан бирга тез-тез колхоз-совхозларда бўлиб, меҳнаткашлар орасида адабий кечалар, учрашувлар ўтказиб турар эдик.

Ислом шоир – қалби дарё бахши эди, кун ботгандан тонг отгунча дoston айтиб тингловчиларни ўзига шундай жалб қилиб олардики, улар тун бўйи мижду қокмасдан, қийшаймасдан эътибор билан дoston тинглаганларини, дostonдан завқ олиб, ичак узилди бўлиб қулишганларини, дostonнинг гоҳ шикастли ерларида юм-юм йиғлашганларини кўп марта кўрганман. Ислом отамнинг дostonчилиқ махоратига қойил қолганман.

...Устоз бир кун менинг бир машқий шеъримни кўриб:

– Шеърни бундай бўш қилиб, қип-қизил гўшт қилиб, думи юлинган қуш қилиб, шеър юрагини қиш қилиб ёзма! Шеърни соз қилиб, коматини ғоз қилиб, кўлини дароз қилиб, келинчакдай серпардоз қилиб, худди дор устида ўйин кўрсатаётган дорбоз қилиб, оҳангини дўмбирага мос қилиб, ширасини кўп, сувини оз қилиб, шеър кўнглини баҳор-ёз қилиб, бургутдай баландпарвоз қилиб ёзгин, шеър қудуғини юрак билан қазгин, – деди.

Кейинчалик дўмбира чертиб термалар, дostonлардан парчалар айтишни машқ қилиб, бахшилиқ сирларини ҳам ўргана бошладим.

...Бир кун, бир ўзим уйга кириб олиб, уйни устимдан бекитиб, дўмбирани варанглатиб чертиб терма айтаётганимни Ислом отам дахлизда туриб тинглабдилар. Мен терма айтиб бўлгач, ота жилмайиб уйга кириб:

– Ёдгор бахши, ҳорманг энди, терма айтиб толманг энди, дўмбирадан қолманг энди, бундан буён ўзингизни қоронғи уйга қамаб олманг энди, деб қофия-хазил билан мени роса қулдирди, кўнглимни тоғдай кўтарди.

...Ислом ота бир кун мендан:

– Ҳой Ёдгорвой, тоқайгача юрасан бўйдоқ, гиёси йўқ чўлдай яйдоқ, энди сен ҳам излаб топгин биронта бодомқовоқ, бобонг совчиликка борсин боғлаб белига тўртта белбоқ, – деб қолди.

Шундан сўнг, менинг ҳам пайтавамга қурт тушиб, у ёққа чопдим, бу ёққа чопдим, яқинга чопдим, узокка чопдим, охири Биби Муаззам деган бир нари рухсорни топдим, шу кизга совчи бўлиб боришликни Ислом отамга ортдим.

Ислом ота қизнинг ота-онасини кўндириб, ишни кўнгилдагидан ҳам аъло қилиб дўндириб қилиб, менга:

– Мана энди, ўғлим, олдингда гурқираган тўйинг бор, мирзатеракдай бўйинг бор, маъракани ўтказишга қандай ўйинг бор? Тўйга сўяман, деб боқиб юрган қанча қўйинг бор? Келинлошшани тушириб жойлаштирадиган қайси тиллақори уйинг бор? – деб қолди.

Мен:

– Биласиз-ку менинг отим Ёдгор, сағир ўсанман отамдан кўрмай дийдор, менда на уй бор, на қўй бор, фақат манаву сиз берган кўнғир ёл

дўмбирада жаранглаган куй бор, манов коғозларда хом-хатала шеър бор, – деб устоз билан роса кулишиб олдик.

Ислом отам тўйни ҳам, кўйни ҳам, уйни ҳам, тўйда бўладиган куйни ҳам ўз зиммаларига олиб, мени Биби Муаззамга уйлаштириб, ўзининг бир уйини безатиб-тузатиб, бизларни ўрнаштириб қўйди. Хурматли устозимнинг шарофатлари билан хотинли бўлиб олдим, етти фарзандга ота ҳам бўлиб қолдим... Устози бузрукворим -- Ислом шоир Назар ўғли шундай қилиб, менга фақат устоз бўлибгина қолмай, оталик ҳам қилган эдилар.

Бир кун Ислом ота билан иккаламиз бир қолхознинг йўлида кетаётсак, ариқдан сув тошиб чиқиб, йўлни босиб кетибди. Нарирокда бир кампир сигир етаклаб юрган экан, Ислом ота у кампирга қараб:

– Ҳой мома, манави сувни ғўзага қама, -- деди.

Шунда:

– Йўлни сув босса менга нима, бор йўлингдан кома, керак бўса сувни ғўзага ўзинг қама, – деганча мома ўз йўлига кетаверди.

Шунда Ислом ота менга:

– Кампирнинг гапидан ҳайрон бўлма ўғлим, бу юртларнинг кампирлари бахшидан ҳам ўтган қофиячи бўлади. Агар буларга ўйламай биров нарса деб қўйсанг, балога қоласан, айтишолмай шарманда бўлиб, чапагингни чалиб қоласан, – деди...

Ота ҳар замон-ҳар замонда “қиттак-қиттак” қилиб ҳам турар эдилар. Бир кун у киши уйга ширакайф келиб хотинига:

– Ҳой хотин, мени бугун улфатларим йўлда тутди, ичмайман десам ҳам, зўрлаб тутди, эринг ҳам ноилож ютди, ютганим етти пиёлага етди, мазам кетди, кўзим тепамга битди, қозонга соливор икки кило этти! – деганлари ҳамон ёдимда...

...Бир кун Ислом отадан Нарпай район раҳбарларидан бири:

– Ислом ота, сиз эл-юртга машҳур кекса шоирсиз, ҳаётни мепдан ҳам кўра чуқурроқ биласиз, айтинг-чи, бутун бир районни қандай қилсам тузукроқ бошқараман? – деб маслаҳат сўради.

Ислом ота шунда:

Район ҳам бир оилага ўхшайди, оилада қанча жон бўлса, оила бошлиғининг ақли ҳаммасиникидан ўтқир бўлса, оила аъзолари унга итоат этади, унинг измидан чикмайди. Агар оила бошлиғининг боши яхши ишламаса, оилада тартибсизлик бошланиб, парокандаликка учрайди. Шунга ўхшаш, сизнинг ҳам ақлингиз, фаросатингиз райондаги ҳамма кишидан устун бўлса, ишингиз “беш”, кўнглингиз хуш бўлади! – деб гапни кулгуга айлантирди.

Ислом шоир бир оламжаҳон эди, десам хато қилмайман. Бу улкан бахши ҳақида том-том китоблар ёзса арзийди. Устоз ҳақидаги менинг хотираларим – денгиздан қатрадир.

Ҳам устоз, ҳам ота

1943 йили фронтдан ярадор бўлиб қайтдим. Келсам, болалар билан нуронийларни айтмаганда, эркакман деганнинг ҳаммаси фронтга жўнаб кетган. Қолган айримлари ҳам фронт орқасини мустаҳкамлаш, шу ердан душманга зарба беришга сафарбар. Келишим билан Ислом отани суриштирдим. Ота Фарҳод ГЭСи қурилишига жўнаб кетган экан.

Ўша пайтларда Нарпайда Садин Рўзиев райком секретари (“Иттифок” колхозининг “Қорасийроқ” қишлоғидан), Абдулла Каримов эса, райисполком раиси (ҳозир Самарқандда яшайди, шахсий пенсионер) бўлиб иш олиб боришаётган эканлар.

Мени Абдулла ака чакириб, Фарҳодга одам олиб бормайсизми, деб қолди. “Борамиз” дедим дарҳол. Отани кўраман, деб хурсанд бўлиб кетдим. Оқтош қишлоқ Кенгашига боришимни, у ердан одам олиб, жўнашимни айтишди. Оқтош қишлоғига борсам, Мўмин Тўраев (қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси), Эшмамат Тошматов [колхоз раиси] кишиларни тўплаб туришган экан. Боришим билан мени йиғилган ҳашарчилар билан таништириб, керакли йўл-йўриқлар беришди.

Ўша кезлари транспорт етишмасди. Шу сабабли дарҳол Фарҳод ГЭСи қурилишига жўнаб кетишимиз кийинроқ бўлди. Эртаси куни поезд билан Фарҳодга жўнаб кетдик.

Биз Фарҳод қурилишига етиб борганимизда, ўрток Усмон Юсупов Фарҳод қурилиш трассасида қапта мажлис ўтказаятган экан. У киши сўзлаётиб, Гитлерни кўршапалакка ўхшатиб кетди.


– Кўршапалак йўлидан адашиб, кўрлигича ўлиб кетади, – деди у, меҳнаткашларга қараб, – сизнинг қилаётган ишларингиз душманга зарба беришдир. Сиз Фарҳод ГЭСини қуриб, нур билан чароғон ҳаёт яратаётирсизлар. Душман билан бамисли фронтда жон бериб, жон олаётган енгилмас жангчилардек жанг қилаётирсиз. Душманни, албатта, янчамиз. Бизнинг йўлимиз ҳақ йўл – ойдин йўлдир, – деди ва Ислом отани минбарга таклиф қилди. Ислом ота қўлида дўмбираси билан минбарга чиқиб, терма айта бошлади...

...Йиғилганлар ҳаяжонланиб, қарсақ чалиб юборишди. Шундан сўнг илғор ишчиларга мукофот ва байроқлар топширилди.

Ғала-ғовур орасида минбардан тушиб келаётган Ислом отага яқинлашдим.

– Ота!

Ота мен томон қайрилиб қаради. Қутмаган экан шекилли, бир оз тўхтаб, тикилиб қолди. Сўнгра қучоқ очиб, мен томонга икки-уч кадам ташлади.



– Ўғлим, қанотим.

...Мен Октошда Ислом ота билан бир кўчада (ҳозирги Ислом шоир Назар ўғли номидаги кўча), ёнма-ён кўшни бўлиб кўп йиллар бирга яшадим. Ислом ота менга ҳам устоз, ҳам ота ўрнида жуда кўп яхшиликлар қилди. Бугунги бахтиёр замонамизда қай даврада кўлимга дўмбира олиб куйлай бошласам, Ислом ота яхшиликлари ёдимга тушади, унинг ишончини жиндай бўлса-да, оқлаётгандай бўламан.

Ўша кунги учрашувда у менинг елкамни силар, ўз ўғлидай бағрига босиб ҳол-ахвол сўрарди. Бир оздан сўнг менинг одамлар олиб келганимни эшитиб, янада хурсанд бўлиб кетди ва:– Энди ёнимда бўласан, қўлингга қалам ол! Наманганлик Ҳайит полвон ҳам шу ерда. Шу полвонга атаб бир шеър айтгандим. Шуни оққа кўчирамиз, – деди-да, айта бошлади. Мен эса басма-бас ёза бошладим.

Плани бўлса бир юз,
Бажарар экан уч юз,
Халқ олдида ёруғ юз,
Чаккон экан Ҳайитбой.

Ишда ўзин кўрсатиб,
Элга доврўғ солай деб,
Меҳрим она-Ватан, деб,
Ишлар экан Ҳайитбой.


Душман бўлади яксон,
Эшит шаҳрим Намангон,
Тинчлик бўлади замон,
Дейди полвон Ҳайитбой.

Шу жойдан ГЭСни куриб,
Гитлер ҳолин куриптиб,
Мен Фарҳодни тирилтиб,
Кўрай, дейди Ҳайитбой.

Ислом отанг балли, дер,
Душман тишлар қаро ер,
Бу йўлимиз ойдин дер -
Сенга раҳмат Ҳайитбой.

Ислом ота шеър айтди,
Қилич котиби битди,





Тинчлантириб эл-юртди,
Шод яшаймиз Ҳайитбой.

Шундан сўнг Ислом ота Ҳайит полвонга бағишланган шеърини йиғилганларга ўқиб бериб, ишчиларнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат кўшди.

Шу тариқа Ўзбекистоннинг Фарғона, Наманган, Бухоро, Тошкент, Самарканд областларидан борган ҳашарчи-қурувчиларга ўзининг дoston, қахрамонона ҳамда турли термаларини ўқиб бериб ғайратлантирди. Ишлар кизигандан кизиб кетди. Катга Фарҳод канали ва Фарҳод ГЭСи бунёд этилди. Фарҳод билан Ширин орзуси амалга ошди.

Ўзбекистон халқ шоири Ислом ота кеча-кундуз ишчилар орасида бўлиб ўзининг жўшқин термалари билан меҳнаткашларни улуғ ишда фидокорликка, ватанпарварликка ундади. Улар ҳақида ўнлаб шеър, dostonлар битди.

Юқорида тасвирланган ҳаётий лавҳалар Ислом ота ҳаётидан бир лавҳадир. Унинг фашист газандаларига қарши битган шеърлари, ўз ўғли Бобоқулжонни урушга кузатаётганда айтган сўзлари ҳамон киши қалбида душманга нафрат, элу юртга муҳаббат туйғуларини уйғотади.

Ҳа, ота, ўз номи билан Ота эди. Мен учун ҳам ҳамisha ота, ҳам табаррук устоз бўлиб қолди.

ДЎМБИРАМ

Қопқоғинг теридан, дастанг гужумдан,
Сухбатинг шириндир асал, узумдан,
Ҳеч қолмадинг дўстлар билан базмдан,
Йигитларга ҳамдам бўлган дўмбирам.

Устанг сени теша билан йўнувди,
Чалганида булбул келиб қўнувди,
Куйингга маст бўлиб қўнғлим тўлувди,
Шўх кизларга малҳам бўлган дўмбирам.

Билимимиз ҳатто кўкларга етди,
Ракстамиз ойдан ҳам ўтиб кетди,
Тинчлик бўлсин дебон эллар хат битди,
Тинчлик учун овоз берган дўмбирам.

Қилич Шукур куйлар элнинг шонини,
Ватан учун аямайди жонини,
Эъозлаб Ватанни – жонажонини,
Хур замоннинг ғаштин сурган дўмбирам.

Отам ҳақида

Отам вафот этганида мен жуда ёш бола эдим, ёш бўлишимга қарамасдан баъзи нарсаларни ҳали-ҳали эслайман.

Отам жуда хушчакчак, дoston айтишга мохир, хушмуомалали киши эди. Мен қанчалик шўхлик қилиб, халакит берсам-да, пешонамдан ўпиб, эркалаб тагин думбирасини чертиб айтаверарди. Қечкурун барчамиз ухлагани ётардик. Аммо отам алламаҳалгача нималарнидир минғирлаб, гапириб чиқарди. Энди тушунсам, отамнинг хат-саводи йўқ экан. Кечаси билан ижод қилиб, ўйлаб, ўйлаганларини ҳаёлига жойлаб чиқар экан.

Эрта билан дўмбирасини қўлига олиб, кечкурун ўйлаганларини яна такрорлар эди. Мен бўлсам дўмбира пўпакларини ўйнаб отам ёнидан кетгим келмасди. Онам жойларни йиғиштириб, уйни супура бошлар, отам эса супурилган жойга ўтиб айтишда давом этаверарди.

Бир куни Эргаш акам билан дўмбира устида тортишиб қолдик. Шунда отам менга акамдан дўмбирани олиб бериб: “Қани, ўғлим, битта айтиб бер кани”, – деди.

Шунда мен дўмбирани ўз хоҳишимча тиринглатиб “Балогардон” достонидаги:


Момам қиз бўлди, қиз бўлди,
Момам қиз бўлди, қиз бўлди,
Қозонга тушиб, жиз бўлди, –

деб айтибман. Шундан сўнг отам менга ҳам кичкина дўмбирача ясаб бергани эсимда.

Бир куни отам менга дўмбирасини бериб, ўғлим тоғанларга битта айтиб бер, – деди. Даврада кимлар бўлганини эслай олмайман. Дўмбирани диринглатиб “Алпомиш” достонидан Алпомишнинг чоҳдан чиқиб келаётганида, синглиси Қалдирғоч ойимнинг нор туяни “Ҳала!” деб қайтаролмай, бўзлаб айтган сўзларидан бирикки оғизгина мундай деб айтган эдим:



Исломо шоир Назар ўғлининг фарзанди, Ўзбекистон халқ бахшиси Зиёдулла Исломовдан фольклоршунос олим Олимжон Қаюмов халқ термаларини ёзиб олмоқда.
2015 йил.



“Хала!” дейман, харвона, халая,
Мен бошингдан парвона, халая,
Бу танг билан бирдан-а, халая,
Ошиб кетдинг кирдан-а, халая,
Қарамайсан, кўрмисан, халая,
Кулни эгам дермисан, халая.

Отам айтганимдан хурсанд бўлиб, дўмбирасини қайтариб олиб, “Алломиш” достонини бошлаб юборгани кечагидай эсимда. Бир оқшом отам улфатлари билан дарахт соясида сўзлашиб ўтирган эди. Ўша вақтлари ховлимизда мевали дарахтлар кўп эди. Менга отам кичкина болалар учун ясалган қўштиғ милтиқча ҳадя этган эди. Мен шу милтиқчани кўтариб чиқиб дарахтда ўтирган қушларга қараб, “кўзлаб” оғзим билан “бах!” деб отган киши бўлдим. Шунда қўшнимиз, мархум Сафар тоғам онамга: – Опа, иккитаси тушди, олинг, – деди хазиллашиб. Шунда мен ўйламай-нетмай: – Икковини ҳам сиз олаверинг, менга керак бўлса яна отиб оламан, – дедим. Ўтирганлар ҳаммаси кулиб юборишди. Отам мени эркалаб: – Баракалла, ўғлим! – деб пешонамдан ўпиб қўйди. Мен ўйнагани далага чиқиб кетдим.

Уйимизга Тошкентдан бир аёл келганлиги яхши ёдимда қолган. Отам дoston айтар, у киши ёзиб олар эди. Мен ўша аёлни, амма, деб атардим. Кейин билсам, у аёл ҳурматли Музайяна Алавия опамиз экан. Мени жуда яхши кўрарди, эркалатарди. Тошкентга қайтаётганида эса, менга жажжи ҳамёнчасини эсдаликка ҳадя қилгани ёдимда.

Отам вафот этганида мен олти яшар эдим. Уйли-жойли, бола-чақали бўлиб, эл хизматини оқлаб келаётганлар қаторида эканлигимиздан бахтиёрман. Отам айтган дostonлар, отамнинг шеър ва термалари китоб холида халқ адабий хазинасига айланиб қолганидан, отам хотирасини абадийлаштириш йўлида амалга оширилаётган афсонавий ишлардан бошимиз кўкда.


Мен эса курувчилик касбига меҳр қўйиб, ҳам ота мерос дўмбирани кўлдан қўймай келаяпман.

Саъдулла бахши Хушвақтов

Ҳамиша ёдимда

Устозим Ислom шоирни ёшлигимда кўп эшитар эдим. Матбуотда чиққан қўшиқ, терма, дostonларини ўқиб завқланар эдим.

У киши билан учрашишим биринчи марта Нарпай районидаги, Қорасийроқ қишлоғидаги чойхонада бўлди. Кечкурун ишдан уйга келсам, колхознинг чойхонасига машҳур дostonчи Ислom шоир келди,



деган хабарни эшитдим. Клубга киришим билан дўст-ўртоқларим мени куршаб олиб, “Саъдулла жўра, Ислом шоирнинг дўмбираси сахнадаги стол устида турибди, бобонинг дўмбираси билан бизларга ўзинг куйлаб юрган термаларингдан 1–2 та айтиб бер”, деб қўйишмади. Уларнинг раъйини қайтармай, дўмбирани қўлимга олиб, ўз билганимча дингиллатиб чалиб, “Алпомиш”, “Ширин билан Шакар” дostonларидан ўрганган термаларимдан шўхлик қилиб, айтавердим. Билмайман, анча вақтдан кейин кўзимни очиб карасам, керосин лампа ёруғида, чойхона йўлагидан Ислом шоир келаётибди.

Ирғиб ўрнимдан туриб, мабодо уришиб-пуришиб қолмасинларда, деб дўмбирасини ўз жойига қўйиб, сахнадан тушиб, салом бердим, у киши билан эскидан танишлардай кўришдим. Мен билан саломлашиб бўлганларидан кейин: -- Ўғлим, сенинг шоирликка ишқинг бор экан, – дедилар. Бу гапларидан димоғим чок бўлди. Яна менинг қўлимни қўймасдан ўзлари билан бирга сахнага олиб чиқиб, яна битта терма айтдириб кўрдилар-да:– Ўғлим, мен сени раисдан сўраб, уйимга олиб борсам, шоирликни, дўмбирани ўрганиб, менга шогирд бўласанми? -- деб қолдилар.

– Хўп бўлади, шоир бобо, -- дедим.


Орадан яна бир йил ўтгандан кейин, 1949 йил ёз ойларининг бирида почта оркали хат юборибдилар. Хатни олиб раиснинг олдига кирдим.

– Майли, ўғлим бор. Ислом ота сени шогирдликка чақирган бўлса, бора қол,– деб раис ижозат берди.

Мен 1949 – 1950 ўқув йилини Ислом шоирга ҳам шогирд ҳам қўлимдан келганча шеърларини ёзиб олиб отанинг уйи яқинидаги А.С.Пушкин номи ўрта мактабда 10-синфни битирдим. 1950 йилнинг охирларигача ота билан бирга ишладим.

Қолхоз, мактаблардаги адабий кечаларга чиққанимизда мен отанинг таржимаи ҳолидан бир оз гапириб, сўнгра отанинг шеърларидан 3–4 тасини ўқиб, отага навбатни берар эдим.

Сўнгра, отанинг терма ва дostonларини тинглаб, “Алпомиш”, “Зулфизар билан Авазхон” каби дostonларидан айтиладиган термаларини ўрганиб олдим. Ота ҳеч қандай гапни қофиясиз гапирмас эди. Қўнларнинг бирида бир қишлоққа бордик. Идорада қоровулдан бошқа ҳеч қим йўқ. Соат ўн бирларда борган бўлсак, иккигача идоранинг чорпоёсида ётдик. Чамаси, соат икки яримларда Остон бобо Хидиров – қишлоқнинг ҳосилоғи келиб қолди. Остон бобо саман отидан тушиб, уни қоровулга топширди, этигининг қўнжига қамчи билан салмоқлаб уриб, келдилар. Ислом отам салом-алиқдан кейин: – Ҳосилотмисиз, Хидиров Остон. Ҳеч идорадан хабар ҳам олмас экансиз, идорага келганимизда чошғоҳ эди. Бу



ерда на бир чойнак чой бор, на бир бурда нон. Келганимиз йўк бу ерга қастдан, шогирд икковимиз гапхона қилиб, тўйиб ётибмиз носдан, – деб нос қовоқларини кўрсатдилар. Шунда устозимнинг гапга чечанлигига, танқидий сўзларни келиштириб гапиришига яна бир бор тан берганман.

ДЎМБИРАМ ТАРИФИ

Зиёдулла укам сенинг устангди,
Берузадан ясади коса-дастингди,
Зеб бериб, созлади ичу ростингди,
Шу уста қўлидан чиққан дўмбирам.


Мен кўшиқ айтаман, тўйларда жўшиб,
Ярагган куйингга овозим кўшиб,
Терма айтиб, сўнгра дostonга тушиб,
Дилхушликдан доим сўйла, дўмбирам.

Сени кўрган киши ҳайрон қолади,
Томоша қилгани қўлга олади,
Сайрасанг куйингга қулоқ солади,
Шўх куйинг-ла элни бўйла, дўмбирам.

Ватаним кун сайин обод бўлмоқда,
Фазогирлар самони забт этмоқда,
Фалак гирдин айланиб, ойга қўнмоқда,
Зўр техника даврин куйла, дўмбирам.

Сен яралдинг гўзал Октош элида,
Куйинг мудом шоирларнинг дилида,
Булбулдай сайрайсанг эганг қўлида,
Доим тинчлик куйин куйла, дўмбирам.

Ободлашиб бормоқдадир Нарпайим,
Шу ер менинг униб-ўсган юрт-жойим,
Саъдулламан, Ватаним таърифлайин,
Мавжинг келиб, куйла-куйла, дўмбирам.



Отам хакида

Отам сахий, очиккўнгил, меҳмондўст киши эди. Бизга доим насиҳат қилиб:

– Болаларим, қўлларингдан қайда, қанака яхшилик келадиган бўлса, аяманглар, қўлларингдан келгунча яхшилик қилиш пайида бўлинглар. Ичиқора бўлманглар. Бир майиз топсанглар, қўи билан бўлишиб енглар, – дейгучи эди.

Урушдан кейин, тинч қурилиш даврининг дастлабки йиллари ҳам қувончли, ҳам серташвиш йиллар бўлди. Барчанинг зиммасига катта юмушлар юкланган эди. Отам битта нони бўлса, қўчамиздаги кишилар билан бўлишар, кишиларга ҳам меҳнати, ҳам қўлда дўмбираси билан замонавий терма ва дostonлар айтиб мадад бўлишдан чарчамасди. Дастурхонимиз атрофида ҳамиша ўн-ўн беш киши давра қургувчи эди...

Отамнинг илҳоми кўпинча тонгда ва кечқурунлари келар, шу паллаларда дўмбира чертиб қуйлашга майил сезгувчи эди. Эрталаб бизлар ҳали ширин уйқудалигимизда отам ҳовлипи бир айланиб келар, сўнг дўмбирасини бир майдон тингиллатиб, кўзларини юмганча, хаёлга чўмар, сўнгга эса катта пиёладаги қўк чойдан бир хўплаб оларди-да, оҳиста ва вазмин айта бошларди. Термалар ҳали котиблари томонидан оқ қоғозга туширилмай туриб, отамнинг ёдида неча бор қайтарилар, дўмбира қуйига ҳамоҳанг сайқал тонар, “пишар” эди. Қоғозга тушгунга қадар давраларда неча бор айтиларди.

Отамнинг шеър ва дostonларини ёзиб олиш учун сафарбар қилинганлардан ҳозирда таниқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадийни, Собиржон акани, Музайяна опамизни, марҳум Қудрат Ҳикматни жуда яхши эслаб қолганман. Отам котибларига шеър ва дostonларини, асосан, кечқурунлари айтиб ёздирар эди.

Баъзан шундай ҳолнинг гувоҳи бўлардим. Котибларидан бирортаси отамдан нимадир ёзиб олаётган бўлар, бир маҳал отам таққа тўхтаб, ижод жараёнини у ёки бу мавзудаги суҳбатга айлантириб юборар ёки бир юмуш билан андармон бўлиб кетарди. Шунда котибнинг кўнгли тўлмай:

– Отахон, шу энди чала қолмасин, охирига етказиб қўяйлик, – дегани-деган эди. Отам эса:

– Йўқ, болам, ҳозир париларим руҳсат бермаётирлар, – дея қулиб қўяр, бундан ўзгаларнинг дили ҳам равшан тортиб, кўнгиллари тўларди.

Отам менга кўпинча: – Қизим, ҳадемай айтганларимни ўзинг ёзиб олаверадиган бўласан, шундай бўлгани маъқул. Нега десанг, сен ёнимдан доим жилмайсан. Кўпинча кўнгил қурғур қайнаб тошганда ёзиб олгувчи ҳеч ким бўлмайди, – дегувчи эди.





Шундай қилиб, мен бешинчи синфдалигимдаёқ отамнинг шеър ва термаларини ёзиб ола бошлаган эдим. Отам менга бирор нарса айтиб ёздиришдан аввал газета, журналларнинг янги сонларида нима янгиликлар бўлса, ўқиттириб, обдон мағзини чақар, муҳим гаплар чиқиб қолса қайта ўқиттирар ва ўша тинглаб уккан воқеага жавобан, зумда бадий, таъсирчан мисраларни тўкиб ташларди. Қўшиқ термаларни ҳақиқатдан тез тўқир эди. Жўшиб-тошиб тўқирди. Қўлида дўмбираси билан гўё бирга ҳаракат қилар, ёзиб улгуролмай қоларди киши. Отам айтаётганларини яна бир неча бор қайтаргач, ёзиб олиш бир маромга тушарди.

Мен бир нарсадан ҳали-ҳануз ҳайратга тушаман. Киши бирор кичик шеърни ҳам ёдлаш учун камида ўн-ўн беш бор қайта ўқиши, такрорлаши керак. Отам бир сира айтиб чиққан янги асарини иккинчи қайта айтишдаёқ, сира адашмай, мисралар ўрнини адаштирмай, балки аввалгисидан ҳам куймароқ қилиб куйлагувчи эди.

Боя айтганимдек, отамнинг замонавий терма ва дostonларининг аксарияти газеталардан ўқиттириб эшитган янгиликлар таъсирида, ҳозиржавоблик билан яратилган. “Биз тинчлик тарафдоримиз”, “Тинчлик бўлур барқарор”, “Улфатхон”, Нозим Ҳикмат ҳақидаги “Тинчлик жарчиси” дostonи ана шундай жараёнда ёзилган.

Отам кўпинча қашқадарёлик шоғирди Зоҳир бахши билан дўмбира чалиб, терма-dostonлар айтишиб турарди. Буни ўзлари ҳам “айтишув” дер эди.

Отам айтаётганда dostonдаги воқеаларга қараб ҳам овозини, ҳам ҳаракатларини, ҳам дўмбираси оҳангини ўзгартириб бораверарди. Ғамгин ўринларда оҳанглар вазни сеҳр билан оқар, отамнинг гавдаси ҳам қандайдир сирли бир жумбоқка айланар, қошлари ғалати чимирилар, атрофни салобатли бир руҳ қамраб олар эди. Шўх, шодиёна ўринларда бўлса, отамнинг қошлари бирданига ўзгача бир нафислик касб этиб чимирилар, кўзларида ажиб бир сузгулик, ажиб бир бахшиёналик жиҳва қилар, кифтлари гўё дўмбира билан учаётгандек бўлар эди...

Отам жуда кўпларнинг кўз ўнгида худди шундайлигича, ана шундай жўшқинлиги ва ҳозиржавоблиги, одамохун, қалби дарёлиги билан нақшланиб қолган.

Мамай бахши

Устоз шоир

1943 йилнинг баҳорида Тим кишлоғида “Шоир келди, шоир келяпти”, деган овоза тарқалди. Отам икки кундан сўнг шоирни уйга бошлаб келди. Мен кеч пайти қўйларни ҳайдаб келиб, қўтонга шоша-пиша киритдим-да, югурганча уйга келдим.



Бизникида тумонот одам йиғилган, шоир супа четида, дўмбира қўлида, унинг ёнбошида зағчадай қоп-қора, озғин киши ҳам бор эди.

Хамманинг қулоғи шоирда. Аввал шоир бобо Каттақўрғон, Жарқудук, Сепки, Қўрғонча, Хужум қишлоқларида бўлганлигини, хаммасидан ҳам Тим гўзал қишлоқ эканлигини, одамлари ҳам жуда меҳмондўст эканлигини айтиб турарди.

Мен у кишига яқинроқ туришга уриндим, бироқ, иложи бўлмади. Ховлидаги қўтонда олти қўй, етти эчки-улокни кўрдим. Сўнг билсам, бу қўй-эчкиларни шоирга тортиқ қилишган экан.

Тонг пайтигача бизникида шеърхонлик, дostonхонлик авжига чиқди. Болалардан айримларгина ухлаб қолишди, холос. Қолганлар мижжа қокмай, шоир дўмбираси оҳангида тонггача тебраниб чиқишди. Менга, айниқса, унинг дўмбираси ва “Дўмбирам” ғазали жуда маъқул тушди. Шоир кейинги кунлари хамсояларимизникига ҳам ўтиб, давраларни қизитди. Мен у кишидан айрилмай юришдан фахрланадиган бўлдим.

Бироқ, қўйларни боқиш менинг зиммамда эди. Эрталаб уйкуга кетган эканман, отам уйғотди. Ювиниб, эрталабки нонуштадан сўнг отарга тайёр бўлдим. Отам: “Бу эчки-қўйларни ҳам отарга олиб бориб қўш, шоир бобонгники”, дедилар. Отарга элтиб қўшдим. Отамга: “Шоир бобо менга ҳам дўмбира ясаб берса, боқавераман”, дедим. Кеч маҳал келсам, уйда бир дўмбира деворда илинган турибди, қувониб кетдим. Лекин чертолмасдим. Икки йилдан сўнг, уруш тугагач, Ислom шоир бир нотаниш киши билан бизникига кириб келди. У киши менга дўмбира чалиш сирларини уч кун ўргатди. “Ҳеч кетмаса” дер эдим ичимда уларни.

Шундан буён дўмбира чертаман, қўй боқаман, бўри овлайман. Мени “бўри овчи” ҳам дейишади одамлар. Ўлжага тушган бўриларни отарларга олиб бораман. Чўпонлар мени сийлашиб, дўмбира черттириб, устоз Ислom шоир термаларидан, дostonларидан парчалар ҳам тинглашади ҳол-жонимга қўйишмай. Сўнг ўз термаларимдан айтиб беришимни сўрашади.

Дастлабки шеърим “Дўмбирам” дир. Ундан икки тўртлик келтираман:

Сени Ислom шоир тутқазди қўлга,
Шу устозим билан тушибсан йўлга,
Чертиб чиксам сафар, тўйларда элга,
Жаранглайвер, тиним билма, дўмбирам.

Куйла Мамай, сен ҳам бу хуш замонда,
Гул қўллардан баҳор яшнар ҳар ёнда,
Шу гулшани кўз-кўз айлаб оламга
Овозим жўр бўлишдан тинма, дўмбирам.

Биз, Ислom шоирнинг шогирдлари ана шу хуш замонамизнинг катта-кичик давраларига устозимиз нафасини элтиб юролсак, бахтиёрлигимиз шундадир.



ИЗОҲЛАР


“Эрали билан Шерали” достони”

“Эрали билан Шерали” достони Самарканд вилояти, Нарпай тумани Галақассоб қишлоғида яшаб ўтган атоқли халқ шоири Ислон Назар ўғлидан (1874 – 1953) ёзиб олинган тўққиз (“Орзиғул”, “Соҳибқирон”, “Қунтуғмиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Тулихиромон”, “Зулфизар ва Авазхон”, “Нигор ва Замон”, “Хирмон далли”) достоннинг биридир. Уни 1941 йилнинг июль ойида шоирнинг айтиб туриши асосида Г.М.Минсафин “Эрали ва Шерали” номи билан ёзиб олган. Г.М.Минсафин ҳақида маълумотлар сақланмаган. Бизнингча, у татар миллатига мансуб нарпайлик ўқитувчилардан бўлиши керак. Достоннинг тўлалигича ўша пайтда эндигина қабул қилинган янги имло – кирилл ёзувидаги ўзбек алифбосида ёзиб олинганлиги, ўрта-ўртада, тахминан 20-25 саҳифангиз лотинча имлода йозилганлиги, ора-сира баъзи сўзларнинг беихтиёр татарча талаффузда битилганлиги шундай ҳулосага асос беради.

Қўлёзма Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архивида 343-инвентарь рақами остида сақланади. У 55 та ўн икки варақлик ўқувчи дафтариди ёзилган бўлиб, умумий ҳажми 630 саҳифадан иборат. Матн дафтарлар варақларининг бир томонида жойлаштирилган. Ушбу нашр ана шу ягона қўлёзма (Г.М.Минсафин ёзуви) асосида нашрга тайёрланди. Достонни нашрга тайёрлашда унинг номини ўзгартириб, “Эрали билан Шерали” тарзида беришни лозим кўрдик. Чунки “ва” боғловчисига нисбатан “билан” биргаликни кўпроқ ифодалайди.

Бу ўринда Ислон шоирнинг достон ва термаларидан намуналар ёзиб олган зиёлиларни эслаб ўтишни лозим кўрдик. Чунки бу олижаноб инсонлар туфайли атоқли халқ шоирининг кўплаб асарлари бизгача етиб келди ва сақланиб қолди. Аммо бу олижаноб тўпловчиларнинг кўпчилиги ҳақида оддий биографик маълумотларнинг ҳам архивларда мавжуд эмаслиги кишини афсуслантиради. Шу сабабли, ҳеч бўлмаганда, уларнинг номларини ёзган мақола ва китобларимизда вақти-вақти билан эслаб туриш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архивида Ислон шоирдан ёзиб олинган тўққиз аънавий, уч замонавий достон ҳамда юзга яқин терма ва



шеърлар мавжуд. Архивдаги анъанавий ва замонавий дostonларни М.Афзалов (“Орзигул”), С.Аскарлов (“Гулихиромон”, “Сохибкирон”), О.Собиров (“Нигор ва Замон”, “Тигчлик жарчиси”, “Бахтиёр авлодлар”), М.Алавия (“Нарпайкахрамонлари”) каби фольклоршунослар, М.Гаврилов (“Зулфизар ва Авазхон”), Г.Минсафип (“Эрали билан Шерали”), М.Исломова (“Тоҳир ва Зухра”, “Хирмон далли”), Яхё Йўлдош (“Кунтуғмиш”) сингари фольклор тўпловчилар, терма ва шеърларни эса, Ҳоди Зариф, М.Афзалов, М.Алавия, С.Аскарлов, О.Собиров, М.Тошпўлатова, Қуддус Муҳаммадий, А.Тоғаев, Ғ.Бозоров, М.Гаврилов каби олим, ўқитувчи, шоир ва журналистлар ёзиб олганлар. Турли кишилар томонидан бахшидан ёзиб олинган, аммо ўз вақтида фольклор архивига топширилмаган, кимларнингдир қўлида қолиб кетган, айримлари эса, вақтли матбуотда чоп этилган намуналар ҳам анчагинадир. Бугунги кунда уларнинг ҳаммасини ҳам нашр этиб бўлмас. Қўплари мавсумий характерга эга бўлганлиги сабабли бунга зарурат ҳам йўқ. Аммо уларни имкон қадар тўплашимиз, фольклор архивига олишимиз, маълумотномалар тарзида жамоатчиликни хабардор қилиб туришимиз шарт. Шу жиҳатдан қараганда, таниқли шоир, раҳматли Отаёр Наҳоновнинг Ислom шоир ҳақидаги замондошлари хотираларини тўплаб, алоҳида китоб тарзида нашр этганлиги фольклоршунослик учун ғоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Атоқли фольклоршунос Музайяна Алавия шу китобга кирган хотирасида шоир ҳақида шундай ёзди: “Қўп хушёр, ҳаёт билимига эга, мушоҳадаси кучли, фавқулodда бадиҳагўй бу халқ дostonчиси хушчақчақ, дилкаш, суҳбати ибораю ҳикматларга бой бўлганидан сўзлари самимий, кишига шавқ-завқ бағишлаб, ўзига маҳлиё қилиб қўяр эди. Ундаги бу фазилатлар йўлга тушганида – дoston айтаётганида ҳам яққол сезилиб турарди: воқеалар баёнида, образлар тасвирида қаҳрамонлар ролига кириб, тингловчиларни дostonда кечаётган воқеалар оқимига тортиб кетарди. Бу воқеаларнинг қўпчилигидаги тингловчилардан баъзиларнинг турмушига, айримларнинг кўнглидаги ўй-фикрларига бевосита алоқадор ўринларни шоир шу қадар берилиб айтардики, провардида эшитувчилар дostonда кечаётган ҳодисалар ичига кириб кетганини билмай қолишарди. Дostonнинг қoфияли наср қисмлари ҳам, диалог, монологлар ҳам, қаҳрамонлар юришлари ва қизлар таърифлари ҳам, дўмбира билан қуйланган мусиқий оханг ҳам маънавий тайёрлиги бор ҳар қандай одамни ўз оғушига тортарди. Ҳатто бу таъсирчанлик шу қалар эдики, тингловчилар орасида ҳаяжонли қийқириқлар, воқеалар моҳиятига қараб беихтиёр хайрихоҳ ё норози овозлар эшитилиб, тингловчилар чехрасида гоҳ шодлик, гоҳ ғам аломатлари ошқор бўлиб қоларди” (Қаранг: Алавия М. У шундай эди // Ислom шоир замондошлари хотирасида. Тўпловчи: Отаёр Наҳонов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 31–33-бетлар).





“Эрали билан Шерали” достони биринчи марта 1967 йилда Т.Мирзаев томонидан нашрга тайёрланган ҳамда тахминан учдан бир қисми қисқартирилган ҳолда чоп этилган эди (Қаранг: Эрали ва Шерали. – Тошкент: “Фан”, 1967. – 200 бет). Қисқартишлар дoston хажман катта бўлганлиги сабабли нашриёт талаби ҳамда ўша даврдаги мафкуравий вазият тақозасига кўра, амалга оширилган. Бунда Оқилхон билан боғлиқ эпизодлар қисқартирилиб, дoston қахрамонларидан бири Шералининг Боғдод подшоҳининг қизи Офтобойга иккинчи хотин сифатида уйланиши, бу уйланишда биринчи хотин – Оқилхоннинг бош бўлиши китобхондан яширилган эди. Бунда нашрга тайёрловчи томонидан қандайдир сўзлар ёки боғловчи жумлалар қўшилмаган, балки қўлёзманинг ўз имкониятларидан фойдаланилган: айрим эпизодлар ўрни алмаштирилган, баъзилари тушириб қолдирилган, узундан-узок монолог ва диалоглар маъно-мазмунга ҳалақит берилмаган ҳолда қисқартирилган. Икки-уч ўринда Оқилхон исми Офтобой билан алмаштирилган. Шу сабабли ҳам китобни ўқиганда қисқартиришлар билинмайди ва улар умумий сюжет оқимиға зарар етказмаган. Қисқартирилган ўринлар уч нукта (...) билан қайд этилган. Китобга дostonнинг ўзбек дostonчилигидаги ўрнини кўрсатувчи сўнгсўз ва қисқача луғат илова қилинган.

1987 йилда Т.Мирзаев томонидан дostonнинг тўла равишда нашри иккинчи марта амалга оширилди (Қаранг: Эрали ва Шерали. Ўзбек халқ ижоди, кўп томлик. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 288 бет). Дostonнинг ушбу нашри асосида турк олими Селами Фидокор унинг турк тилига таржимасини амалга оширди ҳамда у 2009 йилда ўзбекча матни билан биргаликда Анқарада чоп этилди. Китобга Селами Фидокорнинг тадқиқоти ва матнга ёзган изоҳлари илова қилинган.





ИЛОВА

Таржимаи ҳол

Бу намунаи бахшилар репертуаридаги “Кунларим” номида мавжуд дoston ва термалар билан аралаштирмаслик керак. Бунда бахши ўз ҳаёт йўлини эпик репертуарни ўзлаштириш ҳолатлари билан боғлиқ равишда сўзлаб берган ҳамда шу тарзда ёзиб олинган. Бундай оғзаки хикоя таркибида бахшининг бошқалардан ўрганган ёки ўзи яратган термаларнинг бўлиши ҳам ана шундандир. Уни чиройли оғзаки хикоя намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Афсуски бундай намуналар, яъни бахшиларнинг ўзлари ўз ҳаёт йўллари ҳақида айтиб берган таржимаи ҳоллари ўзбек фольклоршунослигида деярли ёзиб олинмаган.


“Таржимаи ҳол” 1951 йилда Ислom шоирдан таникли фольклоршунос Охунжон Собиров (1920 – 1982) томонидан “Автобиография” номи билан ёзиб олинган. Бу ҳақда ёзиб олувчининг ўзи кейинчалик шундай эслаган эди: “Ислom шоир Назар ўғли ижоди бўйича кандидатлик мавзунини ишлашим аниқ бўлгандан кейин, у билан тезроқ учрашиш иштиёқи туғилди. 1951 йилнинг ёзида Нарпайга бордим... Ота мени очик юз билан қарши олди. Танишдик. Икки ҳафтача отанинг уйида туриб қолдим...”

Отадан дастлаб ёзиб олган материалим бу шоирнинг ижодий биографиясига оид қимматли маълумотлар бўлди. Гап шундаки, Ислom шоир ижодий фаолиятига унинг туркман бахшилари билан бўлган муносабати ҳали ёритилмаган эди. Биз унинг сафарда – Қоракўлда, Чоржўйда Отаниёз шоир билан ўтган мулоқотларини, ундан Махтумқули шеърларини ўрганиб, ёдлаб айтганларини аниқладик. Сўнгра, отанинг айтишича, туркман бахшиларидан ўрганиб айтган “Нигор ва Замон” достонини ёзиб олдик” (Қарапг: Собиров О. Отаҳон бахши // Ислom шоир замондошлари хотирасида. - 60–61-бетлар).

“Таржимаи ҳол” матини (О.Собиров ёзувлари) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архивида 1168-инвентарь рақами билан сақланиб келмоқда. Қўлёзманинг умумий ҳажми 26 саҳифа. Қоғоз бичими 22х35.

Матн ана шу ягона қўлёзма асосида нашрга тайёрланди. Нашрга тайёрлашда айрим қискартиришлар амалга оширилди. Қискартирилган ўринларга уч нукта қўйилди. Қискартиришлар асосан шоирнинг шўро ҳукумати ўтказган у ёки бу тадбирларнинг қуруқ мақтовига бағишланган





шеърлардан иборат. Шоирнинг “Таржимаи ҳол”и 1951 йилда ёзиб олинган. Бу йилларга келиб, унинг дунёкарашида шоирга биркирилган котиблар таъсирида туб ўзгаришлар юз берган. Шу сабабли унинг ижодида қуруқ ташвиқот характеридаги бундай шеърларнинг пайдо бўлиши табиийдир. Уларнинг кўпчилиги буюртма асосида яратилганлигини ҳам унутмаслик керак. Бунинг устига, бундай намуналарнинг кўпчилиги ўз вақтида вақтли матбуотда босилган ҳамда шоирнинг 1953 йилда нашр этилган “Танланган асарлар”ига (тузувчи М.Афзалов) киритилган ҳам. Шу сабабли қискартиришлар “Таржимаи ҳол”нинг умумий рухига таъсир этмайди.


Иккинчидан, О.Собиров “Таржимаи ҳол”ни ёзиб олишда бахшидан эшитганларини унинг талаффузида айлан эмас, балки ўзлаштириб битганга (ёзганга) ўхшайди. Унга бахши оғзаки путкига хос бўлмаган айрим сўз, ибора ва жумлаларнинг кириб қолганлиги шу билан изоҳланади. Шунга қарамай, “Таржимаи ҳол” мавжуд кўринишида ҳам бириччи манба, яққою ягона факт сифатида фольклоршунослик учун жуда катта аҳамиятга эга. Бунинг устига, Махтумқули ва Бердак шеърлари ҳамда Машрабнинг бир муҳаммасини муайян қайдлар билан “Таржимаи ҳол” таркибида ёзиб олиниши тўпловчининг бебаҳо хизмати дир. Улар бахшилар эпик репертуарининг бойиб бориши омилларини ўрганиш учун муҳим дир.

Махтумқули, Бердак шеърлари ёки Машраб муҳаммаси матний жиҳатдан уларнинг тўпламларидаги айна намуналарга тўла мос келмаслиги табиий дир. Бу нарса оғзаки ижродаги ўзгарувчанлик, бахшилар бадиҳагўйлиги билан изоҳланадиган ҳодиса дир.

Термалар

Бу иловада Ислом шоирнинг учта термаси берилди. Термалар бахшининг таржимаи ҳоли ва дoston куйлаш жараёни билан боғлиқ дир. Улар турли йилларда алоҳида-алоҳида ёзиб олинган ва Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архивида сақланади. “Дўмбирам” термаси 1940 йилнинг ноябрида фольклоршунос Мунисхон Тошпўлатова томонидан ёзиб олинган. Архивдаги инвентарь рақами 368, ҳажми 5 саҳифа дир. “Дўмбирам” термаси “Таржимаи ҳол” таркибида ҳам келади. Аммо улар орасида муайян фарқлар бор. Уларнинг ёзиб олиниш вақти орасида ўн йилдан кўпроқ вақт бор. Бу вариантлилиқ ва бахши бадиҳагўйлиги масаласини ўрганиш учун муҳим дир. Шу сабабли ҳар икки вариант ёзиб олинган ҳолида тўлалигича берилди. “Нима айтайин” термасини ҳам ўша йили Мунисхон Тошпўлатова ёзиб олган. Архивда 367-инвентарь рақами остида сақланмоқда. Ҳажми – 5 саҳифа. Архивда 1674-инвентарь рақами





остида сақланаётган уч саҳифалик “Борми жаҳонда” термасини шоирдан 1944 йилнинг 14 апрелида ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф ёзиб олган. Термалар архив материаллари асосида биринчи марта нашрга тайёрланди.

Ислом шоир хакида хотираларим

Таниқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий (1907 – 1997) 1941 – 1945 йилларда атоқли халқ шоири Ислом Назар ўғлининг шахсий котиби бўлиб ишлаган. Шоир вафотидан кейин у ўз хотираларини 1954 йилнинг 5 февralида ёзиб, Фольклор архивига топширган. 1167-инвентарь раками остида сақланаётган 8 саҳифалик бу хотиралар бахши ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш учун фойда муҳимдир. Мазкур хотиралар Қуддус Муҳаммадийнинг архивидаги қўлёзмаси (дастхати) асосида тайёрланди. Қискартирилган ўринларга қўй нукта қўйилди.

Ислом шоирнинг шогирдлари хотиралари

“Ислом шоир шогирдлари хотиралари” номи остидаги иловада таниқли дostonчи Зоҳир шоир Қўчқор ўғли (1920 – 2004) ва бир қатор бахшилар ҳамда шоирнинг кизи Мукаррам Исломованинг хотиралари, уларнинг айримлари шеърларидан намуналар берилди. Бу материаллар “Ислом шоир замондошлари хотирасида” китобидан олинди. Қаранг: Ислом шоир замондошлари хотирасида. Тўпловчи Отаёр Наҳанов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 48–59, 76–80, 88–90, 96–97, 104–106, 112–115 бетлар.

Саъдулла бахшининг “Дўмбирам таърифи” шеъридаги “Зиёдулла укам сенинг устангди” мисрасида Ислом шоирнинг ўғли Ўзбекистон халқ бахшиси Зиёдулла бахши Исломов (1947) назарда тутилмоқда. Чунки у ота касби–dostonчиликни давом этдириб келаётган бахшилардан бўлиш билан бирга дўмбира ясашда ҳам машхур бўлган усталардан бирidir.



ЛУҒАТ

- Абжил** – эпчил.
Адис – кичик (бахши изоҳи).
Адисар – бари бор.
Адок – тамом.
Айролмассан – айириб ололмассан.
Алвида – титилиб кетган; харобага айланган
Анжум – тўпланган, йиғилган.
Анжум беклар – бир жойда жам бўлган, тўпланган йигитлар.
Аппа –аён – жуда ҳам аник, кўриниб турган, аниқ-тиник.
Ар-ар – терак.
Ардоб – ириган сут ёки катик. Достонда сут маъносида келган.
Аўкал-дашқал – лаш-луш, ташландик нарсалар.
Ақлдор – фахмли-фаросатли. Ислом шоир достонларида ақлдор, кокилдор сўзлари қаҳрамоннинг кўчими сифатида қўлланилади.
Бадбок – бадковок.
Бадкарда – ярашмас, разил, ёвузлик килувчи.
Базарба – бакувват, забардаст; бир хамла билан қаттиқ зарба бериш (базарба урди).
Базўр – зўрға.
Байдоғ – байрок.
Бандибон – банди бўлганларни кўриқловчи. Ислом шоир достонларида бандибон, зиндонбан (зиндонбар) сўзлари аралаш қўлланилади.
Бебаркаш – беўлчов.
Бебок – бебахт, бахтсиз.
Бевақ – бевақт, вақтсиз.
Безабон – тилсиз. Достонларда хайвон, кўп ҳолларда от маъносида қўлланилади.
Берга – бу ерга.
Бердан – бу ердан.
Беруза – қайин дарахти.
Бесохиб – эгасиз. Достонларда баъзан жуда кўп маъносида қўлланилади (беҳисоб).
Бет – томон, томонлар.





Бехбуд – яхши.

Бехбудлик (беҳбиллик) – яхшилик.

Билахат – бидъат. Кўчма маънода ёмонлик, ёмон иш.

Бийи – биби, буви.

Бийрибор(берубор) – худо.

Бинойи – жуда яхши.

Бисёр – кўп.

Бисот – тўнланган мол-дунё; аёлларга тегишли зебу зийнат ва тақинчоқлар; у ёки бу шахсда мавжуд бўлган нарсалар.

Бо – яна.

Бовар – ишонч, ишониш, инобат.

Болупар – канот ва пар. Достонларда яқин киши, жигарбанди маъносига қўлланилади.

Бопти – лойиғи.

Бокқа – бу ёкка.

Бўсаға – остона. Достонларда шаҳар, қалъа, кўшк, ўтов кабиларга кириш жойи маъноларида қўлланилади.

Гаранг – қар. Достонларда телбасифат одамларга нисбатан қўлланилади.

Гардон – айланадиган, айланма. Достонда исм, Шералининг ўғлига Ҳамро боғбон томонидан қўйилган ном. Достоннинг ўзига: “Бинойи от. Шох бўлса, Шохигардон демокликка яхши” деб изоҳланган.

Гармок (гарма) – эртапишар қовунининг бир тури.

Гаштида – сўнгида, охирида.

Гузар – кўча; йўл.

Дароз – узун.

Даркиш – тиркиш.

Дастгир – қўлловчи, мадад берувчи; ёрдамчи.

Дахлиз – асосий уйга ўтиладиган қўшимча хона. Ичма-ич қурилган уйларга ташқаридан кириладиган биринчи хона. Одатда пойабзал ва уст кийимлари шу хонада ечилиб, асосий хонага (уйга) ўтилади. Анъанавий уйлар дахлизнинг бир бурчагида юз-қўл ювиладиган ҳамда ювиндилар чикиб кетадиган тарнов ҳам бўлган. Асосий уйдан ўтиладиган ичкарида яна бир хона бўлади. Бунга “мадон” дейилади. Мадонларнинг ховлидан ҳам кириладиган эшиги бўлган.

Дахмарла – чўпон, мол боқувчи; чўпонларнинг бошлиғи.

Доно гарошlamak – ўзини билимдон қилиб кўрсатмок.

Дора-дора – бошқа-бошқа.

Дузл (дузи) – ўғри.

Дуруғ – ёлғон.

Духтар – қиз бола.





Дучор – рўпара, тўкнаш.

Дўмбўйин – бўйшийўгон.

Дўржи – тўп, уюм, яхлит.

Ёкти (яхти) – ёруғ.

Жалловгар – ёлворувчи; сиғинувчи.

Жаҳаз – туянинг тўкими.

Жиги-жиги – эркалаш кийкириғи. Болаларнинг қулоғини чўзиб (ўйнаб) жиги-жиги, деб эркалаш, жиги-жиги қилиш. Достонларда ёрнинг қаҳрамонга нозу қарашмасини ифодаловчи, ҳар банднинг охириги мисраси таркибида келувчи кийкириқ-ундов сўзлар.

Жим-жим – юм-юм.

Жудолик – айрилиқ.

Жумур телпак – тақир телпак. Бошига қўй ёки эчки терисининг тесқарисини қоплаб, қалсифат бўлиб юривчиларни ҳам жумур дейдилар.

Жуфтипо – жуфтликнинг бири. Достонларда кўпинча хотинга нисбатан қўлланилади.

Жўр қилмоқ – дўмбирани созламоқ.

Жўйбор – кўз ёши.

Жўнармикан – ишим юришармикан маъносид.

Жўров – жўроб, супурги.

Заҳбар – сарғайган.

Зиёда – ортик.

Зимон – қафиллик.

Зиндонбар – зиндонбон.

Иби – ҳайрат ва таажжубни ифодаловчи сўкма сўз (ундов).

Илдай – олдин.

Иштиболи – шубҳали.

Йитик – йўқолган (қидирилаётган) киши.

Йитмоқ – йўқолмоқ, адашмоқ.

Кабзали – ўймали.

Кабзакар – ўймакор.

Каззоб (газзоб) – алдоқчи; ёлғончи; бетайин.

Кай – кейин.

Каппон – усти ёпик озик-овқат бозори.


Кас – киши, биров.


Кашал – узок юрт.

Кашал бўлмоқ – соғинмоқ, интизор бўлмоқ.

Кинойи – кинояли.

Кокилдор – кокили бор. Достонларда қаҳрамоннинг кўчими сифатида қўлланилади. Масалан, кокилдор деганда, Эрали ва Шерали тушунилади.





Кудравлик – дostonда меҳрибонлик маъносида келган.

Куламок – боғламок.

Куллан – хаммаси, бутунлай.

Кунжак – бурчак, бурчаксимон чекка жой. Кампиркунжак деган жой номи ҳам бор.

Кўкай – дил, кўнгил.

Кўлбар – тери тўрва.

Кўрпа – бир текис унган майса. Дostonларда ёш бола, ёш йигит маъноларида қўлланилади.

Лавал (лаванд) – лаллайган, бўш, шалвираган, бўшанг, ношуд.

Лахта – қуйилган; лаҳм. Суюк нарсанинг уюшиб (қуйилиб) қолган кўриниши. Масалан, лахта қон.

Лойиқат – лойиқ.

Малади кетмок – мадори кетмок.

Мамрап ухламок – тинч, осуда ухламок.

Мандирамок – довдирамок; сандирамок.

Манов – мана бу.

Мардум – одам, киши, халойиқ.

Машлуқ – номаълум киши.

Махтал – интизор.

Мирохўр – отбоқар.

Мудда қил – сабр қил.

Муноб – муносиб.

Мураса тож – қимматли тошлар билан безалган тож.

Мурда – майит, ўлган кишининг жасади.

Муфт – текин.

Муфтало (мубтало) – гирифтор, дучор бўлган; ошиқ бўлган; афтода.

Муччи – бўса, ўпиш.

Мўйитор – соч толаси.

Мўрамок – мўраламок.

Навода – мабода.

Наймит – ноумид.

Намакхўрд – туз тотган.

Наълат – лаънат.

Неклик – яхшилик.

Нечи нечаси.

Нехли-бехли – яхши-ёмонлик.

Нигин – узук.

Нор – анор.

Овдим – олиб эдим.





Палакат – ифлос.

Пано бўлмоқ – йўқ бўлмоқ; казо килмоқ.

Парк (фарк) – сочни икки томонга тараганда, очилган чизик (йўл), парк очмоқ.

Пинхон – яширин.

Пирдон – билимдон.

Пирок – учкур от. Аслан бурак бўлиши керак.

Порам – ёкимли.

Посид – ифлос.

Райкор – риёкор.

Раста – қатор, нарсалар кўйиладиган бир хил қаторлар, бозорларда дўконлар орасидаги йўлаклар.

Рой – хоҳиш.

Руворай – босим, кетма-кет, қаватма-қават.

Рўйрост (рўйирост) – тўппа-тўғри, дағал, очиқчасига.

Рўсиё (рўйиснёҳ) – юзи қора; шарманда, бадном.

Сабил – эгасиз. Сабил қолган – эгасиз қолган, эгасиз қолиб хароб бўлган.

Сайис – отбоқар, кўчма маънода ёрдамчи.

Салланинг сепи – салланинг печи.

Самовар – чойхона маъносида қўлланган.

Санжоб (санжов) – холи, тикилинч эмас.

Сар – бош.

Сертамиз – ақлли.

Сиддил – сидки дил. Достонларда нуқул, бир текис, ғадир-будирсиз маъноларида қўлланилади.

Сиёсар – аёл киши. Достонларда жабр кўрган аёлларга нисбатан қўлланилади.

Соб бўлмоқ – тугамоқ, тамом бўлмоқ.

Совлинг – солиб эдинг.

Соз – достонларда қурол-аслаҳа маъносида келган.

Соил (сойил) – савол сўровчи; қаландар.

Сувсин – чанқоқ бости.

Сул – фойда.

Сулукдор – солиқларга эга пир.

Суммаг (сумбат) – қад-қомат.


Сўзон – игна.

Сўзонгар – игначилар.

Сўгин – сўнг, сўнгра.

Табла – отхона.





Таковар – учкур от.

Талойим – толсим.

Танакор – ковуштирувчи; ўртадаги одам.

Танғилмоқ – чулғанмоқ.

Тараххум – раҳм килиш, ғамхўрлик.

Тати – асли.

Тикка-тикка – тилка-тилка.

Тири ишқ – ишқ ўқи.

Тиши (таши) – ташқариси.

Тозиёна – қамчи.

Този – дostonда от маъносида келган.

Тўпар – тўп. Тўпар одам – бир тўп одам.

Тўталаб – ўрталаб.

Тўқол – кичик хотин.

Ул – ўғил.

Улги – пусха, нишона.

Хайма – чодир.

Хезламоқ – тез ҳаракат билан олдинга интилмоқ; отни тезлатмоқ.

Хок – тупроқ.

Холи – якка. Холилаш – ягоналаш.

Хун – пишон – кўз ёши.

Хушрўй – чиройли, гўзал.

Чавқи – кўпчилиكنинг томошаси учун олов атрофида ташкил этиладиган базм.

Чайпамоқ – чайқамок.

Чағат – паст-баланд тошлоқлар, тошлоқ ер.

Чироз – зих.

Чокда – вақтда.

Чуймоқ – қуш солмоқ, ов қушини овладиган қушга йўлламоқ.

Чуччи – ширин.

Чўртта – шартта.

Шаваллик – бахши “дараза” деб изоҳлаган.

Шамоллик – шамол ўтадиган туйнук, дарча.

Шерози – дostonларда йигит маъносида қўлланилади.

Шу пилла – шу вақт.

Шуйтиб – шуңдай қилиб.


Шунақ – шунака.

Шў – ўша.

Эҳтиёж қилмоқ – эҳтиёт қилмоқ; маҳкам қилмоқ.

Ўсмоқ – узмоқ.





Ўкинган – тутинган.

Қайтиб – қандай қилиб.

Қала – шаҳар.

Қалъа – қўрғон.

Қаламрав – бир подшо қўл остидаги мамлакат.

Қанжиға – эгарнинг олдиға ёки орқасига бирор нарсани тапғиш учун боғлаб қўйилган махсус тасма.

Қиппидим – қилиб эдим.

Қоламаси – қолгани.

Қопалам – тоғ камари (бахши изохи).

Қори – дostonда кўр маъносида.

Қуло туз – кенг чўл, кенг дала, кенг текислик. **Қулоли дашт** – кенг дашт.

Қусамoқ – истамoқ.

Қўшан – тўёна.

Ҳавор – текислик.

Ҳайло – ҳу, ана.


Ҳамбўйинса – тенгкур.

Ҳаққат (ҳаққон) – ҳақиқат.

Ҳижри-хили – ҳижрон ҳили.

Ҳубдир – жуда яхши.





БАХШИ ВА ЁЗИБ ОЛУВЧИЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Ислом Назар ўғли

Атокли халқ шоири, улкан дostonчи Ислом Назар ўғли 1872 йилда Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Галақассоб кишлоғида деҳқон oilасида туғилди. Шу пайтгача илмий адабиётларда шоирнинг туғилган йили “1874 йил” дея хато кўрсатиб келинади. Эндиликда “Таржимаи хол”ида шоирнинг ўзи айтганига асосланиб, бу хатони тузатишимиз зарур.

Ислом шоир ёшлигидан бошлаб чўпонлик қилди, деҳқончилик билан шуғулланди, кейинрок артель ва жамоа хўжалигида меҳнат қилди. 1939 йилдан бошлаб маданий тадбирларида фаол иштирок этди.


Ёшлигидан дўмбира чертиш ва термалар куйлашга кизикқан Ислом Назар ўғли дostonчилик сирларини дастлаб ўз бобоси Ражаб шоирдан ўргана бошлади, сўнг ўз дaврининг улкан дostonчиси Эрназар шоирга шогирд тушди ҳамда йигирма беш ёшларида таникли бахши бўлиб етишди. У “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Рустамхон”, “Кунтуғмиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Орзигул”, “Соҳибқирон”, “Эрали билан Шерали”, “Гулихиромон”, “Зулфизар билан Авазхон”, “Нигор ва Замон”, каби ўттизга яқин халқ дostonлари ҳамда жуда кўп анъанавий ва замонавий термаларни умр бўйи куйлаб келган шоирдир. Унинг “Жангома” (1942), “Қаҳрамоннома” (1942), “Страна боевая” (1942), “Танланган асарлар” (1953) каби тўнламлари, “Орзигул” (1941, 1956, 1961, 1975), “Нигор ва Замон” (1954), “Соҳибқирон” (1964), “Гулихиромон” (1965), “Зулфизар билан Авазхон” (1962, 1976), “Эрали билан Шерали” (1967, 1987) сингари дostonлари, вақтли матбуотда юзга яқин шеър ва термалари нашр этилган.

Атокли халқ шоири Ислом Назар ўғли 1953 йилнинг 17 июнида вафот этди. Қабри Нарпай тумани маркази Октош шаҳарчаси қабристонида. 1975 йилнинг сентябрида шоирнинг 100 йиллиги кенг нишонланди ва Октош шаҳарчасида “Орзигул” хиёбони ташкил этилиб, ҳайкали ўрнатилди ҳамда уй-музейи очилди.

Г.М. Минсафин

Ўтган асрнинг 30-40-йилларида Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаган Г.М.Минсафиннинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида маълумотлар сақлашиб қолмаган. Фақатгина унинг 1941 йилнинг июль ойида ўзининг “ёзиб олувчи Г.М.Минсафин”,





деган биргина қайдига асосланиб, “Эрали билан Шерали” достони ёзиб олганлигини биламиз, холос. Унинг Нарпай туманида ўқитувчи бўлиб ишлаганлиги ҳақидаги мулоҳазаларимиз ҳам бир тахминдир. Ҳатто ўн икки варақлик эллик бешта ўқувчи дафтарига ёзиб олинган “Эрали билан Шерали” достони кулёзмасининг бирор ерида ўз исмини ҳам қайд этмаган. Фақат “Г.М, Минсафин”, дея қайд этган, холос. Аммо бу олийжаноб ва ўта камтар инсоннинг бажарган иши маданий ҳаётимиздаги катта воқеалардан бири сифатида фольклоршунорслик тарихида абадий қолишга ҳақлидир.

Мунисхон Тошпўлатова

Фольклор тўпловчи Мунисхон Тошпўлатованинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида маълумотлар сақланмаган. Унинг ёзиб олган фольклор намуналарига асосланиб, 1938- 1940 йилларда Тил ва адабиёт институтида лаборант бўлиб ишлаганлигини қайд қилиш мумкин. У Фозил Йўлдош ўғлидан “Гўрўғлининг Авазхонни олиб кетиши” достонини, бир қатор бахшилардан кўплаб термаларни, жумладан, Ислом шоирнинг “Нимани айтайин” ҳамда “Дўмбирам” термаларини ёзиб олган.

Ҳоди Зариф

Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотининг лауреати (1973), филология фанлари доктори (1965), профессор (1967) Ҳоди Зариф (Ҳоди Тиллаевич Зарифов) 1905 йил 20 мартда Тошкент шаҳрида табиб оиласида туғилган. Дастлаб эски мактабда, сўнг бир муддат рус-тузем мактаби, 1916 йилдан жадидларнинг янги усулдаги мактабида, 1919 йилда Ўзбек билим юртида, 1923 – 1926 йилларда Боку ўқитувчилар семинариясида (Дорулмуаллиминда) ўқиган.

Меҳнат фаолиятини 1920 йилда Тошкентдаги интернат-мактаб ўқитувчиси ва болалар боғчасида тарбиячи сифатида бошлаган. 1921 – 1922 йилларда Тошкент эски шаҳар ёшлар ташкилотида бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1926 йилнинг охирларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш қўмитасида илмий ходим ва давлат илмий кенгашида бўлим мудири вазифасида ишлай бошлаган. Шу билан бирга, фольклор асарларини ёзиб олиш, нашр этиш ва ўрганиш ишлари билан доимий равишда шуғулланиб келган. 1928 йилда Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси ҳузурида фольклор, этнография ва археология бўйича илмий-текшириш кабинети ташкил этиб, унга мудир бўлди. Бу кабинет ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий



помидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг дастлабки ташкилий асосидир.

1929 – 1931 йилларда Ўзбекистон давлат илмий-текшириш институтида, 1931 – 1933 йилларда Маданий қурилиш илмий-текшириш институтида Этнография ва фольклор секторининг мудири бўлиб ишлаган Ҳоди Зариф 1934 йилдан умрининг охиригача Тил ва адабиёт институти Фольклор сектори (бўлими)нинг мудири сифатида фаолият кўрсатди. Айни вақтда 1944 – 1948 йиллада Тил ва адабиёт институти директори, 1955 – 1962 йилларда директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари вазифаларида ишлади.

Асосий асарлари: “Ўзбек фольклори” (икки жилдли), “Ўзбек халқ қаҳрамонлиқ эпоси”, “Навоий замондошлари”, “Фозиллар фазилати”, “Муҳаммад Амин Муқимий”, “Алпомиш” достонининг асосий мотивлари”, “Аршақ – шақ қаҳрамони”, “Ўзбек фольклоршунослиги тарихидан”, “Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари”, “Фольклор ва термин тўпловчиларга қўлланма” ва бошқалар.

Ҳоди Зариф кўплаб фольклор асарларини, жумладан, ушбу жилдга киритилган Ислом шоирнинг “Борми жаҳонда” термасини ёзиб олган ҳамда уларни нашр этган олимдир. Улкан олим 1972 йил 13 январь куни 67 ёшида вафот этди. Қабри Форобий кўчасидаги қабристонда.

Охунжон Собиров

Таникли фольклоршунос, филология фахлари номзоди Охунжон Собиров 1920 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1928 - 1934 йилларда тўлиқсиз ўрта мактабда, 1934 – 1937 йилларда Покровский номидаги Тошкент педагогика билим юртида, 1937 – 1942 йилларда В.Г.Белинский номидаги Тошкент кечки педагогика институтида ўқиди. Ўқиш билан бирга 1937 – 1941 йилларда Ўзбекистон давлат нашриётида хизмат қилди. 1947 – 1950 йилларда Тошкентдаги 11- ва 16-мактабларда она тили ва адабиётдан дарс берди. 1951 – 1954 йилларда Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таълим олди. 1954 – 1957 йилларда Қарши давлат педагогика институтида ўқитувчи, 1957 – 1959 йилларда Қўқон давлат педагогика институтида кафедра мудири вазифаларида ишлади. 1959 йилдан то умрининг охиригача, яъни 1982 йилнинг 14 ноябригача Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида кактга илмий ходим лавозимида самарали фаолият кўрсатди.

Охунжон Собиров “Ислом Назар ўғли”, “Умир шоир Сафаров”, “Бахшилар сардори”, “Халқ ижоди хазинаси”, “Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор”, “Яшин ва халқ ижоди”, “Сарчашма адиб ижодида”, “Ойбек ижодида фольклор” каби монография ва рисоаларнинг муаллифидир. У жуда кўп фольклор асарларини, жумладан, ушбу жилдга киритилган Ислом шоирнинг “Таржимаи ҳол”ини ёзиб олган, уларнинг энг яхши намуналарини нашр этган олимдир.



«ЭРАЛИ БИЛАН ШЕРАЛИ» ДОСТОНИ

Айтувчи: Зиёдулла бахши Аҳмедов

Ёзиб олувчи: Маматқул Жўраев

8

6

11

hey ey - yo-rey

17

hey

23

29

hay Bu-gun me- ning o- g'am ko'ng-lin

34

a- lam di _____ Ko'z-lar- ing - da bir am- ko'r may...

39

jo- lang - di _____ Bir- fa - si- ga... qu- loq sol - gin...


44

o- g'o- jon ey

50

hey Esh- it - gin - da me- ning qil- g'an. no- lam - di






2

55



61



66




71



76



82



87



93



98



103




108



113













«ЭРАЛИ БИЛАН ШЕРАЛИ» ДОСТОНИ



Айтувчи: Зиёдулла бахши Аҳмедов


Ёзиб олувчи: Маматқул Жўраев





2





117
hey

123
hay May-don may- don_ je-la-di


128
hay Aya-may jal-lod hay-da-di

133
hay Ik-ko - vi-ni

138
g'i- zil - la-tib jal- lod - lar ey hey

145
Pod sho ning ol-di g'a ke lib_ qo-la-di





«ЭРАЛИ БИЛАН ШЕРАЛИ» ДОСТОНИ

Айтувчи: Зиёдулла бахши Аҳмедов

Ёзиб олувчи: Маматқул Жўраев

6 Hay Hay yar ey

12 Hay Ey

18 Ti hm-ay

24 Ey

30


35 hay ko'z-lar-im-dan o'on-li yo-shim ti - zil-di

41 hay Dun-yong qur-sin ko'n-gil - lar-im bu - zil-di .

47 hay Bir may-don-g'a men ji - lay _man jon pi-rim-ey

53 hay E - shit-gin - da iz - il - la-g'an so'-zim-di hey





2

59



65



Hay Gap ke-la - di

70



o-dam-zot-ning ti - li- dan

hay Bir ish kel-mas

76



mush-ti - par-ning qo'-li- dan

hay Quv-var be-rar


82



ku-ning kel di hey jon pi-rim ey

hay Men-day e-na

88



sho'r ay - ril - di ik - ki uli - dan

94



99



105



110



Hay San gar-dey-di-da me- ning e- lim di ay

115



hay Bu-gun bosh-ga o-lar bo'l-dim zu lm-di


121




hay Be-go-na er - di dey-man-da

jon pi-rim- ey







РЕЗЮМЕ

В очередную книгу 100 томного издания “Памятники узбекского народного творчества”, подготовленного Институтом языка и литературы АН РУз, вошел дастан “Эрали и Шерали” известного представителя нарпайской дастанной школы Ислама шаира Назар углы.

Дастан “Эрали и Шерали” был записан Г.М.Минсафиним от известного народного сказителя Ислама шаира Назар углы (1874 – 1953) в июле 1941 года. Рукопись дастана хранится под инвентарным номером 343 в Фольклорном архиве Института языка и литературы АН РУз. Дастан был записан в 55 двенадцатистраничной тетради, объем которой составил 630 страниц.

Этот дастан, записанный от народного сказителя Ислама шаира Назар углы, до последнего времени считался обновленной версией варианта дастана “Ширин и Шакар”. Однако, серьезный анализ их сюжетных структур и художественно-стилистических особенностей доказывает, что имеющие в прошлом одинаковые историко-бытовую и генетическую основу они в процессе последующего развития и устного исполнения достигли до уровня самостоятельного поэтического произведения. Близость и сходство между дастанами бросается в глаза только в общих направлениях сюжета, связанного с возвращением домой двух приговоренных к смерти близнецов или двух молочных братьев, изгнанных по клевете мачехи отцом из родного дома, а также в сценах наказания клеветников. Подобные сходства не свидетельствует о том, что они являются вариантами или версией друг друга, потому что в основных мотивах каждого их двух дастанов имеются серьезные различия. Эти различия полностью подтверждают творческое мастерство и возможности узбекских бахши-сказителей создавать новые дастаны в рамках общего сюжета, столь распространенного в устной поэзии народов мира. Дастан “Эрали и Шерали” является одним из своеобразных эпических произведений в репертуаре Ислама шаира Назар углы.

Описание сцен клеветы мачехи на братьев близнецов Эрали и Шерали, приговора их к смертной казни по приказу родного отца, замена смертной казни и оставление их связанными в пустыне после вмешательства покровителя Оппокходжи эшана, расставание братьев по воле судьбы, их переживания, восшествие на трон правителя Багдада Эрали, известность Шерали под





именем Заргархана, любовь к нему Офтобой – дочери царя Багдада, встреча после семилетней разлуки братьев, их героические деяния, а также эпическая картина возвращения на родину и наказание клеветников восхитительны и поражают красотой художественного исполнения.

Бахши для полнокровного раскрытия приключений героев, их психологического состояния мастерски пользуется такими выразительными приемами как видение сна, состояние беспамятства, запоминание произошедших событий, разнообразными символами и иносказаниями, жизненными деталями, этнографическими материалами и сказочными мотивами.

Дастан “Эрали и Шерали” по своему объему, художественно-изобразительным особенностям занимает особое место не только в репертуаре Ислама шаира, но и в узбекском дастанном творчестве в целом. В нем полностью проявилось импровизаторское мастерство Ислама шаира. Преимущество форм четверостиший в структуре стихотворных партий, использование в зависимости от ритма изображаемых сцен двусложных, трехсложных, пятисложных и даже стихотворных форм, свойственных хорезмской дастанной школе, употребление в рамках одного стихотворного размера разнообразных слоговых форм, многообразие рифмов свидетельствуют о высокопоэтическом структурировании дастана.

Кроме этого, в данный том в качестве приложения включен “Таржима хол” (“Автобиография”), записанная из уст самого сказителя в 1951 году фольклористом Охунджаном Сабировым. Рукопись дастана “Таржимаи хол” хранится под инвентарным номером 1168 в Фольклорном архиве Института языка и литературы АН РУз., и может служить научным источником при изучении творческой деятельности бахши, вобравшей в себя все сказительские особенности нарпайской дастанной школы, исследовании источников формирования эпического репертуара, исполнительской традиции.

Кроме этого, в “Приложении” данного тома приводятся некоторые песни-терма, а также, воспоминания его учеников и близких.

Данный выпуск 100 томного издания “Памятники узбекского народного творчества” обеспечен вступлением-исследованием, текстом произведения, комментариями, словарем, сведениями о лице, записавшим дастан, списком использованной литературы и источников, условными сокращениями, фотоматериалами, нотными записями, а так же, даются резюме на русском и английском языках.

Объем – 30 п.л.



SUMMARY

In this book of the 100 volume edition of «Uzbek folklore's monuments», prepared by the Institute of Language and literature named after Alisher Navai Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, is included an epos of a well known representative of Narpay's dastan (epos) school of Islam Shair Nazar ogli. «Erali and Sherali».

Dastan of «Erali and Sherali» was recorded by G.M. Minsafin from a famous folk storyteller Islam Shair Nazar ogli (1874 - 1953) in July 1941. The manuscript of dastan is kept under the inventory number of 343 in Folklore's archives of the Institute of Language and literature named after Alisher Navai Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. Dastan was written in 55 12-page notebooks, which consists of 630 pages.

This epos, which was recorded from folk storyteller Islam Shair Nazar ogli, until very recently, was considered the updated version of the epos of «Shirin and Shakar». However, serious analysis of their plot structure, artistic and stylistic features proof that they had the same historical-consumer and genetic basis that's why in the process of further development and oral performance reached to the level of self-poetic work. Proximity and similarity between dastans strike one's eyes only in the common directions of the plot associated with the returning home of two sentenced to death or two twin-brothers who were expelled for slander of stepmother to father from their home, as well as scenes of punishment of slanderers. These similarities do not suggest that they are variants or versions of each other, because the main motive of each of these two dastans have serious differences. These differences fully confirm the creative skill and capabilities of the Uzbek Bakhshi-narrators to create new epics in the frame of general plot, which is widely spread in the oral poetry of the world. Dastan of «Erali and Sherali» is one of the original epic works in the repertoire of Islam Shair Nazar ogli.

Description of the scene of slander of stepmother on twin brothers Erali and Sherali, sentencing them to death by the order of their own father, commutation of death penalty and allowing them to be in the desert after the intervention of the patron Oppokkhodzhi eshan parting brothers in the will of fate, their anxiety, the accession to the throne of the ruler of Baghdad Erali, Serali's being known under the name of Zargarhan, love of Oftoboy - the daughter of the king of Baghdad to him, meeting brothers after seven years of separation, their





heroic deeds, as well as an epic picture of homecoming and punishment of slanderers are admirable and astonish the beauty of artistic performance.

For fully opening of adventure of heroes, their psychological state bakhshi skillfully uses such techniques as having a dream, a state of unconsciousness, remembering of the happened events, a variety of symbols and allegories, vital details, ethnographic materials and fantastic motifs.


Dastan of "Erali and Sherali" by its volume, artistic and visual characteristics takes a special place not only in the repertoire of Islam Shair, but on the whole Uzbek epic creativities. It fully demonstrated improvisatory skills of Islam Shair. The advantage of the structure of the forms of poetic quatrains parties use according to the rhythm of the scenes depicted two-syllable, three-syllable, pentasyllabic and even poetic forms inherent in Khorezm's dastan school their use within a variety of meter syllabic form, the variety of rhyme give evidence about


structuring of this dastan in a high level.

In addition, in this volume is included as an appendix «Tarjimai hol» («Autobiography»), written from the mouth of the narrator in 1951 by folklorist Ohunjan Sabirov. The manuscript of dastan of "Tarzhimai hol" is kept under the inventory number of 1168 in the Folklore archives of the Institute of Language and Literature Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan., and can serve as a scientific source for the study of creative activity of bakhshi, which includes all the features of narrators (of folk tales) of Narpay's dastan school, study of the sources of the epic repertoire, performing tradition.

This edition of the 100 volume edition of «Uzbek folklore's monuments», provided with the entry-research, text of the work, commentaries, dictionaries, information about the person who the dastan was recorded from, a list of references and sources, abbreviations, photographs, musical notation, as well as, given summary in the Russian and English languages.


Volume – 30 sh.





МУНДАРИЖА

<i>Тўра Мирзаев. Ака-ука эгизаклар жасоратини куйловчи дoston</i>	5
Эрали билан Шерали.....	13
Иловалар	327
Таржимаи ҳол.....	328
Термалар	348
Хотиралар.....	353
<i>Қуддус Муҳаммадий. Ислom шоир ҳақида хотираларим</i>	353
<i>Зоҳир шоир Қўчқоров. Устозим ҳақида</i>	356
<i>Ёдгор баҳши Исҳоқов. Устозим ҳақида</i>	360
<i>Қилич баҳши Шукуров. Ҳам устоз, ҳам ота</i>	363
<i>Зиёдулла баҳши Исломов. Отам ҳақида</i>	366
<i>Саъдулла баҳши Хушвақтов. Ҳамиша ёдимда</i>	367
<i>Мукаррам Исломова. Отам ҳақида</i>	370
<i>Мамай баҳши. Устоз шоир</i>	371
Изоҳлар	373
Илова	376
Луғат	379
Баҳши ва ёзиб олувчилар ҳақида маълумотлар	386
Нота илова	389
Резюме	398
Summary.....	400



Ўзбекистон Республикаси Фаолар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Нота-илова муаллифи: Урганч давлат университети “Муסיқа таълими” кафедраси доценти **Самандар Худойберганов**.


Фотоматериалларни нашрга тайёрлаш ишлари **Бехзод Жўраев** томонидан бажарилди.

Резюме таржимонлари: филология фаолари номзоди **Актам Сафаров, Шавкат Бўтаев**.

Матнларни компьютер хотирасига киритувчилар: **Барно Мирзаева**.

Достондаги шеърий мисралар **Мунис Жўраева** томонидан ракамлаб чиқилди.





Адабий-бадиий нашр

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

100 йиллик

Олтинчи йил

ЭРАЛИ БИЛАН ШЕРАЛИ

Достон

Ислом шоир Назар ўғли варианты

Китоб безаклари ва макетини
Шухрат Мирфайёзов тайёрлади

Мухаррир *Санжар Турсунов*
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*
Мусаххих *Доню Тўйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Гулноза Атаханова*

Нашр.лиц. А1 № 154. 14.08.09.

Босишга 2015 йил 12 ноябрда рухсат этилди.

Бичими 70x100 $\frac{1}{16}$. Оффсет босма.

32,7 шартли босма тобоқ. 25,61 нашр тобоғи.

Адади 1000 нусха. 610 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашрёт-матбаа
ижодий уйида chop этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz, E-mail: info@gglit.uz



ISBN 978-9943-03-699-4



9 789943 036994